

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART
SPECIAL ISSUE 1



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№7 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-7>

Бош муҳаррир:

Тўхтасинов Илҳом

п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:

Тухтасинов Илхом

д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:

Tuhtasinov Ilhom

DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматқул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммаед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр

академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бокиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джўраев Маматқул

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммаед

к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Болтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дўстмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода

д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Завкиддин Сувонов БАДИИЙ МАТНДА БАҲСЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	5
2. Нарзиқулов Меҳмон Қурбоналиевич ҲОЗИРГИ ТОЖИКЗАБОН ШОИРЛАРНИНГ ИЖОДИДА ҲАЗАЛ ЖАНРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТАКОМИЛИ.....	10
3. Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич “МАЪНАВИЯТ” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРНИ ЛЕКСИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ЎРГАНИШИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ.....	16
5. Афзуна Назарова Рахимовна АФҲОН ШЕЪРИЯТИДА “ЯНГИ ШЕЪР”НИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	21
6. Nematilloeva Farangiz FEMINIZM ADABIY ASAR SIFATIDA.....	26
7. Бабаҳаджаев Рашид Ҳашимович ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ НА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ.....	32
8. Хуррият Каримова Шариповна ЎЗБЕК ТИЛИДА “ЖАСОРАТ” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПАРАДИГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	37
9. Madina Nuraliyeva Ashirbaeva, Muhabbat Anatolevna Yusupova THE EFFECTS OF APPLYING WEBQUEST TASKS ON THE DEVELOPMENT OF SPEAKING SKILLS IN 10TH GRADES STUDENTS.....	43
10. Kurbanova Charros Botir qizi НИКМАТЛАРГА YO‘G‘RILGAN SHE‘RIYAT.....	48
11. Daminova Mashkhura Zafar kizi IN ENGLISH, THE APPLICATION IS ABOUT THE STUDY OF CONSTRUCTIONS.....	54
12. Азамов Омаджон Бурхонович ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИ ИФОДАЛАШДА ЗООФРАЗЕМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	57
13. Эргашева Зиёда Абдурасуловна ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЕМАНТИК ЎЗГАРИШГА ЮЗ ТУТГАН МУРАККАБ ТАРКИБЛИ ПРЕДЛОГЛАР.....	64
14. Xolnazarov Umid Erkinovich ТОҒАЙ МУРОД ИДИОЛЕКТИГА ХОС ЗООМОРФИК МЕТАФОРЛАР ТАВСИФИ.....	71
15. Малика Ҳасановна Ўктамова ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИСПАН ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР.....	76
16. Махсудова Холисон Умमतовна ОНОМАСТИК ТИЗИМ ГЕНЕЗИСИ.....	81
17. Махсудова Холисон Умमतовна ОНОМАСТИК ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ КУЛЬТУРОЛОГИК ТАБИАТИ.....	88
18. Мадиева Мадина Юсуповна «БРЕНД» ЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАСНИФИГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР.....	95
19. Sindorov Rajapboy Ulugbek o`g`li LINGVOMADANIY BIRLIKLARDA “MUOMALA MADANIYATI”NING METODIK AHAMIYATI.....	101
20. Mavlonov Ulug`bek Tursunaliyevich MILLIY KULOLCHILIKDA TO‘RT UNSURNING AHAMIYATI VA LOYDAN BUNYOD BO‘LGAN SAN‘AT MO‘JIZALARI.....	105

21. Султанова Зулхумор Сабатуллаевна ВАЛЕНТИН ЖУКОВСКИЙ ХАЙЁМ КАШФИЁТЧИСИ.....	111
22. G'aniyev Fazliddin EVROPA ADABIYOTIDA MASALNING ADABIY JANR SIFATIDA TARAQQIY ETISH BOSQICHLARI (LA FONTEN VA XVI ASR ADABIYOTI MISOLIDA).....	116
23. Рузиева Саодат Хасановна ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОСТМОДЕРЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ДЭВИДА МИТЧЕЛА.....	121
24. Nasriyeva Guzal Zulfiddin qizi ADABIY VA IJTIMOiy TAHLIL METODLARI.....	126
25. Ismoilova Marhabo Abduraximovna NATIONAL SPECIFIC LEXICAL GROUPS AS A PART OF NON-EQUIVALENT VOCABULARY.....	131
26. Абдувалиев М.А. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТЎСИҚСИЗЛИК КОНЦЕПТИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР.....	136
27. Панжиева Насиба Нармахматовна ФРЕЙМОВЫЙ АНАЛИЗ СТИЛИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ (НА МАТЕРИАЛЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА).....	145
28. Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич “САБР” УМУМИЙ МАЪНОЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИ.....	149
29. Салимжон Ғаниев, Хулкар Ҳамроева ИЖОДКОРНИНГ ИФОДА УСЛУБИ (Минхожиддин Мирзо асарлари мисолида).....	155




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Завкиддин Сувонов

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили
ва адабиёти университети Тошкент, Ўзбекистон
suvanovzavqiddin1986@gmail.com

БАДИЙ МАТНДА БАҲСЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Бадиий матндаги баҳсли ўринлар ифодасида муаллифни аниқлаш масаласи, бадиий матн муаллифининг гендер белгиси, этник белгиси, ёш белгиси, психик белгиси, руҳий ҳолати белгиси, характер белгиси, ғайриахлоқий мазмун, гиёҳванд моддалар тарғиби, гендер камситиш ва таҳқирлаш, этник камситиш ва таҳқирлаш, миллий камситиш ва таҳқирлаш, ирқий камситиш ва таҳқирлаш, диний камситиш ва таҳқирлаш, айирмачлик (сепаратизм), жинсий тажовуз тарғиби, тарихий ҳақиқатни бузиш, ғайриилмий қарашларни илгари суриш, диний ҳукмларнинг нотўғри талқини, ғайриқонуний ҳаракатларнинг оқланиши ҳолатлари, нотўғри таржима ҳолатлари, мантиқий хатоликлар, ноўрин ифодалар, илмий хатоликлар, яширин ғояларни аниқлаш назарда тутилади.

Калит сўзлар: бадиий матн, лингвистик экспертиза, гендер белгиси, этник белги, ёш белгиси, психик белгиси, руҳий ҳолати белгиси, характер белгиси, умумий дунёқараши, услуб белгилари, грамматик хусусият, метафорик хусусияти, экспертиза объекти.

Zavkiddin Suvonov

Doctor of Philosophy in Philology (PhD).

Named after Alisher Navoi

University of Uzbek Language and Literature

suvanovzavqiddin1986@gmail.com

PRINCIPLES OF IDENTIFYING CONTROVERSIAL MATERIAL IN A LITERARY TEXT AND ITS LINGUISTIC EXAMINATION

ABSTRACT

The question of identifying the author in the expression of controversial positions in the literary text, the gender sign, ethnic sign, age sign of the author of the artistic text, mental sign, mental state sign, character sign, immoral content, drug promotion, gender discrimination and humiliation, ethnic discrimination and humiliation, national discrimination and humiliation, ethnic discrimination and humiliation, national discrimination and humiliation, racial discrimination and humiliation, religious discrimination and humiliation, separatism, promotion of sexual assault, violation of historical truth, promotion of unscientific views, misinterpretation of religious judgments, cases of

justification of illegal actions, wrong translation cases, logical errors, inappropriate expressions, scientific errors, hidden ideas are meant to be identified.

Key word: artistic text, linguistic expertise, gender sign, ethnic sign, age sign, mental sign, mental state sign, character sign, general outlook, style signs, grammatical feature, metaphorical feature, object of expertise.

Завкиддин Сувонов

доктор философии по (PhD) филологическим наукам
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои Ташкент, Узбекистан
suvanovzavqiddin1986@gmail.com

ПРИНЦИПЫ ВЫЯВЛЕНИЯ СПОРНОГО МАТЕРИАЛА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ И ЕГО ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

АННОТАЦИЯ

Вопрос идентификации автора в выражении спорных позиций в художественном тексте, гендерный признак, этнический признак, возрастной признак автора художественного текста, ментальный признак, признак психического состояния, признак характера, аморальное содержание, наркотик продвижение по службе, гендерная дискриминация и унижение, этническая дискриминация и унижение, национальная дискриминация и унижение, этническая дискриминация и унижение, национальная дискриминация и унижение, расовая дискриминация и унижение, религиозная дискриминация и унижение, сепаратизм, пропаганда сексуальных посягательств, нарушение исторической правды, пропаганда ненаучных взглядов, неверное толкование религиозных суждений, случаи оправдания незаконных действий, неправомерные переводческие случаи, логические ошибки, неуместные выражения, научные ошибки, скрытые идеи предназначены для выявления.

Ключевые слова: художественный текст, лингвистическая экспертиза, гендерный признак, этнический признак, возрастной признак, психический признак, признак психического состояния, признак характера, общее мировоззрение, стилевые признаки, грамматический признак, метафорический признак, объект экспертизы.

Бадий матнинг лингвистик экспертизаси – асар моҳиятидаги ёзма нутқ асоратларини аниқлаш учун ҳам зарур. Бадий асар тили – воқеликни тасвирлаш, бадий воситаларининг бутун мажмуаси, муаллиф фойдаланадиган ва унинг асарларида мустаҳкамланган барча бадий услублар мажмуи. Бу тилни адабий тилдан – миллий тилнинг лингвистик воситаларни танлаш натижасида ривожланган ва она тилида сўзлашувчилар томонидан меъёр сифатида қабул қилинадиган қайта ишланган шаклдан фарқлаш керак. Унда қуйидаги баҳсли материалларни аниқлаш бирламчи ҳодиса. Умуман бадий матнинг лингвистик экспертизаси учун қуйидагилар муҳим:

1. Бадий матнда миллий камситиш ва таҳқирлаш;
2. Бадий матнда геосиёсий жиҳатдан ирқий камситиш таҳқирлаш;
3. Бадий матнда диний камситиш ва таҳқирлаш;
4. Бадий матнда (ҳар қандай) айирмачлик (сепаратизм);
5. Бадий матнда кашандалик, алкоголизм тарғиби;
6. Бадий матнда жинсий тажовуз тарғиби;
7. Бадий матнда тарихий ҳақиқатни бузиш;
8. Бадий матнда ғайриилмий қарашларни илгари суриш;
9. Бадий матнда диний ҳукмларнинг нотўғри талқини;
10. Бадий матнда ғайриқонуний ҳаракатларнинг оқланиши ҳолатлари
11. Бадий матнда нотўғри таржима ҳолатлари;
12. Бадий матнда мантиқий хатоликлар;

13. Бадиий матнда ноўрин ифодалар;
14. Бадиий матнда илмий хатоликлар;
15. Бадиий матнда яширин ғояларни аниқлаш;

Бадиий матнни тадқиқот объекти сифатида ўрганиш хусусиятлари ва лингвистик экспертиза муаммоларида баҳсли материални ўрганиш ҳамда муаммони ечишда қуйидагилар муҳим.

1. Муаллифни аниқлаш масаласи;
2. Бадиий матн муаллифининг гендер белгиси;
3. Бадиий матн муаллифининг этник белгиси;
4. Бадиий матн муаллифининг ёш белгиси;
5. Бадиий матн муаллифининг психик белгиси;
6. Бадиий матн муаллифининг руҳий ҳолати белгиси;
7. Бадиий матн муаллифининг характер белгиси;
8. Бадиий матн муаллифининг умумий дунёқараши;
9. Бадиий матн муаллифининг услуб белгилари;
10. Бадиий матн муаллифининг лексиконидаги хусусиятлар;
11. Бадиий матн муаллифининг грамматик хусусияти;
12. Бадиий матн муаллифининг метафорик хусусияти;
13. Бадиий матннинг экспертиза объектлари;
14. Бадиий матнда экстремистик мазмун;
15. Бадиий матнда ғайрияхлоқий мазмун;
16. Бадиий матнда гиёҳвандлик тарғиби;
17. Бадиий матнда гендер камситиш ва таҳқирлаш;
19. Бадиий матнда этник камситиш ва таҳқирлаш;
20. Бадиий матнда миллий камситиш ва таҳқирлаш;
21. Бадиий матнда ирқий камситиш ва таҳқирлаш;
22. Бадиий матнда диний камситиш ва таҳқирлаш;
23. Бадиий матнда айирмачлик (сепаратизм)
24. Бадиий матнда жинсий тажовуз тарғиби;
25. Бадиий матнда тарихий ҳақиқатни бузиш;
26. Бадиий матнда ғайриилмий қарашларни илгари суриш;
27. Бадиий матнда диний ҳукмларнинг нотўғри талқини;
28. Бадиий матнда ғайриқонуний ҳаракатларнинг оқланиши ҳолатлари;
29. Бадиий матнда нотўғри таржима ҳолатлари;
30. Бадиий матнда мантиқий хатоликлар;
31. Бадиий матнда ноўрин ифодалар;
32. Бадиий матнда илмий хатоликлар;
33. Бадиий матнда яширин ғояларни аниқлаш.

Бадиий матн таҳлил объекти сўздир. Бироқ, филологларнинг эътиборини доимо нутқ алоқасининг асосий бирлиги сифатида матн жалб қилиб келган. Тилшуносликда матн “тил алоқалари ва муносабатлари асосида ташкил этилган, синтактик бирликларни мазмунан бирлаштириб, бир бутунга тўплашувчи нутқ бўлаги” [1.83], деб таърифланади. Бошқача айтганда, матн лисоний боғланишларга асосланади. Матн синтактик бирликлардан иборат бўлиб, у тўлиқ ва бутун ҳолатда бўлиши керак.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида” 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори: Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорига 1-илова, Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақида низом ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-

сон қарорига 2-илова Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомлар мавжуд [2.48]. Баҳолаш объектлари баҳоси бўйича материалларни баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади (ҳозирги таркиб ҳам шунақа): Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари, комиссия раиси, Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори, комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти бошқаруви раиси, Ўзбекистон Баҳоловчилар уюшмаси Мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси, Давлат рақобат қўмитасининг Баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш бошқармаси бошлиғи яна 4 та эксперт.

Лингвистик маконидаги матнлараро муносабатлар, ундаги ўзаро таъсирлар ва интертекстуалликнинг матн бўлиш усули (Ю.Кристева, Р.Барт, У.Эко, Н.Фатеевалар), диалогик матннинг хоссаси нуктаи назаридан интертекст тушунчаси (М.Бахтин), прецедент матн (Ю.Н.Караулов), прецедент матннинг мавжудлик услуги (танқид, тақриз, ишора, ҳавола, иқтибос, транскрипсия, парафраз, пародия, ремейк, фильмга мослашиш, сахналаштириш ва бошқалар), матн ичидаги матн (Ю.Лотман, П.Тороп), матнлараро ўзаро таъсир доирасининг таснифи (Ж.Генетте) матнлараро алоқалар ва бадий матнни талқин қилишда мантиқий-семиотик ёндашув имконияти масалаларига олимлар турли муносабатлар билдиришган. Матнлараро ўзаро таъсир ва бадий матннинг семантик тузилишида чексиз семиоз ва адабий матнни талқин қилиш чегаралари (В. Еко) матндаги ўз ва ўзлашган қатлам сўзлари ҳам аҳамиятли.

Илмий, публицистик, баҳсли суд ва реклама матнлари орасида ҳарфлар, эслатмалар ва граффитилар орасида (нутқ фаолиятининг периферик турлари сифатида) алоҳида ўрин эгаллайди.

Адабий матнлар дегенда, одатда, бадий матнга ҳиссий мазмунни етказиш учун эстетик нуктаи назардан лингвистик воситалардан фойдаланувчи матн тушунилади. Академик Т.Б.Шчербага кўра, “Мен талабаларни матнни лингвистик текширишга ва рус тилининг индивидуал экспрессив элементларининг энг яхши семантик хусусиятларини излашга кўниктира бошладим. Мақсад – адабий асарларнинг ғоявий ва боғлиқ ҳиссий мазмуни ифодаланадиган лингвистик воситаларни кўрсатиш” [3.97]. Бадий матннинг лингвистик таҳлили ўша адабий асарнинг ғоявий ва ҳиссий мазмунини ифодаловчи лингвистик воситаларни” [4.56] очиб беради.

Бадий матнни лисонийлик нуктаи назари орқали таҳлил қилиш жараёнида ёзувчининг тил унсурларидан фойдаланиш маҳоратини намоён этадиган, эмоционал-экспрессив ифода семалари қабарик ҳолда реаллашган лекслк бирликларни аниқлаш ва улар адибнинг бадий-эстетик мақсадига қай даражада хизмат қилгани ҳақида мулоҳаза юритиш ҳақида гап боради. Бунинг учун бадий асар таркибидаги синоним, амоним, антоним, аноним, кўп маъноли, тарихий ва архаик сўзлар, ўзлашган қатлам сўзлари, диалектик сўзлар, четдан кириб келган ва вулгар сўзлар ажратиб олинадиган ҳамда асарга нима мақсад билан олиб кирилганлиги изоҳланади.

Филологик асарларда бадий матнни мураккаб тил ва нутқ шаклланиши сифатида ташкил этиш тамойиллари таҳлил қилинади. Лекин кўплаб илмий фанларни ўзида мужассам этган ҳар томонлама ва кўп қиррали ёндашувгина бадий матн каби кўламдор ҳодисани яхлит кўриш имконини беради.

Адабий тил адабиётнинг бирламчи ҳодисаси бўлгани каби, бадий матннинг лингвистик экспертизасига ва баҳсли матнга ҳам уни адабий-стилистик жиҳатдан ўрганишнинг асоси сифатида қаралади.

Ҳозирги адабий жараёнда бадий адабиётни тарихий-адабий ва стилистик ўрганиш ўртасида ҳамон тафовутлар мавжуд. Ва, бу бўшлиқни қисман тўлдириш учун стилистика масаласи пайдо бўлди. И.З.Серман услуб масалаларини ўрганишни бутунлай ўз олдига мақсад қилиб қўяди ҳамда ўзи адабиёт тарихига муносабат билдириб, адабий асарларга умумий

ғоявий ва реал-тарихий шарҳ қолдирди [5.273-274]. Унинг фикрлари ифодаси ўлароқ, сўз ва шаклларнинг маъноларини, тил тизимидан четга чиқиш фактларини ҳамда эскирган сўзларни тушунтиришни ўз ичига олади.

Баъзан лингвистик таҳлил учун бадиий матн биринчи навбатда маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Кейин ундаги баҳсли матн маълум бир маданият доирасида етарли даражада тушуниб бўлмайдиган ва маданий шарҳни талаб қиладиган элементларни, англатади ҳамда намоён қилади.

Лингвистик таҳлил доирасида стилистик таҳлил мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида умумий тил ва муаллиф метафоралари англашилади. Муаллиф томонидан яратилган образли воситалар нутқнинг меъёрий ҳодисалари билан боғланиши орқали тил имкониятлари талқин этилади.

Бадиий матн ёки журналистик суриштирувдаги баҳсли матнни анъанавий жиҳатдан лингвистик текширишга миллий маданият, ижтимоий тафаккур маҳсули сифатида қаралади. Унинг қайсидир давр билан, адабий жараёндаги ўрни ва боғлиқлигини очиб беради. Адабий таҳлил эса поэтиканинг мавзу, жанр, образ, композиция, сюжет каби категориялари билан иш кўради. Адабий таҳлил асарнинг ғоявий мазмуни ва бадииятини очиб беришни назарда тутди [6.20]. Бу ҳолда бадиий матн ичидаги баҳсли матннинг ўзига хос хусусиятларини очиш матннинг ички захиралари асосида содир бўлади. Бунда асарнинг яратилиш даврига мурожаат қилинади. Бундан ташқари, бадиий асардаги хронотоп масаласи ҳам муҳим. Бундай ҳолатда матн ҳар доим ҳам муаллиф билан, ҳатто ўқувчи билан ҳам боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида таассурот қолдиради кишида. Адабиётшунос учун булар гўё асарга нисбатан ташқи ҳодисалар бўлиб, матннинг ўзини тушунишга халақит беради. Шундай қилиб, бадиий асардаги баҳсли матнни лингвистик текширув матндаги қандайдир имманент мавжудлик, ўзига ёпиқ тизим сифатида кўриб чиқишни қамраб олади.

Демак, Ю.М.Лотман шеърий матндаги баҳсталаб жараёни адабий таҳлил қилиш тамойилини белгилаб, ушбу таҳлил доирасидан ташқарига чиқадиган барча саволлар, яъни “бадиий матннинг ижтимоий фаолияти муаммолари, ўқувчи идрок этиш психологияси ва ҳ.к... Дикқат мавзуси алоҳида, аллақачон, тугалланган ва ички мустақил бир бутун поэтик кўлам сифатида олинган адабий матн бўлади” [7], дейди.

Бадиий асарнинг социологик талқини, ўз навбатида, уни ўз даврининг “хужжати”, “ёдгорлиги” (адабиётшуносликдаги маданий-тарихий мактаб) сифатида кўриб чиқишни ўз ичига олади. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос асослари бор. Бироқ, муаллифнинг хаосга нисбатан, индивидуал, шахсий нуқтаи назари ва дунёқараши таҳлил доирасидан ташқарида қолмоқда. Лингвосентрик ва социологик ёндашувлардан ташқари, матнда муаллифнинг оғзаки ва ақлий фаолияти маҳсули сифатида бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд. Бунда баҳсли матн нафақат тил тизими ёки бошқа матнлар билан, балки унинг психологик ҳолати билан ҳам боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Русская грамматика : [в 2 т.] / Акад. наук СССР, Ин-т рус. яз. ; [редкол.: д. филол. н. Н. Ю. Шведова (гл. ред.) и др.]. - Москва : Наука, 1980-1982. С. 83.
2. <https://lex.uz/docs/1378648>
3. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. М., 1957. – С. 97.
4. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. 1988. - С. 56.
5. Серман И.З. . Поэзия К. Н. Батюшкова. Ученые записки ЛГУ, серия филологических наук, вып. 3, Л., 1962, стр. 273-274.
6. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. 1988. С. 20.
7. https://vk.com/doc12780981_586871158?hash=7vg2si4Zq2gSETqWsjIWSiEMnGwM7elWGFxgWMGOdMD. С.5-6.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Нарзикулов Мехмон Курбоналиевич,
Ш.Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти
e-mail: mehmonnarziqulov@gmail.com

ҲОЗИРГИ ТОЖИКЗАБОН ШОИРЛАРНИНГ ИЖОДИДА ҒАЗАЛ ЖАНРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТАКОМИЛИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ғазалнинг шеърӣ шакли тожик адабиётининг энг машҳур лирик шаклларида бири бўлиб, у доимо биринчи ўринда туради. Тожик адабиёти ғазал шеърӣятидан бутунлай воз кечган шоирни эсламайди. Яъни, ғазал ҳамма замонларда ҳам энг машҳур шеър шакли бўлиб қолган. Бироқ унинг мазмуни замонга қараб қисман ўзгаришларга учради. Дастлаб ишқий лаҳзаларни куйлаш, тасаввуфий туйғуларни ифодалаш, фалсафий фикрларни ифодалашга қаратилган бу шеърӣ шакл бир-икки мисрада сиёсий, ижтимоий, тарихий лаҳзаларни гавдалантира бошлади.

Калит сўзлар: Санъат, ғазал жанри, назм, наср, ошиқона ғазал, Паймон, Абдулло Субҳон, адабиёт, шеър

Нарзикулов Мехмон Курбоналиевич,
докторант Самарқандского государственного университета,
e-mail: mehmonnarziqulov@gmail.com

ЖАНР ГАЗАЛЕЙ И ЕГО КОМПЛЕКСНОЕ РАЗВИТИЕ В ТВОРЧЕСТВЕ СОВРЕМЕННЫХ ТАДЖИКОЯЗЫЧНЫХ ПОЭТОВ

АННОТАЦИЯ

Стихотворная форма газели – одна из самых известных лирических форм таджикской литературы, и она всегда на первом месте. Таджикская литература не помнит поэта, полностью отказавшегося от газельной поэзии. То есть газель всегда была самой популярной формой поэзии. Однако его содержание со временем претерпело частичные изменения. Первоначально направленная на воспевание романтических моментов, выражение мистических чувств и выражение философских мыслей, эта поэтическая форма стала воплощать политические, социальные и исторические моменты в одном-двух стихах.

Ключевые слова: Искусство, жанр газели, поэзия, проза, романтическая газель, Паймон, Абдулла Субхан, литература, поэзия

Narziqulov Mehmon Qurbonaliyevich,
doctorate Samarkand State University.
email: mehmonnarziqulov@gmail.com

THE GENRE OF GAZELLES AND ITS COMPLEX DEVELOPMENT IN THE WORKS OF MODERN TAJIK-SPEAKING POETS

ABSTRACT

The poetic form of the ghazal is one of the most famous lyrical forms of Tajik literature, and it is always in the first place. Tajik literature does not remember a poet who completely abandoned ghazal poetry. That is, the ghazal has always been the most popular form of poetry. However, its content has undergone partial changes over time. Initially aimed at singing romantic moments, expressing mystical feelings, and expressing philosophical thoughts, this poetic form began to embody political, social, and historical moments in one or two verses.

Key words: Art, ghazal genre, poetry, prose, romantic ghazal, Payman, Abdullah Subhan, literature, poetry

Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон заминида яшаб, ижод қилаётган тожикзабон шоирлар орасида ҳам ғазал жанрида ижод қилаётганлар анчагина бўлиб, ушбу шоирлар ижодида мумтоз ғазалчилик услубидан тортиб замонавий ғазалчиликнинг турли кўринишларида яратилган намуналарни кўриш мумкин. Маълумки, ўзбек ва тожик халқи бир-бирлари билан азал-азалдан маданий ва адабий жиҳатдан алоқада бўлиб келишган. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийларнинг дўстлиги бунинг ёрқин далилидир. Бу икки шоир, ўзбек ва форс-тожик адабиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Бу анъана кейинги даврларда З.М.Бобур, Мукумий, Завқий, Нодира, Увайсий ва С.Айний каби ижодкорлар томонидан давом эттирилди.

Кўп асрлик тарихга ҳамда улкан бой меросга эга бўлган мумтоз ўзбек ва форс-тожик шеърлятидаги асосий жанрлардан бири бўлиб келган ғазал ҳозирги замон шеърлятида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турибди. Гарчи ғазал XX асрнинг бошларидан, айниқса, 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин ўтган даврдаги шеърлятда ўзининг асосий шеърлий жанр сифатидаги мавқеини қўлдан берган бўлса-да, жокуяр ғазалнавис шоирларнинг саъй-ҳаракатлари билан бутунлай йўқолиб кетишдан сақланиб қолди.

Юртимизда шўролар ҳукумати ўрнатилгандан кейинги даврда ўзбек адабиётида Ҳамза, Чўлпон, Хуршид, Фафур Гулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Холис, Восит Саъдулла каби шоирлар ўз ғазаллари билан каттагина қисми ғазал жанрида яратилган ўтмиш шеърлий мерос билан узилишнинг олдини олишга ва ғазалнависликнинг бундан буён ҳам давом этишига хизмат қилган бўлсалар, ундан кейинги авлод ғазалнавислари бўлмиш Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Омон Мухтор ва шу каби бошқа забардаст шоирлар ўзларининг ғазал жанридаги ижодлари билан замонавий ўзбек ғазалига асос солишди. Улардан кейинроқ Мирза Кежабек, Сирожиддин Саййид, Ахтамқули каби бир қатор шоирлар ўз ижодларида классик ва замонавий ғазалчилик анъаналарини давом эттиришмоқда.

Тожик адабиёти тадқиқотчилари ҳам ҳозирги замон тожик шеърлятидаги уч авлод ғазалнависларини эслатиб ўтишаркан, бунда Садриддин Айний ва Абдусалом Дехотийлардан тортиб М.Турсунзодава М.Қаноатгача бўлган ўндан ортиқ шоирни ғазалчилик анъаналарини сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш вазифасини бажарган биринчи авлодга, Бозор Собир, Лойиқ Шерали, Гулрухсор Сафиева каби йигирмага яқин шоирни замонавий тожик ғазалчилигини юксак чўққиларга чиқарган иккинчи авлодга, Рустам Ваҳҳобиён, Салим Хатлоний, Фарзона Хўжандий каби ўнтача шоирни эса ғазалда бошқа жанрлар формалари имкониятларидан фойдаланаётган учинчи авлодга мансуб деб билишади! [1.34].

19-аср охири, 20-аср бошларидан эса ғазал мавзуси бутунлай ўзгарди. Бу даврда бир қанча шоирлар ғазаллар яратдиларки, улар бутунлай демократия-озодлик, ёки сиёсий-ижтимоий, иқтисодий мавзуга бағишланган. Садриддин Айнийнинг тўлик иқтисодий мавзуга

бағишланган “Мафрўш замин ки хор гарди” ғазалини олайлик. Бошқача айтганда, ғазал бошқа шеърлий шаклларга қараганда халқ дидига кўпроқ мос келади, янги ижтимоий мазмун ифодалашга мос келади.

Яхши ғазаллар билан бирга Лоҳутий, Турсунзода ва уларнинг шоғирдлари ҳам сўз нафосатидан маҳрум заиф ғазаллар ёзганлар, гарчи улар шакл жиҳатдан равон, етук ғазал бўлса-да, лекин маъно жиҳатдан публицистик бўлиб қолган. Ҳатто айрим тадқиқотчилар бундай шоирларни публицист шоирлар деб аташган. Ваҳоланки, ҳар қандай ғазал, ҳатто публицистика ҳам мавзу ва мазмунидан қатъи назар, нутқ нафосатидан баҳраманд бўлиши керак.

– Адабиётшунос Жумакул Ҳамроев Лоик Шералининг ғазаллари ҳақида сўз юритар экан, “Сўз латофати” бобида шундай дейди: “...нутқнинг нафислиги, етуклиги унинг нафислигида... Шу ердан маълум бўладики, бундай асарлар аниқ, ихчам, сўзсиз ва максимал маъно даражасида бўлиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, айтиш жоизки, Марказий Осиё минтақасидаги адабий анъаналар қайта тикланиб, хусусан, форс-тожик адабиёти шакл, мазмун ва мавзу жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Айниқса, улғу шоирларнинг анъаналарига содиқ қолган замонавий шеърятининг йўналишига кирди. Ўзбекистон худудидаги янги форс-тожик шеърятини жуда қисқа вақт ичида ўн-йигирма йил олдинги шеърятдан танаффус олди ва бу бўшлиқ бу давр шеърятининг мазмунида ҳам, шакл ва услубида ҳам кўзга ташланди. Агар ўтган асрда ғазалнавислик анъанаси Ўзбекистондаги тожикзабон адабиётида асосан зуллисонайн шоир Жонибек Қувноқ ва маълум даражада Салим Кенжа, Иззатулло Кенжа ва Холбой Жалил каби санокли шоирлар ижодида кўзга ташланган бўлса, ҳозирги кунда Паймон, Жаъфар Муҳаммад, Нормурод Каримзода, Абдулло Раҳмон, Абдуқайюм Ҳасанзод, Фозил Шукурзода, Хусрав каби ўндан ортиқ шоир ижодининг асосий йўналишига айланган.

Паймон, Абдулло Субҳон, Жаъфар Муҳаммад ижоди, битилган ғазаллари ҳамда эркин ва оқ шеърлари тадқиқотчиларнинг катта аудиториясини ўзига жалб этиб келмоқда.

Ўзбекистондаги тожикзабон адабиётнинг таниқли вакилларида бири, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилувчи зуллисонайн шоир Жаъфар Муҳаммад (Жаъфар Холмўминов) ғазал ва рубоийдан тортиб туроқу оқ шеърғача бўлган жанрларнинг барчасида ўзини синаб кўрган, таъбир жоиз бўлса, ушбу синовлардан муваффақиятли тарзда ўтган бўлса-да, турли мавзуларда ёзилган, ҳаётий ва ирфоний руҳ билан йўғрилган ғазаллар ҳамда эркин ва оқ шеърлар ушбу шоир шеърятининг гултожларини ташкил этади.

Ҳақиқатдан ҳам Жаъфар Муҳаммад шеърятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, кўп асрлик тарихга эга бўлган классик форсий ва туркий ғазалнавислик анъаналарининг янгича кўринишда ушбу шоир ғазалларида қайтадан тириляётганини кўриш мумкин. Румий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Навоий, Машраб каби классик форсий ва туркий шеърят даҳолари, шунингдек Мирзо Турсунзода, Шерали Лойик, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ҳозирги замон тожик ва ўзбек шеърятини дарғалари ижоди билан ҳамоҳанглик касб этган[2.145]., аруз вазни қоидаларига моҳирона тарзда риоя қилинганлиги туфайли ҳам классик ғазалчилик анъанаси бузилмаган ушбу ғазалларда ҳозирги замон руҳи уфуриб туради[3.18].

Жаъфар Муҳаммад ғазалиёти борасида адабиётшунос олим Жумъакул Ҳамроев шундай ёзади: “Жаъфарнинг шеърларидан форсигўй шоирларнинг етти пушти вакиллари яратган шеърятнинг ҳиди уфуриб туради. Бошқача қилиб айтганда, у қанчалик анъанавийликка содиқ бўлса, шунчалик даражада новатор ҳамдир. Ирфоний ғазаллар ёзади, улардан Ҳофизу Мавлавийнинг ҳиди уфуриб туради, аммо эски ва кўнгилга урадиган эмас” [3.26].

Жаъфар Муҳаммад ғазаллари турли мавзуларда битилган бўлиб, унда азалий ишқ мавзусидан тортиб ватан ва табиат васфига, инсонлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб борлиқ ва ҳаёт сирларини очишга, уларнинг турли жиҳатларини кўрсатиб беришга бағишланган ғазалларгача учрайди. Шоир ўз ғазалларида ўзининг ғазалнавислиги борасида шундай дейди:

Ғазале суруда рафтам зи дараш, ки беамон аст,
Пайи жустужуйи ёре, ки ҳабибу хушзабон аст[4.142].

(Мазмуни: Ғазал айтганча меҳрибон ва ширинсўз бўлган бир ёрни излаб, ўша бағритошнинг эшигидан чиқиб кетдим.)

Ёки:

Қасдам набуда гар дар дарраҳо ғизол,
Дар бешаи ғазал сайёд будаам[5.68].

(Мазмуни: Дараларда оху (кийик) овлашни мақсад қилмаган бўлсам-да, ғазал ўрмонида овчига айланганман.)

Дар ҳафт шаҳри ишқ яке дарбадар манам,
Дардо, ки хайри халқи худо бар гадо намонд.[7.60].

(Мазмуни: Етти ишқ шаҳрида биргина дарбадар менман, // Эйвоҳким худо халқининг гадога хайри қолмаган.)

Корвон гум кардаам дар дашти бепоёни ишқ,
Корвону сорбону маҳмилу манзил кужост? [7.54].

(Мазмуни: Бепоён ишқ даштида карвонни йўқотиб қўйганман, // Карвон қаерда-ю, сарбону тахтиравону манзил қаерда?)

Бунда “барча ишқ шаҳарлари”, “бутун ишқ олами” маъноларини англатувчи “ҳафт шаҳри ишқ” (*ишқнинг етти шаҳри*) ибораси “ишқ шаҳри” образидан бутунлай фарқ қиладиган янги образ яратса, “дашти бепоёни ишқ” (*бепоён ишқ дашти*) ибораси воситасида “ишқ дашти” образининг кучайтирилган, чуқурлаштирилган кўриниши яратилмоқда.

Шунингдек, Жаъфар Муҳаммад форсий шеърятда қўлланиладиган “хори ишқ” (*ишқ тикани*) образини янгича ўринда қўллай олган:

Дар кафи пойи дили мо хори ишқи ин жаҳон,
Бо чунин аҳвол то манзил расидан мушқил аст.[5.170].

(Мазмуни: Кўнглимиз оёғи кафтига бу дунё тикани кирибкетган,
Бундай аҳволда манзилга етиб бориш мушқул.)

Бундан ташқари, шоир яратган ишқ образлари орасида “шўразори ишқ” (*ишқ шўртупроқ ери*), “шоҳсори ишқ” (*ишқ шоҳлари*), “боди сабойи ишқ” (*ишқ шаббодаси*), “нақши ишқ” (*ишқ нақши*), “Таҳмтани ишқ” (*ишқ Таҳмтани*) каби бошқа шоирлар ижодида кам қўлланиладиган ёки умуман қўлланилмаган образларни ҳам учратамиз.

Шоир “шўразори ишқ” (*ишқ шўртупроқ ери*) образини тасвирлаш орқали ўз ёрига етиша олмаган ошиқнинг ишқ дунёсини шўртупроқ ерга, ёрига етишишга бўлган умидларини эса ана шу шўртупроқ ерда етиштирилаётган ҳосилга ўхшатади:

Чй беҳосил ҳавас мепарварам дар шўразори ишқ,
Зи нахли қоматат биғирифт бояд ҳосиле дигар.[7.63].

(Мазмуни: Ишқнинг шўртупроқ ерида қандай ҳосилсиз ҳавас етиштирмоқдаман, // Қоматинг ниҳолидан бошқа бир ҳосил олмоқ керак.)

Шоирнинг бошқа бир байтида эса севгилиси йўлида интизор ошиқнинг орзу қушининг “ишқ шохига” кўниб тургани тасвирланади:

Як мурғи орзу дар шоҳсори ишқ,
Хушболу пар нашуд, то Ту наёмади.[5.26].

(Мазмуни: Ишқ шохига кўнган бир орзу қуши // Сен келмагунингга қадар парвоз қила олмади.)

“Ишқ шаббодаси” образи нафақат ошиққа ишқ диёрининг ёқимли ифорларини етказувчи, балки уни ушбу диёрга чорлагувчи сифатида намоён бўлади:

Ало, боди сабойи ишқ, ошиқро салойи ишқ,
Раҳо аз қайди қолабҳо, шабат хуш бод, ман рафтам! [7.51].

(Мазмуни: Эй, ишқ шаббодаси, ошиқни чорловчи ишқ, // Қолиплар асоратидан қутулиш, тунинг хайрли бўлсин, мен кетдим.)

Қуйидаги байтда “дунё устун” юзасидан – инсон ҳаёти асоси, моҳиятидан ўчиб бораётган “ишқ нақши” тўғрисида сўз боради:

Андар сутуни даҳр намондааст нақши ишқ,

Эй нақши жовидон, зи дами тешаҳо биё.[6.44].

Жаъфар Муҳаммад ғазалларидаги ишқ образлари шулар билангина чекланиб қолмайди. Ушбу шоир шеърятда мумтоз ва замонавий шеърятда кенг ишлатиладиган ишқ образларидан деярли барчасини учратиш мумкин. Фақатгина, юқорида айтиб ўтганимиздек, Жаъфар Муҳаммад ушбу образлардан ўзига хос усулда фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бу ҳақда гапиришдан олдин, луғатлардан "ишқ" ва "ошиқ" сўзларининг изоҳини топишимиз керак. "Мирати Ушшоқ"да: Ишқ عشق - ақлнинг ботиний ва ҳақиқатини ҳукм қилиш, чунки қалбнинг икки қадрияти бор: бири унинг бирлик оламига ва муқаддас заминга кизиқиши, қалб бу қадриятга муҳаббат дейилади; Баъзан ишқ қалбга қаратилади ва руҳни бирлик томонига жалб қилади ва руҳнинг аҳамияти шундаки, руҳ қашшоқлик оламига, ўсиш (ўсиш, кенгайиш, кенгайиш, бахт) нуктаи назаридан манфаатдор бўлади.

Шу муносабат билан кўрсаткич (таржимон) га мансуб икки хил образ мавжуд: бири яхлит ва мавҳум маънони ҳақиқий идрок этишни муқаддаслаш, бу эса материалнинг ақли (қайтиш) дейилади; иккинчиси, у ташқи ҳолат ва ҳис-туйғу ва моддий ҳаракатларнинг ўлчовидир Хулоса кўп асрлик тарихга эга бўлган ғазал жанри ҳозирги замон шеърятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турибди. XX аср бошларидан шу кунгача ўтган даврда ўзбек ва тожик шеърятда ғазалнависларнинг бир неча авлоди яшаб, ижод қилганлиги бунинг тасдиғидир. Ўзбекистондаги тожикзабон адабиётнинг таниқли вакилларида ижод қилувчи шоирлар Паймон, Абдулло Субҳон Жаъфар Муҳаммад бутунги тожик ғазалчилик анъаналарини давом эттириб келаётган шоирлар ҳисобланади.

Паймон, Абдулло Субҳон Жаъфар Муҳаммад ғазалларида мумтоз адабиётда ҳам, замонавий шеърятда ҳам кенг учрайдиган ишқ образлари ўзига хос хусусиятларга ва бўёқларга эга бўлган ҳолда қўлланилади, шунинг билан биргаликда шоирлар ғазалларида бошқа шоирлар ижодида кам қўлланиладиган ёки умуман қўлланилмаган ишқ образларини ҳам учратамиз. Ғазалнинг шеърый шакли тожик адабиётининг энг машҳур лирик шаклларида бири бўлиб, у доимо биринчи ўринда туради. Тожик адабиёти ғазал шеърятдан бутунлай воз кечган шоирни эсламайди. Лоҳутийни олайлик. Яъни, ғазал ҳамма замонларда ҳам энг машҳур шеър шакли бўлиб қолган. Бироқ унинг мазмуни замонга қараб қисман ўзгаришларга учради. Дастлаб ишқий лаҳзаларни куйлаш, тасаввуфий туйғуларни ифодалаш, фалсафий фикрларни ифодалашга қаратилган бу шеърый шакл бир-икки мисрада сиёсий, ижтимоий, тарихий лаҳзаларни гавдалантира бошлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. А.М.Казва. Жанр газели в современной таджикской поэзии // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук // Душанбе – 2012.
2. Ш.Олимов. Икки тил куйчиси. // "Жаҳон адабиёти" журнали. 2011 йил, декабрь, №12(175), 145-147 б.
3. Ш.Олимов. Қалби ошиқи ишқ // рўзномаи "Ховар". № 21 (103) 2013. 16-30 ноябри соли 2013. С.6-7.
4. Чумъакул Ҳамроев. Дарсе, ки аз дарё бояд омухт (ба чойи сарсухан) // Чаъфар Муҳаммад. "Таҷаллӣ". Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмии давлатии "Доиратулмаъорифи миллии Ўзбекистон", 2008. С. 3 – 10.
5. Чаъфар Муҳаммад. "Таҷаллӣ". Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмии давлатии "Доиратулмаъорифи миллии Ўзбекистон", 2008. С. 142.
6. Жаъфар Муҳаммад. "Ошиқи ишқ". Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти "YANGI NASHR", 2011. С. 68 Чаъфар Муҳаммад. "Мижғони офтоб". Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти "Оли Сомон", 1999. С. 60.
7. Чаъфар Муҳаммад. "Мижғони офтоб". Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти "Оли Сомон", 1999. С. 60.
8. Гулдастаи Самарқанд. Баёзи назму наср. Мураттиб Аслиддин Қамаров. – Т.: Нашриёти адабиёт ва санъати ба номи Ғафур Ғулом; Душанбе: Адиб, 1989, 144 саҳ.

9. Девони Сайфи Фарғонӣ. Ба тасҳеҳи Дуктур Забехулло Сафо. Ҷ. 1. – Техрон: 1361; Ҷ. 2. – Техрон: 1361 ҳ.ш., саҳ 116 – 117.
10. Давронов С. Омӯзиши вазни шеърӣ тоҷикӣ. – Душанбе: Маориф, 1992, 176 саҳ.
11. Холмӯминов Ж., Ҳазраткулов Ж. Форсий адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Т.: Yangi nashr, 2012? 240 саҳ.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Юлдашев Фаррух Хакбердиевич,
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Навоий давлат педагогика институти
E-mail: farruxyuldashev621@gmail.com

“МАЪНАВИЯТ” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРНИ ЛЕКСИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тилшунослигимиздаги маънавиятга оид атов бирликларни лексик категория сифатида ўрганиш, илмий тадқиқ этиш, унга тизимли ёндашиш, шахс маънавий сифатларининг лисоний бирликлари ва уларнинг ички тузилишини ёритиш, маънавиятга оид бирликларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатини аниқлаш, категориянинг ядро, марказ ва перифереясини белгилаш, семантик-структур ҳамда лексикографик хусусиятларини аниқлаш илк маротаба лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Лексик категория таркибидаги парадигмаларнинг периферик семалари ядрони семантик ривожланишини ва унинг коммуникативлигини аниқлашга кўмаклашиши ёритилган.

Калит сўз: лексик категория, ядро, марказ, периферик семалар, майдон назарияси, концепция, маъновий гуруҳ, мавзуй гуруҳ, маъновий уя, лексик категория, лексик тизим, полесемантик хусусиятга синтактик хусусият

Юлдашев Фаррух Хакбердиевич,

Доктор философии по филологии (PhD).

Навоийский государственный педагогический институт,
farrukhyuldashev621@gmail.com

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ИЗУЧЕНИЯ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ С ОБЩИМ НАЗВАНИЕМ «ДУХОВНОСТЬ» КАК ЛЕКСИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье мы изучим именные единицы, связанные с духовностью в нашем языкознании как лексическую категорию, научные исследования, системный подход к ней, уточним языковые единицы духовных качеств человека и их внутреннюю структуру, определим взаимоотношение единиц, относящихся к духовности, определяют ядро, центр и периферию категории, семантико-структурные и лексикографические признаки изучаются лингвистически впервые. Подчеркивается, что периферийные схемы парадигм внутри лексической категории помогают определить семантическое развитие ядра и его коммуникативность.

Ключевые слова: лексическая категория, ядро, центр, периферийные схемы, теория поля, концепт, семантическая группа, тематическая группа, семантическое гнездо, лексическая категория, лексическая система, синтаксический признак к полисемантическому признаку

Yuldashev Farrukh Hakberdievich,
Doctor of Philosophy in Philology (PhD).
Navoi State Pedagogical Institute
farrukhyuldashev621@gmail.com

LINGUISTIC PRINCIPLES OF STUDYING NOUNS WITH THE GENERAL NAME "SPIRITUALITY" AS A LEXICAL CATEGORY

ABSTRACT

In this article, we will study the nominal units associated with spirituality in our linguistics as a lexical category, scientific research, a systematic approach to it, clarify the language units of a person's spiritual qualities and their internal structure, determine the relationship of units related to spirituality, determine the core, center and category periphery, semantic-structural and lexicographic features are studied linguistically for the first time. It is emphasized that the peripheral schemes of paradigms within the lexical category help to determine the semantic development of the core and its communicativeness.

Key word: lexical category, core, center, peripheral schemes, field theory, concept, semantic group, thematic group, semantic nest, lexical category, lexical system, syntactic feature to polysemantic feature

Тилшунослигимизда маънавиятга оид атов бирликларни лексик категория сифатида ўрганиш, илмий тадқиқ этиш, унга тизимли ёндашиш "маънавият" категориясига бағишланган дастлабки лингвистик тадқиқот ҳисобланади. Бугунги кунга қадар тилшунослигимизда ўрганилган мазмуний майдонлардан фарқли жиҳати шундаки, шахс маънавий сифатларининг лексик бирликлари ва уларнинг ички тузилиши, "маънавият" категориясига оид бирликларнинг бир-бири билан семантик муносабати, парадигма қаторидаги хусусиятлари, семантик-структур ҳамда лексикографик хусусиятлари ҳақида илк маротаба лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Аввало, мазкур категория микросистемаларини аниқлаш орқали унинг семантик имкониятлари кенгайиб боради. Шундай экан "маънавият" умумий семали атов бирликларини лексик категория сифатида ўрганиш мазкур категориянинг лексик хусусиятларини ёритади. Хусусан, "маънавият" категориясига лексик концепция сифатида ёндашсак, олиб бориётган тадқиқотнинг мақсади янада ёрқинлашади. Чунки А.П.Бабушкин "концепция" терминига қуйидагича таъриф беради: "бу ҳақиқий ёки идеал мавзунини акс эттирувчи коллектив онгнинг дискрет мазмунли бирлигидир. Дунёнинг ва она тилида сўзлашувчиларнинг миллий хотирасида оғзаки равишда белгиланган шаклда сақланади, тушунча эса тўғри лексик объективлик бўлмаганда мавжуд бўлмайди[1]" Оламнинг ўзбек лисоний манзарасида "маънавият" категорияси идеал мавзу бўлиб, ҳеч шубҳасиз миллий концепция даражасида баҳоланади. Буни қуйидаги белгилари асосида изоҳлаш мумкин.

1. "Маънавият" лексик категорияси миллий менталитетимизни акс эттирувчи ва она тилимизда сўзлашувчиларнинг ўзбек тилининг лисоний манзарасини ташкил этувчи бирлик ҳисобланади ва мазкур тушунчаларга "маънавият" лексик категориясига оид барча семантик ифодаланган бирликлар бевосита ва билвосита киради.

2. "Маънавият" лексик категориясининг миллий хусусиятлари билан бошқа тилнинг маънавиятга оид бирликлари семантик томондан ажралиб турадиган ва маълум бир миллий характер касб этадиган лексик бирликларни фарқлаш муҳим ҳисобланади.

3. "Маънавият" лексик категориясига оид тушунчалар ўзбек миллий менталитетини англашга, уни идрок этишга кўмаклашадиган маънавий жамоанинг асосий

тушунчаларинигина ўз ичига олади, яъни миллий ментал хусусиятларимизга оид бўлмаган тушунчалар категория ядро ва марказидан жой олмайди.

4. “Маънавият” лексик категориясининг микросистемаларини аниқлаш жараёнида энг муғим тушунчалар ва усуллардан бири “концепциянинг ядроси”, иккинчиси “маркази”, учинчиси эса унинг “чекка”сидир. Ядро лексик категориянинг мазмуний муносабатини ўзининг “маънавият” умумий семали атов бирликлар нуқтаси атрофида шаклланади ва периферия категорияга билвосита алоқадор муносабатларни атрофида жамлайди.

5. Юқоридаги барча хусусиятларни аниқлаш “маънавият” лексик категориясининг сема ва семемаларини аниқлаш жараёнида намоён бўлади.

Қуйида ушбу микросистеманинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Замонавий тадқиқотларда лингвистик ҳодисаларини тавсифлаш бир неча лингвистик усуллар билан амалга оширилади. Ушбу таҳлил усуллари бугунги кун тилшунослигининг Ассосатив тилшунослик, Когнитив тилшунослик, Сотциолингвистика, Семасиология соҳаларида кенг тарқалган. Тадқиқ объектлари бўлган лексик бирликнинг лексик-семантик, парадигматик, синтагматик, грамматик категориялар, грамматик-лексик майдонлар, функционал-семантик майдонлар каби йўналишларда кенг тарғиб қилиш муҳим ҳисобланади. Лексемани семантик майдон сифатида ўрганиш ўтган асрнинг 90 йилларидан кириб келганлигини қуйидаги тадқиқотлардан билиш мумкин. Хусусан, Расуловнинг ҳолат феълларига[2], Ш.М. Искандаровнинг отлардаги шахс микромайдонига[3], Н.Р.Нишоновнинг “хайвон” архисемали лексемалар майдонинг мазмуний таҳлилига[4], С.Муҳаммедовнинг ҳаракат феъллари семантикаси[5] га бағишланган тадқиқот ишларини кузатиш мумкин.

Замонавий тилшуносликда тил соҳаларини ҳам янгича йўналишда ўрганиш тилнинг тизим сифатида унинг ифодаланувчилари муносабати билан белгиланади. Ҳар бир ўрганилаётган лексик категория ўзининг ички даражаланишига эга бўлиб, бир-бирининг ядро, марказ, периферик чегараларини ва шу чегара таркибидаги лексемаларнинг кўп даражали боғлиқлиги билан характерланади. Тилнинг замонавий тадқиқот методлари бир қатор муаммоларни ҳал қилишга, тизимли ёндашишга имкон беради[6]. Хусусан, лексик категория таркибидаги лексемаларни изоҳлашнинг қуйидаги қоидалари мавжуд:

1. “Маънавият” лексик категория таркибидаги лексемалар бир-бирига ўзаро лексик-семантик, синтактик, когнитив, ассосатив хусусиятлари билан боғланган элементларнинг тизим муносабатлари, яъни инвентаризацияси ҳисобланади.
2. “Маънавият” лексик категориясини ташкил этувчи лексик ва грамматик элементлар семантик умумийликка эга ва ягона ядрога бирлашади.
3. Лексик категория таркиби бир жинсли ва гетероген элементларни бирлаштиради[7].
4. Лексик категория таркибий қисмларида – маъновий гуруҳ, мавзуй гуруҳ, маъновий уя, лексик категория тизими ҳосил бўлади, ҳар бир гуруҳ ички бўлинишига эга бўлиши мумкин. Бу лексик таркибининг кенг ёки тор эканлигидан дарак беради.
5. Лексик категориянинг мазмуний кенглигини рамзий маънода “вертикал ва горизонтал” шаклга ажратсак, маъновий гуруҳлар ва мавзуй гуруҳлар вертикал тузилишида бўлса, унинг таркибий қисмлар горизонтал муносабатларда акс этади.
6. Лексик категорияда асосий тушунча бу ядро. Ундан марказ ва периферик таркибий қисмлар семантик жиҳатдан боғланиб туради. Ядрога асосий тушунчалар лексик категория атрофида бирлашади[8].
7. Лексик категорияда ядро таркибий қисмлари категория таркибидаги функцияларни, тизимли равишда ўрганади, лексик категория таркибидаги лексемаларнинг функциясини ўзида жамлайди. Категория таркибидаги бошқа лексик бирликларга қараганда барчасини умумлаштирувчи маъноларни англатади.
8. Лексик категория таркибидаги ядро ва периферия ўртасидаги семалар бир қисми ядрога, бир қисми периферияга тўғри келади.

9. Баъзан ядро ва периферия орасидаги чегара аниқ кўринмайди, улар полесемантик хусусиятга эга бўлганда синтактик хусусият билан бирлашади.

10. Лексик категория қисмлари категориянинг ўзаги ва маъновий чегараси ҳисобланган периферия атрофига тегишли бўлиши мумкин.

11. Лексик категориялар лексемалари қисман бир-бирига яқинлашиб, маълум маъновий гуруҳларни ташкил қилади, улар босқичма-босқич қолган қисмларга тақсимланади.

Ўрганишлар шуни ташкил этадики, лексик категория таркиби маъновий қисмларининг бирикиши ўрганилаётган маълум объектнинг аниқланган асосий хусусиятлари бўлиб чиқади. Ҳар қандай ўрганилаётган лексик категориянинг таркиби семантик жиҳатдан бўлади. Бунга қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Лексик категорияда маъно компонентлар қатлами – семалар, семемалар ва периферияни шакллантирувчи воситалар ясовчилар ҳисобланади.

2. Ўрганилаётган категориянинг барча компонентлари бирлашиб ядрони ташкил қилади, бундай ҳолатда сема ядрони аниқлаштирувчи асосий вазифа бажаради. [9]

3. Лексик категория таркибидаги маъно муносабатига қараб семантик компонентлар ажратилади, уларнинг маъновий гуруҳлари бир хил, ички тузилиши эса ҳар хил турларга мансуб.

4. Лексик категория маъно таркибида макрокомпонентлар ажратилади, улар таркибидаги ўз ва кўчма маънолар бирлашиб бошқа макрокомпонентларни ҳосил қилади ва улар алоҳида категорияни тузилишига эга бўлди.

5. Компонентлар маъносида ядро ва периферик хусусиятлар шаклланади.

6. Семантик компонентлар маъно ўзаги(семаси) доимий, муҳим, ёрқин, частота орқали ҳосил бўлади.

7. Лексик категория таркибидаги ядро семаси тизимдаги бошқа маъноларга қарама-қарши қўйилиши тизимдаги ички тузилмавий қарама-қаршиликларнинг асосини ташкил этувчи тил бирлиги ҳисобланади.

8. Лексик категория таркибидаги парадигмаларнинг периферик семалари ядрони семантик ривожланишини ва унинг коммуникативлигини аниқлашга кўмаклашади[10].

9. Ядро ва периферик семалар орасидаги чегара узоқлашганда, категория таркибидаги янги маъновий чегара шаклланади.

10. Лексик категория таркибидаги семалар категория таркибидаги бошқа маъноларда такрорланади, Хусусан, бир маънода ядровий сема бўлган бирлик, бошқа маънода периферик маъно бўлиши мумкин.

11. Лексик категория таркибидаги синонимлар, антонимлар, гипо-гипернимлар таркибидаги семалар фарқланиши мумкин.

Хулоса қили айтиш мумкинки, сўзнинг луғавий маъноси соҳага кўра тартибга солинади. “Маънавий”ни лексик категория сифатида ўрганиш

Унинг мазмун моҳиятини лингвистик йўл билан тўла асослашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бабушкин А. П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. Воронеж : Издательство Воронежского государственного университета, 1996. – 104 с
2. Қаранг. Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности. Автореф. дисс. ... докт.филол. наук.–Ташкент. 1989
3. Қаранг. Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. Фан. Докт. ... дисс. афтореф. – Тошкент. 1999.
4. Қаранг.Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали семемалар майдонининг мазмуний таҳлили. Филол. фан. номзоди. ...дисс. афтореф. –Тошкент. 2000
5. Муҳаммедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат фелларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. номзоди. ...дисс. афтореф. –Тошкент. 2007


6. Болдырев Н.Н. Концепт и значение слова//Методологические проблемы когнитивной лингвистики: научное издание. Воронеж, 2001. с. 25–45
7. Большой толковый словарь русских глаголов: Идеографическое описание. Синонимы. Антонимы. Английские эквиваленты / под ред. проф. Л. Г. Бабенко. М., 2007. С. 63.
8. Анатолий Викторович. Эпистемологические основания теории значения в семантических концепциях когнитивизма и аналитической философии.
9. И.Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика (Курс лекций по английской филологии). Учебное пособие. Тамбов: Изд-во Тамбовского ун-та, 2000. -124с.
10. Меркулов И.П. Эпистемология. Когнитивно эволюционный подход: В 2 т. - СПб: Изд-во Русского Христианского Гуманитарного Института, 2003. 2 т.



Афзуна Назарова Рахимовна,

Тошкент давлат шарқшунослик университети докторанти
afzuna_nazarova@mail.ru

АФҒОН ШЕЪРИЯТИДА “ЯНГИ ШЕЪР”НИНГ ШАКЛЛАНИШИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақола Афғонистон шеъриятида кенг қанот ёйган “янги шеър”нинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар, бу шеър турида ижод қилган шоирлар ва шу билан бирга, афғон адабиётшунослиги устида изланишлар олиб борган олимларнинг тадқиқотларини ёритишга бағишланган. Тадқиқотда янги шеърнинг Афғон адабиётига Эрон адабиёти ва унинг ёрқин вакили Нимо Юшиж таъсирида пайдо бўлгани ва “янги шеър” турлари очиқланган. Шунингдек мақолада “янги шеър”нинг самарали ижодкори Махмуд Фороний ижодига тўхталиб, шоирнинг “янги шеър”даги ўрни ва унинг “Сўнгги юлдуз” шеъри таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “Шеъре нав” – “янги шеър”, Нимо Юшиж, Доктор Шариф Хусайн Қосимий, устоз Мойил Ҳаравий, Мухаммад Исҳок Фоиз, янги шеър турлари, Озоде нимойи, оқ шеър, Махмуд Фороний, “Сўнгги юлдуз”.

Афзуна Назарова Рахимовна,

Докторант Ташкентского государственного
университета востоковедения afzuna_nazarova@mail.ru

ФОРМИРОВАНИЕ «НОВОЙ ПОЭЗИИ» В АФГАНСКОЙ ПОЭЗИИ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению факторов, приведших к возникновению «новой поэзии», широко распространившейся в афганской поэзии, поэтам, создавшим этот тип поэзии, и в то же время исследованиям ученых, проводивших исследования по Афганское литературоведение. В ходе исследования было выявлено, что новая поэзия появилась в афганской литературе под влиянием иранской литературы и ее яркого представителя Нимо Юшиджа, а также видов «новой поэзии». В статье также рассматривается творчество плодовитого создателя «новой поэзии» Махмуда Фарани, анализируется роль поэта в «новой поэзии» и его поэма «Последняя звезда».

Ключевые слова: «Шеъре нав» - «Новая поэма», Нимо Юшиж, доктор Шариф Хусейн Касими, учитель Мойил Харави, Мухаммад Исхак Фаиз, новые виды поэзии, Азоде нимойи, белая поэма, Махмуд Фарани, «Последняя звезда».

Afzuna Nazarova Rahimovna,
PhD Student of Tashkent State University of Oriental Studies
afzuna_nazarova@mail.ru

FORMATION OF “NEW POETRY” IN AFGHAN POETRY

ABSTRACT

The article is devoted to highlighting the factors that led to the emergence of the "new poetry" that has become widespread in Afghan poetry, to the poets who created this type of poetry, and at the same time to the research of scientists who conducted research on Afghan literary criticism. The study revealed that new poetry appeared in Afghan literature under the influence of Iranian literature and its prominent representative Nimo Yushij, as well as types of "new poetry". The article also examines the work of the prolific creator of the "new poetry" Mahmud Farani, analyzes the role of the poet in the "new poetry" and his poem "The Last Star".

Key words: "She're Nav" - "New Poem", Nimo Yushizh, Dr. Sharif Hussein Qasimi, Ustad Moyil Naravi, Muhammad Ishak Faiz, new types of poetry, Azode Nimoyi, white poem, Mahmud Forani, "Last Star".

XX асрнинг биринчи чорагида Афғонистон, Эрон, Тожикистон каби мамлакатларнинг шеърлятида “шеъре нав” деб ном олган янги адабий жараён кенг раванқ топди.

Маълумки, форсийзабон адабиётда “милодий 1915-1920 йиллар давомида маршрутят шеърляти ва адабий янгиликлар майдонида яна бир янги услуб вужудга келди. Шоирлардан Абулқосим Лоҳутий, Такий Руфъат, Шамс Касмойи, Жаъфар Хоманайи ва Мирзода Ишқийлар Европа шоирларининг ҳижоли шеърларидан таъсирланиб, форс мумтоз шеърлятидаги қолипларни сақлаган ҳолда янги йўналиш ва ўзгартириш йўлида қадам ташладилар”[2, 22]. 1922-йил Эрон шоири Нимо Юшиж ўзининг “Афсона” номли шеъри орқали муҳим адабий ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлди. “Нимо шеърда мумтоз қолипга (мусаммат) риоя қилган бўлса-да, ундаги романтик ва символик фазо тасвирлар, янги кўриниш ва янги безаклар ҳамда дунёқарашнинг хилма-хиллиги уни мумтоз асардан ажратиб турарди”[2, 23].

Нимо Юшиж, унинг “шеъре нав”нинг вужудга келишидаги аҳамияти шу йўналишда ижод қилган адиблар хусусида кўплаб монографиялар, диссертациялар ёзилган ва бу жараён ҳали ҳануз давом этмоқда.

“1953-йил давлат (Афғонистонда – А.Н.) томонидан қабул қилинган матбуот тўғрисидаги қонун янги замон сиёсий ва ижтимоий ғояларининг зиёли табақалар орасида кенгрок қанот ёзишига олиб келди. Натижада бадиий адабиётда, шу жумладан шеърлятда ҳам янгиликка интилиш кучая борди.”[1, 276] Бунда шоирлар шеърда қофияни ишлатишда эркинликка эришган ҳолда мисралардаги ҳижола тенглигини бузишди.

“Шеъре нав” – “Янги шеър” ўз номидан кўриниб турганидек, форс-дарий шеърлятининг 1922-йилдан кейин машҳур бўлган форс-дарий шеърлят турларини назарда тутди. Доктор Шариф Хусайин Қосимийнинг эътироф этишича, “шеъре нав” маълум ритмга асосланган, аммо анъанавий классик шеърдан фарқли равишда, радиф ва қофиясиз шеърдир. Лекин бу оқ шеърдан ҳам фарқличадир. Оқ шеър келиб чиқишидан вазнга эга бўлмайди[3, 119]. Бу ҳақида устоз Мойил Ҳаравий шундай фикр юритади: “мамлақатимиздаги шеърлардан келиб чиқсак, ҳалигача вазн ва қофияни шеърдан ажратадиган (шеърда вазн ва қофиянинг йўқлиги – А.Н.) ва шеърни фалаж қиладиган новатор шоирлар вужудга келмаган. Аксинча, ўз янги шеърларида вазн ва қофияни ифодалаганлар”[3, 119].

"Ҳозирги даврда форс шеърляти ва халқ шеърлятининг ноанъанавий шаклларида ёзилган барча шеърлар янги шеър деб аталади. Шунинг учун бу атама ярим эркин шеър (озод нимойи), оқ шеър, мансур (настрий) шеър ва давомли чорпора (چهار پاره های پیوسته) шаклида ёзилган барча шеърларни ўз ичига олади”[6, 171]. Ҳозирга қадар Нимо шеърляти турли тажрибалар, макон ва замон талаблари асосида қайта яралди, ўзгаришларини бошдан кечириб, ўзининг янгича қирраларини намоён қилди десак хато бўлмайди. Муҳаммад Исҳоқ Фоиз

бунинг натижасида янги шеърнинг Озоде нимойи (شعر آزاد نیمایی), оқ шеър (شعر سپید), мансур (насрий) шеър (شعر منثور), янги тўлкин шеърятти (شعر موج نو), тўлиқ шеър (شعر حجم), соф шеърят (شعر ناپ), учинчи тўлкин шеърятти (شعر موج سوم), постмодерн шеърят ((پسا نوگرا)) каби турлари пайдо бўлганини эътироф этади[4, 173]. Афғон адабиётида бу шеър турларидан Озод нимойи (شعر آزاد نیمایی) ва Оқ шеър (شعر سپید) кўпроқ оммалашган. Бир қатор шоирлар – Ойина, Зиё Қоризода, Мойил Харавий, Устод Восиф Бохтарий, Раҳим Илҳом, Бориқ Шафей, Маҳмуд Фароний, Ҳайдар Насиён, Фотиҳ Муҳаммад Мунтазир, Партав Нодирий, Латиф Нозимий, Разақ Руйин, Афсар Рухбин, Холида Фуруғ, Лейла Сераҳат, Шужа Хуросоний, Козим Козимий, Ҳусайн Руфъат, Афсар Рухбин, Шариф Саидий, Латиф Падром кабилар бу шеър турларида ижод қилишган.

Озоде нимойи (شعر آزاد نیمایی) – бу шеър тури Нимонинг “Афсона” шеърининг ёзилиши билан бошланган. Нимо кейинчалик бу шеър турида янгиликлар доирасини ривожлантириб, форс шеърятининг ўтмишига шакл ва мазмун жиҳатдан зид шеър яратишга муваффақ бўлган. Нимо янги форс шеърятини ихтиро қилиш орқали ҳақиқатда форс-дарий тилига катта хизмат қилди ва бу тил шеърятини турғунлик ва таназзулдан сақлаб қолди. Нимо табиатдаги предметларга янгича қараш, шакл ва вазнга ўзгаришлар киритиш, байтлар тенглиги чекланишини олиб ташлаш, ҳамда форс тилининг композиция кучи ва бошқа хусусиятларидан фойдаланган ҳолда шеърятда тасвир ва хабар беришда янги тил ва ифодалардан фойдаланиб форс тилидаги янги шеърни очиб берди.

Нимога эргашган ёзувчилар ҳам дастлаб икки гуруҳга бўлинган: “биринчи гуруҳ шоирнинг ички туйғуларини ифодалаш ва тақдим этишдаги фасоҳат ва гўзаллик муҳлислари эди... Нимо шеърятининг иккинчи гуруҳи эса Нимонинг фикр ва образлари мавҳум тилда ифодаланган шеърларига тақлид қилганлар” [5, 29]. Озоде нимойи шеърятти Нимо шеърятти деб ҳам аталади[6, 149].

Афғонистонда аввал бошдан то ҳозирга қадар Нимойида ёзган энг таниқли шоирлар қуйидагилар: Ойина, Зиё Қоризода, Мойил Харавий, Устод Восиф Бохтарий, Раҳим Илҳом, Бариқ Шафей, Маҳмуд Фароний, Ҳайдар Насиён, Фотиҳ Муҳаммад Мунтазир, Партав Нодирий, Латиф Нозимий, Разақ Руйин, Афсар Рухбин, Холида Фуруғ, Лейла Сераҳат, Шожа Хуросоний...

Оқ шеър (شعر سپید): Форс шеърятининг бу турини яратувчиси ва ижодкори Эроннинг машҳур шоири Аҳмад Шомлудир. Шомлу “Тоza ҳаво” шеърда шеърятнинг бу туридаги илк тажрибаларини тақдим этган. Ҳозирги кунда “Шамлуий шеърятти” номи билан машҳур бўлган бу шеър тури ўзига хос вазн ва шаклга эга бўлиб, тартибсиз тузилишга эга. Оқ шеърнинг энг яхшиси вазн ўрнида сўзларнинг оҳангдорлиги ва мусиқийлик ҳамроҳлик қилади. Чунки оқ шеър на вазнга, на қофияга эга бўлгани учун у бошқа асос устига қурилган бўлиши керак. Шу сабабдан оқ шеър билан оддий наср ўртасидаги фарқлар кузатилади. Бу фарқлар шундаки, оқ шеър учун асослар, жумладан шеърини мантқиқ, поэтик моҳият, руҳий шакл ва тил текстураси, оҳанг, меҳрга эга бўлиш кабилар назарда тутилган [4, 175]. Булар оқ шеърни фарқлашдаги энг самарали жиҳатларидир.

Дарий-форс тилида оқ шеър янги шеър турларидан бири бўлиб, у ҳам вазндан, ҳам қофиядан холи шеърга ишора қилади ва унга нисбатан, одатда, насрий (мансур) шеър атамаси қўлланилади.

Оқ шеър ёзишда намуна бўла оладиги шоирлар сирасига қуйидагилар қиради: Восиф Бохтарий, Козим Козимий, Ҳусайн Руфъат, Партав Нодирий, Афсар Рухбин, Шариф Саидий, Латиф Падром, Шужо Хуросоний...

Хусусан, шоирлардан Маҳмуд Фароний янги шеър услубининг ёрқин вакиллари билан саналади. Маҳмуд Фароний 1938-йил Кобулда таваллуд топган. Дастлаб журналистика соҳасида иш олиб борган Маҳмуд Фароний, кейинчалик шеърятга қизиқиб, “Шоирнинг орзуси” (“رويای شاعر”) номли илк шеърини тўплами орқали афғон адабиётига ўзини шоир сифатида танитди.

1342 (1963)-йил нашр этилган “Сўнги юлдуз” (“آخرین ستاره”) шеърини тўплами ўқувчилар орасида уни янада машҳур қилди. Тўпландан ҳам анъанавий ҳам янги шеърда

ёзилган шеърлар жой олган. Тўпламда жами 27та шеър бўлиб, улардан 5таси Нимойи, 2та ғазал, 2та қитъа, 18та чорпоралардир. Тўпламнинг номи Нимойи услубида ёзилган шеър номидан олинган.

Маҳмуд Фороний зуллисонайн шоир бўлиб, дарий ва пашту тилларида шеърлар ёзган. Шу билан бирга урду, араб ва инглиз тилларини ҳам яхши билган [1, 299].

Шоирнинг 1353 (1974) - йил нашр этилган “Бўронда сафар” (“سفر در توفان”) номли шеърый тўплами сўзбошисида шоир ривожланишлар гирдобиди адабиёт-шеърят ҳам ўзининг турли жабҳаларини намоён қилишини ва янги шеър ҳам “тарихий тараққиётнинг бир ҳалқаси” эканини таъкидлайди ва айтадики “янги шеър тарафдорларининг барчаси классицистлардир. Улар классик адабиётнинг аксарият қоидаларини расмий равишда тан олганлар, аммо бошқа бир қатор қоидаларни рад этадилар. Бугуннинг шоири янги лафзий тажнис ўйлаб топиш, тарсеъ ва тавших яшаш учун соатлаб ўйлаб ўтирмайди” [1, 299].

Шоирнинг “Сўнгги юлдуз” (“آخرين ستاره”) шеърый тўпламидаги шу номли шеърига назар ташласак, Форонийнинг “Янги шеър” услуби беназир ижодига гувоҳ бўламиз. Шоирнинг ушбу шеъри 1961-йилнинг кузида ёзилган.

Юрагимнинг синган ва қоронғу қафасидаги Умидсизликнинг кучли шамолдан Милтиллаган учкун ўчди	از تند باد یأس در دخمهء شکسته و تاریک قلب من خاموش گشت شعلهء لرزان آرزو
Узоқ вақтдан сўнг бу кекса укки Ғам-ғуссага ботганча Яна вайронасига қайтди	اندوه پر گشود این چغد سالخورده پس از دیرگاه، باز آمد به آشیانه ی ویرانه اش فرو
Енди ўлим сукунати Қоронғу ва совуқ юрагимга соя солмоқда Сен ғамгин ... эмассанки юзма-юз турсанг	اکنون سکوت مرگ افکنده سایه بر دل تاریک و سرد من بیگ عبوس نیستی استاده رو برو
Сўнгги нафасда Бу зулмат одамларнинг чуқур сукунатида Ҳеч қаердан умид нури кўзга чалинмас	درین دم پسین درین سکوت ژرف درین ظلمت گران نیاید به چشم نور امید ز هیچ سو
Аммо ҳалигача Ғамгин ва ҳалокатли зулмат орқали Бир юлдуз ва унинг тим қора қароғи порлайди. [8,54]	اما هنوز هم از لای تیرگی غم انگیز و مرگبار چشم زند ستاره ی و چشم سیاه او

Шоир шеърда умидсизлик аро милтиллаб ёниб турган умид учқуни ҳам сўнгани ва ҳаёти қоронғуликка бурканганидан ўкинади. Шеър ёзилган вақтда шоир эндигина 21 ёшни қаршилаган бўлса ҳам ғамгинлик, ҳаётнинг чучугидан кўра аччиғи уни кексайтиргани эътироф этади ва вайрон бўлган ҳаётга ўлим яқинлашиб келаётгандек ҳис қилади. Бундай қоронғу ҳаёт нафақат унинг, балки бутун халқ бошида кечаётган бўлса ҳамки бошқалар жим, сукунатлар ичра умидсизлик қаърига шўнғиганидан куюнади.

Шоирнинг кўпгина шеърларида умидсизлик, зулмат, қайғули кайфият етакчилик қилади. Шеърларда оптимистик, ҳаётга мухаббатдан кўра пессимистик руҳ кўпроқ кўзга ташланади.

Шеър шаклига тўхталадиган бўлсак, ушбу шеър ҳар бири 3 мисрали бандалар тизимидан фойдаланган. Қофияланиш мисралараро эмас, балки бандлараро яъни “абв, гдв,…” шаклида қофияланган.

Шоир “шеърларида баъзида шаклга нисбатан мазмунга эътибор кўпроқ кўринади” [1, 302]. Шу сабабдан ҳам Маҳмуд Фороний кечинмаларини эркин ва очиқ ифодалаш, ўзининг қиёфасидаги ўзгалар дардини баралла баён қилиш учун ҳам “янги шеър” услубини танлаган

бўлса ажабмас. Зеро адабиёт туйғулар, сезимлар, кайфиятлар ўйини бўлгани ҳолда, шеърят унинг ёрқин инъикосидир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, афғон адабиётида шеърят дастлаб анъанавий шаклдан фойдаланган ҳолда мазмунни янгилади. Чунки халқ ҳали-ҳануз анъанавий шеърларга иштиёқманд эди. Бунда шоирлар шеърда кўтарилган мавзуни, унинг бадиий тасвир ифодаларини қайтадан кашф қилишди. Секин-секин эски қолип ўрнини янги қолип ҳам эгаллади. Эндиликда шоирлар ўз фикрларини вазнсиз, қофиясиз, чекланмаган банд ва мисралар орқали яна-да эркинроқ ва батафсилроқ тасвирлай олиш имконига эга бўлишди. Уларнинг янги услубга томон юз буришлари шунчаки эмас, балки ҳаёт тақозоси, инсонлар тақдири, мамлакат ривожига орқасидан пайдо бўлди. Ва бу ҳолат ўқувчининг қалбига шундай кириб бордики, у эртанги келажагини қуриш учун, ҳаётни чиройли ва мазмунли ўтказиши учун соддароқ, эркинроқ, ўзгача бир кайфиятда, ўзгача мусиқийлик ва ифода билан тараннум этилган шеърлар орқали руёбга чиқди.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Иномхўжаев Р., Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири-XXаср). – Т.: 2018.
2. Муҳаммадризо Рузбеҳ, Ҳозирги замон Эрон адабиёти – Т.: “Янги нашр”, 2012.
3. شريف حسين قاسيمي. مزایای شعر معاصر دری. – ادبیات معاصر دری افغانستان. – دهلی. 1994.
4. محمد اسحاق فايز, پيشينه تجدد, پيدايش و بالندگی شعر نو در افغانستان, کابل, انتشارت سعيد ۱۳۹۲, بهار.
5. شجاع خراسانی, شعر معاصر پارسی دری, کابل, ۱۳۸۶.
6. میمنت میر صادقیا ذوالقدر, واژه نامه هنر شاعری, تهران, ۱۳۷۳.
7. به نقل از «شعر معاصر پارسی دری», شجاع خراسانی, کابل ۱۳۸۶.
8. محمود فارانی, آخرین ستاره, کابل, ۱۳۴۲.
9. Хужакулов, С. (2021). XX аср бошлари тожик жадид шеърятини эврилишининг айрим тамойиллари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (2 (79)), 40-44.
10. Назарова, А. Р. (2021). БОРИҚ ШАФЕИЙ ШЕЪРЛАРИДА МАЪРИФИЙ МАВЗУНИНГ ИФОДАЛАНИШИ. Academic research in educational sciences, 2(9), 635-644.



Nematilloeva Farangiz,
Buxoro davlat universiteti tadqiqotchisi
nematilloevafarangiz@gmail.com

FEMINIZM ADABIY ASAR SIFATIDA

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Ko'p zamonlardan beri o'z yechimini izlayotgan savollar anchagina bo'lib, hozirgi zamonda ham hali yechim topilmagan bo'lib, ko'pgina yozuvchi va adiblar orasidagi qizg'in bahslarga sabab bo'lgan yana bir mavzu feminizm fikrlariga asoslangan gender tengsizlik mavzusidir. Ushbu maqolada XVIII asr G'arb dunyosida paydo bo'lgan Feminizm mafkurasi, uning tub ildizlari haqida fikr yuritilgan. Feminizm ayollarning siyosatda, jamoat sohasida, ish joyida, oilada va madaniy sohalarda jumladan, san'at va adabiyotda tub o'zgarishlarga olib kelishi tahlil qilingan. Gender tengsizlik yuzlab yillar davomida madaniyatning bir qismi bo'lib kelgan, natijada ko'p hollarda ayollarga nisbatan jabr zulm keltirib, ularga ko'pgina jabhalarda cheklovlar qo'yib kelganini ko'rishingiz mumkin. Maqolada feministik g'oyalar va qadriyatlarining umumiy nuqtayi nazari hamda turli adabiy davrlarda yashab ijod qilgan feminist yozuvchi va adiblar bilan tanishishingiz mumkin.

Kalit so'zlar: feminizm, gender tengsizlik, gender-paradigma, emansipatsiya.

Нематиллоева Фарангиз,

Научный сотрудник Бухарского государственного университета
nematilloevafarangiz@gmail.com

ФЕМИНИЗМ КАК ЛИТЕРАТУРНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается идеология феминизма, возникшая в западном мире в 18 веке, и ее корни. Феминизм был проанализирован, чтобы вызвать фундаментальные изменения в женской политике, общественной сфере, на рабочем месте, в семье и культурных сферах, включая искусство и литературу. Вы можете видеть, что гендерное неравенство было частью культуры на протяжении сотен лет, и в результате во многих случаях женщины были сильно угнетены и ограничены во многих отношениях. В статье можно познакомиться с общим взглядом на феминистские идеи и ценности, а также с писателями-феминистками и писательницами, жившими и творившими в разные литературные периоды.

Ключевые слова: феминизм, гендер-парадигма, гендерное неравенство, эмансипация.

Nematilloeva Farangiz,
Researcher of Bukhara State University
nematilloeyevafarangiz@gmail.com

FEMINISM AS A LITERARY WORK

ANNOTATION

There are many questions that have been searching for their solutions for a long time and even the solution has not been found in the present time that has caused hot debates among many writers is the topic of gender inequality based on the ideas of feminism. This article examines the ideology of feminism and its roots, which emerged in the Western world in the 18th century. Feminism has been analyzed bringing fundamental changes women's participation in politics, the public sphere, the workplace, the family, and cultural fields, including the arts and literature. You can see that gender inequality has been part of the culture for hundreds of years, as a result, in many cases; women have been severely oppressed and limited in many ways. In this article, you can be acquainted with a general view of feminist ideas and values, as well as with feminist writers who lived and worked in different literary periods.

Key words: feminism, gender-paradigm, gender inequality, emancipation.

Kirish

Inson hayoti davomida ko'pincha aqliy va jismoniy ta'sir kuchiga ega bo'lgan g'oyalar, qadriyatlar va tajribalarga duch keladi. Ba'zan bunday tajribalarni turli xil yo'llar orqali jamiyat orasida o'z aksini topadi. Anashunday inson hayotining turfa ko'rinishlarining ko'zgusi sifatida - davr adabiyoti maydonga chiqadi. Adabiyot - bu inson hayoti haqidagi bilimlarning majmuyi bo'lib, u shaxsning bu hayotda mavjudligini, davr voqealiklarini, zamon va makonda ro'y berayotgan jarayonlarga o'zining bevosita munosabatini bildirishi jihatidan tengsizdir. Adabiy asarlar orqali inson hayotini tahlil qilish qiyin bo'lsa-da ammo tasvirlash oson. Ko'p zamonlardan beri o'z yechimini izlayotgan savollar anchagina bo'lib, hozirgi zamonda ham hali yechim topilmagan bo'lib, ko'pgina yozuvchi va adiblar orasidagi qizg'in bahslarga sabab bo'lgan yana bir mavzu feminizm fikrlariga asoslangan gender tengsizlik mavzusidir. Adabiyot inson hayotini o'z qadriyatlari asosida shakllantirish bilan birga uni qanday namoyon qilish mumkinligini hisobga oladi.

Yaratilayotgan asarlar nafaqat mavzu jihatdan turlicha balki, janr jihatdan ham farqlanadi. Nasr, she'riyat, drama va kino kabi turli adabiy janrlarda yaratilgan asarlar orqali feminizm g'oyalari va gender tengsizlik tushunchasi qanday sodir bo'lganligini ko'rishingiz va solishtirishingiz mumkin. Gender tengsizlik yuzlab yillar davomida madaniyatning bir qismi bo'lib kelgan, va natijada ko'pincha ayollarga nisbatan zulmni keltirib chiqargan. Gender tengsizlikda erkaklardagi ustunlik oshirilib, ayollarning esa huquq va erinliklari chegaralash kerak degan g'oyalar ilgari surilgan. Bu g'oya gegemon tuzilmaning bir qismi bo'lib, u ko'pincha "gender-paradigma" deb ataladi. Butun dunyoda haligacha ba'zi bir madaniyatlarda erkaklar va ayollar orasida sun'iy tengsizliklar yaratib kelinmoqda.

Feminizm atamasini hozirgi davr ilm-faniga aynan kim olib kirganligi haqida turlicha fikrlar mavjud. Tadqiqotchilar O. Voronina hamda V. Uspenskayalar feminizm jumlasini XVIII asr oxirida fransuz yozuvchisi Sharl Fyure tomonidan qo'llangan degan fikrni olg'a surishadi. Feminizm XIX asr oxiri va XX asr boshlarida xotin-qizlarning o'z huquqlari uchun olib borilgan kurash orqali yuzaga chiqqan bo'lsada, feminist atamasi uzoq o'tmish fantastikalarida ayollardagi o'z-o'zini boshqarishga intilish bilan an'anaviy erkak va patriarxal jamiyat orasida ziddiyatga olib keladigan ayol qahramonlarning o'y-fikrlari va intilishlari aks ettiriladi. Ushbu asarlarda no'an'anaviy ayol qahramonlar qattiq tanqid ostiga olinib, rad etilgan va masxara qilingan. G'arb dunyosida Feminizm mafkurasining ildizlari XVIII asr oxiriga borib jamiyat orasida keng tarqala boshladi. Feminizmning asosi sifatida mashhur bo'lib, o'z asarlarida shu mavzuni yoritgan yozuvchi Meri Uolstonkraftning "Ayol huquqlarini himoya qilish" (1792 y.) asari siyosiy va axloqiy mavzulardagi ayollarning qat'iy qarashlarini namoyon etadi. Yigirmanchi asrga qadar, yuz yildan ko'proq vaqt o'tgach, ayollar asosiy inson huquqlari bo'yicha uzoq davom etgan feministik harakatlarning ba'zi imkoniyatlaridan

foydalana boshlashdi. Feminizm ayollarning siyosatda, jamoat sohasida, ish joyida, oilada va madaniy sohalarida, jumladan, san'at va adabiyotdagi faoliyatlarida tub o'zgarishlarga sabab bo'ldi. Ayniqsa, badiiy adabiyotda ayollarning avval so'nib qolgan ovozlari jaranglay boshladi.

XVII asrning oxirlaridayoq ayollar adabiyot sohasida ham o'z asarlarini nashr qila boshlashdi. Afra Behn(1640-1689 y.) o'zining "Oroonoko" yoki, "Qirollik qulining tarixi "(1688 y.) nomi bilan mashhur bo'lgan asarini nashr etdi. Bu roman ingliz tilidagi ayol-qullar taqdiriga hamdardlik bildirgan birinchi roman edi.

Adabiy feminizm nazariyasining kelib chiqishi

Feminizm atamasiga 20-asrning boshlarida Virjiniya Vulf o'zining "A Room for One's Own "(O'zi uchun xona) (1929 y.) nomli kitobi orqali asos solgan. Bu tushuncha 1960-yillarda jadal rivojlanishni boshdan kechirdi, bu ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy sohalarini qamrab oluvchi analitik model bilan zamonaviy madaniyat nazariyasini birlashtirdi. A Taumnga ko'ra, G'arb dunyosidagi feministik harakat bir necha omillar asosida yuzaga keladi, xususan:

1. Ayollarga o'zlarini erkak kuchidan ozod qilish imkonini beruvchi kontratseptsiya usullarini ishlab chiqish;
2. Siyosiy radikallashuv;
3. Ozodlik harakatlari;
4. Sekulyarizatsiya, hayotning barcha sohalarida diniy hokimiyatning pasayishi;
5. Ta'limni rivojlantirish;
6. Yangi tanqid va strukturalizm kabi asarni ijtimoiy tuzilmalardan uzoqlashtiradigan adabiy yondashuvlarga munosabat;
7. Ortodoksial marksistik mafkura nazariyasi va amaliyotidan norozilik.

Yuqorida aytib o'tilganidek, ozodlik harakati ayollarning huquqlari uchun kurashish, hukmronlik va gegemonlik tizimini dekonstruksiya qilish va zaif guruhlar va kuchli guruhlar o'rtasida to'qnashuvga kirishishni istagan feministik harakatni ko'taradi. Feministik nazariyalar sinfiy va irqiy mojarolar, ayniqsa, gender ziddiyatlari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, Feminizm odatda emansipatsiya, ayollarning siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy-madaniy sohalarida erkaklar bilan huquqlarni tenglashtirishni talab qilish harakati bilan bog'liq bo'ldi. 20-asr oxirida, ayniqsa bu G'arbda, feminizmning eng muhim alomatlaridan biri edi.

O'n to'qqizinchi asr ayollar uchun ijodning oltin davri bo'ldi. Bu davrda Jeyn Ostenning (1775-1817 y.) odob-axloq normalariga asoslangan bir qancha romanlari dunyoga keldi, ular beg'ubor jamiyatning kulgili faoliyatini parodiya qilish bilan birgalikda, adolatsiz ijtimoiy qoidalarni tanqid qiladi. Sense and Sensibility (1811), Pride and Prejudice (1813 y.), MansfieldPark (1814), Emma (1816 y.), Persuasion (1818) va Sanditon (1925y.) kabi romanlarida ayollarga nisbatan hayotning zo'ravonliklari, jumladan, cheklangan muhitni, sharmandali holatlarini, ta'limdagi oqsoqliklarni ochib beradi.

Feminist fantastik yozuvchisi Kate Chopinning (1851-1904) "Uyg'onish" (1899) asari "an'anaviy" fantastika sifatida mashhu rbo'lishiga qaramay, ko'plab kutubxonalar uni saqlashdan bosh tortgan roman hisoblanadi. Asarda axloqiy jihatdan ayollarga zo'ravonlik munosabatlari, qahramonning xotini va onasiga an'anaviy zulmkor munosabatlarni rad etishiga qaratilgan dushmanona tanqidlari tufayli hatto yozuvchining Sent-Luisdagi tug'ilib o'sgan shaharchasidagi Missouri kutubxonasida ham uning kitobi qat'iy taqiqlarga uchraydi.

1920 yil AQShda ayollar ovoz berish huquqini qo'lga kiritgan bir paytda yana bir feminist ijodkor Edit Uorton(1862-1937) maydonga keldi. U o'zining "Aybsizlik davri" romani orqali keng jamoatchilik orasida mashhurlikka erishdi. Garchi asar jamiyatning ayollarga nisbatan adolatsiz munosabatiga qaratilgan bo'lsada, shu asari orqali Edit Uorton 1921-yilda badiiy adabiyot sohasida Pulitser mukofotini qo'lga kiritgan birinchi ayol bo'ldi,

Uortonning karerasi Qo'shma Shtatlarda gullab-yashnagan bir davrda, ingliz feministi Virjiniya Vulf(1882-1941 y.), (u ham esseist va muharrir bo'lgan)ham mashhurlikka erishgan. U o'zining ijoddagi faoliyatini 1915-yilda yetti yillik izlanishlar natijasida dunyoga kelgan "Sayohat" romani bilan boshlagan. Erta voyaga yetganida, Vulf o'z davrining yosh ayoli uchun g'ayrioddiy mavzu bo'lgan yunon tilini o'rgandi; ishchi ayollar kollejida dars berdi; saylov huquqi harakati uchun

oddiy yumushlarni bajardi va Times nufuzli nashriyoti uchun qator asarlar yozadi. Bu tajribalarning barchasi uning feministic g'oyalarini jonlantira boshladi.

"Tun va kun" (Day and Night) asarida Vulf yosh yozuvchining boshidan kechirgan sinovlarini, o'ziga o'xshamaydigan qahramonlarni shakllantirdi. Romandagi Ketrin Xilberi va Meri Detchit obrazlari shuningdek "Yillar" (The Years) romanidagi Rouz Parjiter obrazlari bilan XX asr ingliz adabiyotidagi "Yangi ayol" obrazini vujudga keltirdi. "Jeykob xonasi" da asarida va undan keyingi Vulf uchun juda ta'sirli bo'lgan "Miss Dallovey" romanini yaratdi. An'anaviy roman tuzilmasidan chiqib, Vulf yigirma to'rt soat davomida o'z qahramoni nuqtai nazaridan Septimus Uorren Smitning nuqtai nazariga o'tish orqali birinchi jahon urushidan keyingi London jamiyatini tahlil qildi. Ko'pincha feministik tanqidchilar tomonidan o'rganiladigan Vulfning "Mayoqqa" asari yosh ayollar uchun bir vaqtning o'zida bo'g'uvchi va rag'batlantiruvchi muhitni yaratadigan asar vazifasini o'tadi. Viktoriyaning ijtimoiy odatlarini qattiq tanqid ostiga oladi.

Vulfning yozuvchi Vita Sakvill-Vulf bilan yaqin munosabati, ehtimol uning 1928 yilda dunyo yuzini ko'rgan "Orlando Biografiyasi" romanini yozishga ilhomlantirgan. Orlando to'rt yuz yildan ortiq umr ko'rgan qahramonning tarjimai holi sifatida yozilgan bo'lib, bu vaqt ichida uning jinsi erkaknikidan ayolnikiga aylanadi, bunday g'ayrioddiy tushuncha yoritilgan asari keng omma ichida tez orada mashhurlikka erishadi. Roman aristokrat Sakvill-Vest oilasi tarixini, shuningdek, ingliz adabiyotining rivojlanish davrini aks ettiradi. 1929-yilda Vulf nomi ostida o'zining keying asarini chop etdi. "O'ziga tegishli xona," asari ayollarning hayotiga qaratilgan bo'lib, tarixchilarning fikriga ko'ra, bu ingliz tilidagi feministik tanqidning birinchi yirik asaridir.

Mazkur asarda Vulf ijtimoiy adolatsizliklarni o'rganish uchun metaforalardan foydalanadi va ayollarning o'z fikrini erkin ifoda eta olmasligini sharhlaydi. Uning baliq haqidagi metaforasi ham aynan shu fikrini aniq tasvirini yaratadi: "Ayol ijod qilishi uchun uning o'z mablag'i va jamiyatda o'ziga xos o'rniga ega bo'lishi kerak deb hisoblaydi". Ayollarda jamiyatning yozilmagan qonunlariga zid bo'lgan qarashlari vujudga kela boshlashi ularni jamoa orasida juda qattiq tanqidlar girdobiga yuzlantirib qoyishiga sabab bo'ladi. Umumiy qoidalarga ga rioya qilgan holda esa, ayol o'z fikrini yo'qota boradi. Bu yerda Vulf ayollarning ijtimoiy hayotdagi o'rnini quyidagicha tariflaydi: "Ayollar va qizlar uyda o'stirilayotgan xonaki gullar kabidir tashqi olamga faqatgina deraza oynalari ortidan nazar tashlashadi, ular pokizalik uchun kurashuvchi va shuning bilan birgalikda johil qiyofasida akslanishadi. Bu albatta ayni o'sha uyg'onish davri ijtimoiy tuzumidagi qizlarning ta'limidagi ko'plab oqsoqliklarni ham fosh etadi Asarning siyosiy ko'rinishi bevosita shu metafora bilan bog'liqdir. Tuzumda "Yangi ayol atamasi" paydo bo'lishi bilan bunday adolatsizliklar ko'rina boshladi va ayollarning intellektual salohiyatiga nisbatan shu paytgacha o'rnatilgan cheklovlarga qarshi kurash boshlandi.. Vulfning ta'kidlashicha, ayollarning ijodiy rivojlanmasliklarining asosiy sabablaridan biri bu ularning istedodi yo'qligidan emas balki ularning erkaklarga qaraganda imkoniyatlari cheklanganligi natijasidir.

Xulosa

Barcha davrlarda o'z o'rniga ega bo'lgan, makon va zamon qobiqlaridan o'tib kelayotgan, haligacha o'zining to'liq yechimini izlayotgan Gender tengsizlik muanmosi bugungi rivojlangan davrimizda ham mavjudligi achinarli hodisa sanaladi. Ammo shunga qaramasdan bugungi kunda olib borilayotgan siyosiy jarayonlarda ayollarning ishtirokini alohida ta'kidlash quvonarli holdir. Hozirda olib borilayotgan siyosiy jarayonlar, ularga bo'lgan e'tibor ming yillardan beri ular kurashayotgan hayot mevasidir. Adabiyot inson ongiga ta'sir o'tkazishni eng to'g'ri yo'lidir, shu sababli Feminizm tushunchasi yoritilgan barcha asarlar yozuvchi va adiblar ijodida badiiy asar sifatida dunyoga kelgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Haynes, Suyin. "What to Know About Virginia Woolf's Love Affair With Vita Sackville-West". Time. Archived from the original on 15 March
2. "Remembering Virginia Woolf, the woman who brought feminism to the fore". India Today. 25 January 2018. Retrieved 10 September 2021.


3. Ramazanoglu, Caroline; Holland, Janet (2002). *Feminist Methodology: Challenges and Choices*
4. Woolf, Virginia (2009), *Mrs Dalloway*, Oxford University Press, p. 31, She had just broken into her fifty-second year.
5. *Mrs Dalloway* 1976, p. 110; the name "Miss Dolby" may refer to the headmistress of Bedford Girls' Modern School at the time.
6. *Thoughts on the Education of Daughters: With Reflections on Female Conduct, in the More Important Duties of Life*. London: Joseph Johnson, 1787.
7. *Mary: A Fiction*. London: Joseph Johnson, 1788.
8. *Original Stories from Real Life: With Conversations Calculated to Regulate the Affections and Form the Mind to Truth and Goodness*. London: Joseph Johnson, 1788.
9. Noel J. (1953). "Jane Austen in France". *Nineteenth-Century Fiction*.
10. Alexander, Christine and Juliet McMaster, eds. *The Child Writer from Austen to Woolf*. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. ISBN 0-521-81293-3.
11. Auerbach, Emily. *Searching for Jane Austen*. Madison: University of Wisconsin Press, 2004. ISBN 0-299-20184-8.
12. Давлатова, М. Х. Работа над видеотекстам на занятиях Английского языка. *Теория и практика современной науки*, 242-246.
13. Davlatova, M. X. (nd). The role of Songs in learning English. *Journal. MolodoyUchyonniy*, (10 (90)), 1147.
14. Davlatova, M. H. (2019). Variability of Aspectual Meanings in English. *European Journal of Research and Reflection in Educational Science*, 7(12.2019), 778-780.
15. H., Davlatova M. "Aspectual Variability of Information Culture in the History of the English Language." *International Journal on Integrated Education*, vol. 3, no. 3, 2020, pp. 24-28, doi:10.31149/ijie.v3i3.81.
16. Davlatova, M. H. (2020). An Integrative history of Aspectual meanings. *JournalNX*, 6(04), 17-22.
17. Davlatova, M. H. Relation of lexical-semantic structure of verbs in the linguistic essence. *IEJRD-International Multidisciplinary Journal*, 6(5).
18. Hasanovna, D. M. (2021). Different aspects of resultative structures according to their linguistic essence. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2 (05), 475-479.
19. Davlatova, M. H. (2020). Lexico-semantic Structure and Its Analysis on the Example of Verbs. *JournalNX*, 6(06), 189-192.
20. Давлатова, М. Х. (2015). The role of songs in learning English. *Молодой ученый*, (10), 1145-1147.
21. Давлатова, М. Х. (2017). Этапы работы с видеотекстами на занятиях Английского языка. *Интернаука*, (9-2), 16-19.
22. Hasanovna, D. M. (2021). Semantic implementation of resultative structures. *Methods*, 7(6).
23. Davlatova, M. X. (2015). The role of Songs in learning English. *Journal. MolodoyUchyonniy*, 10, 90.
24. Давлатова, Мухайё. "Aspectual and lexico-semantic classification of verbs." *Сўз санъати халқаро журнали 1* (2020).
25. Hasanovna, D. M. (2019). Variability of aspectual meanings in english. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7.
26. Давлатова, М. Х. (2018). Работа над видеотекстом на занятиях английского языка. *Теория и практика современной науки*, (4), 242-246.
27. Davlatova Mukhayyo Hasanovna. (2021). Linguistic and cognitive features of performing effective actions. *World Bulletin of Social Sciences*, 3(10), 41-44. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbss/article/view/166>
28. Hasanovna, D. M. (2022). Aspectual and lexical-semantic classification of verbs. *JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 8 (2), 116-121.

29. Hasanovna, D. M. (2021). Semantic Implementation of resultative structures. *novateur publications JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*.
30. Davlatova Mukhayyo Hasanovna. (2021). Different aspects of resultative structures according to their linguistic essence. *Academica Globe: Inderscience Research*, 2(05), 475–479. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/D4T8J>.
31. Давлатова, М. Х. Работа над видеотекстам на занятиях Английского языка. Теория и практика современной науки, 242-246.
32. Davlatova, M. X. (nd). The role of Songs in learning English. *Journal. Molodoy Uchyonniy*, (10 (90)), 1147.
33. Davlatova Mukhayyo Hasanovna. (2022). On the interrelationship of resultive and causative meanings. *World Bulletin of Public Health*, 9, 212-215. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbph/article/view/900>.
34. Davlatova Mukhayyo Hasanovna. ASPECTUAL AND LEXICAL-SEMANTIC CLASSIFICATION OF VERB NOVATEUR PUBLICATIONS *JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 8, ISSUE 2, Feb. - 2022 116 | P a g e S.
35. Мухайё Хасановна Давлатова. The Expression of resultative and depictive constructions in english and uzbek languages. *Международный журнал искусство слова*, 2021.
36. Davlatova, M. H. Relation of lexical-semantic structure of verbs to resultability.
37. MX Davlatova. The easy way of learning english with the help of songs. *Теория и практика современной науки*. 4.стр. 578-581. 2018
38. Nematilloyeva Ferangiz Muxammadiy qizi. An Expression of social problems in Ben Johnsons's comedies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinaty Research Journal*. Vol 12, Issue 05, May 2022.



Бабахаджаев Рашид Хашимович
доцент, Ташкентский государственный
транспортный университет

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ НА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Активный и интерактивный методы позволяют обмениваться информацией, получать обратную связь, совместно решать возникающие проблемы, моделировать учебные ситуации, оценивать свое поведение и действия других участников, погружаться в реальную атмосферу делового сотрудничества при решении проблемных вопросов. Существуют различные методы взаимодействия преподавателя и студентов: методы совместного обучения, групповые дискуссии, дебаты, деловые игры-симуляторы, разбор ситуаций, проектный метод, социально-психологический тренинг, модерация, компьютерное моделирование и другие. Благодаря интерактивным методам у студентов формируются профессиональные компетенции, развивается аналитическое мышление, мобилизуются познавательные силы, пробуждается интерес к новым знаниям, раскрывается креативность личности.

Ключевые слова: деятельность, интерактивные методы, обучение, студенты, педагоги, психологи.

Babakhadjaev Rashid Xashimovich
Ph.D. Associate Professor, Tashkent State Transport University

THE USE OF INTERACTIVE METHODS IN FOREIGN LANGUAGES

ANNOTATION

The active and interactive methods allows sharing information, receiving feedback, solving together the arising problems, simulating the educational situations, evaluating one's own behavior and the actions of other participants, diving into the real atmosphere of business cooperation in solving problematic issues. Various methods exist of interaction between the teacher and students: cooperative learning methods, group discussions, debates, business simulation games, case situation analysis, project method, social-psychological training, moderation, computer simulations, and others. Thanks to interactive methods, the students form the professional competences, develop analytical thinking, mobilize the cognitive powers, an interest in new knowledge is awakened, and the creativity of personality is revealed.

Keywords: activity, interactive methods, education, students, pedagogues, psychologists.

Babaxadjaev Rashid Xashimovich

Ph.D. Toshkent davlat transport universiteti dotsenti

CHET TILLARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

ANNOTATSIYA

Faol va interfaol usullar ma'lumot almashish, fikr-mulohazalarni qabul qilish, yuzaga keladigan muammolarni birgalikda hal qilish, ta'lim holatlarini taqlid qilish, o'z xatti-harakatlari va boshqa ishtirokchilarning harakatlarini baholash, muammoli masalalarni hal qilishda biznes hamkorligining haqiqiy muhitiga sho'ng'ish imkonini beradi. O'qituvchi va talabalar o'rtasidagi o'zaro ta'sirning turli usullari mavjud: hamkorlikda o'qitish usullari, guruh muhokamalari, bahslar, biznes simulyatsiya o'yinlari, vaziyatni tahlil qilish, loyiha usuli, ijtimoiy-psixologik trening, moderatsiya, kompyuter simulyatsiyasi va boshqalar. Interfaol usullar tufayli talabalarda kasbiy kompetentsiyalar shakllanadi, analitik fikrlash rivojlanadi, kognitiv kuchlar safarbar qilinadi, yangi bilimlarga qiziqish uyg'onadi, shaxsning ijodkorligi ochiladi.

Kalit so'zlar: faoliyat, interfaol usullar, ta'lim, talabalar, pedagoglar, psixologlar.

O'qitish usuli o'quv jarayonida o'qituvchi va o'quvchining o'zaro hamkorligi orqali shakllanadi. Mavjud ta'lim sharoitida o'quv jarayoni o'qituvchi va talaba o'rtasidagi umumiy bilim, ko'nikma va qadriyatlarini talabaga o'tkazishga qaratilgan o'zaro ta'sir sifatida qaraladi.

Pedagogik vaziyat paydo bo'lgan birinchi kundan to hozirgi kungacha o'qituvchi va talaba o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning faqat uchta keng tarqalgan shakli mavjud:

1. Passiv usullar;
2. Faol usullar;
3. Interfaol usullar.

O'qitishning passiv usuli - bu o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning bir shakli bo'lib, unda o'qituvchi darsning markazi, talaba esa passiv tinglovchi bo'lib qoladi. Bunday darslar bo'yicha fikr-mulohazalar so'rovlar, mustaqil topshiriqlar, testlar va boshqalar orqali amalga oshiriladi. Passiv usul materialdan foydalanish nuqtai nazaridan eng samarasiz deb hisoblanadi, ammo bu usulning afzalliklari kamroq vaqt talab qiladigan darslarni oldindan tayyorlash va qisqa vaqt ichida katta hajmdagi ma'lumotlarni taqdim etish imkoniyatini o'z ichiga oladi. Faol yondashuv - o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning bir shakli bo'lib, unda o'qituvchi va talabalar teng ravishda ishtirok etadilar. Ta'limning bu shaklida talabalar endi passiv tinglovchilar emas, balki o'quv jarayonining faol ishtirokchilaridir. Ushbu imtiyozlar tufayli ko'plab o'qituvchilar ushbu o'qitish usulini tanlaydilar. Ba'zi hollarda bu usul tajribali o'qituvchilar tomonidan o'quv maqsadini aniq belgilab qo'ygan talabalar bilan qo'llanilganda samarali bo'ladi. Agar passiv darslar avtoritar ta'lim uslubini ifodalasa, faol yondashuv demokratik uslubdir (1-rasm va 2-rasmga qarang). Faol va interfaol yondashuvlar umumiy jihatlarga ega. Umuman olganda, interfaol usulni faol usullarning zamonaviy varianti deb hisoblash mumkin. Passiv yondashuvdan farqli ravishda, faol ta'lim o'quvchilar va o'qituvchi o'rtasidagi yaqin munosabatlarga qaratilgan bo'lib, o'quvchilar o'quv jarayonida faolroq bo'ladilar. Faol va interfaol yondashuvning asosiy farqi shundaki, faol yondashuvdan farqli o'laroq, interfaol ta'lim o'quvchilarning nafaqat o'qituvchi bilan, balki bir-biri bilan ham o'zaro munosabatini o'z ichiga oladi. Interfaol yondashuv dialog rejimida o'zaro ta'sirni o'z ichiga oladi ("inter" - o'zaro, "harakat qilish" - bajarish, bajarish). Boshqacha qilib aytganda, o'qitishning interfaol usuli - bu o'quvchilarning o'quv jarayoniga jalb qilinadigan, bilganlari va o'ylaganlari haqida fikr yuritadigan o'quv-kommunikativ faoliyat shaklidir. Asosiy vazifasi o'quvchilarga yordam berish va osonlashtirish bo'lgan o'qituvchiga yo'naltirilgan o'qitishning an'anaviy usulidan farqli o'laroq, interfaol ta'lim o'quvchilarning ehtiyojlari, qobiliyatlari, qiziqishlariga e'tibor qaratadi. An'anaviy yondashuvda o'qituvchi o'quv jarayonining markazi bo'lib, o'quvchilar passiv bo'lib, faqat ma'lumot oladi, o'quvchiga yo'naltirilgan tizimda o'qituvchi va talaba o'zlarining an'anaviy rollarini o'zgartiradilar, bu esa o'quvchining o'quv jarayonida faol ishtirok etishiga imkon beradi. va mas'ul bo'ling. sinf markazi. O'quvchilar o'z bilim va tajribasiga tayangan

2. Ashirbaeva, M.N. (2021). The role of using WebQuests in teaching speaking skills. *Academic research in Educational Sciences (ARES)*, 2(12), 788-793.
3. Ashirbaeva, M.N., & Yusupova, M.A. (2022). Benefits of using WebQuests in teaching foreign languages. *Models and methods for increasing the efficiency of innovative research*, issue 8, 21-25. <http://doi.org/10.5281/zenoda.5979487>
4. Ashirbaeva, M.N., & Yusupova, M.A. (2022). The both sides of using WebQuest-technology in increasing of speaking skills at school. *European Scholar Journal*, 3(4), 151-153. <http://www.scholarzest.com>
5. Dodge B. some thoughts about WebQuests. 1995-1997.- http://webquests,sdsu,edu/about_webquests.html
6. Dodge, B. (1995). Web Quest: a technique for internet- based learning. *Distance Educator*, 1(2), 7-9.
7. Dodge, B. (2004). What are the essential parts of a Web Quest?. Viewed on August 30, 2015 at http://www.thirteen.org/edonline/concept2class/webquests/index_sub3.html
8. Yusupova, M.A. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarini o'quv jarayonida loyiha texnologiyasidan foydalanishga o'rgatish tizimi. *Ped.fan.bo'y.fal.d-ri(PhD) diss.avtoreferat.-T.:2021*
9. Yusupova M. (2019) Development of communication competence while using project work in teaching English to students in Higher Education as an actual problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7(12).
10. Yusupova, M.A., (2020). Successful way of being a skilled English teacher. *Science and Education 1 (Special issue 2)*, 198-203.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Kurbanova Charros Botir qizi
Samarqand shahridagi 13-maktabda
oliy toifali o'qituvchi Sharof
Rashidov nomidagi Samarqand davlat
universiteti mustaqil tadqiqotchisi
kcharros@bk.ru

HIKMATLARGA YO'G'RILGAN SHE'RIYAT

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'zbek she'riyatining yorqin ijodkorlaridan biri bo'lgan Abdulla Oripov she'riyati xususida so'z yuritilgan. Shoir she'riyatining asosiy xususiyati bo'lgan hikmat yaratish mahorati borasida fikr-mulohazalar yuritilgan. Shoirning hikmat darajasiga ko'tarilgan she'rlarining asosini an'analarga yo'g'rilgan mumtoz adabiyot kasb etishi hamda xalq og'zaki ijodidagi hikmatli so'zlar va maqollar asos vazifasini o'tashi haqida ma'lumotlar berilgan. Abdulla Oripov she'riyatidagi obrazlar va detallar Erkin Vohidov singari adiblarning she'rlari bilan qiyosiy tahlil etilgan. Shoir ijodidagi soat detali poetik mazmuni ochishga xizmat qilganligi, ona obrazi esa tafakkur tadrijining yuksak namunasi ekanligi tadqiq etilgan. Abdulla Oripov ijodidagi ona obrazini yoritishdagi lirik qahramon O'tkir Hoshimovning "Dunyoning ishlari" qissasi qahramoniga yaqin inson sifatida talqin etilgan.

Kalit so'zlar: shoir, she'r, hikmat, donishmand, sodda, xalqchil, detal, mahorat, lirik qahramon, obraz.

ПОЭЗИЯ ОСНОВАННАЯ НА МУДРОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о поэзии Абдуллы Арипова, одного из самых ярких творцов узбекской поэзии. Высказывались мнения о мастерстве созидания мудрости, что является главной чертой поэзии поэта. Приводится информация о том, что в основе стихов поэта, поднявшихся до уровня мудрости, лежит классическая литература, пропитанная традициями, а также мудрые слова и пословицы в народном фольклоре. Образы и детали в поэзии Абдуллы Арипова сравниваются со стихами таких писателей, как Эркин Вахидов. Исследовано, что деталь часов в творчестве поэта служила раскрытию поэтического содержания, а образ матери является высоким образцом мыслительного процесса. Лирический герой изображения матери в произведении Абдуллы Арипова интерпретируется как человек, близкий герою повести О'ткира Хашимова «Творения мира».

Ключевые слова: поэт, поэма, мудрость, мудрый, народный, фольклорный, деталь, мастерство, лирический герой, образ.

POETRY BASED ON WISDOM

ABSTRACT

This article is about the poetry of Abdulla Oripov, one of the brightest creators of Uzbek poetry. Opinions were held on the skill of creating wisdom, which is the main feature of the poet's poetry. Information is given that the basis of the poet's poems, which have risen to the level of wisdom, is classical literature steeped in tradition, and wise words and proverbs in folk art serve as the basis. The images and details in the poetry of Abdulla Oripov are compared with the poems of writers such as Erkin Vahidov. It has been researched that the detail of the clock in the poet's work served to reveal the poetic content, and the image of the mother is a high example of thought process. The lyrical hero of the portrayal of the mother in Abdulla Oripov's work is interpreted as a person close to the hero of O'tkir Hashimov's story "Works of the World".

Key words: poet, poem, wisdom, wise, simple, folkloric, detail, skill, lyrical hero, image.

Abdulla Oripov she'riyati hikmatga boy bo'lgan she'riyat. Qay mavzuni qalamga olmasin, unda shoir yangi bir hikmatomuz xulosa beradi. Bu xuddi hikmatdan hikmat yaralayotgandek, xulosadan xulosa chiqarilayotgandek mazmunga egadir. "Azaldan hikmatga moyil she'rilar bitib kelgan Abdulla Orif ijodining egamanlikdan keyingi davrda buyuk Yalovochning "So'zda sehr bor, she'rda hikmat" hadislarida aytilganidek, o'zining umr yo'lida ko'rgan-kechirgan va kuzatganlaridan hikmat chiqarishga ko'proq e'tibor qaratadi. Shoir o'zining bu yillardagi bitiklarida odam deb atalmish o'ta murakkab yaratilgan cheksiz olam og'ushidagi chigal hayotini turli rakurslardan aks ettiradi. Olam hodisalariga ko'pni ko'rgan donishmand nazari bilan qaraydigan mutafakkir shoir atrof olamdagi har bir narsa-hodisalardan ibrat yo hikmat topib, esdan chiqmaydigan yo'sinda poetik aks ettiradi" [1: 252]. Shoir oddiygina detal tasviri vositasida ham hikmat yarata oladi. Uning "Soat" she'riga e'tiborimizni qaratamiz:

Soat millariga boqqaning zamon,
Kechmasmi ko'ngildan bir gap nogahon,
Kimdir shu daqiqa dunyoga keldi,
Ketdi shu daqiqa qaysi bir inson. [2: 28]

Shoir foniy va boqiy tushunchalarini lakonizm asosida to'rt misraga joylar ekan, unda inson taqdiri, yozug'i, uning olib borgan faoliyati-yu, qanaqa shaxs ekanligi borasidagi mushohadalardan cheklanadi. Bunga hojat ham yo'q. She'rda bir detal misolida tasvirlash barobarida hayot tushunchasi, bugun tushunchasi, qolaversa lahza, soniya tushunchalari ya'ni vaqt tushunchasi in'ikosida taqdiri azalni beradi. Xulosa chiqarishni o'quvchining o'ziga qo'yib beradi. Bu olamda tug'ilish mavjud ekan, o'lim ham haq. Shoirning asosiy g'oyasi ham ana shunda. Shoir Erkin Vohidov ham detal vositasida hikmatomuz misralar yarata olgan ijodkorlardandir. Bu haqda Ozod Sharafiddinovning fikrlari qimmatli: "... "Po'lat" she'rini ko'raylik. U hammasi bo'lib olti misra. Ammo shu olti misrada dabdabasiz, taraqturuq va jarang-jurungsiz, insonni ulug'lovchi shu qadar chuqur ma'no ifodalanganki, yosh shoirning umumlashtiruvchi kuchiga tahsin o'qimay iloj yo'q. Bunday ixcham, obrazli she'r bilan har qanday shoir maqtansa arziydi.

U dastavval oybolta bo'ldi,
So'ng zambarak bo'lib quyildi.
Qilich ham u, miltiq va nagan,
U bomba ham bo'lib portlagan.
Lekin olgan jahonni faqat –
Pero bo'lib quyilgach po'lat.
Poeziyadagi obrazlilik shu-da!

Ham jiddiy va chuqur fikr bor, ham o'tkir his va original taqqos mavjud" [3: 6]. Ozod Sharafiddinov to'g'ri ta'kidlaganidek, chuqur mushohadaga ega bo'lgan fikrni Erkin Vohidov o'z o'quvchisiga taqdim etadi. Uning hikmatomuz xulosasida faqat yaxshilikka xizmat qiluvchi moddiyatgina jahonni zabt eta olishi mumkin degan hukmni anglaymiz. Erkin Vohidov ham Abdulla Oripov singari o'z misralarida hikmat yarata oladi. Biroq bu hikmatda, haqiqatda insoniyat yaratayotgan yaratilarning vazifalari mujassamlashadi. Abdulla Oripov misralaridagi detal esa

vaqt tushunchasi zohirini anglatadi. Ikki ijodkor ham hikmat yaratgan bo'lsa-da, biroq ularning qarashlari va falsafasida farqlanishlar mavjudki, bu farqlanishlar ularning donishmandona nigohi bilan belgilash mumkin.

Abdulla Oripov samimiy misralarni yaratadi. Unda samimiyat hissiy qudrat bilan omuxtalashib ketadi. “Shoir uchun muhimi poetik ifodaning aniqligi va tuyg‘ularga ta’sir ko‘rsata oladigan tarzda amalga oshirilganligidir. Shu jihatdan Abdulla Orif she’riyatida hozirga qadar ham adabiyotimizdagi tengsiz hodisaligicha turibdi” [4: 254].

Bu ne bozor erur, hamma jim va jam,
Oladigan ham yo‘q, sotadigan ham?
Bu – mozor, hamma jam va jim,
Olmaydi, sotmaydi birorta odam! [5: 448]

Shoirning “Bozor” nomli ushbu she’rida falsafiylik ustunlik qiladi. Uning yuqoridagi singari bitiklarida yaxshilik va yomonlik tushunchalari orasida oqibat ham yashiringanki, insoniy xislat, fazilatlar bu tushunchaning zamiridan oqib chiqqandek. Yana bu bitiklarda hayotiy haqiqatni kuzatamizki, bu haqiqat o‘ta ta’sirli poetik xulosa darajasiga yetadi. Shoir she’riyatida ko‘proq INSON, TAQDIR, HAYOT, YARATUVCHI tushunchalariga urg‘u beradi. Shu asosda mukammal bo‘lgan falsafiy xulosa, yoki falsafiy mushohadaga yo‘l ochadi. Bizningcha, shoir hikmat darajasiga ko‘targan yaratilishlarida TAQDIR tushunchasini barcha tushunchalardan yuqoriroq qo‘yadi. Bu tushuncha qilmish-qidirmish tushunchasi bilan omuxtalashib ketadi. Shu bois uning she’riyatida ham (misradan misraga o‘tish jarayonida) hikmat ostonalaridan ko‘tarilayotgandek tuyg‘ularga hamohang taassurot uyg‘otadi:

- Filga aylanibsan, chumoli, nechun?
- Ro‘zg‘orimdan ko‘nglim to‘qligi uchun.
- Chumoli bo‘libsang, so‘yla fil, nechun?
- Ro‘zg‘orimda tinchim yo‘qligi uchun. [5: 123]

Fil va chumoli ruhiyati kontrast holatda tasvir etilar ekan, shoir nigohi ularni ro‘zg‘or tushunchasi bilan bog‘liq holdagi qiyofasida ko‘radi. Bu qiyofa filni ro‘zg‘or tashvishlari sabab chumoliga, chumolini esa ro‘zg‘or sabab filga aylantiradi. Shoir achchiq haqiqatni go‘yo kashf etayotgandek, biroq achchiq iqror samimiyat bilan yo‘g‘rilgan. San‘atkorona tasvirlangan haqiqat oldida fil chumoli, chumoli esa fil qiyofasi(mono va mini tushunchalari bir-birining o‘rnini egallaydi)ni olar ekan insoniyat deb atalmish oliy mavjudotning ro‘zg‘or ortidagi portreti bo‘rtiriladi hamda ta’sirchanligi orttiriladi.

Abdulla Oripov yaratgan ko‘pgina she’rlarda Inson hayoti va u bosib o‘tayotgan yo‘liga shoirona tafakkur orqali boqadi. Shu bois uning she’rlari obraz va detallarga boy. Shoir, ko‘pincha, biron oddiy buyumni oladi-yu, shu orqali chuqur ma’noni, jiddiy fikrlarni ifodalaydi. Yoki obrazni juda mukammal darajada yaratadiki, unda ruhiy iqlimlar o‘z ifodasini topadi. Shoirning “Inson” she’rida xuddi shunday holatga duch kelamiz:

Senga bo‘lsin ezgu hislarim,
Nafratlarim boshqa yoqlarga.
O‘zni tanib, Seni izladim,
Duch kelsam ham shum siyoqlarga.

Birov seni avliyo dedi,
Birov dedi mehnatkash siymo.
Gar siyrating yodimda edi,
Suvratingni ko‘rmasdim ammo.

Yo‘liqasan go‘dak bo‘lib goh,
Goh mo‘ysafid, goh shod, goh nolon.
Kimligingdan bo‘lmasdim ogoh,
Va atadim nomingni – Inson. [5: 70]

Tafakkur asosiga qurilgan bu misralarda shoirning INSON xususidagi xulosalari o‘z

ifodasini topgan. Uning nazdidagi inson o'z xilqatlaridan iborat. Bu inson suvrat va siyrat tushunchalariga ega. Biroq har doim ham o'quvchi anglay olgan suvrat va siyrat tushunchalari tarozining ikki pallasidek toshni bir xil bosmaydi. Kimdadir suvrat tushunchasi ustunlik qilsa, kimdadir siyrat tushunchasi ustunlik qiladi. Shoir ham o'z she'rida yuqoridagi mushohadani nazarda tutadi. Shu bois uning yo'lida goh mo'ysafid, goh o'z taqdiridan shod inson, goh esa nola chekayotgan inson bo'lib gavdalanadi. Lirik qahramon fikr kishisi, u atrofni juda sinchkovlik bilan kuzatayotgan shaxs. U o'z xayoliy qiyofalarini taqdim etar ekan, bu qiyofalarning barchasida oliy mavjudot – INSON tushunchasi she'r g'oyasi bo'lib xizmat qiladi. Abdulla Oripov birgina inson obrazini bir qancha rakurslar orqali suratlantiradiki, natijada turli-tuman xislat va xususiyatga ega bo'lgan insonlar tasviri o'z ifodasini topadi.

Abdulla Oripov ijodida eng muhim va mukammal bo'lgan obrazlardan biri onadir. Ona obrazi ifoda etilgan she'rlari tuyg'ularga boy nozik haroratli she'rlar desak mubolag'a bo'lmas. Shoir ona obrazini chizishda beg'ubor kechinmalar bag'rida muhrlanib qolgan ruhiyatni baxshida etadi. Biroq bu obrazni taqdim etishda ham taqdir tushunchasi ustunligini anglash qiyin emas:

Ko'kda yulduz uchsa nogahon,
Bitdi derlar qaysi bir taqdir.
Bunday g'amni ko'tarmak oson,
Bu ehtimol bizlar haqdadir.
Ba'zi tunlar ko'kka tikib ko'z,
Eslab deyman onamni shu on;
Ona ketsa, yulduz-ku, yulduz,
Qulab tushsa arziydi osmon. [5: 78]

Ijodkorning ong shuuridagi cheksiz muhabbat, keyinchalik ijodiy ta'sirlanishning hosilasi bo'lgan go'zal va faryodli satrlarni yaralishiga sabab bo'lgan. Bu satrlarda nafaqat cheksiz muhabbat bilan yo'g'rilgan ruhiy faryodda inson tabiatidagi alam, iztirob, achinish, o'kinch kabi ruhiy iztiroblarning izlari mujassam. Shoirning lirik qahramoni ayriliq azobidan to'lg'anayotgan shaxs sifatida gavdalanibgina qolmay, dardning yukini naqadar og'irligini his ettirishga majbur qila oladigan shaxs hamdir. Shoir misralaridagi yulduz-ku, yulduz so'zining qayta takrorlashi va faryodlarga dosh beruvchi koinotning kunpaya-kun ya'ni qulab tushishi yoki ag'darilishi tasviri azobni bo'rttirishga xizmat qiladi. Shoir onaning vafot etishini koinotning tugashi darajasida talqin etadi. Bu original talqinlardagi qiyoslanishlar poetik mahoratidan dalolat beradi. Obrazli ifoda esa tasvir ta'sirchanligini orttirgan. Adabiyotshunos N.Shukurov o'zining "So'z sehri, she'r mehri" asarida quyidagi mulohazalarni bildiradi: "badiiy asarning muvaffaqiyatli chiqishi juda ko'p shartlarga bog'liq: asarning xalq dilidagi va tilidagi mavzularga bag'ishlanishi, ilg'or, muhim, katta g'oyalarni ifodalashi, shu g'oyalarni ifodalovchi obrazlar, xarakterlar, syujet va kompozitsiya, badiiy nutq – ana shularning hammasi puxta, pishiq, sodda, hissiy, xalqchil bo'lgandagina badiiy asar yaxshi chiqadi. Bunday asar yaratish uchun esa muallif chinakam tabiiy iste'dodga tajriba bilan pishib yetilgan talantga ega bo'lishi lozim" [6: 125]. Abdulla Oripov ana shunday qobiliyatga ega bo'lgan shaxsdir. U o'z she'riyatini puxta, pishiq sodda, hissiy qilish bilan bir qatorda xalqchilik bilan sug'organ. Shu bois shoir yaratgan ona obrazini umumlashma obraz sifatida e'tirof etish mumkin. O'zbek adabiyotining mohir nosirlaridan biri bo'lgan O'tkir Hoshimov ham ona obrazini "Dunyoning ishlari" qissasida yarata olgan. Ikki asarda ham bitta dard ifoda etilgan. "Dunyoning ishlari" qissasi yorug' dunyodan yaqinda ko'z yumgan onasini sog'inib orziqqan yigitning "munojot"i bilan boshlanadi. Asarning aynan birinchi hikoyasi "Oq oydin kechalar" deb nomlanadi. Asarda onaning oyga qarab ohista pichirlashi va alla aytishi voqeasini xotira vositasida keltiradi. Asosiysi ushbu asarda ham tun manzarasi va yulduz to'la osmonga tikilishi tasviri berilgan (Qarang [7: 6]). Shu jihatdan har ikki asar ham bir-biriga yaqindir. Har ikkisida ham tun manzarasi tasviri muhim ahamiyatga ega. Bu manzara ayriliq tushunchasiga yo'l ochadi. Shu bois har ikki asarda ruhiyatni aniqroq berish uchun tun manzarasini kiritishadi. Har ikki asarda ham g'alizlik, sun'iylik, yasama bezakdorlik kuzatilmaydi.

Adabiyotshunos A.Davlatova "Abdulla Oripov she'riyatida poetik tafakkur tadriji" nomli tadqiqotida Abdulla Oripovning hikmatga yo'g'rilgan she'riyatining xalq og'zaki ijodi bilan

bog'laydi va haqli fikrni o'rtaga tashlaydi. Unda yozilishicha: “Abdulla Oripovning “Odamlar” she’rida o‘zbek ruhiyatiga xos tantilik, saxovat va javonmardlik betakror badiiy talqin etilgan. Shoir to‘rtliklaridagi falsafiy xulosa, maqollarning o‘ziga xos badiiy tasviri, o‘zbek xarakterining betakror ifodasi aslida yuksak iste’dodning xalq dahosi bilan uyg‘un namoyon bo‘lishi bilan izohlanadi.

Jajji go‘dak, sen tug‘ilding, sen uchun

Kim belanchak yasab turar shu damda.

Kimdir senga uchqur tulpor egarlar,

Kimdir senga hassa yo‘nar shu damda.

Bu she’r g‘oyasi xalq donishmandligining namunasi hisoblangan ertaklardagi uch kunlik dunyo to‘g‘risidagi savol-javoblar, umrni uch faslga – go‘daklik, balog‘at va qarilikka ajratish tendensiyasiga asoslanadi. Beshik, tulpor va hassa majoziy obrazlardir” [8: 13]. A. Davlatova to‘g‘ri ta’kidlaganidek, uch fasl majoziylikka ega. Unda ijodkor Inson hayot fasllariga ishora etish orqali umrgo‘zaronlik tushunchalariga urg‘u beradi. Shu asosda hikmat darajasidagi xulosalari orqali donishmand inson chizgilarini yaratadi. Dunyo, olam tushunchalari har bir ijodkorning bitklarida zohir bo‘lib, unda qarashlar bir-biriga yaqinlashganligini anglash qiyin emas. Biroq bu tushuncha ottenkasida ifoda etilgan so‘z bo‘yoqdorlikka egadir. Shu bois ijodkorlar mazkur atamani bir necha sinonimlaridan foydalanishadi. Masalan, Yusuf Xos Hojib o‘zining “Qutadg‘u bilig” asarida rabot so‘zidan foydalanadi [9; 396-397]. A. Yugnakiyning «Hibatul-haqoyiq» asarida ham duch kelish mumkin. Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Mashrab kabi ijodkorlarning asarlarida esa «falak», «dahr» «jahon», «garduni dun» kabi tushunchalarda ifoda etiladi. Abdulla Oripov dunyo tushunchasini Inson va Hayot, koinot va qolaversa insoniy xislatlar atrofida jamlaydi.

“Abdulla Oripov dunyoga shu nuqtai nazardan yondasharkan, xuddi qadimgi donishmandlarga o‘xshab dunyo ham uning tasavvurida «bozor»ga aylanadi. Shu asosda shoir ikkinchi bir yangilikni ilgari suradi. Bu - «ma’ni»ning ham bozorga qiyoslanishi. Dunyo bozorida «molim yomon degan biror kimsa» topilmaganidek, ma’ni ahli orasida ham o‘z «mol»ining narxi pastligini tan oluvchilar uchramaydi:

Bozorga o‘xshaydi asli bu dunyo,

Bozorga o‘xshaydi bunda ham ma’ni.

Ikkisi ichra ham ko‘rmadim aslo,

Molim yomon degan biror kimsani.

Bu to‘rtlik shunisi bilan diqqatga sazovorki, unda an’anaviy bir tashbeh zaminida ikkinchi bir tashbeh yaratilib, olamga tegishli haqiqat bilan odamga daxldor haqiqat kinoya ohangi bilan o‘zaro uyg‘unlashtirilgan. Odatiy savdo bozoriga o‘xshab, dunyo bozorida ham hamma narsa sotiladi va sotib olinadi. Shoir bu «savdo» jarayonini behad diqqat bilan kuzatib, uning sirlaridan chuqur ogoh bo‘lmaganida «Nozim Hikmat» she’rida mana bunday savolni balki ko‘ndalang qo‘ymasdi:

Olam bozorida sira kiprik qoqmay,

Yurtini, elini sotganlar ozmi?

El va yurtni sotishning shakllari ham har xil bo‘lib, Abdulla Oripov she’rida ularning bir necha ko‘rinishlari tasvirlab berilgan” [10; 67].

“Abdulla Oripov so‘nggi yillarda ijodining shunday pallasiga keldiki, aytajak har bir so‘zini, mulohazasini go‘yo she’r bilan aytadi; xohlagan narsa-hodisadan ma’no, hikmat axtaradi (“Xatna”, “Kasseta”, “Anketa”, “Darslik tuzuvchi”, “Aprel’ sovug‘i”, “Beozor kibr”, “Fermer qudamga”, “Otning dumi”). Bir vaqtlar “Dunyoda diyonat hali mavjuddir...” deya satrlar tizgan shoir global dunyoda kechayotgan voqea-hodisalardan shu qadar larzaga tushadiki, tevarak-atrofdan bevosita “Qiyomat alomatlari”ni ko‘ra boshlaydi. “Idrok odamlarni butkul tark etgan” – mana qiyomatning sababi. O‘z qavmidagilarni Hazrati inson deb atagan shoir so‘nggi asrga kelib uning tarix kechmishlarini ham, ilohiy ko‘rsatmalarni ham nazar-pisand qilmay, tafakkur etmay telba-teskari intilishlaridan dahshatga tushadi. U ijodkor kuchli tabaqalanish, inson qadrining sariq chaqaga arzimligi, zalolat kabi fojialarni ham fojeiy idrok etadi. Odamzodning so‘nggi asrdagi hayoti unga telba-teskari tomoshaga o‘xshab ko‘rinadi” [11: 16].

Adabiyotshunos Dilmurod Quronov Abdulla Oripovning hikmatomuz she'riyati haqida quyidagi fikrlarni bayon etadi: "Mitti yulduz"ga kirgan "Dorboz", "Buloq" she'rlarida ham da'vat nasihat mazmunini ifodalashga xizmat qiladi. Ikkala she'rda ham avval bir holat tasvirlanadi, so'ng birinchisida "odamlar" (o'quvchilar, ikkinchi shaxs ko'plik) muayyan harakatga da'vat etiladi, ikkinchisida esa muayyan harakatdan qaytariladi. Ikkala she'rda ham yakun da'vat, qaytarish sababini izohlash asosiga qurilganki, bu ham an'anaviy nasihat she'rlardagi ifoda tarziga monand. Dorbozni olqishlashga da'vat qilishning sababi "uning ko'pchilik to'g'ri yo'lda eplab yurolmayotgan bir paytda ko'zi bog'liq holda dorda yurgani", buloqqa tegmaslikka da'vat esa unga (ramzan yoshlarga) o'z yo'lini topishga imkon bergan ma'qulroq ekani bilan izohlanadi. Ya'ni ikkala holda ham ibratomuz (nasihat) mazmun shunga mos an'anaviy ifoda shakli yordamida voqelanadi. To'g'ri, ikkala she'rda ham bittadangina da'vat, qaytarish ma'nosidagi fe'l bor, lekin ular matnda asosiy tayanch nuqta bo'lib xizmat qiladi. Faqat, bu o'rindagi "tayanch nuqta"ga Arximed aytganicha qimmat berish lozim, ya'ni "Menga tayanch nuqta bering, Yerni ko'taraman" degandagi kabi"[12: 10].

Xullas, Abdulla Oripov she'riyati hikmatga yo'g'rilgan she'riyat. Unda dahoyona fikrlar o'z ifodasini topgan. Shoir o'z hikmatomuz xulosalarida Inson, uning olami, taqdir tushunchalarini birinchi planga chiqaradi. Shu asosda insonning hayotini qaytarilmas jarayon ekanligini uqtirishga intiladi.


Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1. Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018, - 540 б.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 6-том. – Тошкент: Шарқ, 2010, - 384 б.
3. Сўз сеҳри. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижлдига чизгилар. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006, - 136 б.
4. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006, - 545 б.
5. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2019, - 784 б.
6. Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992, - 236 б.
7. Ҳошимов Ў. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1993,
8. Давлатова А. Абдулла Орипов шеърлятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. д-ри.. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2022, 13-бет.
9. Тўхлиев Б. «Кутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари. «Ўлмас обидалар». – Тошкент, 1989. - 396-397 б.
10. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърлятида "кўнгил" ва "дунё" образлари ҳақида. Abdulla Oripov ijodiy merosining o'rganilish masalalari respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya (Anjuman shoir Abdulla Oripov tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi) materiallari. – Andijon, 2021, 10-bet.
11. Райхонова М. Абдулла Орипов шеърлятида оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш тадрижи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Қарши, 2021. – 16 б.
12. Қуронов Д. Абдулла Орипов ижодида мумтоз аънаналар. Abdulla Oripov ijodiy merosining o'rganilish masalalari respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya (Anjuman shoir Abdulla Oripov tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi) materiallari. – Andijon, 2021, 10-bet.



Daminova Mashkhura Zafar kizi
Navai State Pedagogical Institute,
interfaculty department of foreign
languages, teacher

IN ENGLISH, THE APPLICATION IS ABOUT THE STUDY OF CONSTRUCTIONS

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ABSTRACT

In linguistics, the terminological concept of the phenomenon of application is partially more convenient than the terminological concept of large syntactic units, its linguistic essence requires more application of the topic. For example, in many linguistic disciplines, the application phenomenon is used a lot as a syntactic-stylistic phenomenon, and we are witnessing the emergence of new variants of it.

Therefore, regardless of how these various terminological concepts applied to the phenomenon of application are called, they have a single linguistic essence and are always interpreted as a syntactic, stylistic phenomenon. However, when explaining the linguistic essence of the application phenomenon, it is necessary to take into account their structural-semantic groups.

Key words: oral speech, syntax, applied construction, linguistics, structural feature, semantic feature, typological feature, phonetic feature, syntactic group, applied part, main part, stylistics, structural composition, in grammar, constructions.

Даминава Машхура Зафар кизи
Навойй Давлат педагогика институти
Факултетлараро чет тиллир кафедраси, ўқитувчи

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

АННОТАЦИЯ

Илова ҳодисаси тил тизимида терминологик тушунча бўлиб, тилдаги йирик синтактик бирликлар атамасига нисбатан маълум даражада қулайлиги, унинг тилдаги аҳамияти мавзунини янада кенгроқ ўрганилишини талаб этади. Чуночи, ҳозирги даврда жуда кўплаб тилшунослик фанларида илова ҳодисаси синтактик-стилистик ҳодиса сифатида кўплаб ишлатилмоқда ва унинг янги-янги номланувчи вариантлари юзага келаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу каби атамаларнинг илова тушунчасига нисбатан қай тарзда қўлланишидан қатъий назар, улар ягона лисоний мазмунга эга бўлади ва ҳамини стилстик ва синтактик ҳодиса тарзида талқин этилади. Лекин, илова ҳодисасининг лингвистик моҳиятини изоҳлашда албатта уларнинг структур-семантик гуруҳларини ҳам эътиборга олиш айтиш муддао бўлади.

Калит сўзлар: оғзаки нутқ, синтаксис, иловали конструкция, тилшунослик, структуравий хусусият, маъновий хусусият, типологик хусусият, фонетик хусусия, синтактик

гурух, иловали қисм, асосий қисм, стилистика, структуравий композиция, грамматикада, конструкциялар.

Илова конструкциялар оғзаки нутқ синтаксисини ёзма манбаидаги кўринишидир. Рус тилшуносларидан ташқари бошқа, бир тилшуносларнинг монографияларида, тадқиқотларида ва илмий мақолаларида ҳам илова конструкция тўғрисидаги фикрларга дуч келиш мумкин. Академик В.В. Виноградовнинг “Стиль Пушкина” [2], Н.С. Поспеловнинг “Синтаксический строй стихотворных произведений А.С. Пушкина” [3], Л.В. Щербанинг “О частях речи русском языке” [5] каби асарларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда иловали конструкциялар фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ёритиб берилган. Юқорида баён қилинган “Иловали конструкциялар” тўғрисидаги фикрлар илмий, назарий аҳамиятга эга бўлиб, бошқа тилшунослик фанларининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, Е.Е. Крючковнинг мақоласида [4] чоп қилинган, илмий, назарий мулоҳазалар, барча тилларда: немис, инглиз, француз, ўзбек, тожик, қозоқ тилларида баъзи бир ходисаларни изоҳлаб беришда илмий-назарий методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иловали конструкциялар масаласи бўйича ҳам инглиз тилида ҳимоя қилинган кўплаб номзодлик диссертациялари шу нарсани кўрсатадики, иловали конструкциялар масаласи ҳали ҳам унча тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Тилшуносликда илова ҳодисаси ҳозирги кунгача қанчалик ўрганилиш тарихига эга бўлмасин, у доимо ҳар қандай тилшунослик фани доирасида энг муҳим, кам ўрганилган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки илова ҳодисаси назариясининг тарафдорлари бу мавзуга кўпинча Ж.Б. Бўроновнинг таъбири билан айтганда “юзаки ёндашишга ҳаракат қилишадилар” [1; 143-б.]. Бошқа тарафлама ёндашадиган бўлсак, “илова ҳодисасининг лисоний аҳамиятини, шу билан биргаликда, унга боғлиқ бўлган тузилмавий, маъновий, келиб чиқиши, оҳанг ва бошқа бошқа жиҳатларни” [6; 121-б.; 7; 218-б.] грамматика фани нуқтаи назаридан келиб чиқиб ечишга уринишди-ю, бироқ унга боғлиқ бўлган бундай хусусиятларни матн нуқтаи назаридан талқин этишмайди. Натижада илова ҳодисасининг кўп томонлари изланиш доирасидан четда қолгандай туюлади. Баъзи ҳолларда илова ҳодисанинг семантик, услубий ва бошқа хусусиятлари алоҳида ўрганилади, лекин уларнинг ана шундай хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган ички қонуниятлари изланиш рамкасида четда қолаверади. Демак, илова ҳодисасини ўрганишга нисбатан бўлган бундай муносабат кутилган натижага олиб келмайди.

Иловали конструкциялар “одатдагидан ташқари тартибга эга бўлган “алоқалар” бўлиб, бу унинг ташқи белгиси ҳисобланади. Функционал жиҳатдан эътибори билан эса улар сўзловчининг нутқидаги содда услубни, унинг оғзаки сўзлашувига хос хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли бундай конструкцияларни текширишда уларга кўпроқ стилистика фани нуқтаи назаридан ёндашиб иш кўришга тўғри келади.

Иловали конструкцияларнинг хусусиятларини изоҳлашда, энг олдин уларнинг нутқидаги ўрни ва функциясини аниқлаш лозим. Сўнгра бундай алоқаларнинг структураси, ундаги қисмларнинг ўзаро муносабати ва грамматикада тутган ўрни белгиланиши лозим. Бу конструкциялар, маълум бир стилистик функцияларни бажаришдан ташқари, синтактик нуқтаи назардан ҳам ўз тавсифига эга бўлиши ва амалий жиҳатдан уларни қандай маънода тушуниш кераклиги аниқлаштирилиши зарур.

Маълум синтактик гуруҳлар (бу гуруҳлар содда гап шаклида бўладими, сўз ёки сўз бирикмаларидан иборат бўладими, бундан қатъий назар) ўзида ифода қилинган мазмунга илова тарзида айтилган қўшимча қисмни бириктиради. Натижада бир умумий фикрни англатадиган алоқалар юзага келади. Иловали конструкциянинг умумий кўриниши ва айрим хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги мисолни келтирамиз.

And that shouldn't just mean that Gottlieb would support everyone who was on pramke's side. To the red one.

Бу иловали конструкция икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – асосий қисм, иккинчиси - иловали қисм. Сўзловчининг асосий фикри „And that shouldn't just mean that Gottlieb would

support everyone who was on pramke's side“ қисмида баён қилинган. Шунинг ҳам қайд этиш мумкинки, иловали қисм асосий қисмининг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келади. Демак, иловали элементлар ўз табиатига кўра маълум компонентларнинг маъносини конкретлаштириб, изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келишлари билан бир қаторда, баъзи ҳолларда умумлаштириб ҳам келиши мумкин. Маълум бўлақлар билан бу турдаги тузилмавий композицияга эга бўлган иловали элементлар орасидаги синтактик алоқалар – икки томонлама, яъни синтактик алоқалар ҳамда семантик муносабатлар воситасида ифодаланади.

Адабиётлар

1. Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 284 б.
2. Виноградов В. В. Стиль Пушкина. – М.: Гос. изд-во художественной литературы, 1941. – 620 с.
3. Поспелов Н. С. Синтаксический строй стихотворных произведений Пушкина. Институт русского языка. – Москва, 1960. – 249 с.
4. Щерба Л.В. О частях речи в русском языке. Языковая система и речевая деятельность. – М.: Наука, 1974. – С. 77-100.
5. Крючков С.Е. О присоединительных связях в современном русском языке. Вопросы синтаксиса современного русского языка. Учпедгиз. – М., 1950. – 400 с.
6. Эйхбаум Г. Н. Обособленные члены предложения в немецком языке. – Л., 1974. –130 с.
7. Moskalskaja O. I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – М., 1983. -344 S.



ISSN: 2181-9297


www.tadqiqot.uz

Азамов Омаджон Бурхановаиш

Андижон давлат чет тиллари институти

E-Mail: kamronmirzo79@mail.ru

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИ ИФОДАЛАШДА ЗООФРАЗЕМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дунёнинг лисоний манзарасини ифодалашда зоофраземаларнинг роли немис ва ўзбек тиллари мисолида таҳлил қилинади. Зоофраземаларнинг шакилланиш тамойиллари турли тилларда турлича талқин қилиниши иккки тил мисолида ўрганилади. Зоофразеологик бирликларнинг турли тилларда, халқларда миллий анъаналар, урф- одатларга бевосита боғлиқлиги ва шу халқнинг лисоний манзарасини ифодалашдаги иштироки илмий манбалар асосида кўриб чиқилади. Унда немис ва ўзбек тилларида келтирилган мисоллар асосида фразеологик бирликларни идентификациялаш масаласига ҳам ойдинлик киритилган.

Калит сўзлар: зоофразема, зоометафора, лексема, лисоний манзара, миллий муносабаблар, фразеологик тасниф, анимализмлар, зоонимлар, зоосемизмлар, зооморфеизмлар, зоохарактеристика, фразеологик бирлик, идентификация, идиомативлик, маъно яхлитлиги, компонент.

Azamov Omadjon Burkhanovaich

Andijan State Institute of Foreign Languages

E-Mail: kamronmirzo79@mail.ru

THE SIGNIFICANCE OF ZOO PHARESEM IN EXPRESSING THE LINGUISTIC VIEW OF THE WORLD

ANNOTATION

This article analyzes the role of zoophrases in expressing the linguistic picture of the world on the example of the German and Uzbek languages. On the example of two languages, the principles of the formation of zoophrases in different languages are studied. The direct connection of zoophraseological units with national traditions and customs of different languages and peoples and their participation in the expression of the linguistic landscape of this people is considered on the basis of scientific sources. It clarifies the issue of identification of phraseological units on the basis of examples given in German and Uzbek.

Key words: zoophrase, zoometaphor, active lexeme, linguistic landscape, national attitudes, phraseological classification, animalisms, zoonyms, zoosemisms, zoomorphism, zoocharacteristics, phraseological unit, identification, idiomaticity, semantic integrity, component.

Азамов Омаджон Бурханович

Андижанский государственный институт иностранных языков
Электронная почта: kamronmirzo79@mail.ru**ЗНАЧЕНИЕ ЗООФРАЗЕМЫ В ВЫРАЖЕНИИ ЯЗЫКОВОГО ВЗГЛЯДА НА МИР****АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируется роль зоофраз в выражении языковой картины мира на примере немецкого и узбекского языков. На примере двух языков изучаются принципы образования зоофразы в разных языках. На основе научных источников рассматривается непосредственная связь зоофразеологических единиц с национальными традициями и обычаями у разных языков и народов и их участие в выражении языковой картины этого народа. Уточняется вопрос идентификации фразеологических единиц на основе примеров, приведенных в немецком и узбекском языках.

Ключевые слова: зоофраза, зоометафора, активная лексема, языковой ландшафт, национальные установки, фразеологическая классификация, анимализмы, зоонимы, зоосемизмы, зооморфизмы, зоохарактеристики, фразеологическая единица, идентификация, идиоматичность, семантическая целостность, компонент.

Инсон ва табиат азалдан бир бутун бўлиб яшаб келади. Уларнинг бир- бирларига бўлган муносабати жуда қадимдан бошланган. Инсоният албатта даставвал ўз атрофидаги ҳайвонот ва наботот дунёси билан турли муносабатда бўлган. Уларни ўрганган, уларнинг турли хусусиятларига кўра турлича ном берган. Масалан, “какку” қушининг ўз сайраш усули таъсирида ўзига турли тилларда ўзбек тилида бўлгани каби тақлид асосида рус тилида: “Кукуша”, немис тилида: “der Kuckuck” деб номланишини келтиришимиз мумкин. Бу каби лексик бирликлар дунёнинг барча тилларида мавжуд бўлиб, азалдан қўлланиб келинаётган фаол лексемалардир. Чунки, инсон атрофидаги бошқа табиий нарсалардан кўра ҳайвонот дунёси билан ўзининг бир қатор ўхшашликлари ҳамда фазилатлари билан яқин бўлган.

Дарвоқе, тирик жонзотлар қаторида ҳайвонлар ҳам одамлар каби ўзларини тутиш табиати, ўзига хос одати, феъл- атворига эгадир. Шу ўринда инсон ўзини ўзи идрок қилиш ва билиш жараёнида турли махлуқотлар билан ўзининг ўхшаш тамонларини англашда уларнинг дунёси билан ўз дунёсини қиёслаш орқали турли овозли ва ишорали тил воситаларини шакиллантиради. Оламнинг лисоний манзарасини шакиллантиришда албатта биринчи ўринда қайси тил бўлмасин, мавжуд географик макони билан боғлиқ. Маълумки, инсонлар яшаш учун турли жойларни, шаҳарлар, тоғлар, чўллар, ўрмонлар ва денгиз сувликларини макон қилиб олган. Демак, ўша маконда ҳайвонот ва ноботат олами, иқлим шароити уша халқнинг лисоний захирасида ўз ифодасини топади. Номлаш жараёни эса барча халқлар учун умуминсоний тафаккур қонуниятлари асосида амалга оширилади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос бўлган томонлари кўзга ташланади. Бу ўзига хослик биринчи навбатда юқорида таъкидланганидек, макон билан боғлиқ. Масалан, нидерланд тилининг зооним компонентли фразеологик бирликларини тадқиқ қилган Терешко Е.В. шундай ёзади: “Нидерланд тилидага зоофразеологизмларнинг асосий фаоллиги денгиз жонворлари билан боғлиқдир, бунга асосий сабаб нидерланд халқининг азалдан асосий тирикчилик манбаи денгизлар ва сувликлар бўлган, шунинг учун ҳам нидерланд халқи орасида бошқа халқларга нисбатан “криветкалар”, “медузалар” ва “денгиз малюскалари” иштирокида шакилланган зоофраземалар кўпчиликти ташкил этади”. [1]

Бундан ташқари турли жойларда мавжуд бўлган бир тур ҳайвонлар феъл атвори, ўзига хос хусусиятлари турли халқларда уларнинг тарихий, миллий- маданий ва диний қарашлари асосида турлича хос маъноларга эга бўлади. Масалан, кўп халқларда “айёрлик”, “ақиллилик” тимсолига эга бўлган “тулки” зооними хитой тилида умуман ўзгача маънони ифодалайди. Сохада илмий изланишлар олиб борган рус тадқиқотчилари О.А. Булганова ва О.А. Краснобаловаларнинг фикрича, рус ҳамда хитой тилларида оламнинг лисоний манзарасини

ифодаловчи зоофразеологизм ва зоолексемалар ядро компонентининг метафорик маъноларига кўра кескин фарқ қилади, масалан “тулки” рус тили билан бир қаторда аксарият европа ва осий халқлари орасида “айёрлик” тимсоли бўлса, хитой тилида “тус ўзгартириш қобилияти” ва “узоқ умир кўриш” ни ифодалайди. Бундан ташқари хитой маданиятида “макрли аёллар” тулкига қиёсланади. Қолаверса “тулки” қадимги хитой битикларига кўра “орқасидан ёвуз руҳларни эргаштириб юрувчи алвасти” сифатида тасвирланган. [2]

Юқорида кўрсатиб ўтилган мисоллар ва фикр- мулоҳазалардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тил кўламида қатор лексемалар, турғун сўз бирикмалари мавжудки, уларнинг шакилланишида ҳайвонот дунёсининг таъсири катта бўлган. Лекин уларнинг кенг қамровли лингвистик тадқиқи эса узоқ тарихга эга эмас. Ўтган асрнинг иккинчи яримидан бошлаб бу тил унсури кенг ўрганила бошланди. Масалан, туркий тиллар ҳайвонот дунёсининг номланишига бағишланган, таниқли тилшунос А.М. Шербакнинг “Уй ҳамда ёввойи ҳайвонларни турк тилларида номлаш” номли илмий иши, О.Н. Трубачеванинг “Славян тилларида ҳайвон номларининг келиб чиқиши”, М.Н. Кузнецованинг “Марий тилларида ёввойи ҳамда уй ҳайвонларининг номлари” каби қатор илмий ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Сўнги 20- 30 йил ичида турли тиллар зооним лексемалари қаторида ушбу лексемалар иштирокида шакилланган фразеологик ибораларни бир, икки ва кўп тиллар қиёси асосида бир қатор мақолалар билан биргаликда номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бундан ташқари Германияда ҳам умумий немис тили фразеологияси ва зоофразеологизмлар устида кўплаб фундаментал тадқиқотлар олиб борилдики, улар соҳа ривожини учун салмоқли хисса қўшди.

Оламнинг лисоний манзарасини ифодалашда фразеологизмлар такрорланмас тил унсуридир. Фразеологизм антропоцентрик ҳодиса бўлиб, у фақат шунчаки номлаш учун эмас, балки аксарият баҳолаш, изоҳлаш ва шахснинг субъектив муносабатини билдирувчи восита сифатида шакилланади. Бу шакилланиш қай даражада ва қандай ҳолатда рўёбга чиқади? Саволни янада аниқроқ қўймоқчи бўлсак, фразеологик ибораларни пайдо бўлишида ҳайвон денотатив номлари иштироки қандай? Улар ўзларининг номинатив маънолари билан иштирок этадими, ёки кўчим асосидаги мавжуд маънолари биланми? Ёки фразеологизмлар шакилланишида ҳайвон номлари “пучлашиш” жараёнига дуч келадими? Бу каби масалаларга ечим зоофраземаларни тилларда қай даражада дунёга келишини аниқлашга хизмат қилади. Масаланнинг ечимини бу йўл билан топишда профессор М. Умархўжаевнинг ҳар қандай тилда асосий тил сатҳлари қаторида махсус фразеологик тағтизим борлиги ва ушбу тағтизимнинг маркази ҳамда периферияси мавжудлиги ҳақидаги концепцияси аҳамиятли ҳисобланади. Фразеологик тағтизимнинг марказий ҳамда периферия элементларининг шакилланишида фраземалар компонентларининг “пучлашиш” градацияси уларнинг тигтизимдаги ўрнини аниқлаб беришга хизмат қилади. [3]

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай фразема таркибида шундай компонентлар мавжудки, улар семантикаси ўз номинатив маъносидан узоқлашган, ҳаттоки пучлашган даражада бўладилар. “Пучлашиш” сўзининг аниқ ёки абстракт маънолари доирасида бўлиб, бу компонент фраземанинг асосий ёки асосий бўлмаган қисми ҳам бўлиши мумкин. Масалан, немис тилида Affe- маймун зооними орқали шакилланган, ҳозирги кунда немис тилида фаол қўлланиб келаётган 15 та фразема аниқланди. Уларнинг барчасида иштирок этган зооним лексема фразема орқали ифодаланаётган турли маъноларни шакилланишида кўришимиз мумкин, яъни маймунга хос баъзи хусусиятлар инсон табиатида мавжуд:

- Ахмоқлик: dich beißt wohl der Affe (с.с: сени аниқ маймун тишлабди) - бутунлай эс-хушини йўқотмоқ
- Такаббурлик : ein eingebildeter Affe (с.с: такаббур, димоғи шишиган маймун)- олифта, акаббур одамт
- Манманлик: ein eitler Affe (с.с: олифта маймун)- манман, кекайган одам
- Димоғдорлик: ich bin doch nicht dein Affe! (с.с: мен сенинг маймунига эмасман)- мени ахмоқ қилолмайсан

- Олифталик: dastehen wie ein lackierter Affe (с.с: худди лакланган маймундай) - арчилган тухумдай, башанг кийинган
- Сархушлик: einen (schweren) Affen (sitzen) habet (с.с: елкасига оғир маймунни миндириб олмоқ) - кайфи трароқ бўлмоқ, мост бўлмоқ
- Тезлик: mit affenartiger Geschwindigkeit (с.с: маймун тезлигида)- ўқдай учиб, тезлик билан, оёғини қўлига олиб
- Лаганбардорлик: j-s (od. s-m) Affen Zucker geben (с.с: кимнингдар маймунига қанд бермоқ) - ялоқилик қилмоқ, хушомад қилмоқ, пахта қўймоқ каби хусусиятларни ифодалаш учун қўлланилиб келган.

Лекин, ушбу метафорик, метонимик фраземаларнинг пайдо бўлишида Affe- маймун сўзининг иштироки турлича; баъзи фраземаларда маймун сўзининг денотатив маъносини иштироки сезилиб турса, баъзи ибораларда ишора орқали сезилса, яна баъзи фраземаларда умуман Affe- маймун сўзи пучлашган бўлиб, фраземанинг умумий маъноси, ташкил қилувчи компонентлар қоришмасидан ташкил топган. Бу жараёни куйидаги мисолларда кўриш мумкин: (wie) vom wilden (od. tollen) Affen gebissen- (сўзма- сўз: гўёки ёввойи, қутурган маймун тишлагандай) wie verrückt, wild. Фраземанинг маъноси: хурсандлигидан эс- хушини йўқатмоқ, оғзи қулоғига етмоқ.

Жумлада келиши: Als ich den Kindern sagte, dass sie nachmittags in den Zirkus gehen dürfen, waren sie ganz verrückt vor Freude- wie vom wildem Affen gebissen.

Ушбу фразема компонентларини алоҳида алоҳида таҳлил қилсак;

- Wie- луғавий- лексик қиёсловчи маъносида
- Vom wilden- бирикмаси “ёввойи” лексик маъносида
- Affe- “маймун” зоолексема сифатида
- Gebissen “beißen” (тишламоқ) феълининг сифатдош- 2 шакли(ўтган замон шаклини ясашда қўлланилади).

Кўриб турганимиздай ушбу фраземани ташкил қилувчи компонентларнинг ҳеч бирида “ўта хурсанд бўлиш” ни англатувчи лексик маънолар иштирок этмаган. Бизнинг фикримизча бу каби фраземаларнинг шакилланишида турли ўхшатишларни, ассоцияларни, қолаверса миллий стереотипларнинг роли катта. Ушбу ўхшатишлар натижасида немис тилида бир қатор фраземалар шакилланган, масалан:

- Du bist wohl vom wilden Affen gebissen- (с.с: сени ёввойи маймун тишлаб олибди) du bist wohl völlig verrückt! Фразеологик маъноси: сен бутунлай эс- хушингни йўқотибсан.
- Ich bin doch nicht vom wilden Affen gebissen! (с.с: мени ёввойи маймун ҳали тишлаб олгани йўқ)- Ich bin doch nicht verrückt! Фраземасининг маъноси “ҳали эс- хушимни йўқатганим йўқ, жинни бўлганим йўқ!”

Бу каби қўшилиш орқали монолит ассоциатив маънога эга бўлган фраземалар дунёга келади. Бундай ҳолатларда компонентларнинг лексик маъноларини маълум иштирокига ишора борлигини имплицит сезишимиз мумкин. Қуйидаги мисолларда инсоннинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиш жараёнида сархўш ҳолатга тушиб, маймундаги тебраниб юриш, жисмоний ҳамда салбий хусусиятларини кўчишини кўришимиз мумкин.

Масалан:

- „einen Affen sitzen haben“ (с.с: елкасига маймун ўтириб олган бўлмоқ)- sehr betrunken sein. Фразема маъноси: “ичиб келмоқ, кайфи тароқ бўлмоқ”
- “sich einen Affen kaufen” (с.с: ўзига маймун сотиб олмоқ)- sich betrunken gehen Фразема маъноси: “ичиб келмоқ”, “маст бўлиб юрмоқ”
- “mit einem Affen nach Hause kommen” (с.с: уйга маймун билан келмоқ)- betrunken nach Hause kommen

Фразема маъноси: “маст холда уйга келмоқ”, “ичиб олиб келмоқ”, “ичиб келмоқ”

Бу каби фраземаларнинг маъносини шакилланишида “Affen” зооморфизмининг алкоголь ичимлиги ичган шахсни, унинг ичимлик таъсиридаги ҳолатини ифодаловчи метафорик бирлик сифатида таърифлаш мумкин. Шахсдаги нуқсонларни номлаш учун ҳам немис тилида қатор фраземалар мавжудки, улар кўпроқ метафорик кўчим асосида юзага келган.

Масалан:

- “ein dämlicher Affe” (с.с: ахлоқ маймун)= ein dummer Mensch

Жумлада келиши: ein dämlicher Affe! Kann er nicht ein bisschen auflassen, was er macht, mich vollzuspritzen. Бу фразема “тентак”, “эсини еган одам” маъноларида қўлланилади, ёки

- “ein eingebildeter Affe” (с.с: такаббур маймун)= ein sehr eingebildeter Mensch

Фразема маъноси: манман, такаббур, гердайган одам

Жумлада келиши: dem Paul gönne ich diese Blamage, diesem eingebildeten Affen.

Ушбу мисолга яқин маънода ишлатиладиган “ein eitler Affe” (с.с: олифта маймун) фраземасини ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби фраземаларнинг шакилланишида “Affe”- маймун сўзи шахсга қаратилган метафорик маънода ишлатилган бўлса, қолган компонентлар (eitler, eingebildeter, dämlicher) ўзининг луғавий маъноларидан бирида иштироқ этган.

Ушбу кўринишда шакилланган фраземалар ҳар - бир тилда кўп сонни ташкил этади. Лекин, “Affe”- маймун зооними иштирокида шакилланган бир қатор фраземалар борки, улар ифодалаётган фразеологик маънода синхрон нуқтаи назарда уларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, сифатида таҳлил қилиш мумкин. Масалан,

- „einen Affen an jmdm. gefressen haben“ (с.с: ким учундир маймунни еган бўлмоқ)= jdn. (od. etw.) sehr gern haben

Фразема маъноси: кимнидир (ниманидир) ўлгудай яхши кўрмоқ, ақлдан озигудай яхши кўрмоқ.

Жумлада келиши: die Großmutter hat an ihren jüngsten Enkel einen Affen gefressen. Er darf alles, was seine Geschwister nicht dürfen.

Ушбу фраземанинг шакилланишида юқорида таҳлилга тортилган холатларни учратамиз, чунки “Affe”- маймун ҳамда “fressen”- емоқ сўзларининг лексем, кўчма маъноларида фразема ифодалаётган маънога яқин маънони, ҳаттоки қандайдир экстралингвистик ишорани кўраамиз. Бу каби фраземаларни келиб чиқишини этимологик тадқиқотларда ҳам аниқлик киритиш мушкул масаладир. Улар ҳар- бир халқнинг узок тарихи, урф- одатлари, тилнинг ўзига хос семантик ва структур хусусияти билан боғлиқ.

Яна бир ўзига хос шакилланган зоофраземага эътиборимизни қаратсак:

- “jmds. (jmdm.) Affen Zucker geben” (с.с: кимнингдир маймунига шакар(қанд) бермоқ) фраземаси икки хил- омонимик маъноларни

пайдо бўлишига сабабчи бўлган:

Биринчи фразеологик маъноси:

1. jmds. Schwäche schmeicheln- кимгадир хушомад қилмоқ, лаганбардорлик, тилёғламачилик қилмоқ

Жумалада келиши: Wenn du bei ihm was erreichen willst, dann brauchst du nur seinem Affen Zucker zu geben.

Иккинчи омонимик маъноси:

2. Ausschlossen, listig sein- ўзига эрк бермоқ, қуюшқондан чиқмоқ.

Жумлада келиши: Wir haben, weiß Gott, Grund zum Feiern und du sollst aus dem Keller eine gute Flasche bringen und dann wollen wir unseren Affen Zucker geben.

Бу икки омоним маъноларнинг шакилланишида “Affen”- маймун, “Zucker”- шакар, “geben”- бермоқ лексемаларининг қайси бири асосий ёки кўчма маъно, доминант бўлганлигини аниқлаш мушкул. Чунки ибора ўша учала сўзнинг бирикиши орқали оламнинг лисоний манзарасини қайсидур лексик бирликлар орқали очилмай қолган жойи ёки бўшлиқларини тўлдириш учун хизмат қилади.

Маълумки, дунё халқлари тилларида, жумладан немис ва ўзбек тилларида хўрознинг хатти-ҳаракати ва мағрур кўриниши метафорик асосда инсонларга тақлид этилади ва мағрур, гердайган инсон образи ифодаланади. Немис тилида мавжуд бўлган „der Hahn“ – хўроз зооними иштирокида 8 та фразема мавжуд бўлиб, улар ранг- баранг фразеологик маъноларни ифодалаш кўрсатиб ўтилади. Юқорида таъкидланган “мағрурлик”, ”гердайиш”, ”урушқоқлик” тушунчалари қаторида “ягоналик” ва “ёнғин” тушунчаларини ифодаловчи фраземалар борлиги аниқланди.

Масалан:

- Stolz wie ein Hahn- (с.с: хўроздай мағрур). Фразем маъноси: “ўта мағрур”, “хўроздай гердайган”

Ушбу фразема маъносининг шакилланишида эксплицит тарзда метафорик кўчим иштирокини кўрсак: “Hahn im Korb sein” (с.с: сват ичидаги хўроз бўлмоқ)- der einzige Mann in einer Gruppe von Menschen sein “Аёллар ичидаги ягона эркак бўлмоқ” фразем маъносини “Hahn”- хўроз ҳамда “Korb”- сават сўзлари маъноларидан англаб олиш мумкин эмас. Ёки „jmdm. den roten Hahn aufs Dach setzen“ (с.с: кимнингдир томига қизил хўрозни ўтказмоқ)- jmds. Haus in Brand stecken.

Фразем маъноси: “кимнингдир уйига ўт кўймоқ”

Ушбу мисол орқали билиш мумкинки, бу фразема маънолари фақат этимологик таҳлил орқали ойдинлаштириш мумкин, лекин ҳозирги замон немис тилисида “ёнғин” ва “хўроз” сўзларининг бир- бирига боғлиқлигини бир қарашда аниқлаш мушкул. Бу каби фраземалар тилда фақат турғун сўз шаклида бўлиб, уларнинг структураси, таркибий компонентлари ҳамда фразеологик семантикаси турғун бўлади ва тилда маълум бўшлиқларни тўлдириш мақсадида қўлланиб келинади.

Бу каби лингвистик жараёни ўзбек тили фраземаларининг шакилланиш механизмида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, “туя” зоонимининг бир қатор фраземаларнинг шакилланишидаги иштирокига эътибор берсак. Биринчи навбатда ушбу ҳайвоннинг ташқи, жисмоний тузилиши, унинг оилалардаги тутган ўрни, яъни оила учун аҳамиятли ҳайвон эканлиги, ақл чегараси ва бошқа қатор хусусиятлари кўплаб ҳалқ эртақлари қаторида фраземаларда ҳам ифодаланиб келган:

- “туядай бўй бергунча, нинадай ақл берсин”
- “туянинг бўйни ёмон, ёмоннинг ўйини ёмон”
- “тухум ўғриси, туя ўғриси бўла олади”
- “туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади”[4]

Шундай фраземалар мавжудки, улар англатаётган мазмунни фраземани ташкил этувчи “туя” ва бошқа компонентларнинг лексик маъноси орқали тушуниб олиш анча қийин. Мисол учун олайлик: “туя кўрдингми- йўқ” фраземасининг маъноси “бирор нарсани сир тутиш”, “билган нарсасини билмасликка олиш” каби маъноларни ифодалайди. Бу ибора ўзбек тилида шу шакл ва кўринишда мавжуд бўлиб компонентларнинг бир- бирлари билан қоришиб кетиши натижасида яхлит фразеологик маънода қўлланилади. Шунга жуда яқин “туя қилмоқ”, “нонини туя қилмоқ” каби фраземаларни ҳам кўришимиз мумкин. “Туянинг думи ерга етганда” фраземаси “ҳеч қачон” маъносини ифодалайди, бизнингча туя думининг ўта калталиги, жуда секин ўсиши каби ўзига хос ҳолатлари фраземанинг шакилланишига асос бўлган.

“Бақироқ туянинг бори яхши” фраземаси антропоцентрик маънога эга бўлган ҳолда, туядаги безовуталик хусусияти, оилада катталарнинг борлигини қанчалик аҳамиятли эканлигини билдириш учун қўлланиб келинади.[5]

Ўзбек ҳалқининг кундалик ҳаёти қадимдан уй ҳайвонлари билан бевосита боғлиқ бўлиб келганлиги сир эмас. Ушбу одамлар ва ҳайвонлар орасидаги азалий муносабатлар тилимизда ранг- баранг образли ибораларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлиб келган. Ўзбек ҳалқининг энг севимли, ардоқланиб келган ҳайвонлари “от”- das Pferd, “сигир”- die Kuh лар қаторида қўйнинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги вақтда ҳам юртимиз қишлоқларида, хаттоки баъзи бир шаҳарликлар ҳам хонадонларида қўй боқишга одатланган. Шу сабабли, фикримизча, бошқа ҳалқларга нисбатан ўзбек ҳалқида “қўй” ва “кўчқор” нинг турли феъл ативорлари одамлар томонидан кўчма маънода ишлатилиб келинади. Таҳлилга тортилган турли мақол ва маталлар ҳамда фразеологик луғатларда берилган маълумотларга кўра 100 га яқин ушбу зооним иштирокидаги мақол- маталлар ва турли турғун сўз бирикмаларини кўришимиз мумкин. Ушбу турғун сўз бирикмаларининг шакилланиш жараёни турлича бўлиши билан бирга уларнинг қўлланиш кўлами ҳам турлича. Баъзилари ҳар кунги истеъмолда фаол қўлланилса, бошқалари эса тилнинг фразеологик захирасида пассив ҳолатда сақланиб келади.

Юкорида келтирилган фикр ва мулохазалар натижаларига хўлоса сифатида айтиш мумкинки, оламнинг лисоний манзарасини ифодалашда фразеологик бирликларнинг аҳамиятини, уларнинг мақомини, тилдаги лексик бирликлардан кам эмаслигига, улар ҳар - бир тилдаги маълум семантик бўшлиқни тўлдириш учун шакилланишига, ҳамда тилнинг луғат бойлигини ажралмас қисми эканлигига амин бўламиз.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Терешко Е.В. Фразеологизмы с зоонимами в нидерландском языке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук М. 2019, 21 б.
2. О. А. Булгакова, О. А. Красноборова. Зоофразеологизмы и зоолексемы как экспликаторы языковой картины мира русского и китайского языков. Вестник Кемеровского государственного университета 2016 № 1 (65). 162 б.
3. М.И. Умарходжаев. Основы фразеологии. Ташкент. Издательства “Фан” 1983, 27 б.
4. Ўзбек халқ ақоллари. Тўра Мирзаев ва б. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2005. 24, 34, 67, 149 бетлар.
5. Хикматнома. Ўзбек мақолларининг изохли луғати. Ш. Шомаксудоа, Ш. Шорахмедов. Ташкент 1990. 32 б.
6. А.М. Шербак «Названия дикие и домашних животных в тюркском языке», изданная в сборнике «Историческое развитие лексики тюркских языков». М. 1961.
7. О.Н. Трубочев «Происхождение названий животных в славянских языках» М. 1960.
8. М.Н. Кузнецова, «Названия диких и домашних животных в марийском языке» Йошкар-Ола - Ола, 2010.
9. DUDEN. Redewendungen. Wörterbuch der deutschen Redewendungen. Dudenverlag Berlin, 2013. 304 б.



Эргашева Зиёда Абдурасуловна
Самарқанд давлат чет тиллар институти
муस्ताқил изланувчиси

ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЕМАНТИК ЎЗГАРИШГА ЮЗ ТУТГАН МУРАККАБ ТАРКИБЛИ ПРЕДЛОГЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тилидаги мураккаб таркибли предлогларнинг семантик хусусиятлари, предлогларнинг алоҳида маънолари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек, ўхшаш маъноли предлогларнинг дифференциал белгилари аниқланган ва замонавий инглиз тилидаги сабаб мазмунига эга бўлган мураккаб предлоглар таркибида содир бўлган семантик ўзгаришлар изоҳлаб ўтилган. Инглиз тилига оид бадиий асарлардан олинган мисоллар таҳлилида когнитив ёндашув асосида семантик ўзгаришга юз тутган мураккаб таркибли предлогларнинг маънолари ўртасидаги муносабат кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: мураккаб предлог, семантик ўзгариш, когнитив ёндашув, антропоцентризм, семантик кенгайиш, сабаб маъноси, грамматикалашув.

Эргашева Зиёда Абдурасуловна
независимый исследователь Самаркандский
государственный институт иностранных языков

СЛОЖНЫЕ ПРЕДЛОГИ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ, ПРЕТЕРПЕВШИЕ СЕМАНТИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье определена семантические особенности сложных предлогов в английском языке, связи между отдельными значениями предлогов, а также дифференциальные признаки предлогов со сходными значениями и объясняются семантические изменения, произошедшие в структуре сложных предлогов с каузальным содержанием в современном английском языке. При анализе примеров, взятых из литературных произведений английского языка, показана связь между значениями сложных предлогов, претерпевших семантическое изменение на основе когнитивного подхода.

Ключевые слова: сложный предлог, семантическое изменение, когнитивный подход, антропоцентризм, семантическое расширение, каузальное значение, грамматикализация.

Ergasheva Ziyoda Abdurasulovna
independent researcher
Samarkand state institute of foreign languages

COMPLEX PREPOSITIONS IN ENGLISH UNDERGOING SEMANTIC CHANGES

ANNOTATION

The article defines the semantic features of complex prepositions in English, the links between the individual meanings of prepositions, as well as the differential features of prepositions with similar meanings, and explains the semantic changes that have occurred in the structure of complex prepositions with causal content in modern English. When analyzing examples taken from the literary works of the English language, the relationship between the meanings of complex prepositions that have undergone semantic change based on the cognitive approach is shown.

Key words: complex preposition, semantic change, cognitive approach, anthropocentrism, semantic expansion, causal meaning, grammaticalization.

Кириш

Олимлар томонидан гапдаги отларнинг ва уларнинг ўрнини босувчи сўзларнинг семантик-синтактик муносабатларини ифодалашда инглиз тилидаги предлогларнинг алоҳида ўрни илмий адабиётларда тез-тез тилга олинади, бироқ яқин вақтгача инглиз тилидаги предлоглар нисбатан камдан-кам ҳолларда алоҳида тадқиқот предметига айланган. Инглиз тили предлогларининг асосий маънолари классик грамматикаларда ва инглизшуносликка оид асарларда тасвирланган. Шу билан бирга, предлогнинг маънолари орасидаги боғланишни ҳам, маъно жиҳатдан ўхшаш предлогларни ажратиб турувчи фарқловчи хусусиятларни ҳам кўриб чиқишга бағишланган асарлар йўқ. Шу сабабли, биз инглиз тилида семантик ўзгаришга юз тутган мураккаб таркибли предлоглар муаммосини ўрганишга қарор қилдик.

Ҳозирги инглиз тилида предлог мавҳум лексик ва грамматик маънога эга бўлиб, ўзида бошқариладиган компонентнинг бошқарилувчи компонентга маълум муносабатини кўрсатадиган, флектив шаклдаги маълум бир гап бўлаги таркибига кирувчи ва сўз бирикмаси таркибида предметлар, предмет ва ҳаракат, предмет ва белги ўртасидаги тобе муносабатни шакллантирувчи ёрдамчи сўз туркумидир [9; 221 – 222-б.].

Ишнинг аҳамияти шундаки, у предлогларнинг фарқловчи хусусиятларни аниқлайди ва замонавий инглиз тилидаги предлогларнинг барча маъноларини тавсифлайди, шунингдек, когнитив ёндашув доирасида ҳар бир предлогнинг маънолари ўртасидаги муносабатни кўрсатади. Маънолар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш инглиз тилидаги предлогларнинг семантик хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Предлоглардаги маънолар сони жуда кўп, маънолар орасидаги боғланишлар эса хилма-хилдир. Бу эса предлогларнинг семантик маъносини тадқиқ этишни тақозо этади [6; 5-б.].

Анъанага кўра, предлогнинг сўз туркумига оид маъноси муносабат маъноси ҳисобланади [11; 704-б.]. Бироқ, олимларнинг бу муносабатлар ҳақидаги фикрлари турлича. Айрим олимларнинг фикрича, предлоглар ўзига хос лексик маънога эга [1; 2; 3; 4; 10; 12; 18]. Улар предлоглар экстралингвистик воқелик объектлари ўртасидаги муносабатларни номлашга қодир, деб ёзадилар.

Предлоглар, шу жумладан мураккаб таркибли предлоглар гапда отларнинг ва уларнинг ўрнини босувчи сўзларнинг семантик-синтактик муносабатларини ифодалашнинг асосий воситаси бўлиб, уларни таҳлил қилиш ҳозирги инглиз тили грамматикасини ўрганишнинг муҳим қисмидир.

Тил бирликлари таркибидаги семантик ўзгаришлар категориал ўзгаришлар билан бир вақтда, ўзаро боғлиқликда содир бўлиши мумкин. Буни инобатга олган ҳолда сабаб мазмунига эга мураккаб предлоглар таркибида содир бўлган семантик ўзгаришларни (силжишларни) изоҳлаб ўтишни лозим топдик.

Предлогда содир бўлган маъновий ўзгаришлар асосан антропоцентрик хусусиятига эга. Антропоцентризм воқеа-ҳодисаларни фақат инсон учун муҳим бўлган қадриятлар нуқтаи-назаридан баҳоловчи йўналишдир. Маъно ўзгаришлари ҳам асосан инсоннинг шахсияти, дунёқараши, руҳияти билан боғлиқ ҳолда кечиши кузатилади.

Антропоцентризм йўналишининг субъективлашиш билан қоришувини *by reason of* мураккаб предлоги таркибидаги *reason* отининг семантик ривожига кўриш мумкин. Бу ерда сўзловчининг вазият ёки воқеа-ҳодисасига бўлган муносабати унга берилаётган тавсиф билан

кўшилиб кетади. Маълумки, субъективлаштириш (subjectification) тушунчаси Елизавета Трауготт томонидан мунтазам семантик ўзгаришларнинг сабаб ва йўналишларини аниқлаш мақсадида истеъмолга киритилган эди [19; 31 – 55-б.]. Кейинчалик олима субъективлаштириш ҳодисасини метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин қилиб, семантик ўзгаришларни грамматикалашувнинг учта асосий тамойил-механизмлари ҳаракатлари натижасида юзага келиши қайд этади.

Семантик-прагматик хусусиятга эга бўлган мазкур тамойиллар қуйидаги йўналишларда кечади [20; 208 – 209-б.]:

1. Ташқи вазиятлар тавсифига асосланган маъно ички (баҳо, идрок, когнитив) маънога қараб ўзгаради.
2. Тавсифланаётган вазиятнинг ташқи ва ички хусусиятларини акс эттирувчи маъно контекст билан боғлиқ ва металингвистик баҳога айланади.
3. Маъно сўзловчининг пропозицияга нисбатан субъектив муносабатларини акс эттиради.

Жумладан, *reas+on* сўзининг мураккаб предлоги таркибидаги иштироки унинг маъноси субъектив мазмун олишини Oxford English Dictionary луғатида [17] қайд этилган мисоллар таҳлили орқали изоҳлаш мумкин:

а) бирон бир кишини маълум ҳаракат ёки иш тартибини инкор этиши учун шароит яратилиши:

This is nu the reison of the veinuge hiwi I sale a ere hope anf silence (Ancr. r.75, 1225);
“This is now the reason why I sale puts together hope and silence”.

б) бирон бир ҳаракат ёки иш тартибини қабул қилишга ундовчи асос ёки мотив:

An other reson... meueth more me ther to that the king... Mid vnritz halt this kin dom (R. Glouce, 1297);

“Another reason... more me to that king... mid illness stops ruling this kingdom”.

с) бирон нарса ёки ҳаракат учун асос:

For Hiz resun that zee hane hard, man is clepid the lesse werld (Cursor M. 1300).

“For this reason that you have had, man is called a humble world”

Ўрта инглиз тилининг илк даврларида битилган матнлардан олинган ушбу гапларнинг биринчисида *reason* сўзининг маъноси ташқи омил ёки шароитларга таалуқли бўлса, иккинчисида ифодаланаётган мотив ёки асос ички характерга эга. Бундан маълум бўлишича, ушбу ҳолатлардаги семантик кенгайишлар юқорида эслатилган прагма-семантик йўналишларнинг биринчиси доирасида содир бўлади. Аниқроғи, ташқи вазиятга асосланган маъно ички вазиятларни тавсифловчи маънога айланади. Шунингдек, ушбу мисолларда кузатилаётган семантик тараққиёт метафорик кўчимга сабаб туғдиради. Зеро, (а) гапидаги *reason* реал воқеликни ифодалаётган бир пайтда, (в) гапда ушбу унсур мантикий воқелик, яъни мотив ва асосга ишора қилади. Бу ерда “сабаб” ва “реал асос” маъноларининг янгидан пайдо бўлган маъно билан боғланиши кузатилади.

Худди шу йўсинда (в) гапида ифодаланган “инсонни маълум ҳаракат йўналиши ва тартибини ундовчи асос ёки мотив” маъноси (с) гапида “инсонга боғлиқ бўлмаган асос, сабаб” маъноси даражасида кенгайгани маълум бўлади.

Қуйида келтирилаётган мисоллар ҳам Oxford English Dictionary [17] луғатидан олинган бўлиб, уларда *reason* сўзининг предлог билан бирикишида, янги лисоний бирлик-мураккаб предлог шаклланиши кузатилади:

1) *reason* “a ground of, for something”:

For this resun that zee hane hard, man is clepid the lesse werld (Cursor M., 1300);
“For this reason that you have had, man is called a humble world”.

2) *by reason of* “on account of, because of”:

The ryche is yreuerenced by reason of his richness (Lange, 1393);
“The rich man is reverenced by reason of his richness”.

Ушбу мисолдан англаш мумкинки, reason сўзи турли таджирий семантик ўзгаришларга учраган ҳолда, охир-оқибатда by reason of мураккаб предлогининг шаклланишида иштирок этган.

Яна бир мураккаб предлог – owing to тузилмасининг шаклланиши метафорик ва метономик кўчимлар содир бўлиши билан боғлиқ. Метафора ҳодисасини тилшунослар “бирон бир предмет, ҳодиса, хусусиятнинг номини бошқасига уларнинг ўхшашлигига асосланган ҳолда кўчириш” [7; 192-б.] ёки “understanding and experincing one kind of Hing in terms of another” [16; 5-б.] мазмунида таърифлашади. Метаномия, ўз навбатида, “бир сўзнинг иккинчиси билан уларнинг маъновий ўхшашлиги замирида алмаштирилиши” [7; 196-б.] деб таърифланади. Метонимик кўчим иккита предмет ёки ҳодиса ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Ушбу икки ҳодиса ўртасидаги фарқ метафорик кўчим онтологик белгилар ўзгаришига сабаб бўлиши, метонимиянинг эса, бундай имкониятга эга эмаслигида намоён бўлади.

Метафорик ва метономик кўчимлар асосида owing сўзи маъносининг кенгайишини куйидаги гаплар мисолида кўрамиз:

a) to be under obligation to pay or repag (money or the like):

e.g. Geld tha et aht to geldanne (Lindisf Gosp. Matt.m, 950);

“Money that you owe”.

b) to be indebted in:

He is wyse that payeth that he oweth of right (Caxton Fables of Alfonse, 1484);

“He is wise so that he pays what he owes of right”.

c) to be under obligation to render (obedience, honour, allegiance, etc):

The people owe obedience to the prince (LD. Bernes, 1533);

The people owe obedience to the prince.

Оксфорд луғатида (ОЕД) [17] келтириляётган ушбу мисолларда кузатиляётган семантик ўзгаришлар мазмуний алоқадорликка асосланган метонимия асосланган. Биринчи гапда ифодаланаётган “тўлов мажбурияти” маъноси охириги гапда умумлашган “ижтимоий ва ментал мажбурият” мазмунини олган. Семантик кенгайиш, шунингдек, метафорик кўчим юзага келишига сабаб бўлган. Оқибатда, owe сўзи кўпмаънолилик хусусиятига эга бўлган. Сифатдош шаклида қўлланиладиган owing унсури уччала гапда ифодаланган маъноларни камраб олади. Бунинг далилини куйидаги мисолларда кўриш мумкин:

a) to be indebted (to a person for something):

I am greatly owing to your lordship for your last favor (Pepys Corr., 1678);

b) attributable to, caused by:

The effect is owing to the presence of light (Sir H. Davy, 1812).

Ушбу мисоллардан биринчи owing элементининг “indebtedness” маъносининг кейинги мисола “attribution” кўринишида ривожланиши гапларнинг синтактик ва мантикий тузилишига ҳам таъсир ўтказади. Бундай маънавий силжишлар owing to мураккаб предлогининг ҳосил бўлишига туртки берган. Қиёсланг:

Owing to his natural disposition to study he had been bred with a view to the bar (Scott 1814);

This rendering obtained currency owing to the untoward circumstances of the times (Lightfood. 1865).

Бундан ташқари, “intebteduess” ва “attribution” маъноларининг кенгайиши давом этиб, “causality” маъносининг пайдо бўлиши билан тугайди. Юқорида келтирилагн мисоллар таҳлили семантик ўзгаришлар нафақат маънолар алоқадорлиги (метаномия), балки айни пайтда метафорик кўчимлар замирида ҳам юзага келишида гувоҳлик беради. Метонимик ва метафорик кўчимларнинг грамматикалашув жараёнидаги иштироки масали бир қатор тилшунослар томонидан муҳокама қилинган. Бундай изланиш натижасида олимлар семантик ўзгаришларнинг “метаномик - метафорик” моделини тавсия қилишган [13; 15].

Кузатувлар due to мураккаб предлоги таркибида кечган семантик ўзгаришлар асосида аналогия ҳодисасига хос механизмлар ҳаракати туради. Аналогия, баъзи тадқиқотчиларнинг

таъбирича, парадигматик тузилишлар билан алоқадор ва бирикмалар структураси ва уларнинг қўлланишига таъсир кўрсатади.

Масалан, due сўзи owing бирлигининг синоними сифатида қўлланиб, “мажбурият” ва “бирон нарсага хослик” маъноларини ифода этади.

Қиёсланг:

1) due that is owing or payable as an enforceable or debt;

a) Three thousand Ducats due to law (Shaks. Merch. 1596).

“Three thousand Ducats are owing to law”.

b) The amount of service due from the serf had become limited by custom (Green short Hist., 1874).

“The amount of service owing from the service had become limited by custom”.

2) be due to: “attributable to”

The difficulty in the Phielbus, is really due to our ignorance of the age (Jowett Plato. 1875).

Oxford English Dictionary [17] луғатидан келтирилган далиллар гувоҳлик беришича, due to мураккаб предлоги таркибида кечган семантик ўзгаришлар owing to предлогиникига ўхшаб кетади. Бошқача айтганда, owing to тузилмасининг сабаб ёки каузаллик мазмуни аналогия асосида due to тузилмасига ҳам кўчган. Бундай кўчим содир бўлишига аналогия амали туртки берилганлиги Оксфорд луғатида ҳам қайд этилган: due to бирикмаси саводсиз кишилар тез-тез қўлланиб турганлиги боис худди owing to каби мураккаб предлогга айланган [14].

Куйидаги мисолда due to тузилмасининг мураккаб предлог мақомида қўлланишини кузатиш мумкин:

OED: due to “owing to, in consequence of”.

a) The Koturah was faxed to her capacity, due to the fact that he was advertised to go fist to Adelaide (Clover, 1897);

b) Due inability to market grain, prier farmers have for some time been faced with a serious shortage of funds to meet their immediate needs (Elizabeth, 1957).

Мазкур гаплардан биринчисида due to мураккаб предлоги “тўлов мажбурияти” маъносига ишора қилаётган бўлса, иккинчисида “ижтимоий ва умумий мажбурият” даражасидаги маъно умумлашуви ҳаракати кузатилмоқда. Олдинги мисолларда due to мажбурият мазмунини ифода этган бир пайтда охириги иккита гапда “сабаб” ёки “каузаллик” маъноси фаоллашмоқда. Даставвал физик ёки ижтимоий воқеликка ишора қилган маъно мантикий воқелик босқичига кўтарилмоқда.

Ниҳоят, инглиз тилидаги thanks to мураккаб предлоги семантик ривож босқичлари таҳлилига ўтадиган бўлсак, даставвал ушбу предлогнинг деривацион негизида thank “фик, мақсад” оти турганлигини қайд этиш лозим. Мазкур отнинг to предлоги билан бирикуви замирида юзага келган тузилма маълум қатордаги семантик ўзгаришлар босқичларини босиб ўтган. Буни изоҳлаш учун яна Oxford English Dictionary [17] луғатида қайд этилган маълумотларга мурожаат қиламиз:

1. Gode thon kes and monie thewes for te teche fele schrewes (Prov. Hending. 1300).

“God’s thought and money needed for the technology was not easy to see”.

2. It you wilt good, know to whom thon doest it, and there shall be much thanke in thy good deeds (Bible Ecclns. 1609).

“If you want to do good, know to whom you do it, and there shall be much favorable thought in the good deeds”.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, даставвал “мақсад фикр” маъносига эга бўлган thank сўзи, кейинчалик “хайрихоҳлик, мойиллик” мазмунини олган. Бундай маъно ўзгаришлари предмет ёки ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка айланганлиги равшан. Метонимик кўчим механизмларининг бу тарзда ҳаракатга тушиши воқеа-ҳодисаларнинг маълум жиҳатига алоҳида эътибор қаратилиши оқибатидир. Жумладан, юқорида қайд этилган семантик ўзгариши, яъни “хоҳишдаги мақсад, фикр” маъносининг пайдо бўлиши инсоннинг субъектив тафаккур юритиши натижасидир.

Грамматикалашув жараёнида предлогларнинг полисемантик сўзлар эканлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Сўнгги ўн йилликларда предлогларнинг кўпмаънолилиги бўйича ишлар сони сезиларли даражада ошди, бу полисемантик сўзларнинг семантик хусусиятига кизиқиш билан боғлиқ. Предлог маъноларининг семантик хусусиятини тавсифлашнинг бир неча асосий ёндашувлари мавжуд.

Биринчи ёндашув тил бирлигининг турли қийматларини санаб ўтишдир. Шу билан бирга, ушбу ёндашув амалга оширилган ишларнинг муаллифлари одатда инкор етмайдилар ва аксинча, қадриятлар ўртасида боғлиқлик борлигини ёзадилар, лекин турли сабабларга кўра бу алоқаларни тасвирламайдилар.

Қарама-қарши ёндашув инвариант назарияларда амалга оширилади, лингвистик бирлик битта маънога эга, лекин контекстуал фойдаланишга қараб, у ўзгартирилади. Бирок, умумий маъно одатда жуда мавҳум бўлиб, у билан тил бирлигининг айрим ўзига хос маъноларини боғлаш жуда қийин.

Биз инглиз тили предлогларининг семантикасини ўрганган когнитив семантика оралик услубни илгари суради: лингвистик бирликдан фойдаланишнинг кўп ҳолатларини шарҳлайдиган асосий маъно киритилади, лекин тил бирликлари қўлланилишининг барча турли-туманликларини қамраб олмайди. Вақт ўтиши билан бош маънодан келгуси маъноларнинг пайдо бўлишига асос бўлган бошқа маънолар ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Демак, когнитивистларнинг фикрига кўра, предлогнинг семантик тузилиши маънолар занжиридан ажралиб чикувчи марказида бош маъно жойлашган маънолар тармоғидир.

Когнитив тадқиқотларда грамматикалаштирилган бирликларнинг семантик структурасини тузиш улар маъноларининг ривожланиш тарихини тиклайди, шу билан бирга, маънолар ўртасидаги боғланишларни тиклаш ва тил бирликларининг семантик тузилишини аниқлаш синхрон ҳолат фактларини ва грамматикалашувнинг умумий қонуниятларини билган ҳолда амалга оширилиши мумкин, деб тахмин қилинади [8; 306-б.].

Шу муносабат билан ушбу мақолада диахрония маълумотларини эслатиб ўтишга йўл қўйилади, лекин улар синхрон ҳодисаларнинг далили сифатида ишлатилмаган. “Маъно бошқа маънодан келиб чиқади/пайдо бўлади/шаклланади” каби иборалар фақат семантик деривация йўналишларини синхрон даражада тасвирлаш учун қўлланилади.

Хулоса

Шундай қилиб, инглиз тилидаги мураккаб таркибли предлогларнинг семантик хусусиятлари ва маънолар орасидаги боғланишларни таҳлил қилиш полисемантик сўзларнинг семантикаси ва маъно кўчиш турлари ҳақидаги билимларни бойитади, деган хулосага келиш мумкин. Предлогда содир бўлган маъновий ўзгаришлар асосан антропоцентрик хусусиятига эга бўлиб, бу орқали воқеа-ҳодисаларни фақат инсон учун муҳим бўлган қадриятлар нуқтаи-назаридан баҳолайди. Бунда семантик ўзгаришлар асосан инсоннинг шахсияти, дунёқараши, руҳияти билан боғлиқ ҳолда кечиши кузатилади. Семантик ўзгаришлар нафақат маънолар алоқадорлиги, балки метафорик кўчимлар замирида ҳам юзага келади. Мураккаб таркибли предлогларнинг семантик ўзгаришга юз тутиши инсоннинг субъектив тафаккури натижасидир.

Адабиётлар


1. Аксененко Б.Н. Предлоги английского языка. -М.: Учпедгиз, 1962.
2. Бархударов Л.С., Штеллинг Д.А. Грамматика английского языка. -М.: Высшая школа, 1973.
3. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. -М.: Высшая школа, 1986.
4. Всеволодова М.В., Клобуков Е.В., Кукушкина О.В., Поликарпов А.А. К основаниям функционально-коммуникативной грамматики русского предлога // Вестник МГУ. Сер. 9 Филология. 2003 – № 2.

5. Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики. -М.: Наука, 1972.
6. Ганенкова Татьяна Сергеевна. Семантическая структура предлогов в современном литературном македонском языке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. -Москва 2015. -307 с.
7. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. -Назрань: Пилиграмм, 2008. -485 с.
8. Кибрик А.А., Плунгян В.А. Функционализм // Современная американская лингвистика: фундаментальные направления / Под ред. А.А. Кибрика, И.М. Кобозевой, И.А. Секериной. -М.: УРСС, 2002.
9. Колесникова С. М. Современный русский язык. Морфология. -М., 2015. 260 с.
10. Кубрякова Е.С. Части речи в ономаσιологическом освещении. -М.: Наука, 1978.
11. Русская грамматика. Том 1. / Под ред. Н.Ю. Шведовой. -Москва: Наука, 1980.
12. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. -М.: Изд-во лит-ры на иностранных языках, 1956.
13. Тулина Т.А. К семантическим свойствам предлогов // Семантика служебных слов. - Пермь, 1982. -С. 161-166.
14. Fowler H. A Dictionary of Modern English Usage. – Oxford: Oxford University Press, 1926.
15. Heine B., Claudi U., Hünnemeyer F. From cognition to grammar: evidence from African languages // Approaches to grammaticalization. - Amsterdam: John Benjamins, 1991. Vol. I. – P. 149-187.
16. Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live By. -Chicago: The University of Chicago Press, 1980.
17. Oxford English Dictionary. 2nd edition. -Oxford: Oxford University Press, 1991.
18. Quirk R., Greenbaum S. A University Grammar of English. -London: Longman, 1973.
19. Traugott E. On the rise of epistemic meaning in English: An example of subjectification in semantic change // Language, 1989. vol. 65. -P. 31-55.
20. Traugott, Elizabeth C. & Ekkehardt König. 1991. The semantics-pragmatics of grammaticalization revisited. In Elisabeth C. Traugott & Bernd Heine (eds.), Approaches to grammaticalization. Vol. 1. 189–218. -Amsterdam & Philadelphia: John Benjamins.



Xolnazarov Umid Erkinovich
TerDU o'zbek tilshunosligi kafedrasini
o'qituvchisi, tayanch doktoranti

ТОҒАЙ МУРОД ИДИОЛЕКТИГА ХОС ЗООМОРФИК МЕТАФОРЛАР ТАВСИФИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон тавсифини беришда ҳайвон номлари билан боғлиқ ЗМнинг ёзувчи (Т.Мурод) идиолектидаги ўрни ҳамда нутқий метафоранинг асосий қисмини ташкил этиши асосланган. Шунингдек, зооморфик метафоранинг ижобий ва салбий хусусият ифодаланиши метафора яратувчининг ҳосила семага нисбатан субъектив муносабати билан боғлиқлиги эътироф этилган.

Kalit so'zlar: антропоцентрик метафора, зооморфик метафора, образли ифода, борлик манзараси, ижодий ёндашиш, экстралингвистик омил, матн тузувчининг тасаввури.

Kholnazarov Umid Erkinovich
Teacher of the Department of Uzbek
Linguistics of TerDU, doctoral student

DESCRIPTION OF ZOOMORPHIC METAPHORS CHARACTERISTIC FOR THE STYLE OF TOGAI MUROD

RESUME

In the article, it is based on the role of ZM related to animal names in the idiolect of the writer (T. Murad) and the main part of the speech metaphor when describing a person. Also, it is recognized that the expression of positive and negative characteristics of the zoomorphic metaphor is related to the subjective attitude of the creator of the metaphor towards the resulting image.

Key words: anthropocentric metaphor, zoomorphic metaphor, figurative expression, landscape of existence, creative approach, extralinguistic factor, author's imagination.

Холназаров Умид Эркинович
Преподаватель кафедры узбекского
языкознания ТерДУ, докторант
xolnazarovu@tersu.uz

ОПИСАНИЕ ЗООМОРФНЫХ МЕТАФОРОВ ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ СТИЛЯ ТОГАЯ МУРОДА

РЕЗЮМЕ

В статье он основан на роли ЗМ, связанных с названиями животных, в идиолекте писателя (Т.Мурада) и основной части речевой метафоры при описании человека. Также

признано, что выражение положительных и отрицательных характеристик зооморфной метафоры связано с субъективным отношением создателя метафоры к полученному образу.

Ключевые слова: антропоцентрическая метафора, зооморфная метафора, образное выражение, ландшафт бытия, творческий подход, экстралингвистический фактор, авторское воображение.

Таъкидлаш керакки, ўзбек тилшунослигида XX асрнинг охирларида тилни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишда А.Нурмонов, Н.Махмудов, Д.Худайберганава, Д.Ашурова, Ш.Сафаров каби тилшуносларнинг назарий қарашлари антропоцентрик тилшуносликнинг юзага келишига замин ҳозирлади [1:4]. Бинобарин, бетакрор образлар яратишда тилнинг нозик семантик имкониятларини ўз бадий ниятига йўналтирган Т.Мурод қиссаларини антропоцентрик нуқтайи назардан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ёзувчи реалияси инсон тафаккурида содир бўладиган мураккаб когнитив жараёни “инсон→борлиқ” ва “борлиқ →инсон” муносабатлари асосида “тилнинг фаол бунёдкорлиги ҳамда борлиқ – онг ва тафаккур инъикоси” [2:48] сифатида идрок этишга ёрқин намуна бўла олади.

Дарҳақиқат, барча метафоралар антропоцентрик моҳиятга эга. Негаки, метафоралар инсон томонидан кашф этилади ва шу нуқтайи назардан метафора тил сингари антропоцентриkdir. Шу сабабли антропоцентрик метафорани муаллиф реалияси, идиолектининг ифодачиси дея оламиз.

Тил борлиқни тасвирлаш, таснифлаш ва тавсифлаш, шунингдек, уни онгда яхлит система сифатида акс эттириш воситаси бўлиб, сўз маъносида борлиқ манзараси лавҳалари акс этади. Айни пайтда, тил, маданият ва шахс муштараклиги асосан метафорада кўзга ташланади. Ҳар бир инсон – алоҳида реалия: ҳар бир ижодкор услуби, яъни идиолектининг, услубий баённинг намоишчиси сифатида метафора образли ифода, тасвирий воситаларда ўз аксини топади. Бунда ҳайвонларга хос белгиларнинг инсонга кўчирилишидан юзага келган антропоцентрик характердаги зооморфик метафоралар метафорик ўхшашликни ҳосил қилувчи асосий жиҳат ҳисобланади. Бу тур метафораларда от, ит, бўри, кўй, така, хўкиз, илон, шер, эшак, сигир, ғоз, майна, тўти, сичқон, ёл, қанот, эгар каби кўплаб лексемалар инсон ва унинг турли ҳолат ва характер-хусусиятларини ифодалайди ҳамда зоонимик компонентли бирикмалар, антропонимлар, паремиологик кўринишдаги зооморфик метафораларни ҳосил қилади.

Метафорик маънонинг воқеланиши бевосита сўзловчининг объектга субъектив муносабатида кузатилади: инсон руҳияти ўзгарувчан бўлгани каби, баҳо муносабатининг мезонлари ўзгаргани сари, зооморфик метафора ҳам нутқда беқарор ва ўзгарувчан табиатини намоиш этади. Зеро, Д.Девидсоннинг кўйидаги: “Метафора – бу тилнинг туши, рўёси. Тушнинг таъбири туш кўрувчи ва туш таъбирчисининг ҳамкорлигига муҳтож бўлгани каби, метафора ҳам яратувчи ва изоҳловчининг ҳамкорлигига муҳтож бўлади. Шунинг учун метафора ўзида ҳам яратувчи, ҳам шарҳловчи белгисини олиб юради. Метафораларни тушуниш учун уларга ижодий ёндашиш лозим, чунки метафоралар қоидаларга кам бўйсунди” [3:172], – деган фикри зооморфик метафора (ЗМ) лар талқинида экстралингвистик омилларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилидаги ҳайвон ва уларнинг тана аъзолари номлари ўрни билан шахсни, унинг турли белгиларини номлаб келади. “Ҳайвон” микромайдонига мансуб шер, от, хўкиз, хўроз, тойчоқ, улоқ, бўталоқ сингари лексемалар “кучли”, “кўркмас” (шер, хўкиз, хўроз), “вафодор” (от), “ёш” (тойчоқ, улоқ, бўталоқ) лексемалари семантик таркибидаги ингерент (муҳим) ифода семаларининг бўрттирилиши ва фаоллашиши натижасида ўзига хос бўёқдор ифодалар юзага келади: Улуғ шоир муҳаррир хузурига шер бўлиб йўл олди. Даҳо писибгина жўнаб қолди... Улуғ шоир шердан-шер бўлди. (Момо ер кўшиғи) Бўри полвон меҳмон бўлмиш тиззасига тапиллатиб бир урди. — Э, бормисиз! — деди. — Отангизга раҳмат! Полвоннинг хўрози самовар олади, ҳа! (Юлдузлар мангу ёнади) — Э-э, бўтам, улар ўзимизнинг олишдан чиққани билан самбо бўйича чемпион бўлган-да. (Юлдузлар мангу

ёнади) Оқшом вақти Оймому онамиз тош билан катак оғзини ёпди. Катакка чўнқайиб ўтирди. Шунда, энди той-той бўлмиш улоқ бир йиқилиб, бир туриб кела берди. (Ойдинда юрган одамлар)

Биламизки, шер лексемаси “йирқич ҳайвонлар” лексик семантик маъносида мушуксимонлар оиласига мансуб ҳайвонларни англатувчи атов бирликлари орасида ингерент ифодавийлиги ажралиб туради. Бу шер бўлмоқ, шердан-шер бўлмоқ ифодаларида ҳам кузатилади: “кучлилик”, “журъатлилик”, “тажовузкорлик” семалари эса, нутқда шахсни шерга нисбатлаб аташ учун асос туғдиради. Шу каби, полвоннинг хўрози (“полвоннинг энг зўри, кучлиси”) ЗМ сидаги хўроз лексемасидаги “мардлик”, “чекинмаслик” семалари ҳам довурак шахсни номлашда самара кўрсатади. Шунингдек, бўтам (ЎТИЛнинг 1-жилдида бўта, яъни “туянинг бир ёшгача бўлган боласи; бўталок” дея изоҳланган; бўтам (зооним+м эгалик конструкция) орқали болаларга нисбатан эркалаб мурожаат қилиш назарда тутилган), той-той бўлмиш улоқ (эндигина юришни ўрганаётган чақалок) каби зооним компонентли метафоралар фарзандга ишора қилиб, бўта ва улоқ лексемаларидаги “кичик”, “ёш” семалари фаоллашиб, “шахс” микромайдони элементлари вазифасига хосланади.

Тилшунос А.Хўжамқулов ўзбек тилидаги зооморфик метафорани энг аввал қуйидаги уч турга ажратишни тавсия қилади: 1) ҳайвонлар ва уларнинг тана аъзолари номлари асос бўлган зооморфик метафора; 2) қушлар ва уларнинг тана аъзолари номлари асос бўлган зооморфик метафора; 3) қурт-кумурсқалар, ҳашоратлар номлари асос бўлган зооморфик метафора [4:44].

Юқоридаги таснифлардан келиб чиқсак, Т.Мурод идиолектида от, туя, ит, илон ва бошқа жонворлар, паррандалар ва уларнинг тана аъзолари билан боғлиқ номлар, халқ мақоллари ҳамда образли ифодалари зооморф метафораларнинг ясаилиши учун асос бўлганини кўрамыз:

1. Онамиз норози бўлди... Лабини буриб минғиллади: — Отим нима... отдан машина яхши... — деди. — Машинам нима? Оти борнинг — қаноти бор, — дедим... От битди — қанот битди. ... Биродарлар, машина деганлари темир!.. Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да! (От кишнаган оқшом)

2. Бўри полвон ёш полвонга менсимай-менсимай қаради. “Лайлакнинг юришини қиламан деб, чумчукнинг пути йиртилган экан! — дея ўйлади Бўри полвон. — Бу ёш бола-ку! Ўйлаб иш қиляптими? Ё, кайфи борми?” (От кишнаган оқшом)

3. — Бедана тезотар бўлса, ўз бошини ўзи ёради! — деди бир аёл. Қиммат момо онамизни маззаммат қилди-қилди, кафтларини катта очди. — Омин! — деди, — мендаин бир бегуноҳ момони сочимнинг оқига қарамайин урган бўлсанг, илоё, оламдан бепушт ўтгин! Менинг ёшимга етолмайин жувонмарг ўлгин, оллоҳақбар! — деди. (Ойдинда юрган одамлар)

4. — Бекор, ит йиқилиш бўлди. Бошқатдан олишинглар! — деди давра. (Юлдузлар мангу ёнади)

5. Балиқпаз тирсагимдан ушлаб, мени балиқхонасига етаклади. Қозондан холисроқ бир жойга ўтирғизди. Тиззамга кафтини кўйиб сўради: — Мени сиз чақдингизми, ака? — Чаққаним йўқ... Ака, чақиш — аёлнинг иши! Шу! Сиз бинойидай эркаксиз-ку! (От кишнаган оқшом)

6. Даҳо булоқ ёкалаб келди... Ашула келмиш тарафга ўнг кўлини шоп қилиб бақирди: — Анавини хангратмасаларинг-чи! (Момо ер кўшиғи)

Ушбу матнлар пропозициясида матн тузувчининг тасавури ва фантазияси акс этган. Жумладан, 1-мисолда оти борнинг — қаноти бор, от битди — қанот битди, от одамга эл бўлади каби паремиологик аломатли гаплар орқали от образининг мифологик асослари, Т.Муроднинг халқ ишончлари ва тасавурлари билан алоқадор қарашлари янгича талқинда берилган. От инсонга энг вафодор жонзотлардан бири сифатида эътироф этилади. Зеро, халқ орасида “чавандоз отдан йиқилганда от ёлини тўшайди, эшак туёғини”, — деган нақл бежизга айтилмаган. “От кишнаган оқшом” қиссасининг энг кульминацион нуқтасида инсонлар Зиёдулла кални хўрлаган, тепкилаган, калтаклаган, ҳаттоки, ўлдиришга чоғланган тунда ҳам от унга кўмакка келиб ўз садоқатини исботлайди. 2-мисолда Бўри полвоннинг рақибига нисбатан хаёлий ўй-кечинмалари лайлакнинг юришини қиламан деб, чумчукнинг пути

йиртилган экан мақоли ва кайфи борми таажжуб мазмунидаги кесатиғи орқали ифодалаган. Лайлак ва чумчуқ ўзаро таққосланиб, Бўри полвон ўзини лайлакка, рақиб Исмоил полвонни чумчуққа ўхшатган. 3-мисолдаги бедана тезотар бўлса, ўз бошини ўзи ёради зооним компонентли мақоли орқали бедана (Қиммат момо)нинг сайроқилиғи (ўйламай гапириши) бошига етиши, ташвиш келтириши, ҳурматига путур етказиши англашилган. 4-мисолда ит йикилиш (икки полвон барабар йикилса, икковида ғолиб бўлмайди – Т.Мурод) шунингдек, ит чил ва туя чил (кураш усуллари) образли ифодалари ҳам зооним компонентли метафора (ЗКМ) нинг миллий табиатини намоён этган. 5-мисолда чақмоқ потенциал “зооним” семали метафораси илонга хос чақишга ишора ва у матнда аёллар нутқида хос “узиб гапириш, захархандалик” белгиси билан фаоллашган. 6-мисолдаги ханграмоқ феъл-метафораси – радионинг баланд овози ёки кўшиқ ижрочисининг ёқимсиз овозига берилган баҳо. “Ханграмоқ” эшакка хос салбий бўёқли сўз бўлганидан, инсонга нисбатан қўлланганда, салбий маъно ташийди.

Тоғай Мурод бадий нутқида қўлланилган зооморф метафоралар

Т/с	Зооморф метафоралар ва уларнинг манбаси	Изоҳи
1.	Бўри қиёқни қизларга гартдак-гартдакдан берди; Момоқизга мўлроқ берди. Бўридан ит ҳам барака топмайди! (Юлдузлар м. ё.)	Бўрининг хасислиги имликатура шаклида юзага чиққан итфеъл иборасига зид қўйилиш эвазига салбий баҳоланмоқда
2.	Бўри полвон энди орзу билан овунди: ўғли Тиловберди балоғатга етяпти – от ўрнини той босади... (Юлдузлар м. ё.)	От – ота, той эса унинг фарзанди
3.	- Манави одамни танийсизми?! – деди капитан катта. Бўзболалар мен тарафга сизгир қараш қилди. (От к. о.)	Олайиб, ёқимсиз, таҳдиднамо, танимагандек қараш
4.	Қиммат момолар бировлар муваффақиятини кўрса... ичини ит тирнайди. (Ойдинда ю. о.)	Руҳий ҳолат феълнинг ибора шаклидаги ифодаси
5.	Бўри полвон дарғазаб бўлиб даврага кирди. Бош баковул олдиға ғоз юриш қилиб борди. (Юлдузлар м. ё.)	Ғоз каби лапанглаб, беписандлик билан, рақибини менсимай юриш
6.	Кўп майна қилманг, сочим бўлмасаям тароғим тиллодан! (От к. о.)	Нуқсонни, камчилиги туфайли масхара қилишларига йўл қўймаслик.
7.	Қиммат момолар ёмонлардан холис-холис юради, ёмонлардан олис-олис юради... Ёмонлар билан ҳориқулудда йўликиб қолса... Гирдикапалак бўлади, ширинсухан бўлади, ширинзабон бўлади. (Ойдинда ю. о.)	Меҳрибонлик кўрсатиб, меҳр талаб бўлиб ёки хушомадгўйлик билан атрофида айланмоқ
8.	Отдан тушса-да, узангидан тушмади. Жамоатдан ўзини четга олди. (Момо е. қ.)	Мавқейини йўқотганига қарамай, ўзини аввалгидай тутмоқ; ўз айбини тан олишни хохламайдиган, бошқалардан ўзини алоҳида ажратиб кўрсатишга интиладиган кишиларга хос хусусият
9.	Шунда кенжамизни тиззамда тебратиб суйдим: Келгин болам, тиззамга, Ёл бўларсан ўзимга, Қулоқ солгин сўзимга, Хуйё, болам, хуйё!.. (От к. о.)	“Алла”нинг (оталар нутқида хос) ареал хосланган варианты бўлиб, инсон ҳатто фарзандини ҳам яхши ўғил бўлиш учун отдан ибрат олиш, отдек садоқатли бўлишга чақириш

10.	Олам бир ҳовуч! Қишлоқ чолдевор! Кенг юзли ҳовли товук катаги! (Ойдинда ю. о.).	Қаҳрамоннинг изтироби, рухий эзилганлиги боис олам унинг кўзига тор, қишлоқ – вайрона, кенг ҳовли эса товук катагидек бўлиб кўринади. Бунда ёзувчи тасаввури ва фантазияси матндан англашилган макропозиция натижаси ўлароқ, реципент онгида ҳам образ ҳосил бўлишига сабаб бўлган.
-----	---	---

Изоҳ: Тадқиқотимиз давомида Т.Мурод бадий нутқида жами 77 та (16%) зооморф метадоралар мавжудлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, “ёзувчи ўз қаҳрамонларига уларнинг номини бамисоли кўзгу қилиб тутган – бу кўзгу уларнинг инсоний қиёфасини аниқ ва рўй-рост кўрсатиш” [5:8] да қўл келган. Айниқса, ўзбек тилидаги ҳайвон номларининг лисоний ва нутқий метадораларни ҳосил қилишдаги аҳамияти ва ўрни зооморфик метадора ҳосил бўлишининг когнитив ва лингвомаданий асосларини аниқлашда аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худойберганова Д. Тил тафаккур маданият. – Тошкент: Nodirabegim, 2020. – Б.4.
2. Ширинава Н.А. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2010. – 48 б.
3. Девидсон Д. Что означают метафоры. Теория метафоры. – М., 1990. – С. 172.
4. Хўжамқулов А. Ўзбек тилида зооморфик метадоранинг когнитив ва лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2012. – Б. 44.
5. Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – Б.8.
6. Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метадораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект). Ф.ф.доктори илмий даражани олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 2021.
7. Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурологический аспект узбекской теоморфической метафоры //The priorities of the world science: experiments and scientific debate// Proceedings of the XII International scientific conference -North Charleston, SC, USA: 16-17 November, 2016
8. Xolnazarov U. Antropomorf metaforalar muallif realiyasining ifodachisi sifatida. Educational Research in Universal Sciences, 1(5), 221–233. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/292>. Scientific journal impact factor: 4,556. ISSN: 2181-3515.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Малика Хасановна Ўктамova,
Испан ва италян тиллари кафедраси ўқитувчиси
Самарқанд давлат чет тиллар институти

ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИСПАН ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола испан тилидан инглиз тилига ўзлашган сўзларнинг келиб чиқиши, тавсифи ва изоҳига бағишланган. Маълумки, роман-герман тиллари бир-бирига жуда ўхшаш ва кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган француз, испан, италян, инглиз, румин, немис тиллари каби тиллардан иборат. Ушбу тилларда бир хил илдизга эга бўлган битта сўз турлича талаффуз қилиниши мумкин. Кўплаб тилларда, жумладан инглиз тилида испан тили кундалик ҳаётида энг кўп ишлатиладиган сўзлардан кенг қўлланилади. Испан илдизига эга сўзлар инглиз тилига нисбатан ғайратли, ҳаяжонли ва ёрқинроқ бўлади. Испан тилидан ўзлашган сўзлар ҳатто расмий инглиз тилида ҳам учрайди.

Калит сўзлар: ўзлашган сўзлар, ўзлашма, ҳамкорлик, ижтимоий муносабат, савдо алоқалари, маданий таъсир.

ИСПАНСКИЕ ЗАИМСТВОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена возникновению, описанию и разъяснению слов, переведенных на английский язык с испанского языка. Как известно, романо-германская языковая ветвь состоит из некоторых языков, которые очень похожи друг на друга. Некоторые из этих языков — французский, испанский, итальянский, английский, румынский, немецкий и другие. Они связаны друг с другом во многих отношениях. Например, одно слово с одним и тем же корнем произносится по-разному на этих языках. Слова испанского происхождения широко используются на многих языках, например, на английском языке. Они относятся к числу наиболее часто используемых слов в повседневной жизни. Слова с испанским корнем имеют тенденцию быть более восторженными, волнующими и более яркими по сравнению с английскими. Так что это не шокирует, когда они встречаются даже на официальном английском языке.

Ключевые слова: заимствованные слова, ассимиляция, сотрудничество, социальное отношение, торговые отношения, культурное влияние.

SPANISH BORROWINGS IN MODERN ENGLISH

ABSTRACT

This article is devoted to the origin, description and explanation of words translated into English from Spanish. As we know, the Romano-Germanic language branch consists of some

languages that are very similar to each other. Some of these languages are French, Spanish, Italian, English, Romanian, German and others. They are related to each other in many ways. For example, one word with the same root is pronounced differently in these languages. Words of Spanish origin are widely used in many languages, for example, in English. They are among the most commonly used words in everyday life. Words with a Spanish root tend to be more enthusiastic, exciting and more vivid compared to English. So it's not shocking when they meet even in official English.

Keywords: borrowed words, assimilation, cooperation, social attitude, trade relations, cultural influence.

Ўзлашган сўзлар – бу тиллараро жараён (яъни ҳар қандай элементларнинг бир тилдан бошқасига ҳаракатланиши) ва тил ичидаги жараён (масалан, адабий тил жаргон, лаҳжадан бирор нарса ўзлашган ҳолларда, сўзларни бир хил тил доирасида ўзлаштириш) ҳисобланади. Шу билан бирга, “ўзлашма” атамаси ушбу жараённинг ҳам жараёнини, ҳам натижасини кўрсатиши мумкин (Ўктамова, 2019: 28).

Бир тилдан иккинчи тилга янги сўзлар халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар натижасида қабул қилинади (Шомуродова, 2022: 129).

Тилшунослар бир тилдан бошқа тилга сўз ўзлаштиришнинг қуйидаги сабабларини аниқлайдилар:

- 1) Янги нарса, янги концепт, феномен ва бошқаларни номлашга бўлган талаб;
- 2) Мазмунан ўхшаш бўлган концептларни фарқлаш зарурати;
- 3) Муайян мақсадлар учун маълум бир соҳа концептларини ихтисослаштириш зарурати;
- 4) Бир сўз билан объектнинг алоҳида таркибий қисмларига бўлинмайдиган бир бутунни белгилаш истаги;
- 5) Сўз ўзлаштиришнинг ижтимоий-психологик сабаблари ва омиллари, чет тилидаги нуфузли сўзни (маҳаллий билан таққослаганда) кўпроқ “ўрганилган” ёки “хушталаффуз” деб қабул қилишдир.

Тилларнинг ўзаро тарихий таъсирининг натижаси бўлиб, сўз ўзлаштириш жараёни ва натижаси тил тарихида катта қизиқиш уйғотди, унда нафақат сўз ўзлаштириш сабаблари, балки уларнинг манба тиллари ҳам батафсил ёритилган. Сўз ўзлаштириш, биринчи навбатда, маълум бир тилнинг луғат тизимининг тузилишига таъсир этади.

Тилларнинг ривожланиши ҳақида гапирганда, биз тилда ижтимоий алоқалар таъсири остида юз берадиган ўзгаришларни назарда тутамиз. Инсоният жамияти ва унинг тарихи нутқ фаолиятдан ажралмасдир. Инсон ҳаётининг барча соҳалари бир тил доирасида ҳам, ундан ташқарида ҳам доимий мулоқотни ўз ичига олади. Қизиғи шундаки, тил, бир томондан, универсал алоқа воситаси бўлиб, ижтимоий тарихга боғлиқ эмас, иккинчидан, алоқа воситаси бўлиб, маълум тарихий ўзгаришлар натижасида ўзига хос ўзгаришларга дуч келади (Амехина, 2018).

Инглизлар ва испанлар асрлар давомида ўзаро ҳамкорлик қилган, чунки Буюк Британия ва Испания ҳудуди бир-бирига яқиндир. АҚШ ва Мексика ҳам бир-бирига яқин ва уларнинг фуқаролари кўп жиҳатдан ўзаро алоқада. Уларнинг муносабатлари натижасида айрим умумий сўзлар испан тилидан қабул қилинган (Грин, 2022).

Испан тилидан инглиз тилига сўз ўзлаштириш XV асрдан бошланди. Испан тили билан боғлиқ дастлабки ўзлашма сўзлар француз тили орқали инглиз луғатига кирган. Улардан баъзилари Араб тилидан олинган сўзлар бўлиб, Шарқ билан савдо алоқаларини ва Шарқ маданиятининг таъсирини акс эттиради, масалан, cotton – пахта, zenith – зенит, lemon – лимон, tare – идиш.

XVI асрнинг биринчи ярмида Англия ва Испания ўртасидаги сулолавий алоқалар туфайли Англияда кўплаб Испанлар яшаган. Инглизлар испан урф-одатлари, савдосига оид бир қатор сўзларни ўрганган. Ушбу даврда испан тилидан инглиз тилига қуйидаги ўзлашган сўзларни мисол келтириш мумкин: comrade – ўртоқ (Middle French camarade, from Spanish camarada); mulatto – мулат (from Spanish mulato).

Испан тилидан ўзлашган сўзларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

1) хусусий савдо атамалари: cargo – юк, contraband – контрабанда;

2) колониялардан экспорт қилинадиган савдо буюмлари: banana – банан, cocoa – какао, chocolate – шоколад, potato – картошка, tomato – помидор;

3) мустанлакачилар ўз мулкларида учратган табиат ҳодисалари, ўсимлик ва ҳайвонларни билдирувчи сўзлар: savannah – саванна, canyon – канён, дара, cockroach – суварак;

4) испан-инглиз урушлари муносабати билан пайдо бўлган ҳарбий тушунчалар: armada – ҳарбий флот, galleon – галеон.

XVII асрда энг кўп ўзлашган сўзлар: guitar – гитара (испанча guitarra), parade – парад.

XVIII асрдаги ўзлашма сўзлар қаторига испанча ракс, ўйин, кийим, умумий-сиёсий атамаларни учратиш мумкин: bolero – болеро (испанча bola); caramél – карамелька.

XIX асрда асосан Шимолий ва Жанубий Америка халқлари испан тилидан сўз ўзлаштиришган. Ушбу ўзлашмаларнинг баъзилари Америка адабиёти орқали инглиз тилининг сўз бойлигига кирган. Масалан: guerrilla, cigarette, lasso, mustang.

Яқинда ўзлаштирилган ва кенг қўлланиладиган ўзлашма сўзлар қаторига dinero, macho, amigo, gringo, el niño ва ҳ.к. киради.

Аксарият инглиз тилида услубий мақсадларда ишлатиладиган испан тилидан ўзлашган сўзлар шаклий тузилишини сақлаб қолади.

Х.М. Усманиевичнинг фикрича, “сўзларнинг аксарияти Америка Қўшма Штатларининг жануби-ғарбий қисмида яшовчи Мексика ва ёки испан қовбойлари даврида инглиз тилига ўзлаштирилган. Испан маданияти, ракслари ва мусиқа асбоблари орқали инглизча сўз бирикмаларида бир неча сўзлар ва сўз бирикмалари пайдо бўлди” (Усманиевич, 2018).

Дж.Н. Тигнернинг хулосасига кўра, “чет элдан келтирилган баъзи испан таомлари инглиз тилида эквивалентига эга бўлмаганлиги сабабли, улар инглизлар томонидан, бошқача қилиб айтганда, испанча версияда ишлатила бошланди. Бундан ташқари, спорт, кийим-кечак, ижтимоий ва сиёсий атамалар билан боғлиқ сўзлар ҳам мавжуд” (Тигнер, 2021).

Испан тилидан ўзлашган сўзлар қаторига денгиз ва денгиз кучлари билан боғлиқ сўзларни ҳам учратиш мумкин мумкин:

Armada – денгиз ҳарбий флоти, йирик қуролли куч.

Galleon – XVI—XVIII асрларда ҳарбий ва тижорат кемаси сифатида ишлатиладиган етарлича кучли артиллерия қурол-яроғига эга бўлган катта кўп қаватли елканли кема.

Granata – порох ортилган ичи бўш чўян шар шаклидаги жанговар ўқ-дорилар, унинг ёрилиш жойи яқинидаги ишчи кучини йўқ қилиш учун, кейинчалик хужум ва мудофаа қуроллари, ишчи кучи, душман қуроллари ва жиҳозларини қўлда ва бошқа отиш ёрдамида йўқ қилиш учун мўлжалланган портловчи ўқ-дорилар.

Escalate – ҳажми, сони, миқдори, интенсивлиги ёки кўламини ошириш.

Cargo – кема, самолёт ёки бошқа транспорт воситасида етказилган товарлар.

Embargo – ҳукуматнинг тижорат кемаларининг портларидан чиқишини тақиқловчи буйруғи.

Conquistador – Испаниянинг Американи ва айниқса Мексика ва Перуни 16-асрда босиб олишганлар етакчиси.

Tornado – тескари айланадиган конусга ўхшаган ва ер бўйлаб ҳаракатланаётганда биноларни йўқ қилишга қодир бўлган кучли, хавфли шамол.

Сиёсий ёки ижтимоий аҳамиятга эга сўзлар. Бу сўзлар асосан ҳукумат масалалари билан боғлиқ реалистик адабиётларда қўлланилади.

Senior – юқори даражадаги шахс.

Junta – мамлакатда ҳокимиятни сайлов билан эмас, куч билан эгаллаган ҳукумат, айниқса ҳарбийлар.

Guerrilla – расмий армия кучларига тўсатдан кутилмаган хужумлар уюштириб, ҳукуматни ўзгартиришга уринаётган норасмий ҳарбий гуруҳ аъзоси.

Мисол: A small band of guerrillas has blown up a train in the mountains.

Испан миллий маданиятига хос сўзлар инглиз тилидан ташқари, бошқа бир қатор дунё тиллари луғатига киритилган. Улар қаторида айниқса испан рақслари, урф-одатлари ва маросимларига доир сўзларни учратиш мумкин.

Rodeo – ковбойлар Шимолий Америкада ёввойи отларга миниш ва сигирларни арқон билан ушлаш орқали турли хил кўникмаларни намойиш этадиган спорт ва ижтимоий кўнғил очиш.

Corrida – буқалар жанги, буқалар билан урушиш.

Caballero – отлик, рицар, чавандоз.

Torero – матадор ёки унинг иштирокчиси.

Fiesta – оммавий байрам, ўйин-кулгу.

Bolero – аёлнинг уст кийими, асосан баҳорда ва кузда кийилади.

Flamenco – фламенко услубидаги рақс ва унинг мусиқаси.

Tango – Лотин Америкадан келиб чиққан бал рақси, оро билан, қадамлар саноғи, яқин ва узоқ паузалар ва тана позициялари билан тавсифланади.

Rumba – асосан Кубада ўйналадиган рақс тури ёки унинг мусиқаси.

Parade – одатда байрам ёки тадбирни нишонлаш учун оммавий маросим одатда байрам ёки тадбирни нишонлаш учун оммавий маросим.

Турли мазали таомлар ва пишириқлар номлари ҳам испан тилидан олинган. Қуйидаги таомлар испан тилидан инглиз ва бошқа тилларга ўзлаштирилиб, уларнинг кундалик ҳаётида ишлатиладиган маҳсулотларган айланган:

Barbecue – метал идишда оловда пиширилган гўшт, балиқ ёки сабзавотлар.

Marinade – мазали кислотали соус, унда гўшт, балиқ ёки сабзавот ўз таъмини бойитиш ёки уни юмшоқ қилиш учун намланади.

Tortilla – хамиртурушсиз маккажўхори ёки буғдой ундан тайёрланган ингичка думалоқ нон одатда иссиқ ҳолда истеъмол қилинади (майдаланган гўшт ёки пишлок каби).

Vanilla – ширин таъм бериш учун ишлатиладиган тропик ўсимлик уруғидан тайёрланган модда.

Chilli – жуда иссиқ ва аччиқ овқатларни пишириш учун ишлатиладиган қизил ёки яшил қалампир ўсимлигининг уруғи пўсти.

Caramel – озиқ-овқат маҳсулотига лаззат ва жигарранг ранг бериш учун ишлатиладиган куйган шакар.

Испан тилидан ўзлаштирилган сўзлар қаторида ҳайвонлар номлари мавжуд:

Alligator – йирик, қалин танли, узун бўйли, сувда яшовчи, тимсоҳ каби судралиб юрувчилардан бири.

Armadillo – танаси қаттиқ туклар билан қопланган, хужум пайтида тўпга айланадиган кичик ҳайвон.

Iguana – Американинг тропик ўрмонларида яшовчи катта яшил-кулранг қалтакесак.

Llama – узун бўйин ва узун сочли Жанубий Америка катта ҳайвони. Асосан юк ташиши мақсадида боқилади.

Alpaca – Жанубий Америкада яшовчи бўйни ва сочи узун ламага ўхшаш ҳайвон.

Нутқимизда кундалик ҳаётда ишлатиладиган шундай сўзлар ҳам борки, уларнинг келиб чиқишини инглиз тилидан деб ўйлаймиз. Аслида улар испан тилидан келиб чиққан экан:

Siesta – кундузги пинак ёки ором.

Adios – “хайр”.

Cannibal – инсон гўшти билан озиқланувчи.

Pronto – тез ва тўхтовсиз.

Plaza – одатда шаҳар бинолари яқинида жойлашган ва кўпинча юриш йўллари, дарахтлар ва буталар, ўтириш жойлари ва баъзан дўконлар жойлашган очиқ майдон.

Ratio – турар жойга туташган дам олиш маскани кўпинча асфалтланади ва айниқса очиқ овқатланишга мослаштирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, испан тили деярли дунёнинг барча мамлакатларида иккинчи ёки расмий тил ҳисобланади. Романтик тиллар оиласига мансуб бўлган инглиз тили ва испан

тиллари ўртасида ўхшашликлар, шунингдек испан тилидан инглиз тили ва бошқа тилларга ўзлашган сўзларнинг кўплигига гувоҳ бўлдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Amexina N. (2018). Arabskiy sled v ispanskom yazike. [Online] Available: <https://esplubmoscu.com/blog/posts/arabskiy-sled-v-ispanskom-yazyke/>
2. Grin Yu. (2022). 9 yazikov, povliyavshix na slovarniy zapas angliyskogo yazika. [Online] Available: <https://preply.com/ru/blog/9-yazykov-povliyavshih-na-slovarnyj-zapas-angliyskogo-yazyka/>
3. Tigner Dj.N. (2021) Rol ispanskix zaimstvovaniy v angloyazichnoy kulture. [Online] Available: <https://elibrary.ru/contents.asp?id=46526757>
4. Uktamova M.X. (2019). Rol anglisizmov v formirovanii ispanskogo yazika kak kommunikativnogo aspekta. Вып. kval. rabota. Samarkand, 53.
5. Usmanaliyev X.M. (2018). Slova angliyskogo yazika, zaimstvovanniye iz ispanskogo. Molodoy ucheniy. 27 (213), 186-189.
6. Shomurodova D.A. (2022). O‘zbek tiliga o‘zlashgan so‘zlar tarixidan. Fan, ta’lim va amaliyot integrasiyasi. 129-135.
7. Shamahmudova, A. F. (2020). Interrogative Forms as an agent of Politeness Strategy. JournalNX, 6(06), 170-175.
8. Кулдошов, У. (2021). Конверсивлик ҳодисасининг лингвистик табиати. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (78)), 96-101.



ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz


Махсудова Холисхон Умматовна

Андижон машинасозлик институти

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси Таянч докторанти

xolisxon@mail.ru

ОНОМАСТИК ТИЗИМ ГЕНЕЗИСИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ономастиканинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тараққиёти ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ономастика (юн. *onomastike* - номлаш, ном қўйиш санъати) атамаси дастлаб “антропонимика” маъносида қўлланган. Атоқли отларга қизиқиш антик даврда пайдо бўлган: қадимги Юнон, Рим, Миср олимлари бу ҳақда фаол баҳслашганлар. Онимлар ҳақидаги дастлабки тавсифий маълумотлар қадимги ёзма манбаларимиздан бизгача етиб келган. Ономастика илмий мақомни фақат XX асрнинг 30-йилларида олди.

Калит сўзлар: Ономастика, генезис, антропонимика, атоқли отлар, топоним, аллоним, гидроним, этноним.

Makhsudova Holiskhon Ummatovna

PhD student Department of Uzbek language and literature

Andijan Machine-building Institute

xolisxon@mail.ru

GENESIS OF THE ONOMASTIC SYSTEM

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о происхождении, развитии и прогрессе ономастики. Термин ономастика (греч. *onomastike* — искусство называния) первоначально употреблялся в значении «антропонимия». Интерес к именам собственным появился еще в древности: его активно обсуждали древнегреческие, римские, египетские ученые. Первые описательные сведения об онимах пришли к нам из наших древних письменных источников. Ономастика получила научный статус только в 30-х годах 20 века.

Ключевые слова: ономастика, генезис, антропонимия, нарицательные имена, топоним, аллоним, гидроним, этноним.

Махсудова Холисхон Умматовна

PhD студент Кафедра узбекского языка и литературы

Андижанский машиностроительный институт

xolisxon@mail.ru

ГЕНЕЗИС ОНОМАСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

ABSTRACT

This article provides information about the origin, development and progress of onomastics. The term onomastics (Greek onomastike - the art of naming) was originally used in the meaning of "anthroponymy". Interest in proper nouns appeared in antiquity: it was actively discussed by ancient Greek, Roman, Egyptian scientists. The first descriptive information about onyms came to us from our ancient written sources. Onomastics received scientific status only in the 30s of the 20th century.

Key words: onomastics, genesis, anthroponymy, proper nouns, toponym, allonym, hydronym, ethnonym.

Ономастика (юн. onomastike - номлаш, ном қўйиш санъати) атамаси дастлаб “антропонимика” маъносида қўлланган. Атоқли отларга қизиқиш антик даврда пайдо бўлган: қадимги Юнон, Рим, Миср олимлари бу ҳақда фаол баҳслашганлар. Аристотель “Поэтика” асарида “нутқ қуйидаги бўлақларга бўлинади: асосий товуш, бўғин, боғловчи, бўлак (аъзо), от, феъл, келишик, гап”, - деб ёзади ва отни ҳам нутқ бўлақларидан бири деб ҳисоблайди. Бизнингча, бунда “нутқ бўлаги” деганда, ҳозирги тилшуносликдаги “тил бирликлари” тушунчасига тўғри келади. “От мураккаб, маъно англаувчи, замонни билдирмайдиган, қисмлари ўз-ўзидан маъно англамайди сўздир.” Стоиклар вакили бўлган Хрисипп томонидан атоқли отлар “махсус сўз туркуми” сифатида белгиланади.

II асрнинг иккинчи ярмида яшаган мисрлик машҳур лексикограф, софист ва нотик Юлий Поллукс бир нечта асарлар муаллифи бўлиб, улардан фақат “Ономастикон” бизгача етиб келган. “Ономастикон” луғати 10 та китобдан иборат энциклопедик асар бўлиб, мавзу тамойилига кўра, риторика элементларини ўз ичига олган ҳолда қуйидагича таснифда тузилган:

1. Худолар. Ибодат жойлари, қурбонгоҳлар ва ибодатхоналар. Яратилиш ва ҳалокат. Рухонийлар. Башоратчилар. Диндорлар ва худосизлар. Монархлар, савдогарлар, хунармандлар. Уй, кема. Об-ҳаво. Армия. Отлар ва миниш санъати. Уй ҳайвонлари. Қишлоқ хўжалиги, шудгор, транспорт воситалари, асаларичилик.

2. Одам. Ёш фарқи. Инсоннинг туғилиши. Тана қисмлари.

3. Жинс. Қариндошлик. Никоҳ. Болалар. Дўстлар. Хўжайинлар ва хизматкорлар. Қурилиш бизнеси. Географик жойлашув. Саёҳат. Ғазаб, қувонч.

4. Таълим: грамматика ва риторика. Файласуфлар ва софистлар. Шоирлар ва муסיқачилар. Муסיқий асбоблар. Рақс, театр. Астрономия. Тиббиёт ва касалликлар.

5. Овчилик. Итлар. Овланадиган ҳайвонлар. Аёллар заргарлик буюмлари. Жасорат, кўркув. Фармацевтика бизнеси. Намоз. Шон-шараф.

6. Меҳмонлар. Шароб ва маҳсулотлар. Овқат. Стол суҳбати.

7. Бозор. Сотиб олиш ва сотиш. Савдогарлар. Маҳсулотлар. Пул.

8. Суд. Ҳакам. Жараёнлар. Жазолар. Информатор.

9. Маъмурий бўлиниш. Шаҳар. Жамоат бинолари. Болалар ва катталар учун ўйинлар.

10. Идишлар. Ушбу тасниф луғатнинг анчагина мукамал яратилганлигидан далолат беради.

Е.И.Гладкованинг таҳлиliga кўра, XIII-XVIII асрларда Ф.Аквинский, Т.Гоббс, Ж.Локк, Г.Лейбниц ва бошқа мутафаккирларнинг шахс номлари ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари, XIX-XX аср бошларида Ж.Стюарт Милл, Х.Жозеф, Б.Рассел, А.Нурен, М.Бреал ва бошқа европалик олимларнинг отнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ғоялари ономастиканинг фан сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ономастика илмий мақомни фақат XX асрнинг 30-йилларида олди: 1930 йилда Альбер Доз ташаббуси билан Францияда Биринчи Халқаро Ономастика Конгресси чақирилди, кейинчалик у ҳар икки йилда бир марта дунёнинг турли мамлакатларида ўтказила бошланди. 1949 йилда Бельгияда ЮНЕСКО қошида Халқаро Ономастика қўмитаси ташкил этилиб, 1950 йилдан бошлаб “Онома” журнали ва ономастика бўйича библиография нашр этилади. Мазкур маълумотлар ономастиканинг жаҳон тилшунослигида алоҳида йўналиш сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам Ономастика фан сифатида XX асрга келиб шаклланган бўлса-да, атоқли отлар борасида азалдан тасаввур ва тушунчалар мавжуд бўлган, улар алоҳида номинатив бирлик тарзида ажратиб кўрсатилган. Онимлар ҳақидаги дастлабки тавсифий маълумотлар қадимги ёзма манбаларимиздан бизгача етиб келган.

Марказий Осиё ҳудуди топонимикаси бўйича салмоқли маълумот берувчи энг қадимги асарлардан бири тахминан X асрда ёзилган муаллифи номаълум “Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб” (Олам (Ер)нинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб”) номли фанда қисқача “Ҳудуд ул-олам” шаклида танилган тарихий-географик асар бўлиб, унда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга доир географик, этнографик маълумотлар берилган. Жумладан, Бухоро, Байканд (Пойкенд), Сурд, Тавовис, Кармина (ҳозирги Кармана), Кушоний (Кушания), Самарқанд, Кеш, Тирмиз (Термиз), Фарғона, Шом ва бошқа шаҳар ҳамда вилоятлар таърифи келтирилган. Асарда ҳозирги Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва ғарбий Хитой ҳудуди анча мукамал тасвирланган. Унда денгиз, дарё ва бошқа жой номлари батафсил келтирилган.”

Бу ноёб асарнинг фанга маълум қилиниши тарихини ўрганган ва ўзбек тилига таржима қилган географ олим Ҳ.Хасанов “Сайёҳ олимлар” китобида батафсил маълумот беради ҳамда “Ҳудуд-ул олам”дан парчалар келтиради.

Бухоро дарёси (Зарафшон) Самарқанд дарвозалари ёнидан оқиб ўтади. Унда қисматгоҳи об (сув тақсимловчи) тўғон бор.

Кеш – иссиқ минтақанинг шаҳарларидан бири. У ерда ёгингарчилик кўп бўлади. Шаҳар дарвозалари ёнидан оқиб ўтадиган икки дарё суғоришга сарф бўлади. Тоғларида дори тошлар топилган.

Термиз – Жайхун бўйидаги обод шаҳарлардан. Бу шаҳар Хатлон ва Чағониённинг савдо марказидир. Бунда яхши совун, кўк бўйра ва елпиғичлар ишланади.

Ҳ.Хасанов томонидан тарихий асардаги айрим топонимлар борасидаги этимологик маълумотлар таҳлил ҳам қилинган: Сирдарё X асрда Ўзбекистон тупроғида Ўзганд дарё ва Қасарт номлари билан аталгани ҳам маълум бўлади. Шундай қилиб, “Қасарт” номи маҳаллий номлардан бирики, қадим грекларнинг китобларида ёзилган Яксарт шакли ўшандан ўзгартиброқ олингандир.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида айрим кишиларнинг номлари, жой номлари (шаҳар, кишлок, дарё, кўприк, баландлик, яйлов) ҳақидаги маълумотлар учрайди. Қуйида айрим намуналарни келтирамиз.

ат – (қаттиқ талаффуз қилинадиган “а” билан) куш қанатин, эр атин – куш қаноти билан, эр оти билан мақолидаги каби (ДЛТ, 1-жилд, 70-б.) Бу сўз ҳозирги от (исм, антропоним) маъноларига тўғри келади.

1. Антропонимлар

Атиш, Утуш – эр кишиларнинг исмларидан (луғавий маъноси изоҳланмаган) (ДЛТ, 1-жилд, 92-б.)

алп – ботир, қаҳрамон

Алп Эр Тўнга (Афрасиёб)

Алп Эр Тўнга (Афрасиёб) ўлдими,

Ярамас дунё қолдиму,

Дунё ундан ўчини олдими,

Энди юраклар унинг учун яраланмоқда. (ДЛТ, 1-жилд, 77-б.)

Қизиғи шундаки, бу ўринда алп сўзи апеллятив ном сифатида келтирилган ва мисол тариқасида Афрасиёбнинг халқ орасида тарқалган Алп Эр Тўнга номи асосида яратилган марсиядан парча келтирилган. Демак, Маҳмуд Қошғарий антропонимнинг денотат билан боғлиқлиги масаласига эътибор қаратган.

Азак – ўғуз бекларидан бирининг номи (ДЛТ, 1-жилд, 97-б.)

1. Топонимлар

Оч (шаҳар) – машхур бир шаҳар оти. Нашрга тайёрловчиларнинг изох беришича, “Мўъжамул-булдон” китобида кўрсатилишича, Оч шаҳри Андижон билан Самарқанд орасидаги Сайхун қирғоғида яшовчи қарлуқлар шаҳри (ДЛТ, 1-жилд, 71-б.)

Алуш – Қашқарда бир қишлоқнинг номи (ДЛТ, 1-жилд, 93-б.)

Аруқ-туруқ – Фарғона билан Қашқар ўртасидаги баландлик бир жойнинг номи (ДЛТ, 1-жилд, 96-б.)

Удун – Хўтан шаҳрининг номи; Хўтанда турувчиларга ҳам Удун дейдилар. (ДЛТ, 1-жилд, 105-б.)

А:қсај (Оқсой) – бир жойнинг исми (ДЛТ, 1-жилд, 110-б.)

А:қ тэрақ – Оқ терак. Яғмо шаҳрида Ила суви устидаги бир кўприк. (ДЛТ, 1-жилд, 110-б.)

Ала – Фарғона яқинидаги бир яйлов (ДЛТ, 1-жилд, 110-б.)

Ала жіғач – чегарага яқин бир жойнинг исми (ДЛТ, 1-жилд, 110-б.)

2. Гидронимлар

Этіл – қипчоқ элларида бир дарёнинг номи. У Булғор денгизига қуйилади. Унинг рус ерларига қуядиган бир ирмоғи ҳам бор. Бу сўз қуйидаги парчада ҳам келган:

Этіл сувиқа турур,

Қаја тўби қақа турур,

Балиқ тілім бақа турур,

Көлўң тақі кўшәрўр.

Мазмуни: Эдил суви қоялар тубига зарб билан урилиб оқмоқда. Тошган сувлардан ҳосил бўлган ясама кўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда. (ДЛТ, 1-жилд, 103-б.)

Ономастик номларнинг тадрижий тараққиёти хусусида кенг маълумот берувчи муҳим манбалардан бири бу - Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” тарихий-мемуар асаридир. З.Т.Холманова “Бобурнома” лексикаси тадқиқи” докторлик ишида “Бобурнома”даги ономастик бирликлар, жумладан, топонимлар борасида муҳим статистик ва лингвистик маълумотларни келтиради: “Бобурнома”да 14728 та сўз қўлланган. Шундан **4007 таси** (умумий лексиканинг 27,2%и)ни номлар ташкил қилади, жумладан: 1507 та антропоним, 1253 та топоним, 284 та этноним, 175 та зооним, 247 та фитоним, 37 та китоб ва рисола, 4 та кема номи.

Шунингдек, мутахассисларнинг маълумот беришича, Абу Ҳайён (XIII-XIV асрлар), Жалолиддин Туркий (XIV-XV асрлар), Мирзо Улуғбек (XIV-XV асрлар), Абулғозихон (XVI аср), Қори Раҳматуллоҳ Бухорий (Возех) (XIX аср) асарларида топонимика ва географик терминшунослик бўйича фикрлар билдирилган. Бу жиҳатдан Абулғозихоннинг “Шажараи турк”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Қори Раҳматуллоҳ Бухорийнинг “Хотиралар”, “Сайрам рисоласи” номли асарлари, айниқса, диққатга сазовор.

Машхур араб олими **Абу Ҳайён Андалусий**(1256—1334)нинг «Китоб ул-идрок ли лисон ил-атроқ» («Туркий тилларни билиш китоби») мамлук туркларининг қипчоқ-ўғуз аралаш тиллари бўйича бой материалларни ўз ичига олади. Абу Ҳайённинг бу ажойиб асари бизгача икки нусхада етиб келди, ҳозир Истанбулда сақланади. Асарнинг илмий аҳамияти Н.А.Расулова томонидан тадқиқ қилинган.

Абу Ҳайён луғатида 3500 га яқин туркий сўзлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида диалектга мансублигини кўрсатадиган белгилар мавжуд: қипчоқ, ўғуз, туркий, туркман, татар, уйғур ва бошқалар. Тил материалининг бундай жуда хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, Абу Ҳайён луғати маълумотларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Назаримизда, Абу Ҳайён асаридаги тил материалларидан жуда кам фойдаланилганлиги сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак. Асарнинг луғат қисмида атоқли отлар кўп берилмаган бўлса-да, назарий қисмда алоҳида бўлимда “алам” номи билан олти турли атоқли отлар борлиги тавсифланган.

Айна хатун – атоқли от

Абтара

Бичар - бичмак феълидан ҳосил бўлган от

Бериш

Бачур

Бўзғуш (Бўзқуш)

Ўғуз – туркларнинг Ёфасдан кейинги буюк бобоси

Ташлақ ва бошқалар.

(“Алам”) Атоқли отларни билдиради. Олти хил ҳолатлари мавжуд.

а) якка от: Сунқур

б) икки отдан ташкил топган: Ақбуға

в) бир от ва бир феълдан ташкил топган: Айдоғди

г) ўзлашма сўз: Қалавун

д) бошқа номдан пайдо бўлган: Лачин (орнитонимдан антропоним ҳосил бўлиши назарда тутилмоқда)

е) феълдан ҳосил бўлган: Бекти каби.

Шунингдек, замонавий тилшуносликда ҳам ўзбек тарихий ономастикаси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ш.С. Камолиддиннинг “Древнетюркская топонимия Средней Азии” (“Ўрта Осиё Қадимги туркий топонимияси”) монографиясида Ўрта Осиёнинг қадимги туркий топонимияси араб, форс, туркий ва бошқа тиллардаги VII - XIII аср бошларидаги ўрта асрлар манбалари бўйича ўрганилган. Ишда ёзма манбалардан ташқари ўрта асрлар нумизматикаси ва эпиграфияси материалларидан ҳам фойдаланилганлиги таъкидланади.

Туркий топонимларни қуйидаги турларга ажратади:

- **этнотопонимлар** – масалан, Марв вилоятидаги Туркон қишлоғининг номи турк этнонимининг форсча кўплик шакли ҳисобланади;

- **антропотопонимлар** – масалан, Хурсондаги **Барс** (Барис) работи, шунингдек, Бухоро вилоятининг **Барсхон** қишлоғи, **Барсқат** (Шош вилояти) ва Иссиққўл кўли қирғоғидаги **Барсхон** шаҳарлари туркий **Барс** (Барис) исми асосида пайдо бўлган. Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг саркардаси **Барс ал-Қабир** бўлиб, аввал унинг ғуломи, кейин эса у Журжон, Табаристон ва Рай ҳукмдори этиб тайинланган. Халифанинг болгарлар мамлақатидаги элчиларидан **Барс (Барис) ас-Сақлабий** деган шахс бўлган. Таласнинг қадимги туркий руний ёзма ёдгорликларида **Барс, Қора Барс ва Окул Барс** номлари, Тамғачхон Иброҳим (XI аср) вақфномасида **Барс-тегин** номи тилга олинган (асарда бу маълумотлар олинган манбалар тўлиқ келтирилган- бу ҳақда қаранг: Камолиддин Ш.С. “Древнетюркская топонимия Средней Азии”, 39-40-с.).

Олим топонимик номларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан тадқиқ қилар экан, туркий топонимларга эътибор қаратади ва шундай хулосага келади: “Шундай қилиб, исломгача бўлган ёзма манбаларга кўра ва исломнинг биринчи асрларида туркий номлар илк ўрта асрларда Ўрта Осиё топонимиясида муҳим ўрин тутган. Бундан ташқари, илк ўрта асрлар даври мавжуд ёзма манбаларида қайд этилмаган бўлса-да, нисбатан кейинги манбаларда қайд этилган туркий топонимлар орасида ҳам, шунингдек, Марказий Осиёнинг ҳозирги замон лексикасидаги бир қанча топонимлар ичида ҳам қадимги туркий илдизларга асосланиб шаклланган номлар мавжудлигини кўрсатади”.

А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» асарида илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган кўплаб маълумотлар келтирилганлиги билан қимматлидир. Олимнинг таъкидлашича, XIII-XIV асрларда туркий халқлар гарчи мўғуллар асоратида бўлса ҳам, лекин уларнинг маданий ва маънавий ҳаётда таъсири кучли бўлган. Шу боис туркий тилга кизиқиш, уни ўрганишга интилиш кучайди. Ана шу амалий эҳтиёжни қопламоқ учун бир қатор туркий тиллар луғати ва грамматикасига бағишланган асарлар майдонга келган. Жумладан, номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Ат-тухфатуз закияту филлуғатит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб тухфа») асарининг мазмун-моҳияти ҳам ёритиб берилган. Хусусан, асардаги ономастик бирликларнинг ўрганилиши борасида шундай дейилади: “Отлар атоқли ва турдош отларга бўлинади. Атоқли отлар “алам” атамаси билан номланади ва бирор нарсага хослаб қўйилган

сўз “алам” эканлиги айтилади (108-бет). Масалан, Аллоҳ—тангри, Расул—пайғамбар, Малик—қаан ва бошқ. (108-бет).

Алам тузилиш жиҳатдан содда ва қўшма турларга бўлинади. Масалан, Ала буға, Кун дуғди, Ой дуғди (киши отдари) кабилар қўшма, Аллоҳ, Расул кабилар содда (салт) алам ҳисобланади”.

Ушбу қисқача изоҳдан кўринадики, ҳали у даврда атоқли ва турдош отларнинг номинатив позицияси масаласи ҳал этилган эмас, яъни апеллятив ва ономастик номлар чегараси белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.

Н.Ҳусанов “XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари” номли икки қисмдан иборат монография яратди ва шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Б.Б.Абдушукуровнинг «Қисаси Рабғузий» лексикаси” докторлик ишида 550 та ономастик номлардан 402 тасини антропонимлар, 83 тасини топонимлар, 33 тасини астронимлар, 19 тасини зоонимлар, 13 тасини бут-санам номлари ташкил этиши қайд этилган. Тадқиқотчи қиссадаги атоқли отларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- 1) антропонимлар: Ātika (184v1) – «пайғамбар (с.а.в.)нинг холаси»;
- 2) топонимлар: Baǧdād (176r2), Xitāy (68v2);
- 3) астронимлар: Kōrūd (66v7) – «Марс»;
- 4) зоонимлар: Burāq (5v10) – «Муҳаммад(с.а.в.) кўкка миниб чикқан учар от.

Ўзбек тарихий ва бадиий ономастикаси муаммолари Ш.Ёкубовнинг “Навоий асарлари ономастикаси” тадқиқот ишида Алишер Навоий асарларидаги атоқли отга от материаллар асосида тадқиқ қилинган. Ишда Навоий асарларидаги атоқли отларнинг ҳажми ва луғавий таркиби, белгиланган номларнинг мавзу гуруҳлари ва маънолари, луғавий-этимологик қатламлари ўрганилган, атоқли отларнинг бадиий адабиёт тилида учрайдиган услубий, лисоний-эстетик вазифалари таҳлил қилинган ва шу асосда ономастик бирликларнинг бадиий асар лексикаси тизимида тутган ўрни ва ролини белгиланган. Навоий асарларида 1103 та антропоним, 359 та топоним, 50 дан зиёд астронимлар ва бошқа ономастик бирликлар аниқланганлиги баён қилинган.

М.Т.Турдибековнинг “Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси” илмий ишида асарда учрайдиган атоқли отлар, яъни антропонимлар (исмлар, лақаблар, патронимик номлар), топонимлар, оронимлар, гидронимлар, этнонимлар, уларнинг лисоний ва нолисоний хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Олимнинг фикрича, ономастик кўламини баҳолашнинг энг қийин усули тарихий (диахроник) ҳолатини баҳолашдир. Бунга сабаб ўтмиш давр ономастикасининг жонли, реал ҳолати эндиликда унутилган бўлади, бунинг устига ўтмиш давр номлари, уларнинг барча типлари ҳар қандай ёзма манбада ҳам тўлиқ акс этмайди. Шу сабабли ҳам, бирор тил тарихий ономастикасининг кўламини баҳолашнинг бирдан-бир йўли тарихий ёзма обидалар тилида сақланган атоқли отлар бўлиб қолмоқда. «Шажарайи турк» ономастикасининг қимматли томонларидан бири ҳам мана шундадир. М.Т.Турдибековнинг кузатишича, “Шажарайи турк” асарида 1357 та атоқли от мавжуд. Улардан 880 таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар, 51 таси гидронимлар, 22 таси оронимлардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арасту. Поэтика . // Ахлоқи кабр. Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – С. 52
2. Гладкова Е.И. Ономастические исследования в ретроспективе мировой лингвистике
3. Мадиева Г.Б., Супрун В.И. Теория и практика ономастики. Учебное пособие. Алматы: Қазақ университеті; Волгоград: Изд-во ВГСПУ «Перемена», 2015. – С. 21
4. Хасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 31-45
5. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол.фан.д-ри ...дис.-Тошкент, 2009.

6. Миракмалов М.Т., Солиев А.С. Ўзбекистонда географик номларнинг ўрганилиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 42-жилд, Т.: 2013. – Б. 4
7. Абу Хайёнинг “Китоб ал-идрак ли-лisan ал-атрак” тилини ўрганиш (морфология, лексика, луғат): автореф. дисс... канд. филол. наук. - Ташкент, 1969.
8. Улаков М.З., Чеченов А.А. Письменные памятники тюркских языков как источник истории современного карачаево-балкарского языка (спецкурс). - Нальчик: Издательство КБНЦ РАН, 2001. – С. 21
9. Абу Хайён. Китоб ул-идрок ли лисон ил-атрок («Туркий тилларни билиш китоби») туркча таржимаси билан. Истанбул, 1931.
10. Ёкубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 1994
11. Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. / Отв. ред. М. Исхоков. - Т.: «Шарк», 2006.
12. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Б. 56-71
13. Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 2-китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1997
14. Абдушукуров Б.Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси ДДА, Т., 2017
15. Турдибеков М.Т. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 2001.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Махсудова Холисхон Умматовна
 Андижон машинасозлик институти
 Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
 Таянч докторанти, xolisxon@mail.ru

ОНОМАСТИК ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ КУЛЬТУРОЛОГИК ТАБИАТИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ономастик тил бирликлари лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Тилга ижтимоий омилларнинг таъсири муайян халқ маданий ва маиший ҳаётида кечадиган жараёнларнинг тарихий ўзгариши ва ривожланиши, этник жойлашуви, яшаш тарзи, маданий муносабатлари ва бошқаларда кўринади. Шу нуқтаи назардан антропоцентрик тамойиллар асосида тилшунослик фани интеграциялашуви тадқиқот объектининг бекиёс кенгайишига олиб келди. Жумладан, тил ва маданият муносабати масаласи етакчи йўналишлардан бирига айланди. Хусусан, ономастика доирасида бундай талқинга эҳтиёж борлиги табиий.

Калит сўзлар: лингвокультурология, кодлар, маданият коди, соматик код, макон код, замон код, биоморфик код, маънавий код.

Makhsudova Holiskhon Ummatovna

PhD student

Department of Uzbek language and literature

Andijan Machine-building Institute

xolisxon@mail.ru

CULTURAL NATURE OF ONOMASTIC LANGUAGE UNITS

АННОТАЦИЯ

В данной статье ономастические языковые единицы анализируются с лингвокультурологической точки зрения. Влияние социальных факторов на язык можно увидеть в историческом изменении и развитии процессов культурно-бытовой жизни того или иного народа, этнической принадлежности, образа жизни, культурных отношений и т. д. В этом контексте интеграция науки языкознания на основе антропоцентрических принципов привела к несравненному расширению объекта исследования. В частности, проблема соотношения языка и культуры стала одним из ведущих направлений. В частности, естественна потребность в такой интерпретации в рамках ономастики.

Ключевые слова: лингвокультурология, коды, культурный код, соматический код, пространственный код, временной код, биоморфный код, духовный код.

Махсудова Холисахон Умматовна

PhD студент

Кафедра узбекского языка и литературы
Андижанский машиностроительный институт
xolisxon@mail.ru

КУЛЬТУРНАЯ ПРИРОДА ОНОМАСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ЯЗЫКА

ABSTRACT

In this article, onomastic linguistic units are analyzed from a linguocultural point of view. The influence of social factors on the language can be seen in the historical change and development of the processes of cultural and everyday life of a particular people, ethnicity, lifestyle, cultural relations, etc. In this context, the integration of the science of linguistics based on anthropocentric principles has led to an incomparable expansion of the object research. In particular, the problem of the relationship between language and culture has become one of the leading directions. In particular, there is a natural need for such an interpretation within the framework of onomastics.

Key words: linguoculturology, codes, cultural code, somatic code, spatial code, temporal code, biomorphic code, spiritual code

Тилга ижтимоий омилларнинг таъсири муайян халқ маданий ва маиший ҳаётида кечадиган жараёнларнинг тарихий ўзгариши ва ривожланиши, этник жойлашуви, яшаш тарзи, маданий муносабатлари ва бошқаларда кўринади. Шу нуқтаи назардан антропоцентрик тамойиллар асосида тилшунослик фани интеграциялашуви тадқиқот объектининг бекиёс кенгайишига олиб келди. Жумладан, тил ва маданият муносабати масаласи етакчи йўналишлардан бирига айланди. Хусусан, ономастика доирасида бундай талқинга эҳтиёж борлиги табиий.

Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлиги муаммоси В.фон Гумбольдт давридани бошлаб фаол ўрганилиб келинмоқда. Тилнинг миллий-маданий колорити масаласи замонавий тилшунослик фанининг этнолингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика, лингвокультурология ва когнитив лингвистика каби жадал ривожланаётган соҳалари учун марказий муаммолардан бирига айланди.

Хусусан, Лингвокультурология - тил ва нутқда маданиятнинг намоён бўлиши, акс этиши ва фиксациясини ўрганадиган фан. У оламнинг миллий манзараси, лисоний онг, ментал-лисоний комплекс хусусиятларини ўрганиш билан бевосита боғлиқдир.

Тилнинг ривожланиши ва фаолиятига таъсир этувчи маданий омилларни ўрганишга қаратилган Лингвокультурология фани В.фон Гумбольдт, А.А.Потебня, Ш.Балли, Г.Г.Шпет, Л.Вайсгербер, Р.Барт, В.В.Виноградов, Д.Н.Шмелев, Ю.Д. Апресян, Е.М.Верещагин, Ю.М.Лотман, Н.И.Толстой, В.Н.Телия, В.А.Маслова, С.Г.Тер-Минасоваларнинг тадқиқотларида илмий-назарий масалалар ўрганилган бўлса, ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов, М.Миртожиев, А.Нурмоновлар бошлаб берган тадқиқ йўналиши Д.К.Бахранова, Б.Р.Кадилова, А.Мўминова, Ф.Усманов ва бошқалар томонидан давом эттирилмоқда.

Ономастик бирликларга лингвокультурологик тадқиқотлар учун материал нуқтаи назаридан ёндашув анчайин манتيкий туюлади. Муайян этник гуруҳ маънавий маданиятининг ўзига хос қатламни ташкил қилувчи атоқли отлар ўзаро мулоқот доирасидаги шахслар, инсонни ўраб турган макон, замон, табиий, географик, моддий ва маънавий олам ҳақидаги маълумотларни кодлайди ва атрофдаги олам манзарасини идрок этиш миллий моделининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Масалан, шахснинг ўз исми, ота-онасининг исмидан тортиб, қайси маконда яшаши ва ҳоказо маълумотлар шахснинг миллий-маданий мансублигини белгилайди.

«Этнолингвистик тадқиқот икки томонлама акс эттириш (вокелик парчаси - маданият ташувчиси онгида, онгдаги тасаввур - тилда) билан шуғулланар экан, шунга кўра, икки ўзаро боғлиқ вазифани ўз олдига қўйиши керак: вокелик парчасини миллий шартли идрок этишнинг

ўзига хос жиҳатларини аниқлаш; воқелик ҳақида берилётган маълумотни узатувчи тил канали хусусиятларини кўрсатиш».

Ономастик материалга нисбатан ана шундай икки томонлама вазифани қуйидагича шакллантириш мумкин: ономастик бирликларнинг халқ маънавий маданияти ҳақидаги маълумотларнинг лингвистик манбаси сифатидаги ўзига хослигини очиб бериш.

Этнолингвистик тадқиқотлар табиий тил манбаларида халқнинг маънавий маданияти ва менталитетига хос хусусиятларни аниқлашга қаратилади. Ҳар қандай тил бирлиги она тилида сўзлашувчининг ички дунёси призмасидан ўтади. Бунда коммуникатив жараён лисоний шахснинг ифода имкониятлари ёки узатилган маълумотни қабул қилиш механизми унинг маънавий маданияти хусусиятларини ўзида мужассам этган онг қатлами фониде кечади ва воқеликнинг маълум бир қисми ҳақидаги маълумотларни узатади ёки қабул қилади.

Ономастик материал улкан маданий салоҳиятга эга. Шунинг учун ҳам замонавий тадқиқ методларининг имконияти кенгайиши натижасида Ономастика соҳаси лингвокультурологик ва прагматик жиҳатдан ҳам ўрганила бошланди. Е.Л.Березович тўғри таъкидлаганидек, ономастик номнинг маданий ва тарихий қийматини тавсифлашнинг ўзи етарли эмас, балки ономастикондан олинган маълумотлар ичидан маданий ва тарихий меросни ажратиб олиш, шунингдек, ушбу маълумотларни тавсифлаш ва изоҳлаш методологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Ономастик лексика доимий равишда тадқиқотчилар эътиборидаги объект бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Атоқли отларнинг семиотик моҳияти, ономастик лексиканинг семантик таркиби хусусиятлари Ж.Милл, А.Гардинер, Е.Гуссерл, О.Жесперсен, А.В.Суперанская, Г.Н.Кастанед, Е.Курилович, П.А.Флоренский, А.Ф.Лосева, О.С.Ахматова, И.А.Мельчук, А.Д.Шмелева, А.А.Уфимцева, Д.И.Руденко, Ю.С.Степанова, А.А.Черноброва ва бошқаларнинг асарларида таҳлил қилинган.

В.В.Красных тил ва маданият муносабати муаммосини ёритишда “маданият коди” ва “ўлчов-мезонлар доираси” тушунчалари масаласини илгари суради. Одатда, тилда маданиятнинг акс этиши мавзусида гап кетганда, муайян бир этник қатлам, миллий маданият доирасида фикр юритилади. В.В.Красных эса ҳар бир шахс учун маданият нима эканлиги, унинг онгида қандай сақланишини, тил ва лингвистик онгда қандай мустаҳкамланганлиги, инсон хатти-ҳаракатларида, шу жумладан, мулоқот хулқида, миллий ва маданий ўзига хослигини белгилашда қандай намоён бўлиши хусусида баҳс юритади. Бизнингча, мана шу ўзига хос ёндашув масаланинг моҳиятини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа, тадқиқотчи “маданият коди” лингвистик онгда ва тилда қандай белгиланиши ва нутқда қандай намоён бўлишини англаб тушуниш зарурлигини таъкидлайди.

Код - белгилар ва белгилар тизими ҳақидаги фан, яъни семиотиканинг асосий атамаси. Код маданиятда шаклланади ва ўз вазифасини бажаради. Код белгилар синфини ва уларни интерпретатор томонидан идрок қилиш қодаларини англаганлиги сабабли, код ҳар доим маълум бир маданият билан боғланади ва ҳар доим мос равишда ўз тилида декодланади.

Маданият коди - маданий мазмунни ифода планини ташкил этувчи белгилар тўплами, табиатан анъанавий бўлган ва маданият доирасида шаклланган маданий қадриятлар маълумотлари ва муносабатларининг ички боғланган тизими.

Олимлар «маданият коди» ҳодисасига турлича ёндашиб, маданиятнинг табиий-ландшафт, соматик (танавий), макон, замон, объектив, биоморф, антропик (одам), вегетатив, артефакт, гастрономик, руҳий (диний антропоморфик) ва бошқа кодларини тавсифлайдилар.

В.В.Красных қуйидаги маданият кодларини ажратиб кўрсатади:

1. соматик (инсон танаси билан боғлиқ);
2. макон билан боғлиқ;
3. замон билан боғлиқ;
4. нарс-ҳодиса билан боғлиқ;
5. биоморфик;
6. маънавий - руҳий.

Г.А.Аванесова ва И.А.Купцовалар маданият кодни маданият норма ва анъаналарга яқин тушунча деб ҳисоблайдилар. Бунда маълум бир анъана ёки нормада муайян маданият код белгилари асос бўлганлигини назарда тутган бўлишлари мумкин. «Маданият кодларида инсоннинг воқелик, ҳодисалар, нормалар, маданият макон объектларига муносабати "кодланган" бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, анъанавий маданиятнинг ўзини ўзи сақлаб қолиш ва ташқаридан келадиган инновацияларни интеграция қилиш имконияти ва қобилияти кодларнинг ишлашига асосланган айрим ўхшаш семантик структураларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.»

Инсон ўзини ўзи билишдан ўзини ўраб турган оламни идрок қила бошлайди. Ушбу "герменевтик доира"ни тугатгандан сўнг, оламни билиш зарурати кейинги янги босқичга ўтади. Шундай қилиб, инсон дунёни англашда ўзидан ўзига йўл яратди. Бошқача қилиб айтганда, ўз-ўзини англаш орқали инсон ўзи ҳақидаги билимларини атрофдаги (маданиятнинг соматик кодексида қайд этилган) воқеликка экстраполяция қилиб, олам тасвирини идрок этади.

С.Турсуновнинг “Сурхондарё вилояти топонимлари” монографиясида ҳам айрим **соматик** номлар учрайди.

Мирқоракўз – Бойсун туманидаги қишлоқ (Ашурхилват). Қоракўз (қ.)-этноним. Мир Амир исмининг қисқарган шакли. Мирқоракўз - қоракўз уруғига мансуб Амир исмли киши яшаган (бунёд этган) овул.

Қангшар – Шеробод туманидаги баландлик. Қангшар қипчоқ диалектига хос сўз. Буруннинг уч қисми билан кўзга туташган жойидаги чуқурлик қисми орасидаги туртиб чиқиб турган дўнг жой - қангшар, қаншар. Худди шунга ўхшаш баландлик қангшар. Тоғ ёки йирик баландлик, тизмалар бағрида бўртиб чиққан баландлик-қаншар, қангшар, баъзи жойларда тумшук аталади. Термин топоним (ороним)га айланган.

Қоракўз – Денов туманидаги қишлоқ (Янгиобод). Қоракўз—умумтуркий этноним. Кавказ ўғузларининг қоракўзли уруғи бор. Эронда яшовчи туркий халқларнинг қарағёзли~гарағюзлу (қоракўзли) қабиласи борлиги маълум. Улар Ҳамадон вилоятида яшаган. Фарғона қипчоқларининг шатай уруғида қоракўз уруғ тармоғи қайд этилган. Қоракўз ва кўзтамғали этнонимлари бир хил номланиш принципига эга. Тамғаси кўз - қўш думалоқ тешик (ҳалқа) шаклида бўлган. Тамғасидан уруғ, уруғига нисбатланиб қишлоқ номланган. Қоракўз Яққабоғ, Дехқонобод, Денов қатағонларининг уруғи.

Қорабўйин – Бойсун туманидаги қишлоқ (Работ). Қорабўйин-қорамўйин—туркий халқларга, қипчоқларга хос этноним. У ўрта асрларда қипчоқ конференцияси (иттифоқи)га хос уруғ бўлган. Кўчманчи қипчоқлар билан Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон (аниқроғи Мовароуннаҳр)га келиб, турли уруғ, қабилалар билан қўшилиб кетган, уларга тобе турли уруғ ё тармоққа айланган. Бухоро ва Самарқанд қорақалпоқлари, Фарғона қипчоқлари, Сурхондарёнинг Тўполон дарёси чап irmoғи Шарғунсой бўйларидаги қарлуқлар, Бойсун кўнғиротлари тортувли бўлимининг майдатўба уруғи таркибида қорабўйин~қорамўйин этнонимининг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Қорақалпоқ ва туркманларнинг ҳам қорамойўн, гарамойон уруғи бўлган.

Мисоллардан кўринадики, соматик топонимлар, асосан, этнонимлар асосида пайдо бўлган.

Макон коди билан боғлиқ онимлар. Бу борада халқ дostonларидаги макон масаласи миллий колоритни ифодалашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги адабиётшунослар ва тилшуносларнинг турли баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда. С.Мирзаеванинг “Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси” монографиясининг “Романик дostonларда макон ва замон” деб номланган бобида ўзбек романик дostonларидаги эпик маконлар халқ бадий тафаккурида шаклланган шартли маконлардан иборат эканлиги, бинобарин, бу маконларни у ёки бу жойдаги аниқ шаҳар ёки жойлар билан айнанлаштириш халқ эпосидаги бадий шартлилик табиатини тўғри англамаслик оқибатидан бошқа нарса эмаслиги ҳақида фикр юритилади. “Масалан, «Гўрўғли» туркуми доирасида Чамбил, Хунхор, Ваянган, Кўҳи Қоф, Торкистон, Асқар тоғи, Арзирум, Полопон тоғи, Бадбахт чўли, Арботин, Боғи Ирам каби соф

эпик ва мифик маконлар билан бир қаторда Тошкент, Оқтош, Туркистон, Сайрам каби реал жой номлари ҳам учрайди. Гарчи бундай аниқ маконларнинг номлари бахшиларнинг эпик хотирасига реал воқелик таъсирида кириб қолган бўлсалар ҳам, бироқ улар эпик анъана талабларига мувофиқ ўзларининг реал географик моҳиятларини йўқотиб, шартли эпик маконга айланганлар. Бу эса романик дostonлар таркибида учрайдиган реал жўғрофий маконлардан аниқ маҳаллий колорит кидириб ўтириш мумкин эмас, деганидир.” Шундай бўлса-да, юқорида номлари келтирилган “эпик ва мифик маконлар”нинг номланишида ҳам Шарқона маданиятга хос мифологик тасаввурлар асос бўлиб хизмат қилганини кўриш мумкин.

Масалан, **Боғи Ирам (Ирам боғи)** - мифологик боғ. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги парилар макони. Ирам боғи гулзор, мевазор ва ўтлоқзор билан қопланган беқиёс гўзал афсонавий, тилсимли силсила боғлар сифатида талқин этилади. Мифологияга кўра, Яманда, баъзан Шомда деб тасаввур этилган. “Гўрўғли” дostonлар туркумидаги Юнус пари, Мискол парилар Ирам боғилик бўлиб, бу боғ париларининг раҳнамоси, Чамбил юртида эса ботирлар мураббияси, эл-юрт ҳомийси сифатида тасвирланган.

Қадимги Миср мифологиясида Аару Қамишлар даласи номи билан ҳам танилган, Осирис ҳукмронлик қиладиган самовий жаннатдир. Қадимги мисрликлар руҳ юракда жойлашганига ишонишган ва шунинг учун ўлимдан кейин юракнинг вазнини ўлчаган. Ҳар бир инсоннинг юраги Маат тушунчасини ифодаловчи туяқуш патига қарши улкан тарозида тортилади. Тарозиларни мувозанатлаштирган қалблар, абадий завқ билан яшашлари учун қамишлар даласига узоқ ва хавфли саёҳатни бошлаганлар. Юраклар патдан оғирроқ бўлса, Аммит жинининг тимсоҳники сифат жағларига отилган. Бу “иккинчи ўлим”дан сўнг, руҳ Дуот номли маконда нотинчликка маҳкум бўлган.

Муваффақиятга эга бўлган руҳлар узоқ сафарни босиб ўтадилар ва Ааруга етиб боришдан олдин кўп хавф-хатарларга дуч келишади. Улар етиб келгач, бир қатор дарвозалардан кириб борадилар. Дарвозаларнинг аниқ сони манбаларга кўра фарқ қилади; Баъзилар 15, баъзилари 21. Уларни пичоқ билан қуролланган ёвуз жинлар кўриқлаётгани тасвирланган. Аару одатда куёш чиқишда, шарқда жойлашган бўлиб, у ердаги Нил дарёсида чексиз қамиш далалари сифатида тасвирланган. Бу жой ов қилишга ва дехқончилик учун яхши жой. Бу ерда руҳларнинг абадий яшашига имкон берилган.

Замон коди. Оламнинг лисоний манзарасида замон турли воситалар ёрдамида намоён қилинади. “Замон” концептининг номинатив майдонига қандайдир вақт бўлагига бевосита ёки билвосита ишора қилувчи лексик, грамматик, фразеологик бирликлар киради. Ономастиконда нисбатан кам кузатилди. Ўзбек тилида Даврбек, Даврон, “Баҳор” ансамбли, “XXI аср” газетаси; инглиз тилида “Week” дастур, “Times” газетаси каби. Тўмарис, Барчин каби айрим номларда билвосита замон семемасининг тарихийлик семаси сезилиб туради.

Предметли код. Маданиятнинг бизни ўраб турган предметлар (ҳам табиий, ҳам инсон томонидан яратилган) ҳақида тасаввуримизни шакллантирадиган предметли коди бошқа маданий кодлар сингари маълум эталонлар тизимини белгилайди, биз уларга асосан атрофимиздаги оламни қисмларга ажратамиз, тизимлаштирамиз ва баҳолаймиз. Демак, ушбу код борлиқдаги нарса-буюмлар билан боғлиқ бўлган ҳолда муайян концептларнинг маданий коннотативлигини ифодалайди ва бу ўз табиатига кўра ҳам универсал феномен, ҳам маълум бир лингвомаданиятда метафора туфайли миллий ўзига хос тарзда реаллашуви мумкин. Предметли код энг сермахсул манба ҳисобланади. Мас, Болтавой, Тешавой (Ironman, Moon) каби антропонимларда метафорик маъно ташиса, Тахтакўприк, Фишткўприк (Wooden Bridge, Iron bridge) каби топонимларда денотат билан боғлиқлиги таъкидланади. Муҳаммад Юсуфнинг “Чимилдик” “Ёғоч бешик”, “Қора қумғон”, “Дўппи” каби шеърлари сарлавҳасида, айнан, миллий колоритни ифодаловчи нарса-буюмлар номи поэтоним вазифасини ўтаган ва ўқувчини жалб этиш мақсадида шундай номланган.

Биоморфик код ўз-ўзидан икки қисмга – зооморфик (хайвонлар тасвирлари билан боғлиқ) ва фитоморфик (ўсимлик тасвирлари билан боғлиқ) кодларга бўлинади. **Зооморфик** маданий коди онгда хайвонлар, қушлар, ҳашаротлар образларини фаоллаштиради, улар тил

бирликлари таркибида ҳам денотатив, ҳам метафорик маъноларни ифодалайди. Мас, ўзбекларда Кўчқорвой, Арслон, Асадбек каби, инглизларда эса Beowolf, Tiger, Augustin тарзида ижобийлаштирилади. М.Усмонов, А.Ҳакимов, Э.Бурхонларнинг маълумот беришича, “тўлик бўлмаган маълумотларга қараганда, республика ҳудудида биргина туя сўзи эллиқдан ортик топоним таркибида учрайди. Масалан, Туябоши, Туябўғиз, Туятортар, Туяошув, Туяяйлов, Туяқорин, Туяқуйрук, Туяқудук, Туядала, Туячи, Туябулоқ, Туябўйноқ ва хоказо.” Бу эса илгари чорвачилик билан шуғулланган этник қатламнинг фаолияти ҳамда туянинг асосий транспорт воситаларидан бири сифатида доимий ҳамроҳи бўлганлигидан далолат берувчи маданий код белгисидир.

Шахс ва унга алоқадор нарсалар, тушунчалар, ҳодисаларнинг образли тавсифини яратиш мақсадида ўсимлик номларининг образли қўлланилиши **фитоморфизмлар** дейилади. Мас, Сунбула, Лола, Райҳон; Чилонзор; Tulip, Rose, Reed field, Wineyard каби.

С.Турсуновнинг Сурхондарё вилояти топонимларига оид монографиясидан айрим намуналарни келтирамиз.

Андизли - Бойсун, Шеробод туманларидаги дара. Узун япроқли, ўртасида ўзак ўсиб чиқиб, уруғ берадиган кўп йиллик ўсимлик номидан. Халқ андиз ўзагини юмшоқлигида пўстини арчиб ейди, қуригач, барги ҳайвонларга берилади.

Даштичинор – Олтинсой туманидаги қишлоқ (Янгиобод). Форсча изофа: дашт+и+чинор – чинор ўсган дашт; чинор дарахти ўсган даштда бунёд бўлган қишлоқ.

Жўробзор - Шеробод туманидаги адир. (Зарабоғ). Форсча Жоруб - супурги, супуриш учун ишлатиладиган ўсимлик. -зор аффикси жамлик маъносига эга. Жўробзор - супурги учун фойдаланиладиган ўсимлик ўсадиган жой.

Chanhassen исми Дакотадаги Khassan сўзидан келиб чиққан бўлиб, "шакар-заранг дарахти" (чан, дарахт; ҳаза, шираси бўлган дарахт) деган маънони англатади. Шимолий метро ҳудуди Ҳассан шаҳарчаси билан чалкашмаслик учун сўзнинг охири морфемасини олиб юради.

А.М.Мезенко зооморф ва фитоморфларни алоҳида-алоҳида тавсифлаган. Бизнингча ҳам, бу борада А.М.Мезенконинг ёндашуви қулай ва мантиқан ўринлидир. Маданиятнинг **маънавий-руҳий коди** предметли код қаторида серунум номинатив база ҳисобланади. Т.В.Шмелёва маданий коднинг бу турини **аксиологик код** (қадриятлар коди) деб атади ва асосий ижтимоий қадриятларни англатувчи тушунчаларга таяниб номлашни назарда тутди.

Зеро, Шарқ маданияти, хусусан Ислон оламида маънавий-руҳий асослар етакчи мавқега эга. “Миллий қадриятимизга айланган ислон дини ғоялари ва кўрсатмалари миллатимизнинг табиий-тарихий ривож, ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, келажаги, маданияти, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тили, у вужудга келган ҳудуд ва бошқалар билан узвий боғланган. У миллий қадриятларимиз билан хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлди, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилди. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар – ягона эътиқодлилиқ, қариндошлиқ, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт туйғуси ва бошқалар барқарор ҳисобланади.” Бу эса ономастиконда ҳам ўз аксини топган. Мас, Э.Бегматов антропонимлар доирасида ислоний тушунча ва қадриятлар асосидаги номларнинг диний-маънавий табиати батафсил таҳлил қилган.

Диний тушунча ва эътиқодлар билан боғлиқ исмларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) Аллоҳнинг исми-сифатларидан, уни мадҳ этувчи тушунчалар номидан ясалган исмлар: Абдулла (Абдуллоҳ), Абдурахмон, Абдуқаҳҳор, Абдусаттор, Хайрулла (Хайруллоҳ) ва б.
- б) Пайғамбарларнинг номлари ва сифатларини билдирувчи сўзлардан ясалган исмлар: Муҳаммад, Идрис, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Юнус, Исо; Аҳмад, Ҳамид, Маҳмуд, Расул, Наби(й), ва б.
- в) Халифалар, баъзи саҳобалар, азиз-авлиёларнинг номларига нисбат берилган исмлар: Абубакр, Умар, Усмон, Али ва б.
- г) Пайғамбарнинг фарзандлари, қариндошлари, яқинлари номидан олинган исмлар: Фотима, Марям, Ҳадича, Хасан, Хусайн, Зайнаб, Ойша, Сафия ва б.

Аксиологик код халқ турмуш тарзига оид ижтимоий-маънавий қадриятлар асосида номлаш учун қулай усул саналади. Хусусан, топонимлар ҳам кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган бирликлар бўлиб, муайян худудни номлаш билан бир қаторда тарихий-маданий муҳит, халқ эътиқоди, маънавияти, урф-одат, анъаналари, кизиқишлари ҳақида ахборот беради. Бундай фикрларни онимларнинг бошқа турлари ҳақида ҳам бемалол айтиш мумкин. Масалан, урф-одат, анъана билан боғлиқ топонимлар: Чилламосор, Оксоқота, Сийпанчикота, Ниёзбулоқ, Ўландаштим, Мойкўмгичсой, Тегирмон, Бешқўби қишлоғи, Увол қишлоғи. Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги унинг ономастиконида яққол намоён бўлади. Жамиятдаги воқелиқлар, ижтимоий-тарихий, мафкуравий, маданий жараёнлар таъсирида умумий ҳолатда ўзгаришлар сезилиб туради. Муайян бир даврда қандайдир номлар урфга киради ёки маълум бир вақт ўтгандан кейин камайиб боради, айримлари истемолдан чиқиб кетади. Собиқ мустамлака даврларида антропонимларда ҳам, топонимларда ҳам, идеонимларда ҳам ўзга маданиятга оид бўлган рушлаштириш сиёсати олиб борилган бўлса-да, улар халқ ҳаётига, тилига сингишиб кетмади. Мустақиллик йилларида бундай номларнинг ўрнига яна илгариги асл номлар қайтарилди ёки миллийлаштирилди. Масалан, Андижон вилоятида **Москва** туманига Шаҳрихон, **Ленинск** шаҳрига Асака номлари қайта тикланди. Бундай ҳолат бошқа халқлар топонимлари тарихида ҳам кўп учрайди. Масалан, Санкт-Петербург – Питер - Петроград - Сталинград – Ленинград – Санкт-Петербург, Свердловск - Екатеринбург, Пишпек - Фрунзе – Бишкек, Хўжанд – Ленинобод – Хўжанд ва ҳоказо.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Березович Е.Л. Топонимия Русского Севера: Этнолингвистические исследования. Екатеринбург: изд-во Урал, ун-та, 1998. – С.7
2. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. Москва: Гнозис, 202. – С. 231
3. Хакан С. Коды культуры как одно из основных понятий лингвокультурологии (на материале фразеологизмов с компонентом «камень» и «ветер» в русском и турецком языках) // ULAKBİLGE, CİLT2, SAYI3. – С. 81-97
4. Словарь лингвокультурологических терминов / Авторы-сост. М.Л.Ковшова, Д.Б.Гудков / Отв. ред. М.Л.Ковшова. М.: Гнозис, 2018.- С.40
5. Аванесова Г.А., Купцова И.А. Коды культуры: сущность и назначение // Социально-гуманитарные знания 2008. // <https://cyberleninka.ru/article/n/kody-kultury>
6. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари / С.Турсунов:-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б.57
7. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси
8. Султонова Ш.М. Славян халқлари маданиятида замоннинг лингвокультурологик талқини // ЎЗМУ хабарлари. ЎЗМУ № 11, 2018. – Б. 388-390
9. Исмаилов Ғ.М. Туркий тиллар фразеологизмларида маданият кодларининг лисоний мақоми // «Ўлы дала» III-ші Гуманитарлық ғылымдар форумынын материалдары (Материалы III форума гуманитарных наук «Великая степь») Астана, 2018. - Б. 302-312
10. Усмонов М., Ҳакимов А., Бурхонов Э. Зоотопонимлар географияси ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти 42-жилд, 2013 . – Б. 68-70
11. Сутормина О.А. Фитоморфизмы в лексике фраземике Донских казачьих говоров // Вестник ТГУ, выпуск 12 (116), 2012. – С.311- 313
12. Тожиддинов А.А. Ислom ва миллий қадриятлар // <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar>
13. Қаранг: Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. Т.: Фан, 2013.
14. Аҳмедов С.Н. Жиззах топонимларининг семантик хусусиятлари: филол.фанл.б-ча фалс.док. (PhD) дисс.автореф. Самарқанд, 2019. – Б. 16, 20



Мадиева Мадина Юсуповна,
Термиз муҳандислик-технология Институтини,
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

«БРЕНД» ЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАСНИФИГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Бренднинг замонавий жамиятдаги роли ва ўрни инсоният цивилизацияси ривожланишининг узок даврида шаклланди. Келажакдаги товар белгиларининг алоҳида протоэлементлари ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган бўлиб, унинг мавжудлик даври белги рамзийлигининг келиб чиқиши билан ажралиб туради. Байрам кийимлари, кашта тикиш, безаклар, туморлар, татуировкалар ва қоятош расмлари турли семантик маъноларга эга бўлган ғайриоддий символизмнинг дастлабки шакллари эди. Ушбу мақолада брендларнинг лингвистик хусусиятларини илмий- назарий нуқтаи назар билан атрофлича текшириш, кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли илмий-назарий хулосалар чиқаришга қаратилди ва брендларнинг лингвистик хусусиятлари ҳақида олимларнинг назарий манбаларига асосланган ҳолда маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: тенденция, номинатив, синтез, лингвистик канал, этнопсихологик, маркетинг, институционал муҳит, дифференциал хусусиятлар, янги сўзлар, реклама сиёсати, визуал идентификация, савдо белгиси, ҳиссий элемент, дизайн ва комбинация, лингвокультурологик хусусиятлар

Мадиева Мадина Юсуповна,
Термезский инженерно- технологический Институт,
Преподаватель кафедры Узбекского языка и литературы

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ЛИНГВИСТИЧЕСКУЮ КЛАССИФИКАЦИЮ БРЕНДОВ

АННОТАЦИЯ

Роль место бренда в современном обществе формировались в течение длительного периода развития человеческой цивилизации. Отдельные протоэлементы будущих товарных знаков возникли еще в первобытнообщинном строе, период существования которого ознаменовался зарождением знаковой символики. Праздничная одежда, вышивка, украшения, амулеты, татуировки и наскальные рисунки были первыми формами показной символики, носившей различный смысловой характер. Специальные символы и знаки определяли социальный статус членов племени и использовались для обозначения принадлежности вещей и предметов членам общины. В данной статье основное внимание уделяется всестороннему изучению, наблюдению, анализу языковых характеристик брендов с научно- теоретической точки зрения, а также соответствующим научно- теоретическим выводам, и приводится

информация о языковых характеристиках брендов на основе теоретических источников ученых.

Ключевые слова: тренд, номинатив, синтез, языковой канал, этнопсихологический, маркетинг, институциональная среда, дифференциальные признаки, новые слова, рекламная политика, визуальная идентификация, товарный знак, эмоциональный элемент, дизайн и сочетание, лингвокультурологические признаки.

Madieva Madina Yusupovna,

Termez Engineering-technology Institute, Teacher,

Department of Uzbek Language and Literature

THE ORETICAL VIEWS OF LINGUISTIC CLASSIFICATION OF BRANDS

ANNOTATION

The role and a place of a brand in a modern society were formed during the long period of development of a human civilization. The separate protoelements of the future trademarks have appeared still in primitive communal formation which period of existence was marked by origin of sign symbolic. Holiday clothes, embroidery, ornaments, amulets, tattoos and rock paintings were the first forms of ostentatious symbolism bearing various semantic meanings. Special symbols and signs determined the social status of tribe members and were used to designate the belonging of the community members' things and objects. This article focused on a comprehensive study, observation, analysis of the linguistic characteristics of brands from a scientific and theoretical point of view, as well as relevant scientific and theoretical conclusions, and provides information on the linguistic characteristics of brands based on theoretical sources of scientists.

Key words: trend, nominative, synthesis, linguistic channel, ethnopsychological, marketing, institutional environment, differential features, new words, advertising policy, visual identification, trademark, emotional element, design and combination, linguocultural features.

Кириш

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тенденцияси етакчилик қилмоқдаки, бунда тил бирликларидан фойдаланувчиларнинг этник белгиси, менталитети, миллий-маданий қадриятлари, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу боис лисоний тизимда акс этувчи номинатив ва миллий-маданийлик тамойили кўплаб илмий-тадқиқот ишларининг объекти сифатида белгиланмоқда.

“Биз атрофимизни ўраб олган борлиқдаги ҳар хил предмет ва ҳодисаларни сўзлар ёрдамида тасвирлаймиз ва ҳар бир жумла учун характерли бўлган синтез, яъни сўз сигналларининг турли-туман боғланишларини амалга оширамиз. Бу нутқимизга хос сўзларни бир бутун жумлада тўплашга, бизни ўраб олган оламни аниқ акс эттиришга олиб келади[1]” – деб ёзади К.М. Быков.

Тил нафақат ҳақиқатни акс эттирибгина қолмай, балки уни шарҳлайди, инсон яшайдиган махсус ҳақиқатни яратади. Ахборотнинг катта қисми лингвистик канал орқли инсонга келади, шунинг учун инсон интеллектуал, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлар учун яратилган тушунчалар дунёсида объектлар ва нарсалар дунёсидан кўра кўпроқ яшайди: ахборотнинг катта қисми сўз орқали узатилади. Ҳар қандай объектни, ҳодисани чакирадиган сўзни яхшилаб, ҳақиқий дунёни эгаллаш осонроқ бўлиши мумкин[2].

Дарҳақиқат, “... муайян тил жамоасининг олам ҳақидаги лисоний тасаввурлари умуммаданий қадрият ва мулк ҳисобланади”[3]. Маълумки, тил маданиятнинг таркибий қисми. Тил маданиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Унинг ижтимоий мерос қилиб олинган ҳаёт тарзимизни белгиловчи амалий кўриниш ва ғоялар тўпламидан иборат эканлиги В.фон Гумбольдт томонидан қайта-қайта таъкидлаб ўтилган[4]. Шунингдек, олим “турли тиллар миллат учун ўзига хос фикрлаш ва қабул қилиш органлари ҳисобланади. Айнан

тил кадриятлар тизимининг шаклланишига таъсир кўрсатади”, – дея эътироф этган[5]. М.Эргашова “Инсон ўзини қуршаб турган оламни турли усуллар ёрдамида турлича акс эттиради. Натижада жамият онгида оламнинг турлича манзараси пайдо бўлади”[6], – дея таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, тил соҳиблари бир лисоний жамоанинг аъзолари бўлганликлари учун муайян миллий характер ва тафаккурга эга бўладилар. Олам манзараси доимо миллий-маданий хусусиятлари билан ажралиб туради. У тарихий воқеалар, географик шароитлар ва алоҳида халқларнинг этнопсихологик белгилари таъсирида шаклланади.

Л.М.Мушарямова ахборот асрида тил жараёнлари ва тил муносабатларининг оқилона тартибга солиниши сиёсий прода ва стратегик маркетинг санъатининг амалга оширилишини ўз ичига олади, бунинг учун тил соҳасида бир қатор ижтимоий маркетинг субъектларини ўз ичига олган институционал муҳитни яратиш зарур: давлат органларини, экспертлар институти ва малакали таҳлилчиларни, ўз миссиясини амалга оширувчи ўқитувчилар ва ўқув тармоғини, оммавий ахборот воситалари ва китоб нашрларининг масъул ходимларини, фуқаролик жамияти институтларини деган хулосага келади[7].

В. И. Черенковнинг фикрига кўра, ҳар қандай жамиятнинг етук ҳолати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг айрим чегара даражаларига эришганидан сўнг, кадриятларни қайта баҳолашни ўз ичига олади[8]. Бундай аксиологик ўзгариш муқаррар равишда лингвистик ёрдам олади, ижтимоий мавзу ва жамиятни лингвистик қайта тиклаш шакллари олдидан белгилаш ва маркетинг тилшунослик учун материалларни етказиб беради[9].

Ҳозирги кунда тилшуносликда иқтисодиёт соҳасида тилнинг фаолияти фаол ўрганилмоқда. “Иқтисодий ихтисослик тили ўзига хос хусусиятларга эга ва умумий тил учун универсал хусусиятлар»[10] кичик тизими сифатида. Бундан ташқари, у умумий тилда кузатилмайдиган дифференциал хусусиятларга эга. «Дифференциал хусусиятлар мутахассислик тилининг чеккасини ўз ичига олади»[11]. Бу ишлатилган тилсиз ҳақиқат соҳасининг барча ҳақиқатларини акс эттириш қобилиятидир.

Ҳар қандай соҳавий лексика тараққиёти экстралингвистик омиллар билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Бу унинг лексик тизимининг янги тушунчалар кириб келиши билан белиланади. Буни биз “янги сўзлар” деб атаيمиз. Бизнес тилига кириб келган “янги сўзлар” иқтисодиётнинг янги тушунчаларини акс эттирувчи атамалар» деб номланади.

Ушбу тадқиқотимизда асосий эътибор шу маслаларни илмий-назарий нуқтаи назар билан атрофлича текшириш, кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли илмий-назарий хулосалар чиқаришга қаратилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқотимиз шу соҳадаги дастлабки изланишлардан ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасида товар атамаси деган тушунча бор ва улардан бири товар атамаси «Бренд»[12] деб номланади. «Бренд» бизнес иштирокчиларининг хатти-ҳаракати билан белгиланади[13]. Брендлар жамият онгида функционал мақсадга эришишнинг мустаҳкам ўрнини эгаллайди, бу эса бирлашмаларнинг ягона тўпламини ва яхлит тасвирни келтириб чиқаради.

Бизнес тили – сўзлар тўплами эмас, балки товар номлари, мураккаб ғоялар ва чуқур маънога эга тузилма. Бу элементларнинг деярли барчаси, кичик истиснолардан ташқари, мижозлар, харидорлар, ишчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қиладиган нутқ шакллари ва энг муҳими, фойда келтиради.

Тил маркетинги тарқатиш сиёсати ва реклама сиёсати маркетинг техника комбинациясини ўз ичига олади. Биринчиси, оғзаки ва ёзма дистрибьюторлар, воситачилик ва «қисқа» каналлар фарқига таъсир қилиши керак; иккинчиси, алоқа афзалликлари билан шуғулланадиган тил хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш учун мўлжалланган. Ф. Домингеснинг фикрига кўра, маркетинг тилни режалаштириш назариясига ва кўп тармоқли тадқиқот соҳасига нисбатан бойитувчи ёндашувни англатади[14].

“Товар белгиси – бу бошқа сотувчиларнинг товарлари ёки хизматларидан фарқли ўлароқ, битта сотувчининг маҳсулоти ёки хизматини аниқлайдиган исм, атама, дизайн, белги ёки

бошқа ҳар қандай белгидир. Бренднинг қонуний муддати – бу савдо белгиси. Бренд битта маҳсулотни, маҳсулот оиласини ёки сотувчининг барча маҳсулотларини аниқлай олади. Агар умуман фирма учун ишлатилса, афзалроқ атама савдо белгисидир[15].”

Иқтисодий соҳа луғатларида «Бренд» терминига қуйидагича талқин келтирилган: Бренд (инг. brand, [brænd] – тамға) – истеъмолчилар онгида маҳсулот ёки хизмат ҳақида ғоялар, уюшмалар, ҳис-туйғулар, қиймат хусусиятлари мажмуи. Маҳсулот ёки хизматнинг ақлий қобиғи. Бренд бу мавҳумном[16].

Бренд термини 1990-йилда инглиз тилидан “бренд” (тамға), прагерман тили шаклидан “брандаз” шу қаторда скандинавия тилидан “брандр”, “брант”, фриз тилидан “бронд” сўзларидан олинган[17].

Бренд (инглиз. Brand) – соддалаштирилган ва тор маънода талқин қилганда ушбу термин муайян маҳсулотнинг хусусий номини унинг яратувчи ижодкори ва эгалик қилувчи соҳиби томонидан берилган индивидуал характеристикаси ва визуал идентификацияси билан биргаликда англатади[18].

Бренд (инг. Brand) – тамға, белги. Бренд жуда катта нарса уни оддийгина қилиб таърифлаб бўлмайди. Бренд фақат логотип эмас. Бренд бу компания стратегияси, ҳодимлари, нарх сиёсати, рақобатчилардан фарқланиши, кучли тарафлари, истеъмолчилар учун яратилган ўзига хос қийматлар ва охирида ном ва логотип[19]. Брендни ишлаб чиқишдан асосий мақсад, доимий мижозларга эга бўлиш, бозорда сезиларли фарқни ва қийматни ҳосил қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, брендга тегишли визуал атрибутларни ўзига хос услубда, стилда бўлиши ва уларнинг бошқалардан фарқланувчи тарзда қўлланилиши ҳисобланади. Бренднинг вазифаларига қуйдагилар киради:

1) истеъмолчиларни компания, унинг маҳсулотлари ва хизматлари акс эттирувчи ва норасмий мулоқот (масалан, ижтимоий тармоқларда) объекти бўлишини ўргатиш;

2) маркетингнинг маиший вазифаларини ечиш учун брендга эмоционал лояликни шакллантириш учун истеъмолчилар билан ҳар кунги шахсий мулоқотни куриш[20].

«Бренд белгиси» остида товар, савдо белгиси ёки хизматнинг *яхлит* тасвири тушунилади[21]. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни таҳлил қилиш, унинг мақсади, сифати, фойдалари ва истеъмолчилар учун фойдали товар белгиси учун бренд идентификациясининг ажралмас қисми бўлган аниқ позицияни шакллантиришга имкон беради[22].

Дарҳақиқат, брендни соддалаштирилган ва тор маънода талқин қилганда “Бренд бу – муайян маҳсулотнинг хусусий номини унинг яратувчи ижодкори ва эгалик қилувчи соҳиби томонидан берилган индивидуал характеристикаси ва визуал идентификацияси билан биргаликда англатади[23].

Т.С. Спирина «бренд» – бренд менежментнинг иррационал тойифасининг объекти деб талқин қилар экан, олима брендменежментда муайян бир марка маҳсулотига бўлган эҳтиёжи, талаби қатори бошқа рақобатбардош марка маҳсулотига ҳам эҳтиёж бўлади деб талқин қилди[24].

Бренд юқорида таъкидланганидек, иқтисодий соҳага тегишли бўлиб, О.В. Куликова таъбири билан айтганда «... истеъмолчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилади, бу эса ишлаб чиқувчиларни инсон қадриятларига мурожаат қилишга ундайди»[25].

М. Гобэ «... таъсир бренднинг асосини ташкил этувчи ва истеъмолчилар томонидан бошқариладиган бизнес стратегияларининг келажақдаги стратегияси учун манба сифатида хизмат қилувчи ҳиссий элементдир» деб ҳисоблайди[26].

Н.Н. Фролова “Дискурсивные функции маркировочных наименований (брендов): лингвокультурологический и лингвопрагматический аспекты(на материале русского языка)” номли диссертациясида “брендлар – милиоратив прагматизмли машҳур белгилар номлари бўлиб, замонавий иқтисодий фанларда бренд, брендлаш аллақачон анъанавий тадқиқот объектига айланиб улгурган; журналистикада ҳам, босма назарияда, бренд охириги вақтларда тадқиқот мавзусига айланмоқда” деб ёзади.

«Бренд – ном, термин, тимсол, ёки уларни дизайн ва комбинацияси. Брендлар махсулотни идентификация қилиш ҳамда сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш учун мўлжалланади». В.Ю. Кожанова «Брендларнинг номланиши ижодкорларнинг лойиҳаларида бир хил органик матн сифатида кўриш, номланишини мақсадли аудитория мўлажалланган ҳамда уларнинг идрокида ўрнашиш масаласини эътиборга олиш керак». «Бренднинг номи ифодани, эҳтиёжни ҳамда ўзига хос маънони беради». Юқорида келтирилган таърифларга таянган ҳолда биз мазкур диссертация ишимизда бренд тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз: “бренд” харидорларни тарғиб қилишга, унинг ижтимоий мавқеини ўзгартиришга, шунингдек, урф-одатлар билан алоқаларга эга бўлган нуфузли марка махсулоти ёки хизматининг атамаси бўлиб, брендлар номинатив функцияга эга. Шунини таъкидлаш жоизки, брендларнинг номланиши тил қатламида алоҳида ўрин эгаллайди. Брендни ишлаб чиқиш жараёнида танланган номнинг фонетик, лексик, синтактив, семантик хусусиятлари билан бирга психологик, прагматик ҳамда лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим масалалардан биридир. Мисоллардан кўриниб турганидек, брендлар номланиши махсус тушунчалардан иборат.

Мазкур диссертация ишимизда биз ва бошқа олимлар А.В.Асмус, М.В.Андреева, Н.В.Костылева, В.Е.Чунакова, А.А.Медведева, М.А.Дубинина, Ю.С.Найденов, У.А.Адаменко, С.А.Шушарин, Дж. К.Веркман, Н.Н.Морозова, В.Ю.Кожанова, О.В. Глухова, Е.С.Яковлева, Н.Н.Фролова, Л.П.Амири, О.В.Андерсон, Е.П.Гаран, В.Б. Епурь, Е.В.Лепач, А.В.Шаромовларнинг тадқиқотларига таяниб “бренд” одамларнинг онгида маълум бир тасвирни яратадиган, прагматик ва лингвокультурологик характерга эга, бренд турларини ўзида мужассам қилган у ҳақидаги ғояларни назарда тутамиз. Мазкур диссертация ишимизда биз ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига таяниб “бренд” деганда номзодлик назарияси талабларига тўлиқ жавоб берадиган, одамларнинг онгида маълум бир тасвирни, махсулот ёки хизматни ҳис қилишни яратиш, чунки бу ном ҳар доим нарсанинг ва тасвирнинг нисбати, у ҳақида ғояларни назарда тутамиз. Бренднинг лингвистик ифодаси–бу тасвир билан боғлиқ бўлган қиёслаш ёки асосий маъно. Бренднинг лингвистик моҳияти - истеъмолчи учун энг кўзга кўринган элемент ҳисобланади (кўп жиҳатдан бу сўз бирикмаларининг сунъий ва шунинг учун - тизимли бўлмаган ва Глобаллашув жараёнлари, шунингдек, турли тилларда товар номлари билан ўхшаш тенденцияларни келтириб чиқарадиган из қолдиради. Глобаллашув жараёнлари, шунингдек, турли тилларда товар номлари билан ўхшаш тенденцияларни келтириб чиқарадиган из қолдиради. О. Глухованинг эътирофи этишича “Бренд лексик маънога эга, чунки у концептуал ва лексик модаллик мавжудлиги билан тавсифланади, айнан маркалаш ва бренд хусусиятлари бир хил турдаги объектларни номлаш, ажратиш, фарқлашдан иборат. Бошқа синонимларга ўхшаб, бренд белгиларига ўзига хос денотат муносабатлари – маънодошлар ўртасидаги алоқанинг янада ноаниқтабати билан ажралиб туради. В.Ю. Кожанова бренд–нафақат ном, балки, “жамиятнинг ижтимоий қадриятларини акс эттирадиган ва шакллантирадиган ижтимоий аҳамиятга эга номдир”деб фикр билдирган.

ХУЛОСА Брендларнинг лингвистик қоидалар асосида номланиши бу –брендларни яратиш жараёнининг асосий атрибутларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳозирги ва келажакда, яъни ушбу бренднинг истиқболли тарафдорларини ўз ичига олган мақсадли аудитория эҳтиёжлари, қиймат тизими ва манфаатларига қаратилган мақсад бўлиб, брендлар нарсалар атрофида эмас, балки муносабатлар атрофида қурилади. Англашиладики, муайян вақт ичида товар номлари учун мода мавжуд. Брендларни белги ва хусусиятларини номлаш учун қўлланиладиган махсус сўз ва сўз бирикмалари махсулот тури, объект, сифат, кўриниш, макон ва хоказо хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратилади. Бренднинг бу хислатлари уларни номлаш учун ҳам хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Быков К.М. Учение И.П.Павлова и философские вопросы психологии. – М.: Изд-во АН СССР, 1952.– С. 29–30.

2. Бричева М. М. Лингвистические аспекты нейминга (на материале англоязычных брендов). Ежеквартальный рецензируемый, реферируемый научный журнал «Вестник АГУ». Выпуск 2 (197) 2017. - С. 114.
3. Вайсгербер Й. Л. Язык и философия // Вопросы языкознания. – Москва, 1993. – №2. – С. 24-25.
4. Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 193.
5. Гумбольдт В. Фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 324.
6. Эргашова М. В. Ўзбекилидалоқумва локализация муносабати: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 21 б.
7. МУХАРЬЯМОВА, Л. М. Языковой маркетинг: направления стратегии планирования // Государственная служба. № 6, 2003. С. 64-73
8. ЧЕРЕНКОВ, В. И. Генерализация маркетинговой теории: эволюция маркетинга и парадигмы выживания Карла-Эрика Линна // Маркетинг в России и за рубежом. № 4, 2006. С. 421-425
9. Халина Н. МАРКЕТИНГОВОЕ ЯЗЫКОЗНАНИЕ КАК НОВЫЙ ФОРМАТ ЛИНГВИСТИКИ ЦИФРОВОГО ОБЩЕСТВА. *Limbajsicontext, Anul III, vol. 2, 2011.* www.pdfactory.com
10. Довбыш О. В. К вопросу о проблемах перевода экономической терминологии // Когнитивные аспекты изучения языковых явлений в германских языках / О. В. Довбыш. Самара, 2000. С. 70-74.
11. Беляева М. Знаковая природа экономического термина как основа перевода / М. Беляева, В. Д. Табанаква // *Language and literature = Язык и литература.* Тюмень: Тюмен. гос. ун-т, 2001. Вып. 9. С. 12-15.
12. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: курс лекций / В. Н. Комиссаров. М.: Изд-во Панина, 2006. – С. 21. 192 с.
13. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: курс лекций / В. Н. Комиссаров. М.: Изд-во Панина, 2006. – С. 21. 192 с.
14. DOMINGUEZ, F. Toward a Language-marketing Model // *International Journal of the Sociology of Language.* Vol. 134 (10), 1998.
15. Glossary of marketing definitions. Sponsored by IFLA Section on Management and Marketing Updated and Corrected Version January 2001. - P 4.
16. <https://kartaslov.ru/>
17. <https://ru.wiktionary.org/>
18. Маманазаров А., Маманазаров М. Маркетинг терминлари изоҳли луғати. 2012. Б-90.5126.
19. <https://medium.com/@ismoilsafarov/brand-haqida-oxirgi-soz-8a17f1699c78>
20. Ромашова И. П. Лингвистический анализ бренд-коммуникации / И. П. Ромашова // Научный диалог. — 2016. — № 6 (54). — С. 80—93.
21. https://www.marketing.spb.ru/lib-comm/brand/dnp_diag.htm
22. <https://smekni.com/a/140409-2/analiz-i-razrabotka-nazvaniy-brendov-tortov-2/>
23. <https://smekni.com/a/140409-2/analiz-i-razrabotka-nazvaniy-brendov-tortov-2/>
24. Спирина Т. С. Бренд как категория лингвокультурологии и бренд-менеджмента. Гуманитарные исследования. 2018. № 3 (67). - С. 29-32.
25. Куликова О. В. Локус-брендинг как отражение специфики геокультурного пространства (лингвокогнитивный аспект) Вестник СПбГУ. Язык и литература. 2020. Т. 17. Вып. 1. - С. 22-37.
26. Гобэ 2014 — Гобэ М. Присутствие бренда: отличие от повсеместности и эмоциональная атмосфера. В кн.: Гобэ М. Эмоциональный брендинг: новая парадигма, соединяющая бренды с людьми. Пер. с англ. П. Миронова. СПб.: BestBusinessBooks, 2014. <https://www.marketing.spb.ru/lib-comm/brand/EB.htm> (дата обращения: 31.01.2019).




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Sindorov Rajapboy Ulugbek o'g'li
SamDChTI tayanch doktoranti
rajapboysindorov77@gmail.com

LINGVOMADANIY BIRLIKLARDA “MUOMALA MADANIYATI”NING METODIK AHAMIYATI

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada muomala madaniyati ham keng ma`noda insonning butun hayoti va faoliyati davomida tarbiyalanadigan jarayon, bugungi kunda muomala madaniyati modeli, muloqot strukturasi tarkib topishi taxlilida o`yin metaforasi, muloqat matnining shakllantirilishida nolisoniy birliklarning xam ishtirok etishini aks ettirishi, muomala madaniyati ijtimoiy taraqqiyotning deyarli barcha sohalarida insonning kundalik faoliyatida hamma insonlararo munosabatlarga nisbatan bevosita yoki bilvosita qo`llanilishi va muomala madaniyati insonning qanday fe`l-atvorga ega ekanligini ko`rsatib beruvchi asosiy omildir.

Kalit so`zlar: Muomala madaniyati, chiroyli iboralar, maqol va matallar, Boshqalar bilan bo`ladigan vaziyatlar, boshqalar ishtirok etadigan vaziyatlar, tinglovchilarning nutq madaniyati, muloqotning samarali kechishi, nutqiy muloqot.

Синдорова Раджапбой Улугбекович
базовый докторант СамГИИЯ
rajapboysindorov77@gmail.com

МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ «КУЛЬТУРЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ» В ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье культура общения – это процесс, который воспитывается в течение всей жизни и деятельности человека, в настоящее время модель культуры общения, игровая метафора в анализе состава структуры общения, отражение участие невербальных единиц в формировании коммуникативного текста, культура общения является социальной практически во всех сферах развития, она прямо или косвенно применяется ко всем человеческим отношениям в повседневной деятельности человека, а культура поведения главный фактор, который показывает характер человека.

Ключевые слова: Культура общения, красивые выражения, пословицы и поговорки, ситуации с другими, ситуации с участием других, речевая культура слушателей, эффективное общение, речевое общение.

Sindorov Rajapboy
 PhD student of SamSIFL
 rajapboysindorov77@gmail.com

METHODOLOGICAL SIGNIFICANCE OF "CULTURE OF INTERACTION" IN LINGUISTIC UNITS

ANNOTATION

In this article, communication culture is a process that is nurtured during the whole life and activity of a person, a model of communication culture today, a game metaphor in the analysis of the composition of the communication structure, a reflection of the participation of non-verbal units in the formation of the communication text, communication culture is almost a part of social development. It is directly or indirectly applied to all interpersonal relations in all spheres of human daily activities, and the culture of behavior is the main factor that shows what kind of character a person has.

Key words: culture of communication, beautiful expressions, proverbs and proverbs, situations with others, situations involving others, speech culture of listeners, effective communication, speech communication.

Muomala madaniyati ijtimoiy taraqqiyotning deyarli barcha sohalarida insonning kundalik faoliyatida hama insonlararo munosabatlarga nisbatan bevosita yoki bilvosita qo'llaniladi. Masalan, iqtisodiyotda muomala-mehnat mahsulotarini oldi-sotti vositasida ayirboshlash sifatida, huquqshunoslikda muomala- fuqaro yoki yuridik shaxsning o'z harakatlari bilan huquqqa ega bo'lish va o'zi uchun majburiyat yaratish qobiliyati sifatida ishlatiladi.

Muomala madaniyati ham keng ma'noda insonning butun hayoti va faoliyati davomida tarbiyalanadigan jarayon bo'lib, u oilada, jamiyatda, jamoada shakllanadi. Muomala madaniyati insonning ijodiy kuchi va aqliy qobiliyati, tafakkur salohiyati va dunoqarashining muayyan darajasi hisoblanadi. Muomalaning madaniyat atamasi bilan bog'liqligi ham uning ma'naviy hayot sohasiga dalxdorligidir. Zero, har bir xalq o'ziga xos madaniyat yaratadi va shu madadniyat tufayli o'zligini anglaydi, jahon taraqqiyotiga hissa qo'shadi. Shu o'rinda J.Bernardenning quyidagi hikmatli so'zini yodga olamiz: "Tillar qanchalik g'oyalar bilan boyigan bo'lsa, zarur so'zlar bilan ham shu darajada boyigan bo'ladi".

Bugungi kunda muomala madaniyati modeli quyidagicha tavsiflanadi:

- Konkret vaziyat o'z- o'zini ifoda etishning sharti va mezonlari:
 - insayt vaziyati;
 - frustratsiya vaziyati;
 - noaniqlik vaziyati.
- Baholash vaziyatning muvaffaqiyatiga bog'liq vaziyatda o'ziga tanlash (o'zining harakatlarini talash va ulardan voz kechish);
- O'z-o'zini ifoda etish salohiyati;
- Muomalada, o'z-o'zini ifoda etishda madaniyatini yo'lga qo'yish(tashqi ko'rinish madaniyati, hayot tarzi, maishiy madaniyat)
- Individ o'zini –o'zi baholaydi
- Boshqalar ishtirok etadigan vaziyatlar
- Boshqalar bilan bo'ladigan vaziyatlarda o'zini tanlash

"Muloqot madaniyati" kursining maqsadi bo'lg'usi rahbar kadrlar nutqini ijtimoiy-madaniy munosabatlarga muvofiq darajada sayqal toptirishni ko'zda tutadi.

Davlat va jamiyat qurilishi akademiyasida rahbar kadrlar tayyorlanishi e'tiborga olinib, "muloqot madaniyati" kursini o'qitishda quyidagi vazifalar belgilandi:

- davlat tili siyosatini o'rganish;
- tinglovchilarning nutq madaniyati va notiqlik san'ati sohasidagi nazariy bilimlarini kengaytirish;
- tinglovchilarning nutq madaniyatini takomillashtirish;
- tinglovchilarning notiqlik mahoratini oshirish;

- voizlik san`ati va va`zxonlik madaniyatini o`rgatish;
- davlat tilida rasmiy-idoraviy ishlarni yuritish malakasini hosil qilish.

Demak, “Muloqot madaniyati” kursi tinglovchilariga davlat tili siyosati, “Davlat tili haqida”gi Qonunni mukammal singdirishga xizmat qiladi, nutq madaniyati, notiqlik va voizlik san`ati borasidagi bilimlarni kengaytirishda va amaliy ko`nikmalarni takomillashtirishda yordam beradi. Shaxsiy va ijtimoiy faoliyatda til imkoniyatlaridan mukammal foydalanishni, o`zbek tilida ish yuritish va rasmiy-idoraviy hujjatlarni tayyorlash madaniyatini shakllantiradi.

Birinchi Prezidentimiz aytib o`tganlaridek, “O`z fikrin mustaqil, ona tilida ravon, go`zal va lo`nda ifoda etolmaydigan mutaxassisni, avvalambor, rahbar kursisida o`tirganlarni bugun tushunish ham, oqlash ham qiyin”. Aytish mumkinki, muomala jarayon sifatida tugal natijani obyektiv ehtiyojlar, aniq manfaatlar, maqsadlar, tuzilmalar, vositalar, muomala texnikasi nuqtai nazaridan ko`rib chiqadi.

Muloqotning samarali kechishi ma`lum qoidalar, muomala tamoillariga amal qilish bilan bog`liq. Dunyo xalqlari muloqot odobi, muomala masuliyatiga oid minglab maqol-matallar yaratganlar, bu borada bexisob nodir asarlar bitilgan. Jumladan, sharq milliy madaniyati durdonalari bo`lmish “Qutadg`u bilig” “Qobusnoma” Xibbatul xaqoyiq” kabi madaniy yodgorliklar, buyuk mutafakkirlar ijod etganlar. G`arb pragmatologlari X. Grays va Jeofri Lich ham samarali muloqot qoidalarini shaxslararo munosabat doirasida va matn sathida alohida ko`rinishida namoyon bo`ladi, deb xisoblaydi. Birinchi guruhga oid qoidalar botiniy nutq jarayonida, ya`ni muloqot birligining maqsadi (intentsional qismi) shakllanayotganda, kognitiv faoliyat bosqichida amalda bo`ladi. Ikkinchi gurux qoidalari esa konseptual mazmunning lisoniy voqealanishi jarayonida faollashib, nutqiy tuzilmalarning xosil bo`lishida o`ziga xos tartibga soluvchi mexanizm-regulyator vazifasini o`taydi.

Muomala madaniyati insonning qanday fe`l-atvoriga ega ekanligini ko`rsatib beruvchi asosiy omildir. Bu bilan siz ko`pchilikning hurmatiga sazovor bo`lishingiz yoki aksincha, o`z hurmatingizni yo`qotishingiz mumkin. Ushbu maqolamizda muomala madaniyati haqida ba`zi maslahatlarni aytib o`tamiz.

1. Xushmuomila bo`ling. Samimiyligni yo`qotmang. Bunday muomila o`zingiz uchun xam foydali.
2. Jaxl chiqqanda, o`zingizni qo`lga oling. Shaxsiy muammolaringiz bironni tabini xira qilishiga yo`l qo`ymang.
3. Yolg`on gapirmang. Har bir yolg`on so`z keyingisini yetaklashini unutmang.
4. Insonlarni kamsitmang. Har bir insonning o`z qarashlari mavjudligini unutmang.
5. Sabrli tinglovchi bo`ling. Odamlar o`zlari haqida gapirishlariga imkon bering.
6. Suhbatdoshingizni qiziqtiradigan mavzular haqida gapiring. Qiziqishlar mosligi suhbatning davomiyligini ta`minlaydi. Suhbatdoshlarning ko`pligi sizning bu hayotdagi o`z o`rningiz borligidan darak beradi

Odamlar o`rtasidagi munosabatni belgilaydigan muomala inson yuragini ko`zguda aks etgandek namoyon etadi. Kishining so`zidan, muomalasidan uning qanday odam ekanligini bilib olish qiyin emas. Inson kamolotida, hayot rivojida, ish yuritishda, odamlar sihat-salomatligini muhofaza qilishda muomala asosiy omildir. «Bug`doy noning bo`lmasa ham, bug`doy so`zing bo`lsin» deydi xalqimiz.

Rivoyat qiladilar: qadimda bir podsho o`z xizmatkorlariga «Menga qo`y go`shtining eng shirin joyidan pishirib keltiring», deb buyruq beribdi. O`ylab o`ylariga yetolmagan xizmatkorlar vazirga murojaat etibdilar. Vazir ham jumboqni yecholmay boshi qotibdi va o`zining aqlli, dono, ko`p kitob o`qib ulg`aygan qizidan so`rabdi. Qiz «qo`yni so`yib, uning tilini podshohimizga pishirib keltiring», debdi. Xuddi shunday qilishibdi. Ertasiga podsho «Qo`y go`shtining eng achchiq joyidan pishirib keltiring», debdi. Xizmatkorlar yana hayron qolishibdi. Vazirning qizi esa: «Yana bir qo`yni so`yib, tilini pishirib beringiz», debdi. Shunday qilishibdi. Podsho bunday aqlning kimdan chiqqanini surishtirib bilgach, qizga, uning aqlu-farosatiga ofarinlar aytib, katta to`y-tomoshalar bilan uni o`g`liga olib beribdi.

Ha, shirini ham til, achchig'i ham til. Xalqimizda «Sevdigan ham til, bezdirgan ham til», degan ajoyib naql bor. Shirin til, mulohaza, mushohada bilan samimiy muomalada bo'lishga odatlanish, har bir insonning, ayniqsa, hayotimiz fayzi bo'lgan xotin-qizlarning, onalarning eng asosiy fazilati, burchidir. Agar qiz bola go'zal, xushqomat, zebi-ziynatlari ham joyida bo'lsa-yu, muomalasi qo'pol, zardali yoki beandisha bo'lsa, bitta so'z bilan atrofdagilar dilini og'ritsa ishoning, uni hech kim, hech qachon go'zallar safiga qo'shmaydi, undan ko'ngli qoladi. Yana kishi odatda libosiga qarab kutib olinishini, biroq kuzatuv aqlga qarab ekanligini eslang. Hech narsa kishi aqlini muomalachalik namoyon etmaydi. Qizlar o'zlariga qanchalaroro bermasinlar, muomala madaniyatini, muomala san'atini bilmasalar hech qach'on o'zgarlar hurmat-e'tiboriga sazovor bo'lolmaydilar. Yigitlar muhabbatini qozonish uchun ham avvalo qizlarda muomala madaniyati yuksak bo'lishi lozim.

Yoshlikdan noo'rin, qo'pol, ibosiz so'zlarni tilga olmaslikka odatlangan ma'qul. Chiroyli, ma'noli, kishi ruhini ko'taradigan so'zlar bilan fikrni izhor qilishga, deyarli hammaga sizlab gapirishga o'rgansangiz hayotda, mehnatda o'z o'ringizni topib ketasiz. Muomalasi shirin ayolni «dilbar ayol», deyishadi. Ishoning, shunday unvonli ayol, albatta, baxtli bo'ladi. Muomalani bilmaslik, tilni tiya olmaslik, o'ylamay-netmay so'zlash oqibatida yomon xatolarga, fojealarga olib kelishi mumkin. Buvilar, onalar siz tengilarga o'git aytganda «Kelin baxti tilida!», «Oldin o'yla, keyin so'yla!» kabi hikmatlarni ko'p aytadilar. Muomala madaniyati, uni egallash zarurati haqida murabbiylar ko'p gapirishadi. Muomala ahillik, totuvlik, do'stlik manbai. Yaxshi muomala bilan ne-ne dillar qulfiga kalit topiladi, ya'ni orzularga yo'l ochiladi. Lekin muomalada ham me'yordan chiqmaslik zarur. Haddan tashqari shirinsozlik, tilyog'lamalilik, aytgan so'ziga avvalo o'zi amal qilmaslik har qanday odamni obro'sizlantirib qo'yadi. Fikringizni shoshmasdan, o'ylab, samimiyat bilan aytishni o'rganing. Jahlni yutib, aql ishlatadigan, yo bir gapdan qoladigan, o'rni kelganda haq gapni aytishdan cho'chimaydigan odamlar lafzi halolligi, muomalasi yaxshiligi bilan obro'-e'tibor topadilar. Yaxshi muomala baxt-u saodatning kaligi.

Muloqot strukturasi tarkib topishi taxlilida o'yin metaforasidan foydalanib kelinayotganligi ma'lum. Bu o'xshatishning tashabbuskori L.Vitgenshteyn bo'lib, keyinchalik uning izdoshlari bu tamoyilni turli ko'rinishlarda taraqqiy ettirish va bevosita taxlil jarayoniga tatbiq etish yo'llarini axtaradilar. Ularning ba'zilarida konvertatsion taxlilga sfetofor xarakati metaforasini tatbiq qilish fikri paydo bo'ldi, zero, chorraxadagi sfetafor chiroqlari to'xtovsiz va xisobsiz xarakatni xech qanday to'qnashuvsiz tartibga solish imkonini beradi. Aslida, muloqot tizimi tartibini bozor iqtisodiyoti tartibiga o'xshtish ma'qulroq bo'lsa kerak. Bozorda, birinchidan, har kim tejamkorlikka intiladi, kam sarf bilan ko'p foyda ortirish g'amida bo'ladi, ikkinchidan, har bir bozorning o'z tartib-qoidalari sotuvchi va xaridor o'rtasidagi munosabatni tartibga solish talablari mavjud. Nutqiy muloqotda ham xarjni kam sarflab (lisoniy tejamkorlik) kommunikativ maqsadga erishish niyati hukmronidir. Muloqot o'z menejment tizimiga ega va bu tizim, birinchi navbatda, ma'lum ijtimoiy gurux uchun umumiydir. Ushbu boshqaruv (menejment) qoidalariga amal qilish muloqot ishtrokchilariga "kamyob tovar"- so'zlash, fikr bildirish navbatini olish imkonini beradi.

Nutqiy xarakatlar, odatda, juftlik ko'rinishida faollashadi. Nutq navbatinig bunday almashinuvi etnometodologlar "qo'shni juftlik" atamasi bilan nomlaydilar. Bunday qo'shnihilik suhbatdoshlarning biri javob xarakatini bajarishi shart bo'lganda yuzaga keladi. Masalan, biri salomlashganda, ikkinchisi xam salomlashmog'i darkor, savol-javob xarakati ikki variantda bo'lishi mumkin. Binobarin, taklifni qabul qilish yoki inkor etish ayblovg'a e'tiroz bildirish yoki e'tirof etish imkonligi ma'lum. Ushbu juftliklar turg'un, takrorlanuvchi xarakatlar namunalari, qoliparini tashkil qilishadi.

Ularning ahamiyati ham bajariladigan sotsial va nutqiy xarakatlarning namunaviy modellarini shakllantirishdadir.

Albatta, etnometodologlar eslayotgan muloqotning tarkib topishi haqidagi qoida va qonuniyatlarni bilish lisoniy faoliyat amaliyoti uchun muhimdir. Konversatsion taxlil natijalarinig muximligi yana shundaki, navbat olish, nutqiy akt almashinuvi va juftliklarning tarkib topishi ko'pgina xolatlarda madaniy xususiyatlarga ega. Nutqiy muloqotni tarkib toptiruvchi qoidalarning turli madaniyatlarga xos tomonlarini bilmasdan turib, lingvodidaktik yaratib bo'lmaydi. Lekin

konversatsion taxlilning xar qanday ko'rinishi ham Deborah Shiffrin xonim aytganidek, muloqotga sturukturaviy yondashuvdir.

J.Xeritajning bu ishonchiga amal qiladigan bo'lsak, muloqot tizmini faqatgina uning tuzilish tartibi bilan bog'liq xolda tassavvur etish xavfi kuchayadi. Tizim strukturaning aynan takrori bo'lmasa kerak.

Muloqot - murakkab ko'rinishdagi lisoniy (nutqiy) tafakkur faoliyatidir. Bu faoliyat natijasida nutqiy tuzilmalar xosil bo'ladi va ushbu tuzilmalar strukturasi

lisoniy tafakkur faoliyatining "iz" lari saqlanadi. Ammo ushbu izlarni topish va qismlarga ajratish osnon emas, zero, muloqot birligi matnning tarkib topishida til tizmining barcha elementlari inson ongida tug'iladigan nutqiy qolipni voqealantiruvchi vositalarga aylanadilar. Bundan tashqari, muloqot matnining shakllantirilishida nolisoniy birliklarning xam ishtirok etishini unutmazlik lozim.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, muomala tushunchasi eng avvalo odamlar orasidagi jarayonning bir ko'rinishi, odamlar borki, muomala mavjud ularni bir- biridan aslo tanho tasavvur etib bo'lmaydi. Muomala madaniyatini bir usta-kulol dastgohida aylanayotgan ko'zaga qiyoslash mumkin, unga qancha sayqal berilsa shuncha go'zallashib boraveradi. Biz ham o'z nutqimiz (muomala) ustida qancha ishlasak, unga chiroyli iboralarni, maqol va matallarni jalb etsak muomala madaniyatimizni yana bir karra oshirgan bo'lamiz.


Foydalanilgan adabiyotlar.

1. www.ziyouz.com
2. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – Toshkent: Ma'naviyat, 2011. – 83 b.
3. Bally. C, A. Sècheyaye , Ferdinand de Saussure. Cours de linguistique générale, Payothèque. Paris, 1975, 214 p.
4. Bénac.H, B. Réauté , Nouveau vocabulaire de la dissertation et des études littéraires, Hachette. Paris, 1986 , 248 p.
5. Jalolov. J. Chet tili o'qitish metodikasi "O'qituvchi" Nashriyot - matbaa ijodiy uyi. Toshkent – 2012
6. O'. Hoshimov., I. Yoqubov. Ingliz tili o'qitish metodikasi. Toshkent – 2003
7. Muhammadjon Xodjaev, Mavluda Qahhorova. Chet tili o'qitish metodikasi. –T.: «Fan va texnologiya», 2012, 148 bet
2. Казымова Л.А. Язык и культура: к вопросу о специфике лингвокультурологии // Филология и лингвистика. –М. 2018, № 3. –С. 19-22.
3. Корнилов О.А. Языковые картины мира отражения национальных менталитетов. Автореф. дисс. д-ра фил.наук. –М., 2000. –45 с.
4. Кузнецов В.Г. Язык как орудие культуры в концепции лингвистов Женевской школы Ш.Балли, А.Сеше, и С.Карцевского // Филологические науки. –М., 2010.- №2. –С.22-29.



Mavlonov Ulug'bek Tursunaliyevich
Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

MILLIY KULOLCHILIKDA TO'RT UNSURNING AHAMIYATI VA LOYDAN BUNYOD BO'LGAN SAN'AT MO'JIZALARI

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Maqolada yoritilgan mavzular o'tmishimizdan ardoqlanib kelayotgan kulolchilik san'atning haqida va ustoz shogird an'analari haqida so'z boradi. Ushbu san'atni rivojiga jiddiy e'tibor berishimiz, yosh avlodni iste'dodli kadrlar qilib tayyorlashga qaratilgan. Kulolchilik san'ati yoshlarimiz qalbiga ezgilikni uyg'otish bilan bir qatorda kelajakda go'zal xulqli insonlar bo'lib yetishishiga xizmat qiladi. Ustoz va murabbiylarni, yosh ijodkorlarni ustoz-shogird an'alarini saqlagan holda qanday rivojlantirish yo'llari ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Kulolchilik san'at, ustoz shogird an'analari, bezaklar, tuproq va loy, kulolchilik charxi, mehnat va mashaqqat, asar, go'zallik, sopol buyumlari, ijodkor yoshlar.

Мавлонов Улугбек Турсуналиевич

Преподаватель Каршинского государственного университета

ЗНАЧЕНИЕ ЧЕТЫРЕХ ЭЛЕМЕНТЫ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОНЧАРКЕ И ЧУДЕСА ГЛИНЯНОГО ИСКУССТВА

АННОТАЦИЯ

Темы затронутые в статье касаются гончарного искусства унаследованного от нашего прошлого, и традиций наставника-ученика. Наше серьезное внимание к развитию этого искусства направлено на воспитание молодого поколения как талантливых кадров. Гончарное искусство не только пробуждает сердце нашей молодежи, но и помогает им в будущем стать добродушными людьми. Темы затронутые в статье, касаются гончарного искусства, унаследованного от нашего прошлого, и традиций наставника-ученика.

Ключевые слова: гончарное искусство, традиций наставника-ученика, орнаменты, земля и глина, гончарный круг, труд и тяжкий труд, произведение искусства, красота, керамические изделия, творческая молодежь.

Mavlanov Ulugbek Tursunaliyevich

Teacher of Karshi State University

THE IMPORTANCE OF THE FOUR ELEMENTS IN NATIONAL POTTERY AND THE WONDERS OF CLAY ART

ABSTRACT

The topics covered in the article are about the pottery art that has been passed down from our past and about the traditions of master apprentices. Our serious attention to the development of this art is aimed at training the young generation as talented personnel. The art of pottery not only inspires the hearts of our youth, but also helps them to become well-behaved people in the future. Ways to develop teachers and mentors, young artists while preserving the tradition of mentor-disciple are revealed.

Key words: Pottery art, traditions of apprentices, decorations, soil and clay, pottery wheel, work and effort, work, beauty, ceramics, creative youth.

Mamlakatimiz bir qancha hududlarida kulolchilik san'ati qadimdan rivojlanib kelgan. Tarixiy manbalardan ma'lumki qadimdan xalqimiz usta kulollari dunyo ahlini hayratga soladigan bejirim kulolchilik buyumlarini yasashganlar. Ajdodlarimiz yaratgan san'at asarlari bezaklarga boyligi, o'ziga xosligi va milliylik ruhiyati uyg'unligi bilan boshqa millat kulolchiligidan ajralib turadi.

Tuproq jahonning hamma yerlarida bo'lgani uchun kulolchilik keng tarqalgan bo'lib, dastlab bu hunar bilan ayollar shug'ulganlar. Kulolchilik charxi miloddan avval 3-ming yillikning boshlarida ixtiro qilingandan keyin erkaklar shug'ullana boshlaganlar.

Kulolchilik loydan mo'jizakor go'zallik yaratgan eng qadimiy san'at namunasi bu albatta bejiz emas, chunki anashu tuproq zamirida saxovat, halollik, farovonlik, to'kinlik, rizq-ro'z va go'zallik mujassam. Kulolchilik an'analari, shakl, mazmun, ijodiy, jarayon va o'ziga xos uslubga ega. Yurtimizda bir qancha kulolchilik maktab va markazlari mavjud. Mustaqillik yillarida bir nech yuz yillikka ega Rishton, Samarqand, Xorazm va Shaxrisabz kulolchilik maktabi yanada rivojlandi. Bu joylarda mashur kulollar ishini davom ettirayotgan oilalar juda ko'p.

O'rta asrlar kulolchiligini o'rganish, kulolchilik texnikasi evolyutsiyasi hisoblanadi. Hunarmandchilikning rivoji unda mavjud bo'lgan ishlab chiqarish munosabatlari, uning ijtimoiy tashkil etilishini o'rganish bilan uzviy bog'liqdir.

Kulolchilik nozik kasb, u insondan yuksak did, qunt va sabr- qanoat talab etadi. Ota bobolarimiz kabi sopol buyum yasash va ularga shakl va rang berishdek qadimiy an'analarni davom ettirish, jahonga keng targ'ib etish yosh kulollar zimmasidagi ezgu niyati bo'lish darkor.

Har bir kulol to'proqni qo'lga olgan paytdanoq biladi, uni siqib ko'rgandanoq shirasini aniqlaydi agar shirasi kam bo'lsa yaroqsiz ekanligini his qiladi. Asosan o'lkamiz kulollari mahalliy tilda hoki surx deb ataluvchi qizil to'proqdan foydalanishadi. Har bir maktab ustalari o'ziga xos uslub, shakl va bezaklari bilan bir biridan farq qiluvchi san'at asarlarini yaratishgan. Kulolchilik buyumlarini ko'rganda qaysi biri Rishton, Samarqand, Xorazm yoki Shaxrisabz kulolchilik maktablariga tegishli ekanligini san'atshunoslar ham, oddiy xalq vakillari ham aniqlay olishadi.

Oddiy qizil shirali loyni 50% tuproqqa 50% suvni aralashtirish yordamida yaxshi kulolchilik xom ashyosini hosil qilish mumkin. Albatta uning tarkibiga ortiqcha elementlar bo'lmasligi kerak (toshlar, o'simlik ildizlari va har xil turdagi xom ashyo elementlari). To'proqni tabiiy holatida ortiqcha komponentlarsiz tayyorlash shu kungacha saqlanib kelgan.

Ota- bobolarimizning unut bo'lib ketayotgan sopol buyumlarini qo'lda yasash an'analarni qayta tiklash va rivojlantirish oddiy loydan san'at asarini yaratish ishidan qunt, sabr toqat va sinchikovlik talab etadi. Chunki bir ko'rinishdan oddiy tuyulgan sopol buyum loy tayyorlashdan maxsus xumdonda pishguniga qadar bir qancha bosqichdan o'tadi.

Loy olinadigan kererlarda har xil turdagi tuproq qatlamlari uchraydi. Odatda yuza qismdagi tuproq qatlamlari olib tashlanadi va kulolchilikka mos keladigan toza sog'lom shirasi yuqori bo'lgan tuproq qatlamigacha ochib boriladi. Ba'zi joylarda 1.5-2 metr chuqurlikkacha tuproq qatlamlari ochib olinadi. Kulolchilikka mos tuproq bir qaraganda o'ziga tortadigan toza bejirim xom ashyo hisoblanadi. U juda zich qattiq moddadek mustahkam tuproq qatlami hisoblanib, uni ajaratib olish ancha mehnat talab etadi. Tuproqlarning sog'tuproq, qara tuproq, ko'kimtir, qizil loykor turlari bo'ladi. Kulolchilikda ishlatiladigan loy o'zining xususiyati va ishlatiladigan buyumiga qarab bir necha guruhlarga bo'linadi.

Kulolchilikda asosiy xom ashyo loy u sifatli bo'lsa qancha yaxshi pishitilsa sopol buyumlar ham sifatli bo'ladi ham o'ziga xos ko'rinishi va jilosi bilan ajralib turadi. Loyni tayyorlash jarayonida e'tibor berib necha martadan aylanishi masalan parrak urish deyiladi, unda ishlov berish jarayonida loy tarkibidagi havochalarni chiqarib yuboriladi, yana qaytadan loylar to'plab olinadi va qo'llar yordamida ishlov berilib boriladi. Loyga qancha ko'p ishlov berilsa ichidagi g'ovaklar va havochalar hom ashyo tarkibidan chiqib ketadi. Loy qayta va qayta bo'laklarga bo'linib yana birlashtirilib obdon ishlov beriladi, bunday usuldagi harakatlar yasaladigan buyumni sifatli va chiroyli chiqishiga xizmat qiladi.

Kulol charxida idishlarga shakl berishda erinmasligi kerak, bu murakkab jarayondan bor tasavvur, qobiliyat va tajriba ishga solinadi. Ustalar ko'proq charxda o'rgatishiga sabab insonni bosh, qo'l va oyoq bir paytda ishlaydi. Bunday holatda fikrni jamlanadi, yasalishi kerak bo'lgan buyum shakllarini qo'llar yordamida amalga oshiradi va oyoqlar esa yordam beradi. Charxda o'tirgan odam atrofdagi hodisalarga e'tibor bermaydi chunki dastgohni bir meyorda aylanishi uning fikrini oladi. Ko'z, qo'l va oyoqlar birgalikda bir biri bilan hamohahg harakatlari san'at asarlarini dunyoga kelishiga xizmat qiladi.

Kulolchilikda ikki xil turdagi ustalar bo'lib, biri ko'zagar, yana biri naqqosh usta bo'lib ularning ishlari bir biri bilan bevosita bog'liq hisoblanadi.

Ko'zagan faqat loy bilan ishlaydi, dastlab meyordagi tuproqni topadi, loy qilib tayyorlaydi va yaxshilab ishlov berib uni pishitadi. Dastgohga qo'yib ushlov berib shaklga keltiradi, dastlabgi bezaklarni berib charxdan olinganga qadar barcha ishlarni qiladi.

Naqqoshning vazifasi tayyor bo'lgan idishni quritib ishlov berishdan boshlanadi. Dastlab idishga mos keladigan naqsh bezagini kompozitsion yechimini topishdan boshlanadi. Usta naqqoshni buyum sirtiga tushurgan bezagi shu idishni qadr qimmatini belgilaydi. Naqsh qancha nozik va bejirim bo'lsa o'zining xaridorini tez topadi.

Chizish jarayonidan oldin qaysi gul shu idishga to'g'ri kelishini o'ylab olish kerak. Naqsh elementlaridan to'g'ri foydalanish kerak, bunda, qumg'on, pichoq, anor, islmiy va grix naqshlardan foydalanish mumkin. Albatta idishning hajmiga mosligi hisobga olinadi. Chizilgan naqsh bezaklari mahsulot yuzasiga kompozitsiya jihatidan yarashish kerak bo'ladi.

Mehnatning mahsuli turli ro'zg'or buyumlari milliy qahramon haykalchalari, shamdon va qalamdonlar o'z xaridorini topmoqda. Ustoz shogird ana'anali asosida o'nlab shogird tayyorlangan, usta mahorati tahsinga loyiq. Hunar va san'atni o'zida mujassam etgan bu soha nafaqat moddiy jihatdan balki, milliyligi, ma'naviy- tarbiyaviy ahamiyati bilan qadrlidir.

Har bir hunarni o'ziga xos mashaqqatli va o'ziga xos sir-asrorlari bo'ladi. Qadimdan otabobolarimiz badiiy kulolchilik sirlarini va tajribalarini faqat o'z shogirdlariga o'rgatib o'zga bolalarga o'rgatmaganlar. Ota-bobolarimiz asrlar mobaynida kulolchilik sir-asrorlarini o'rganib har bir mahsulotni ayniqsa sifatiga, badiiylicha, foydalanish qulayligiga va uning umrboqiyiligiga alohida e'tibor berib kelganlar. Shuning uchun ular tayyorlagan oddiy sopol piyolasidan tortib sharq me'morchiligini bezab turgan koshinlarning umrboqiyiligi dunyo ahlini lol qoldirmoqda.

Ilohiylikka yo'g'rilgan to'rt unsur tuproq, suv, havo va olov bilan sirlashib o'zbek kulolchilik maktabi rivojiga salmoqli hissa qo'shib kelayotgan qo'li gul hunardmandlarning mehnatiga xalqimiz hamisha munosib baho bergan va ardoqlagan. Shu bois ham bobolardan farzandlarga, farzandlardan nabiralarga me'ros bo'lib kelayotgan ota bobolarimiz ardoqlagan bebaho hunarmanchilik asrlar osha yashab kelmoqda.

Usta kulollar sirlash jarayonida ota bobolarimizdan qolgan ana'naviy usullar bilan amalga oshirmoqdalar. Hozirgi zamonaviy sirlarda kam ishlatiladi, ular o'simliklardan qirqbo'g'in, gulob va ishlon adirlarda o'sadigan tabiat inomlaridan foydalanishadi. Suyuq holatga keltirib olingan sirlarning quyuqlik darajasi juda katta ahamiyatga ega. Aksariyat kulollar sir suyuqligini tomchilash darajasiga qarab miyorni aniqlashadi. Barmiqni botirib tomchilatib ko'riladi, tomchi soni talab darajasida bo'lmasa unga ozroq miqdorda suv qo'shiladi, aralashtirib kerakli holatga keltiriladi. Shu tajribalar orqali milliy kulolchilikda sirlash san'ati rivojlanib kelgan.

Sirlangan idishlar xona haroratida kuritilib keyin pechkaga solinadi. Pishirish jarayoni o'zi alohida qiziqarli jarayon hisoblani yasalgan buyumlar taqdirini belgilaydi. Pechkadagi harorat

ko'satkichi va ichki holatni kuzatib borish uchun maxsus tuyniklar yordamida harorat miqdori ko'tarib boriladi. Kerakli harorat va vaqt davomida mahsulotlar tayyor holatga keltiriladi.

Devorlariga osilgan turli o'lchamdagi laganlar, tokchalardagi bejirim choynak va piyolalarni ko'rib hayratingiz oshadi. Bu san'at asarlarini yaratishda usta kulollarni mehnat mashaqqatini, yurakdan berilgan mehrini va mahoratini qalban his qilasz. Kulolchilik buyumlarni san'at darajasida yetkazish uchun yurak mehrini berish kerak, chunki yurakdan qilingan ish doim o'z samarasini bergan. Mehnat va mehr uyg'unligida yaratilgan buyumlar go'zal bo'ladi, odamlar e'tiborini tortadi va o'z xaridorini topadi.

Yangi davr yoshlarini zamonasiga qarab ijodiy faoliyatini o'stirish, ularga to'g'ri yo'l ko'rsatish, avlodlarimiz e'zozlab kelgan hunarmanchilikni rivojlantirish uchun usta kulollar o'z maslahatlarini berib borishi kerak. Zamonamiz yoshlarini kulolchilik hunariga qiziqtirib borsak ulardan yuksak darajadagi san'at asarlarini yaratishiga ishonch hosil qilsak bo'ladi, chunki yoshlarimiz katta kuch hisoblanadi. Katta kuchlarni katta maqsadlar sari yo'naltirishimiz kerak. Yoshlarimizni milliy qadriyatlarimiz ruhida tarbiyalash qadimiy hunarmandchiligimiz rivojini belgilaydi.

Xalqimiz qadimdan sopol buyumlardan keng foydalanishgan. Buni muzeylarimizda saqlanayotgan eksponatlar ham yaqqol tasdiqlaydi. Istiqlol sharofati bilan bu bebaho milliy hunarmanchilik turi qayta tiklandi va sayqal topdi.

Muzey yoki kulolchilik ustaxonasiga kelgan sayyoh borki hunarmandning ijod namunalaridan bahramand bo'lmay ketmaydi. Loydan yasalgan turli tuman buyumlarni bejirimligidan hayratga tushamiz, bu kulolni o'z mehnati, ishiga bo'lgan mehrining samarasi. An'anaviy kulolchilikda ustozshogird maktabida shakllanadi. Har bir yetuk kulol o'n, o'n ikki yillarda yetishib chiqadi, albatta bu ko'plab mehnat va mashaqqati natijasida erishadi. Shu yillar davomida bo'lajak kulolning matonati, sabr va bardoshi sinaladi. Ustoz shogirdning mahoratini o'sishiga qarab topshiriqlar berib boradi. Bo'lajak kulol ustozining mahoratini o'zida shakllantirish uchun yillar davomida vazifa va topshiriqlarni puxta bajarib maqsadiga erishadi.

Ustozshogird an'anasi shunday ajoyib narsa borki shogird ustozdan o'tishi kerak. Bu degani shogird tayyorlashda ustozlar o'z mahoratini, bilimini va kulolchilik san'ati sir asrorlarini qalbdan o'rgatish kerak. Ustozlarning mahorati shogirdlar ijodida namoyon bo'ladi, ular yasagan buyumlar go'zalliligi ustozlar ko'zini quvontiradi va qalbida faxr tuyg'usini singdiradi.

Shunday qilib, jamiyat uchun faoliyat ko'rsatgan, uning boyligiga o'zining shaxsiy hissasini qo'shgan, o'z kasbini doimo ulug'lagan, o'zgalarni baxtli qilishga chorlagan, Abdurahmon Jomiy aytganidek, "Mehnat tufayli qo'lda paydo bo'lgan qabariqdan rohat topgan odam – baxtli kishidir".

Hozirgi kunda avloddan avlodga usta mohir kulolchilik sirlarini o'rgatib kelmoqdalar. Katta idishlar, laganlar, chuqur, sayoz ortiqcha oro bermay, sut idishlar, unutilmas feruza va utramarin rangi bu milliy kulolchilik asarlari ko'plab xalqaro ko'rgazmalarda mashhur qilgan va ular dunyoning ko'plab muzeylar ekspozitsiyasini bezab turibdi.


Adabiyotlar:

1. М.К. Рахимов. Художественная керамика Узбекистан. Учебник. Ташкент. 1961. 249 с.
2. С.Булатов "Ўзбек халқ амалий безак санъати". Тошкент "Меҳнат"1991йил 381-бет.
3. "Керамическое производство средней Азии". Отпечатано в типографии ТашГУ. Ташкент – 1980. ст- 31.
4. А.Хакимов. Прикладное искусство Узбекистана. Традиции и инновации. Ташкент. Юнеско. 2013. 211 б.
5. Изотова М. Л. Гончарные работы для дома и заработка. Ростов н/Д: Феникс, 2008. 252 с.
6. Поверин Александр Инанович. Гончарной дело. Москва. 2006. 169 с.
7. Добрынина, Г.Г. Художественная керамика Г.Г.Владивосток. 2013. 80 с
8. Федотов Г. Я. Глина и керамика. ЭКСМО-Пресс. Москва 2002. 160 с.
9. Джеки Эткин. Керамика для начинающих. АРТ – РОДНИК. Москва. 2006. 160 с.
10. Долорс Рос. Керамика.энциклопедия. Москва. 2003. 143 с

11. У.Мавлонов. “Болалар таълим-тарбияси ва миллий руҳни шакллантиришда амалий санъат турларининг ўрни ва аҳамияти”. “PEDAGOGS” international research journal.
12. К.К.Ҳулдашов. “Кулолчилик ҳунармандчилиги тарихини органиш – миллий қадриятларимизни е’зозлаш меزони сифатида”. Та’лим ва инноватсион тадқиқотлар журналі. (2021 йил Maxsus son).

Internet saytlari:

1. <https://fayllar.org/qadimgi-sopol-idishlar.html>
2. <http://interscience.uz>




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Султанова Зулхумор СабатуллаевнаУзбекистон-Финландия педагогика институти уқитувчиси
электрон почта манзили zulxumorsabatulaevna@gmail.com

ВАЛЕНТИН ЖУКОВСКИЙ ХАЙЁМ КАШФИЁТЧИСИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада рус шарқшунос олими Валентин Алексеевич Жуковскийнинг Хайём рубойлари тадқиқи ва матшунослигидаги ўрни унинг “Умар Хайём ва “сарсон” рубойлар” номли мақоласи таҳлили орқали кўрсатилган. В.Жуковский рус шарқшунослигида Хайём ва унинг рубоиёти ҳақида тадқиқот олиб борган биринчи тадқиқотчилардан ҳисобланадики, Хайёмни рус олимлари ва ўқувчиларига кашф этди, унинг рубойларини тарғиб қилди.

Мақолада шарқшуноснинг Хайёмга мансуб асл рубойларни таниш, ажратиб олиш, унга тегишли бўлмаган шубҳали рубойларни англаш усули ҳамда концепсияси таҳлил этилган ҳамда адабиётшунос хизматларининг мазмун-моҳияти атрофлича кўрсатилган. Қиёсий таҳлиллар натижасида ойдинлашдики, муаллифнинг ўз мақоласида акс этган янгича қарашлари Хайёмни рубойсаро шоир сифатида кашф этишнинг янги марҳиласини бошлади ҳамда кейинги давр хайёмшуносларга йўл очиб берди.

Калит сўзлар: Умар Хайём, рубоиёт, Валентин Алексеевич Жуковский, рус адабиётшунослиги, жаҳон адабиётшунослиги, хайёмшунослик, сарсон рубойлар, тасаввуф, хурфикрлик.

Султанова Зулхумор СабатуллаевнаПреподаватель Узбекско-Финского педагогического института
адрес электронной почты zulhumorsabatulaevna@gmail.com

ВАЛЕНТИН ЖУКОВСКИЙ — УЧЕНЫЙ, ВНОВЬ ОТКРЫВШИЙ ХАЙЯМА

АННОТАЦИЯ

В данной статье показана роль русского востоковеда Валентина Алексеевича Жуковского в исследовании и этнологии четверостиший Хайяма посредством анализа его статьи Омар Хайям и «странствующие» рубаи. В. Жуковский — один из первых исследователей, проводивших исследования Хайяма и его рубаи в отечественном востоковедении, познакомил Хайяма с русскими учеными и учеными и популяризировал его рубаи.

В статье анализируются метод и концепция востоковеда по распознаванию и различению подлинных рубаев, принадлежащих Хайяму, и пониманию сомнительных рубаев, ему не принадлежащих, а также подробно раскрываются содержание и сущность услуг литературоведа. В результате сравнительного анализа стало ясно, что новые взгляды автора,

отраженные в его статье, положили начало новому этапу раскрытия Хайяма как межрелигиозного поэта и подготовили почву для хайямоведов следующего периода.

Ключевые слова: Омар Хайям, рубайят, Валентин Алексеевич Жуковский, русское литературоведение, мировое литературоведение, хайямоведение, странствующий рубайят, суфизм.

Sultanova Zulhumor Sabatullaevna

Teacher of the Uzbek-Finnish Pedagogical Institute

email address zulhumorsabatullaevna@gmail.com

VALENTIN ZHUKOVSKY, THE SCIENTIST WHO REDISCOVERED LOMBH KHAYYAM

ABSTRACT

This piece illustrates the role of the Russian orientalist Valentin Alekseevich Zhukovsky in the study and ethnology of Khayyam's quatrains through the analysis of his article Omar Khayyam and the "wandering" rubaiyat. V. Zhukovsky, one of the first researchers who conducted research on Khayyam and his rubaiyat in domestic oriental studies, introduced Khayyam to Russian scientists and scholars and popularized his rubaiyat. In the mentioned article, he highlighted the issue of identifying the original rubies of Khayyam and the issue of wandering rubies, and also developed and outlined his concept of familiarizing himself with the rubies of Khayyam from reliable sources.

The article analyzes the method and concept of an orientalist for recognizing and distinguishing between genuine rubies belonging to Khayyam, and understanding dubious rubies that do not belong to him, and also reveals in detail the content and essence of the services of a literary critic.

Key words: Omar Khayyam, rubaiyat, Valentin Alekseevich Zhukovsky, Russian literary criticism, world literary criticism, Khayyam studies, wandering rubaiyat, sufism.

Рус адабиётшунослиги тарихида Умар Хайём номи ва унинг ўрганилиши алоҳида йўналиш мақомига эга бўлган. Хайёмшуносликнинг ривожланиши боис унинг ҳаёти, яшаган даври, ижоди мустақил тадқиқот йўли сифатида шаклланган. Бу тарихни Валентин Алексеевич Жуковский “Умар Хайём ва “сарсон” рубойлар” («Омар Хайям и «странствующие» четверостишия») номли мақоласи билан бошлаган ва бугунгача бу буюк шоир шахсияти, унинг бетакрор ижоди рус шарқшунослари томонидан мунтазам тадқиқ этиб келинмоқда.

Валентин Алексеевич Жуковский Гёте каби Эрон тарихи ва адабиётига ўзига хос муҳаббат билан қараган. У “Умар Хайём ва “сарсон” рубойлар” мақоласини ёзишдан олдин 1884 йилда Эронга сафар қилиб, Хайём рубойларини ўрганиш учун илк тажрибани ўзлаштирди. У юқорида келтирилган мақола орқали рус адабиёти аҳли ва ўқувчилари учун Хайёмни кашф этди ва шоир рубойларини таржима қилиш, уни нашр этиш учун шароит яратди. Олимнинг изланишлари фақат бу мақола билан чекланмасдан балки, у Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридан илҳомланиб “Рустам ва Сухроб” («Рустам и Сухраб») достонини ижод қилди. Шунингдек, Хайём ҳаётидаги рўй берган муҳим воқеликлар асосида “Хайёмнинг қора кунлари” («Черные дни Хайям») номли илмий-адабий аҳамиятга эга бўлган повестни яратди ва бу асар 1969 йилда Россиянинг Воронежий шаҳрида нашр этилди.

В.А.Жуковскийнинг юқорида келтирилган мақоласи рус шарқшунослигида хайёмшуносликнинг илк қадами сифатида баҳоланган. Тожик адабиётшунос олими Мирзо Муллоаҳмадов бу борада ўзининг мушоҳадаларини билдириб, мавридида таъкидлайдики, “В.А.Жуковский Эронга борганида илк бор Хайём қаламига мансуб бир рубойни Абдуллоҳ Ансорийнинг “Муножот” асари ичида учратади ва унга Хайёмнинг сайёр ва сарсон рубойларини ажратиш фикри туғилади” [5,5].

Бу адабиётшунос баъзи сарчашмалар ва илмий-назарий манбаларга асосланиб Хайёмнинг ҳаёти ва рубойлари ҳақида муҳим жиҳатларни очиб берадики, унинг бу иши кейинчалик рус адабиётшунослигида фундаментал тадқиқот сифатида қаралган. П.Н.Лозев

таъбири билан айтганда “Хайём назмининг танкидий таҳлилига асос солди” (4,59). Тадқиқотчининг бу қадами шундай бошландики, “Хайём сиймоси ва унинг ҳаётига оид мавҳумлик ва чалкашликларни маълум даражада ойдинлаштирди” [2,326].

В.А.Жуковский тадқиқотининг яна муҳим томони шунда эдики, у “зиддиятли қарашларни бартараф этиш йўлида Умар Хайёмнинг бегона ва сарсон рубойларини ажратишга муҳим қадам қўйди” [5,5].

В.А.Жуковский бу мақолада кўплаб сарчашмалар ахборотини киритади ҳамда рус шарқшунослигида Хайём ҳаёти ва унинг рубойларининг асл моҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилади. Унинг таҳлиллари ва ўрганишлари шундан далолат берадики, ўша даврларда шоир шеърлятида мавжуд ғоя ва қарашлар турлича талқин қилинган. Адабиётшунос изланишларида ана шу зиддиятли қарашларни бирмунча ислоҳ этиш учун ҳаракат қилган.

В.А.Жуковскийнинг “Умар Хайём ва «сарсон» рубойлар” номли мақоласи нафақат рус шарқшунослигида балки, жаҳон адабиётшунослигида ҳам етиб борган ва бунинг исботи сифатида Ғарб адабиётшуноси Э.Браун айтган эди: “Профессор Валентин Жуковскийнинг илмий мақоласи орқали бу жараённинг муҳим ва жиддий даври бошланди” [5,9].

Аксарият тадқиқотчилар В.А.Жуковский мақоласи ҳақида сўз юритиб, ундаги “Умар Хайёмнинг бегона ва сарсон рубойларини ажратиш масаласига бағишланган” жиҳатларига кўпроқ диққат қаратганлар. Ҳол буки олимнинг бу мақоласида фақатгина мазкур масала ёритилмасдан балки, Хайёмнинг фалсафий қарашлари, унинг замонидagi мазҳабий ва мафкуравий қарашлар каби муаммолар ҳам ёритилганки, бу мавзуларнинг очиқланиши ҳам ўша давр рус шарқшунослигида янги қадам эди.

В.А.Жуковский мақоланинг бошида В.Розен сўзларини иқтибос келтириб, “арабнинг тоза қони соҳиби Абуало муқоясасини шаккок форс-тожик шоири Умар Хайём билан марокли” [2,325] деб билади ва шу тамоил билан Хайём тафаккури ва унинг давридаги мафкуралар масаласига диққат қаратади. Бу эса Хайём адабий меросида кўзга ташланадиган сайёр ва бегона рубойларни ажратишга муҳим замин яратган.

Бу донишманднинг фикрича Хайём форс адабиётида такрорланмас сиймо бўлиб, ўзининг теран қарашлари, шеърлятидаги гўзаллик ҳамда ҳаётидаги можароли лаҳзалар жиҳатидан бу адабиётнинг бошқа намояндalари билан солиштирганда умуман фарқ қилади. Бу фарқни мақола муаллифи қуйидагича таъкидлайди: “У (Хайём) хурфикр ва ҳақиқатга тик боқувчи; ҳажв қилувчи мутасаввиф ва худопараст; этиқоди мустаҳкам мусулмон, кучли файласуф, донишманд ва теран мушоҳадаловчи; ишратпараст, фосиқ, мунофиқ, риёкор; нафақат кофир балки, дин ва ахлоқнинг мусбат томонларини инкорқилувчи; чиройли сиймоли шахски, илоҳий неъматларни кадрлайди ва ҳаёт лаззатларига содиқ қолади; у шаккок ва хурфикр, у форсларнинг Абуало, Волтер ва Гейнесийи ҳисобланади” [2,325].

В.А.Жуковский Хайёмнинг шахсий ҳаёти ва мазҳабий қарашларини ойдинлаштириш учун иккита муҳим сарчашма – шоир рубойлари ва унинг таржимаи ҳолига оид янги маълумотга [1,326] таянади. Бу тадқиқ йўли адабиётшуноста имкон яратадики, рус шарқшунослигида Хайём ҳаёти ва рубойлари ҳақида илк маротаба муҳим тадқиқот юзага келди.

Рус шарқшунослигида Хайём ҳаёти ҳақидаги биринчи маълумотни хижрий VII аср ўрталарида В.А.Жуковский «Нахзат-ул-арвоҳ» муаллифи Муҳаммад Шаҳрарузий ахборотига таяниб келтиради. У бу асарнинг Берлин кутубхонаси ва Осие илмий Академиясида сақланадиган қўлёзма нусхаси асосида шоир рубойларининг араб ва форс тилларидаги иқтибосларини рус тилида насрий шаклда таржима қилган.

Шунингдек, адабиётшунос Жамолиддин Абулҳасан Алий ибн Юсуф ал-Қифтийнинг «Таърих-ал-ҳукамо» китобидан муҳим маълумот келтирадики, бу китоб хижрий 624-646 йилларда яратилган.

В.А.Жуковский фойдаланган яна бир сарчашма «Фирдавс-ут-таворих» бўлиб, адабиётшунос Хайёмнинг илмий ва адабий фаолиятдан маълумот берувчи ва шоирнинг битта рубойиси матнини ўз ичига олган бир парчани мазкур китобдан рус тилига таржима қилган.

Жуковский охирги манба сифатида Аҳмад ибн Насруллоҳ Татавий Синдийнинг «Тарихи алфий» номли асариданки, бу асарни муаллиф Акбаршоҳ Ҳиндийга бағишлаб яратган, фойдаланади. Шарқшунос бу китобнинг ҳам Хайём ҳақида маълумот берувчи қисмини рус тилига таржима қилади.

Аслида янги давр адабиётшунослари Хайём зикрини келтирган энг қадимги манба ҳақида янглиш ақида билдирганлар. Масалан, Қазвиний «Чаҳор мақола» асарини ҳаммадан қадимги сарчашма сифатида келтирган. Жуковский шарҳидан аён бўладики, у бошқа муҳим сарчашмалар жумладан, «Савон-ал-ҳикмат», «Назҳат-ал-арвоҳ...», «Осор-ал-билод», «Чомеъ-ут-товорих», «Торихи гузида» каби асарларни қўлга киритмаган. Гарчи бу номлари зикр этган сарчашмаларни топмаган бўлса ҳам, Хайём даври, унинг таржимаи ҳоли ва адабий мероси ҳақида муҳим маълумотларни қўлга киритганки, кейинчалик шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда бу маълумотлар янгилик сифатида қабул қилинган.

В.А.Жуковский Хайём рубойлари ҳақида сўз юритиб, “машхур қўлёмаларда шоир рубойларининг ҳайратланарли миқдорини” учратганлигини таъкидлаб, “нисбатан қадимги нусхаларда рубойларнинг сони кам” [2,339] эканлигини айтиб ўтади. Бу адабиётшунос қўлга киритган нусхалари асосида жумладан, Британия музейида сақланадиган нусхада (XVIII аср) 423 рубой, шу музейнинг бошқа қўлёмза нусхасида (XVII аср) 540 рубой, Бедлен музейи қўлёмзасида (санаси кўрсатилмаган) 405 рубой, Вен музейида (ҳижрий 957 йилда, XVI аср) зикр этилган 482 рубой, Петербург нусхасида (асри XVIII) 454 рубой ва яна бир бошқа қўлёмзада (ҳижрий 1254 йилда ўзи томонидан ёзилган) 465 рубойни мақоласида қайд этган.

Жуковскийнинг айтишича унга 1884 йилда Эронга сафар қилган пайти Хайёмнинг саҳиҳ рубойларини ажратиш фикри пайдо бўлган. Юқорида келтирилганидек у дастлаб шоир рубойларини қадимий манбалардан излайди ҳамда дастлаб Ансорийнинг “Муножот” асарида учратади. Тадқиқотчи ўз мақоласида шоирнинг сарсон рубойлари ҳақида сўз юритишдан олдин қўлёмзаларни тавсифлайди ва қайси манбалардан фойдаланганлигини келтириб ўтади. Биринчи сарчашма сифатида Нажмиддин Абубакр Розийнинг «Мирсод-ал-ибод» асарини кўрсатади ва унинг муаллифи Хайёмни “бечора фалсафӣ ва даҳрӣ ва табоъей” (бечора файласуф, моддий дунё тарафдори) деб аталишини таъкидлайди ҳамда бу муаллифни Хайём рубойларининг асл нусхаларини келтирганига шубҳа билан қарайди.

Шундай қилиб, у турли сарчашмалар жумладан, Аттот адабий меросининг нусхалари, Жалолиддин Румий девонлари, Камол Исфаҳоний, Ҳофиз Шерозий, Абдуллоҳ Ансорий, Анварий, Амин Розий, Озар қўлёмзаси ва бошқа қўлёмза манбаларни ўзаро қиёслаб, “бу манбаларда учрайдиган Хайёмга мансуб ҳар бир рубойни сарсон рубой деб атади” [5,5]. Бу адабиётшунос Хайём рубойлари ичидан 82 та рубойни ажратади ва унинг фикрича бу сарсон рубойлар бошқа шоирлар қаламига мансуб.

Содиқ Ҳидоят сарсон рубойларнинг бу тарзда ажратилиши ҳақида сўз юритиб, мавридида шундай ёзган эди: “мазкур шарқшунос (В.А.Жуковский- шарҳ биздан) ўз мақоласида тазкиранавис олимлар ахборотини келтириб, бу манбаларда Хайём қаламига мансуб деб бошқа шоирлар рубойларини учратгани ва аксинча, бошқа шоирлар рубойларини ҳам Хайёмга мансуб эканлигини учратганини таъкидлайди” [6,132]. Адабиётшунос М.Муллоаҳмадов ҳам куйидаги хулосага келади: “Маълум бўладики, В.А.Жуковский назарида ўша 82 та сарсон рубойлар Умар Хайём қаламига мансуб эмас зеро, олим бунга бирор ишора қилмайди. Аммо ўша рубойлар мутолаасидан маълум бўладики, на ҳаммаси ҳам Хайёмга тааллуқли эмас. Эҳтимолдан холи эмаски, Умар Хайёмнинг баъзи рубойлари котиблар хатоси билан ҳам бошқа шоирлар тўпламларига кўчирилган бўлиши мумкин” [15,6]. Бу муҳаққиқ ўз қарашини далиллаш мақсадида В.А.Жуковский ўз мақоласида Нажмиддин Розийга мансуб деб билган бир рубойни инкор этади. Адабиётшуноснинг асословчи фикри шундан иборатки, агар бу рубой Нажмиддин Розийга мансуб бўлганда, унда тасаввуфий маъно акс эттирилар эди чунки, Нажмиддин Розий тасаввуф аҳлидан эди [56].

В.А.Жуковский Ҳофиз Шерозий рубойисини ҳам шоир ашъорининг турли нусхаларини топиб, уларнинг Ҳофизга мансуб эканлигига шубҳа билан қарайди. (3,36). Бу шарқшунос шубҳали рубойларни мазмун жиҳатдан гуруҳларга ажратиб, охирги тўрт гуруҳники, улар

нисбатан камроқ шубҳа остига олинган, Хайёмга мансуб деб билади. У бу тоифа рубойлардан Хайёмнинг “борлиқ масалалари озор берган буюк донишманд” қиёфасини топади (3,36). М. Муллоаҳмадов шарқшуноснинг бу тарзда шоир рубойларини таҳлил ва талқин қилганлигини янглиш ҳодиса сифатида баҳоласада аммо, унинг асарини “дунё хайёмшунослигида улкан ҳисса” [9,9] сифатида эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, В.А.Жуковский танлаган тадқиқ усули А.Е.Кримский назарида “баҳсли” бўлиб, қуйидаги фаразга асосланган: ёки Хайём рубойларини нусха кўчиришда хаттотлар бошқа рубойларни унга кўшиб кўчирган ёки, улар бошқа шоир девонларини (масалан, Ҳофиз девонини) Хайём рубойлари билан оро беришни лозим деб топганлар. [3,251-252]. В.А.Жуковскийнинг охириги хулосаси Хайёмнинг асил рубойларини ажратиш учун танлаган тадқиқ методини шубҳали кўрсатади. У ёзадики, “агар Хайём ашъорининг бешдан бир қисми 39 муаллиф шеърий тўплами ичида сарсон бўлсаю шубҳали кўринса, бу муаммо Хайём рубойларининг ҳар бирида юзага келиши мумкин [2,363]. Уч йилдан сўнг Д.Э. Росс (1900) ва кейинроқ Э.Браун ҳам Жуковскийнинг ушбу фикрини такрорлаганлар. Ф.Розен 1926 йилда ўзининг бир мақоласида Жуковский тадқиқ усулини танқид қилган эди. Унинг хулосасига кўра Жуковский Толиб девонида киритилган икки рубойни Хайём қаламига мансуб деб билмайди. Ҳол буки, Толиб Омулий 1625 йилда оламдан ўтган ва бу рубойлар XV асрга мансуб бодлиний нусхада ҳам мавжуд. Шундай экан, Толиб бу рубойлар муаллифи бўла оладими? Жуковский танлаган ўрганиш меъёри ишончли эмаслигига яна бир мисол шуки: Хайёмнинг 16 та рубойи XIV асрда яшаган Ҳофиз девонининг вужудга келган кейинги нусхаларида ва XIII асрда яшаган Жалолиддин Румийнинг девонларида учратиш мумкин. Ҳол буки, Ҳофиз ва Румий девонларининг энг қадимги нусхаларида бу рубойлар учрамайди. Адабиётшунос Ф.Розен “Шундай экан, нимага бу рубойлар улардан олдин яшаган Хайёмга мансуб бўлмаслиги мумкин?” деган савол орқали Жуковскийнинг Хайёмга тегишли асил рубойларни ажратиш концепсиясига шубҳа билан қарайди.

Бу баҳс-мунозаралардан қатъий назар Э.Браун таъбири билан айтганда “профессор Валентин Жуковскийнинг “Умар Хайём ва «сарсон» рубойлар” номли илмий ва бадий мақоласи нашридан сўнг хайёмшуносликда янги бир давр бошланди” [5,9] ва бугунгача бу жараён давом этмоқда. Валентин Жуковскийнинг хизматлари бу билан чегараланиб қолмай балки, рус хайёмшунослиги тарихида у Хайёмнинг кашфиётчиси ва тарғиботчиси сифатида ўчмас из қолдирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болотников, А. Омар Хайям (Философ-поэт-математик) /А. Болотников //Восток. Сборник второй. Литература. Ирана XVв.- Москва-Ленинград: АCADEMIA, 1935. -С. 179-211.
2. Жуковский, В. А. Омар Хайям и «странствующие» четверостишия /В. А. Жуковский //Сборник Ал-му-зафарийе. –СПб, 1897. -С. 325-363.
3. Крымский, А.Е. Низами и его современники/А.Е. Крымский .-Баку: Издательства «Элм», 1981.-487с.
4. Лозеев, П.Н. Омар Хайям в источниках/П.Н. Лозеев//Ученые записки. Филологическая серия, выпуск 3.-Сталинабад,1953. -57-102.
5. Муллоаҳмад, М. Андар шинохти рубойёти асили Хаёйм/ Мирзо Муллоаҳмад// Умар Хайё. Рубойёт (Нусхаҳои асил)-Хучанд: Ношир, 2019.-С.3-45.
6. Ҳидоят, С. Таронаҳои Хайём /Содиқи Ҳидоят// Садои Шарқ.-1991. -1.-С.129-142.
7. Хайям, О. Рубаи / Омар Хайям. – Душанбе, 1982. – 144 с.
8. Хайём, У. Рубойёт. Зери назари М. Занд ва А. Мирзоев / Умари Хайём. – Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1963. -206 с.
9. Хайям, У. Трактаты. Перевод Б. А. Розенфельд. Вступительная статья и комментарии Б. А. Розенфельд и А. П. Юшкевич / Омар Хайям. – Москва, 1961. – 337 с.
10. Хайём, У. Дувист рубой. Маҷмӯаи рубойёт / Умари Хайём. – Душанбе, 1998. – 127 с.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

G'aniyev Fazliddin,

Buxoro davlat universiteti tayanch doktoranti

fazli_ganiev@yahoo.fr

EVROPA ADABIYOTIDA MASALNING ADABIY JANR SIFATIDA TARAQQIY ETISH BOSQICHLARI (LA FONTEN VA XVI ASR ADABIYOTI MISOLIDA) <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada adabiy ijodkorlikning yo'nalishlaridan biri hisoblangan "masal"ning adabiy janr sifatida ahamiyatga ega bo'lish bosqichlari nazariy jihatdan tadqiq etildi. Masallarning bolalar adabiyotiga kiritilishi sabablari atroflicha o'rganib chiqildi. Masallar muayyan yosh chegarasiga ega emas va turli yoshdagi o'quvchilar o'z hayot tajribasi va qarashlariga ko'ra turlicha xulosaga kelishlari mumkin degan fikrga kelindi. Olib borilgan ilmiy izlanishlar shuni ko'rsatadiki, masal janri asosan axloqiy, tarbiyaviy didaktik ta'sir kuchiga ega bo'lib, undan XVI asrda Yevropa davlatlarida pedagogik faoliyatda keng qo'llanilgan. Keyinchalik, hukmron kuchlar zulmiga qarshi protest sifatida masalning chiroyli o'xshatish imkoniyatlari va allegorik kuchidan foydalanilgan.

Kalit so'zlar: masal, adabiy janr, Ezop usuli, intellektual nayza, hayvonlar eposi, she'riy masallar

Ганиев Фазлиддин,

Докторант Бухарского государственного университета

fazli_ganiev@yahoo.fr

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ПРИТЧИ КАК ЛИТЕРАТУРНОГО ЖАНРА В ЕВРОПЕЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ ЛАФОНТЕНА И ЛИТЕРАТУРЫ XVI ВЕКА)**АННОТАЦИЯ**

В статье теоретически исследуются этапы значения «нравоучительная басня» как литературного жанра, являющегося одним из направлений литературного творчества. Подробно изучены причины включения притч в детскую литературу. Было высказано предположение, что нравоучительная басня не имеют определенного возрастного ограничения и что учащиеся разного возраста могут прийти к разным выводам на основе своего жизненного опыта и взглядов. Научные исследования показывают, что жанр притч имеет сильное нравственное, воспитательное и дидактическое воздействие и широко использовался в педагогической деятельности европейских стран в XVI веке. Позже красивая аналогия и аллегорическая сила притчи использовались в качестве протеста против тирании правящих сил.

Ключевые слова: нравоучительная басня, литературный жанр, стиль Эзопа, интеллектуальное копьё, звериный эпос, поэтические притчи.

Ganiev Fazliddin,

PhD Student of Bukhara State University

fazli_ganiev@yahoo.fr

STAGES OF THE DEVELOPMENT OF A PARABLE AS A LITERARY GENRE IN EUROPEAN LITERATURE (ON THE EXAMPLE OF LAFONTAINE AND LITERATURE OF THE XVI CENTURY)

ANNOTATION

This article theoretically examines the stages of the importance of "parable" as a literary genre, which is one of the directions of literary creativity. The reasons for including the parables in children's literature have been studied in detail. It has been suggested that the parables do not have a specific age limit and that students of different ages may come to different conclusions based on their life experiences and perspectives. Scientific research shows that the genre of parables has a strong moral, educational and didactic impact, and was widely used in pedagogical activities in European countries in the XVI century. Later, the beautiful analogy and allegorical power of the parable was used as a protest against the tyranny of the ruling powers.

Keywords: fable, literary genre, Aesop's method, intellectual spear, animal fable, verse fables

Jamiyatda muammolar va munozarali bahslarni keltirib chiqaradigan, xalqning e'tiroziga sabab bo'luvchi holatlar hamisha topiladi. Va tabiiyki, ushbu muammolar qaysidir ma'noda xalqning ilhom manbai sifatida juda chuqur falsafiy ma'noga ega, satirik asarlar, masallar yaratilishiga xizmat qiladi. Masal janri dastlab xalq og'zaki ijodining durdonasi sifatida tanilgan bo'lsa, keyinchilik masalnavis usta yozuvchilarning ushbu janr rivojiga qo'shgan beqiyos hissi mustaqil adabiy janr sifatida keng jamoatchilik e'tiborini qozondi. Masal axloqiy tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lib, unda jamiyatdagi mavjud muammo va kamchiliklar, insonlardagi illatlar obrazli usulda hayvonlar tilidan bayon etish orqali fosh qilingan.

"G'arbnig masalnavislik an'anasi, qadimgi yunon afsonalari to'plamiga tegishli bo'lgan afsonaviy shaxs Ezopdan boshlanadi, degan farazlar mavjud" [8]. Bugungi kunda tuzilgan zamonaviy nashrlarda 200 tagacha ertak va masallar bor, lekin ularning asl kelib chiqishini aniqlash adabiyotshunos olimlarning oldida turgan eng jumboqli masalalardan biri hisoblanadi. Ezop nomi bilan bog'liq eng qadimgi to'plam miloddan avvalgi IV asrga oid bo'lib, Ezopiya modelini yaratgan mumtoz mualliflar qatorida rim shoiri Horas, yunon biografi Plutarx va yunon satirikasi Lusian nomlarini keltirish mumkin.

Masallar, alegoriyaning barcha turlari kabi, o'rta asrlarda ham gullab -yashnagan va ajoyib masallar to'plami 12 -asr oxirida Mari de Frans tomonidan to'plangan. O'rta asrlar masalchilik silsilasi "hayvonlar eposi" deb nomlanuvchi kengaytirilgan shaklni ya'ni, qahramonlar, yovuzlar, qurbonliklar va epik ulug'vorlikni parodiya qiladigan qahramonlik harakatlarining to'la -to'kis hayvonlar haqidagi hikoyasini yaratdi. Ulardan eng mashhuri 12-asrga tegishli "Roman de Renard" nomli masallar to'plami bo'lib, uning qahramoni - Lis Reynard (nemischa: Reynxart Fuchs) ayyorlik timsoli sifatida gavdalantirilgan. Ikki ingliz shoiri Edmund Spenser va Ona Hubberds qahramonlari hayvonlardan iborat bo'lgan majoziy manoda yozilgan dostonlarning elementlarini uzun she'rlar sifatida qayta ishlashdi. Jumladan: Edmund Spenserning "Prosopopoya"sida yoki, "Hubberd ona ertagi"da bo'lgani kabi tulki va maymun sarguzashtlari oxirida hayot sudlarda viloyatlardan ko'ra yaxshiroq emasligini aniqlaydi. Shuningdek, "Hind va pantera"da Jon Drayden yahudiy eposini jiddiy diniy bahslar uchun allegorik asos sifatida jonlantiradi.

Masal an'anaviy tarzda oddiy va ixcham hajmini yo'qotmagan bo'lsada, XVII asrda Fransiyada Jan de La Fonten ijodida o'zining eng yuqori cho'qqisiga yetdi. La Fontenning ijodida masallarning eng yetakchi mavzusi odamlarning bema'niliklari va jinniligini tanqid qilish bo'lgan. Uning birinchi masallar to'plami 1668-yilda e'lon qilingan bo'lib, Ezopiya uslubiga mos keladi. Lekin keyingi 25 yil davomida to'plangan to'plamlari sud va uning byurokratlarini, cherkovni, ko'tarilayotgan burjuaziyani - butun insoniyat sahnasini masxara qiladi. La Fonten masalnavislik

uslubining ta'siri butun Yevropa adabiyotida sezildi va romantizm davrda taniqli vorisi rus Ivan Andreevich Krilov yorqin ijodi bilan dunyo adabiyotiga qimmatli hissa qo'shdi.

Bugungi kunda didaktik xarakterga ega ixcham hajmga ega masal janri namunalarini garchi bolalar adabiyotining durdonasi sifatida e'tirof etilsada, yigirmanchi asrning boshlarida adabiy janr sifatida hech qanday maqomga ega bo'lmagan. Lekin klassik adabiyot va turli adabiy-tarixiy tadqiqotlarga bag'ishlangan jurnallarda Ezop haqida ilmiy izohlar mavjud. Ikki asr avvalgi davrga oid ko'plab o'rganilgan munozaralar, shuningdek, yuzlab bosma afsona va masallar to'plamlari o'sha paytdagi janrga bo'lgan qiziqish va hurmatdan dalolat beradi. "To'liq vaqtli" fabulistlarning qimmatli to'plamlaridan tashqari, neoklassik shoirlar va boshqa yozuvchilarning ko'pchiligi o'z asarlari qatorida bir nechta afsona va masallarni kichik parcha ko'rinishida kitobxonlarga taqdim etishganligi ham ushbu janrning bir necha yuz yillar oldin juda yuqori e'tirof etilganligini ko'rsatadi.

Ba'zi tarixiy tendensiyalar masalning XVIII asrdagi o'ziga xos jozibasi va muayyan maqsadlarga mosligini tushuntirishga yordam beradi. Ta'limga bo'lgan qiziqishning kuchaytirganligi sababli, ijtimoiy tashvishlarning ortishi, jamoatchilikning yangi muammolarga duch kela boshlashi kabi insoniyat tarixidagi keskin burilishni misol sifatida keltirish mumkin. Ushbu davrda jamiyatda axloqiy ko'rsatmalarni eng muhim "pedagogik majburiyat" va uni bajarishda yordam beradigan tengsiz kuch bu –adabiyot deb hisoblanuvchi umumiy fikr shakllanib ulgurgan edi. Demak, axloqiy asos barcha adabiyotlardan talab qilingan, natijada ular didaktik yo'nalishga aylangan. "Ta'rif bo'yicha didaktik masal bu talabni boshqa janrlarga qaraganda aniqroq va tabiiyroq bajargan: agar uning "adabiy" qismi axloqiy tarbiya bilan yakunlanmasa, u masal hisoblanmaydi. Ko'plab sharhlovchilar, ayniqsa asrning boshlarida, axloqiy saboq bo'lmagan masal yoki boshqa adabiy asarni hatto adabiyot deb tasniflab bo'lmaydi, deb da'vo qilishdi" [3].

Ilmiy tadqiqot olib borish jarayonida yana bir bora amin bo'lindiki, adabiyotda mustaqil janr sifatida o'z o'rni va ahamiyatiga ega bo'lishi uchun, masalnavislik silsilasi bevosita ta'lim-tarbiya, pedagogika bilan bog'liq tarzda rivojlanib borgan. Bir tomondan masallarni aynan bolalar adabiyotining namunasi sifatida e'tirof etish mantiqan ham noto'g'ri bo'ladi deb hisoblaymiz. Buning uchun ilmiy faktlar yoki dalillar keltirishning zarurati yo'q. XVI-XVII asrlarda ham bugungi kundagi kabi barcha turdagi adabiyotlardan foydalanish imkoniyati barcha uchun birdek mavjud bo'lgan. Garchi ommaviy axborot vositalari hali ixtiro qilinmagan bo'lsada, Iogan Guttenbergning XV asrdagi bosma press ixtirosi kitoblar va ilk vaqtli nashrlarning keng jamoatchilikka katta hajmda yetkazib berilishidek tarixiy hodisa sabab masallarning tarbiyaviy xarakteri katta kuchga ega bo'lgan.

Asosiy qahramoni hayvonlar bo'lib, ularning tilidan majoziy ko'rinishda jamiyatning muammolari va shaxs tabiatidagi qusurlarni ochib beruvchi masallarning bolalar uchun yoki yoshi kattalar uchun yozilishida shakli va mazmuniga ko'ra juda sezilarli farq yo'q. Faqatgina yosh tajribasi va hayotga nisbatan qarashlariga ko'ra bir masalni turli yoshdagi o'quvchilar turlicha qabul qilishi, talqin qilishi va xulosalari ham farqli bo'lishi tabiiy. Aynan, mana shu xususiyati masallarning adabiy va pedagogik qiymatini oshiradi. Yozilgan bir masalning dolzarbligi va tarbiyaviy ahamiyati bir o'quvchining turli yosh davrlarida turlicha ma'no kasb etishi va xulosalarning o'zgarib borishi sababli ham hech qachon yo'qolmaydi.

Shu sababli ham, haligacha Ezop, Krilov, La Fonten kabi masalnavislarning asarlarini katta qiziqish bilan o'rganilmoqda va yetishib kelayotgan yangi avlodning ushbu masallarni o'qishi uchun ta'limda yangicha yondoshuv va vizual materiallar orqali o'rgatish texnologiyalarini rivojlantirishga harakat qilinyapti. XVII-XVIII asrlarda esa ijtimoiy qatlamlarga tushunarli, ma'qul keladigan va foydali bo'lgan pedagogik vositalarni taqdim etish uchun masallarga murojaat etilgan. Xuddi masallarda tasvirlanganidek, ushbu jarayonda ham "qo'ylar"ga qarshi turadigan "bo'ri" bor edi. Ya'ni "Yevropada mavjud avtoritar tizim ta'lim-tarbiya va ma'rifatga qarshi mavjud eng katta to'siq bo'lganligi barchaga ma'lum. Ma'rifatsizlikka qarshi "Zamonaviy yunon uyg'onish davri"da ma'rifatparvarlar savodsizlik botqog'idan xalqni qutqarish maqsadida Ezop va uning ertaklarini "intellektual nayza" kabi himoya quroli sifatida ishlatishgan" [1].

Tomas Lourens Noel tomonidan olib borilgan tadqiqot ishida La Fontenning Ezop tomonidan masal janri haqida bildirilgan quyidagi fikrlarini keltirib o'tadi: "o'ziga xoslik" tushunchasi La Fonten ijodiga aloqador emas. Fransuz fabulistining fikricha masalning yagona qat'iy qolipi mavjud

va bu qolip Ezop nomi bilan bog'liq. Fedrus yoki boshqa masalnavislar aynan Ezopning usulini meros qilib olishgan va o'ziga xos usulda qayta ishlashgan. Bugungi kun masalnavislik ananasining mohiyati mavjud qolipni o'zlashtirish va ijodkor uslubiga moslashtirishdan iboratdir" [2].

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, masal janrining asosi sifatida barcha Yevropa mamlakatlarida Ezop modeli tan olingan bo'lsada, birgina XVI asrning o'zida turli hududlarda masal janrining adabiy mustaqil janr sifatida yuksalishi bilan bir qatordan o'z ahamiyatini yo'qotishi kabi keskin burilishlar sodir bo'lganini tarixiy faktlar aniq ko'rsatib beradi.

XVII asrning so'nib borayotgan yillarida Angliyada ertak-masal yoki aniqrog'i "Ezop uslubidagi jinnilik" (inglizchada "Aesop-craze") paydo bo'ldi va natijada sarlavhaga "Ezop" nomi qo'shilgan olti tiyinli bukletlar paydo bo'ldi. Ushbu bukletlar asosan anonim bo'lib, ularning hammasi zamonaviy masalalar bilan bog'liq masallardan iborat bo'lgan. Ularning aksariyati qit'adagi Lui XIVning ambitsiyalari yoki yakobitlarning hozirgi qo'rquvi tufayli yuzaga kelgan tartibsizliklar bilan bog'liq. Bundan tashqari, ba'zi masal-ertaklarida ananaviy shakldagi inqilobiy xarakter, ingliz jamiyati haqida g'iybatlar va izohlar qog'ozga o'ralgan iboralar berib borilgan. Xuddi shunday xarakterdagi she'riy usulda yozilgan va 1698 yilda e'lon qilingan bir nechta masallarni misol qilib ko'rsatish mumkin. Jumladan: "Epsomdagi Ezop", "Ezop Bate'da", "sifatli shaxs tomonidan" kabilar.

"Aesop-at" turkumidan tashqari, boshqa ko'p qirrali satirik va polemik afsonalar Angliyada XVIII asrning boshlarida paydo bo'lgan. Masalan, Swift 1712-1728 yillar oralig'ida, o'rgimchak va asalarilar haqidagi ertak misolida olib qaraladigan bo'lsa, bunday turdagi satiric masallarning juda ko'plariga mualliflik qilgan.

Biroq, ingliz masalnavisligi ham, Fransiya yoki Ispaniyada, Gratsiyaa bo'lgani kabi faqat amaldagi hukumatga qarshi protest bildirish quroli sifatida ishlatilmagan. XVI asrning eng yorqin fabulistlari va axloqshunoslari o'qitish va ma'rifatga erishish vositasi sifatida ushbu janr bilan shug'ullanishgan. Sir Rojer L'Estranjning ijodiy faoliyatidagi eng katta tarjima ishi "Ezop masallari to'plami" 1692 yilda nashrdan chiqqan bo'lishiga qaramay, bir necha yuz yilliklarda eng ko'p o'quvchilarni o'ziga jalb qilgan to'plam maqomini yo'qotmagan.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, Ezopik afsonalar mashhur adabiyotda muhim voqea hisoblanadi. Bu janr rivojlanishning turli bosqichlaridan o'tdi, chunki uning amaliy va tarbiyaviy ahamiyati boshidanoq tan olingan. Uning moslashuvchanligi, pedagogik o'lchami va asosan xabarlarini bilvosita va yoqimli tarzda yetkazish qobiliyati ko'pchilikni qiziqishga, o'qishga, moslashtirishga yoki hatto yangi ertaklarni yaratishga undadi. Dastlab, bu afsonalar lingvistik ta'limda foydalanish uchun ishlab chiqilgan va keyinchalik ular pedagogik va bir vaqtning o'zida adabiy xarakterga ega bo'lgan. Ko'p hollarda ular bilvosita ifoda va norozilik vositasiga aylangan. Masallarning paydo bo'lishi va moslanishi deyarli har bir davrda va mamlakatda qayd etilgan bo'lsada, bu Yevropaning (1687-1789) va zamonaviy yunon ma'rifatining (1750-1821) harakati bilan sezilarli darajada oshdi. Bu masallarning bosh g'oyasi odamni jaholat va xurofotdan ozod qilishga qaratilgan edi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G. Katsadoros. Aesopic Fables in the European and the Modern Greek Enlightenment. // Review of Europeans Studies (ilmiy maqolalar to'plami) 3(2). Canada. 2011. –B. 111
2. T. L. Noel. The rise and fall of a genre: theories of the fable in the eighteenth century. –Illinois universiteti –Urbana-Champaim. // Ph.D diss., -1971. –B. 23
3. T. L. Noel. The rise and fall of a genre: theories of the fable in the eighteenth century. –Illinois universiteti –Urbana-Champaim. // Ph.D diss., -1971. –B. 8
4. Ezop. Buyruqlar. Masallar. Biografiya, 2003 288 bet, ISBN 5-222-03491-7 Ushbu maqolani yozishda Brokhaus va Efron ensiklopedik lug'atidan (1890-1907) foydalanilgan.
5. Tarjimalar Seriyada: "To'plam Bude": Esope. Masallar. E. Chambry nomli matn. 5e tirage 2002. LIV, 324 p. Ruscha tarjimalar.


Words that have a very deep, wide-ranging, in fact unlimitedly expandable content can be symbols. The symbolic meaning of words may not match in different cultures. For example, the word "chorniy" is a symbol of mourning or some serious situation (dark days, sad thoughts) in many cultures. In the cultures of African peoples, the connotation of this word is completely different. I'm black! Othello does not say this in a negative tone, but with pride.

The symbols of the songs of different nations are also different: for example, in Russian songs, the symbol of a young man is a falcon, a dove, an oak; the symbol of the girl is a swan, pigeon, duck, birch, and raspberry. Withered flowers symbolize the love that has passed, a tarnished ring symbolizes the betrayal of a loved one, a burning thread symbolizes fading hope.

In Uzbek songs, the symbol of a boy is an eagle and a falcon, and the symbol of a girl is a flower; a flowing river, wind or small stream - a symbol of passing life; kakku is a symbol of loneliness; mist and reeds are symbols of longing and sadness [3].

It is known that the study of language units of different stages as integrated units of language and culture from the point of view of national-cultural content is the subject of linguistic and cultural studies. A high-order communicative language unit - the connection of the text with the culture, without a doubt, does not require separate proof. This relationship is related to the following factors. Any text is a result of socio-cultural situation [5]. Country, nature, people, its history, customs, traditions are the context, its broad background that determines the content and conceptual orientation of the text being created.

The text does not exist by itself at all. It is inevitably added to some (historically real or conditional) context. performs its function; reflects the direction of development of society; the text itself can become the context of one or another period.

Behind any text (except works of folk art) there is an author - a specific person, who is the result of his time and the owner of language and culture at the same time. Thus, oral and written creativity reflects not only the socio-cultural situation, but also the cultural space, conceptual sphere, and the language of the world created by the individual. The identity of the author is clearly visible in the text. At the same time, through the person of the author, the concept sphere, cognitive base (basic concepts, knowledge), lifestyle, history, traditions, and the culture of the people represented by this person are opened and acquire valuable characteristics. In any text, in its unique semantic and cultural space, language units at all levels have national-cultural specific lexicon and phraseology, proverbs and proverbs with national imagery and content, literary images and names, quotations from works that have become aphorisms. It is given by its unique national-cultural characteristics.

The author of the text, especially the author of the artistic text, refers to the language as a material, in which the results of centuries-old cognitive activity of man and the people in general have been gathered. Language structure <...> copies and copies a person's perception of relations in objective existence. The structure of language is the end of the act of knowing in a larger sense. The master of words refers to the collected material, the results of many centuries of human activity aimed at understanding life. Thus, the text is woven into the fabric of culture with threads of language.

With its tools, the language introduces into the text fragments of the worldview reinforced by the language in the mind of the language person, that is, the text is created by the context of the language and serves as its example (illustration). In addition, in the external plan, the text originated with the development of the culture of this period and reflects its ideas. <...> As a complete product, it is connected with culture and the matter that creates it. In addition, it is connected with the language code of the national-cultural community, and through it directly coordinates culture and nation as an understanding.

Thus, the integral connection of three main concepts is manifested, with which the text interacts as a unit of language and culture: man, language, culture. A person as a possessor of language and culture and as a user of texts appears as a connecting link between language and culture; culture exists in language and language in culture, first of all, in the human mind, and through the texts created by them, it becomes the property and wealth of other people.

Lexical units are studied both in their historical development and in the modern synchronous context. The semantic meanings of the mentioned terms are considered in the context of the translation paradigm. The material of the study was a survey of informants - residents of these regions, as well as mono- and bilingual academic dictionaries.

References


1. Nafisa Zayniddinova, T. (2022). Lexico-Semantic Word Production as a Way of Forming Theater Terminology of the English Language. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 144-150.
2. Davlatova, M. H. (2019). Variability of Aspectual Meanings in English. *European Journal of Research and Reflection in Educational Science*, 7(12.2019), 778-780.
3. Abduraximovna, I. M. (2022). LANGUAGE AND CULTURE AS MEANS OF EXPRESSING THE WORLD VIEW. *International Journal Of Literature And Languages*, 2(11), 28-34.
4. Мухайё Хасановна Давлатова. The Expression of resultative and depictive constructions in English and Uzbek languages. *Международной журнал искусство слова*, 2021.
5. Rashidovna, K. S. . (2022). The Role of Translation and its Future Perspectives. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(9), 186–191. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajshr/article/view/1508>
6. Hasanovna, D. M. (2022). Aspectual and lexical-semantic classification of verbs. *JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 8 (2), 116–121.
7. Hasanovna, D. M. (2021). Semantic Implementation of resultative structures. *novateur publications JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*.
8. Obidovna, D. Z. (2022). THE MAIN CONCEPTS OF POLITENESS IN MODERN LINGUOPRAGMATICS: THE POLITENESS PRINCIPLE BY J. LEECH. *International Journal of Pedagogics*, 2(11), 15-20.
9. Davlatova Mukhayyo Hasanovna. (2021). Different aspects of resultative structures according to their linguistic essence. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 475–479. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/D4T8J>.
10. Мухайё Хасановна Давлатова. The Expression of resultative and depictive constructions in English and Uzbek languages. *Международной журнал искусство слова*, 2021.



М.А.Абдувалиев,

Профессор, Андижон давлат чет тиллари институти
Muhammadjonabduvaliev@gmail.com

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТЎСИҚСИЗЛИК КОНЦЕПТИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақола инглиз тилида ички ва ташқи оламдаги мавжуд универсал тўсиқсизлик муносабатлари, улар билан боғлиқ концептуал семаларни воқелантирувчи лексик бирликлар, уларнинг дериватлари, тузилиши билан боғлиқ қатор масалалар тадқиқига бағишланган. Шунингдек, тўсиқсизлик семантикасини имплицит ва эксплицит равишда ифода топиш имкониятлари от, сифат, равиш, феъл каби сўз лексемалар мисолида очиб берилади. Лексемалараро систем муносабатлар, хусусан синонимик, омонимик ва антонимик муносабатлар, парадигматик ва синтагматик планда тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: концепт, тўсиқсизлик концепти, имплицит, эксплицит, сўз-репрезентант, дериват, сема, лексик бирликлар, аналитик шакл, модел, моносемант, полисемант, вербализатор, семик таҳлил, омоним сўзлар, синоним сўзлар, антоним сўзлар.

Абдувалиев М.А.,

Профессор
Андижанского государственного института иностранных языков
Muhammadjonabduvaliev@gmail.com

ЛЕКСИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ, ВЕРБАЛИЗУЮЩИЕ ПОНЯТИЕ УСТУПКИ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению лексических единиц и их дериватов, которые вербализуют уступительные отношения и концептуальной семантики, а также ряд других вопросов, непосредственно связанных с исследуемой темой в английском языке. В статье рассматриваются системные отношения слов-репрезентантов, именно синонимические, омонимические и антонимические отношения, в плане парадигматики и синтагматики.

Ключевые слова: концепт, концепт уступительности, имплицит, эксплицит, слово-репрезентант, дериват, сема, лексические единицы, аналитическая форма, модел, моносемант, полисемант, вербализатор, семный анализ, омонимичные слово, синонимичные слово, антонимичные слова.

M.A. Abduvaliev,

Professor, Andijon State Institute of Foreign Languages
Muhammadjonabduvaliev@gmail.com

LEXICAL UNITS VERBALIZING THE CONCEPT OF CONCESSION IN ENGLISH

ANNOTATION

The article is devoted to the study of the lexical units and their derivatives that verbalize concessive relations existing in the inner and outer world, semantics and a number of issues that directly connected with the topic in English. The article deals with implicit and explicit ways of expression in the example of noun, adjective, adverb, verb word-representants. System relations, in particular synonymic, homonymic and antonymic relations of the nominative lexemes, are analyzed in the paradigmatic and syntagmatic plans.

Key words: concept, concept of concession, implicit, explicit, word-representant, derivatives, seme, lexical units, analytical form, model, monosemant, polysemant, verbalizer, semic analysis, homonym words, synonym words, antonym words.

Тўсиқсизлик концептини объективлаштирувчи лисоний репрезентантлар морфемадан бошлаб матнгача бўлган турли тил сатҳларига мансуб содда ва мураккаб таркибли дискрет бирликлар эканлиги, улар биргаликда яхлит системани ташкиллаши ва ўзаро муносабатда бўлиши аввалги бобларда далиллаб берилди. Бу ҳол тўсиқсизлик концептининг барча ифода воситалари макросистемани, унинг таркибига кирувчи морфологик, лексик, синтактик сатҳларнинг ҳар бири унинг микросистемалари деб аташга асос бўлади деб ўйлаймиз. Бундай ўзаро мураккаб муносабатлар ва ички алоқалар тизимида лексик сатҳ ва унинг таянч ва марказий бирлиги бўлмиш лексема асосий халқа вазифасини бажаради. Шу боис, тўсиқсизлик концепти ифода воситалари тизимида лексик сатҳ ва унинг бирликлари ўрнини очиб бериш, лексик бирликларнинг семантик, парадигматик ва синтагматик, нутқий услубий каби жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда чоғиштирма лингвистика олдида турган асосий масалалардан биридир.

Ташқи ва ички оламдаги тўсиқсизлик муносабатлари дастлаб лексик сатҳ бирлиги лексема (жонли нутқда сўз) орқали ўз номинациясига эга бўлган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, таҳлиллар тўсиқсизлик концепти унинг номини тўғридан-тўғри ифодаловчи сўз - репрезентант ёки унга тенг мақомга эга синонимлар орқали эмас, балки ясама таркибли лексемалар орқали ифодаланганлигига гувоҳ бўлдиқ. Масалан, ушбу концепт инглиз тилида *concession*, ўзбек тилида тўсиқсизлик, монесизлик, рус тилида *уступительность*, *уступка* деб ном олган. А.С.Хорнбининг “Oxford Advanced Learners’ Dictionary of Current English” номли луғатида *concession* от лексемасининг куйидаги 5 маънолари қайд этилган: 1) сиз руҳсат берган нарса ёки иш, баҳсга ёки маълум вазиятдаги қийинчилик камроқ бўлишига барҳам бериш мақсади (*The firm will be forced to make concessions if it wants to avoid a strike*); 2) бирон нарсани бериш ёки ёки бирон нарсага руҳсат бериш ҳатти-ҳаракати, ён бериш (*the concession of university status to some colleges*); 3) тўланиши керак бўлган пул миқдорини қисқартириш; маълум кишилар гуруҳига чиптани чегирма нархларда сотиш (*Tickets are & 3; There is a & 1 concession for students*); 4) давлат ёки иш берувчи томонидан кишилар гуруҳи, ташкилотга берилган ҳуқуқ ёки имтиёз (*The Bolivian government has granted logging concessions covering 22 million hectares*); 5) (хусусан инглиз тилининг америка вариантыда) маълум жойдаги бирон нарсани сотиш ҳуқуқи; сиз сотадиган жой, баъзан каттароқ бино ёки омборнинг бир қисми бўлган майдон (*They went to the concession stand to get a hot dog*).

Вебстернинг учинчи халқаро луғатида **concession** лексемаси куйидаги талқинларга эга: 1. а. ён бериш ҳатти-ҳаракати, мисоли ёки босим, шикоят, талаб ёки илтимосга кўра кечиш, баҳридан ўтиш (*At my age I’ll make no concession to style*); б. Мунозара, баҳсда илгари сурилган талабни қабул қилиш; айниқса: баҳсли масалага ўзи хоҳлаб кўнмоқ: 2. Руҳсат берилган, кечиб берилган нарса: ниманидир олиш учун берилган тилхат, руҳсат (ижозат) бериш: мурувват,

ҳадя, тортик: а: давлат томонидан кўрсатилган хизматлар ёки фойдаланиш учун тортик этилган ер ёки бошқа мулк, хусусан хитой битимларида порт ёки бошқа савдо марказини хорижий давлатга дахлсизлиги ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат; б: одатда махсус фаолиятлар орқали фойда топиш ҳуқуқи (*a concession to build a canal*); в: бино ва иншоотлар ёки уларнинг маълум фаолиятлар юритиш учун ажратилган, ижарага берилган қисми (*It was reported that some of the concessions at the fair were not honest*); г: маҳсулотларнинг бугунги кундаги нархларини қискариши (*price concession*) [WTNID, 1993: 470].

А.Мадвалиев таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тўсиқ (от); тўсиқли (сифат), тўсиқлик (от) лексемалари қаторида тўсиқсиз (сифат) лексемасининг тўсилмаган, очик ва ҳеч қандай қаршиликсиз, монесиз маънолари ўз аксини топган бўлса, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведоваларнинг “Толковый словарь русского языка” изоҳли луғатида уступительный (сифат), **-ая, -ое**. Грамматикада: мавжуд шартларни бирон бир нарсага, бирон бир нарсага шартларни мос тушмаслигини ифодалайди. Тўсиқсизлик муносабатлари. Тўсиқсизлик боғловчиси. Тўсиқсиз эргаш гап. // Уступительность (от), тўсиқсизлик; уступить, **-уплю, -упишь, -упленный**; 1. Кимгадир ниманидир. Кимнингдир фойдасига ўзи хоҳлаб рад этмоқ. Уступить место (жой бермоқ). **Уступить дорогу** (ўзини четга олмоқ); шунингдек, кўчма маънода) *Уступить свои позиции* (кўчма: **отступить** (чекинмоқ маъносида)); 2. Кимгадир нимададир бирон киши, бирон нарсага рози бўлмоқ, итоат қилмоқ. *Уступить в споре* (баҳсли ҳолатларда ён бермоқ). 3. Кимгадир нимададир, кимдандир нимадандир бирон бир муносабатда паст келмоқ. *Он никому не уступит в храбрости*; 4. Кимгадир ниманидир сотмоқ ёки сотаётиб арзонга бермоқ (сўзл.). *Дешево уступить вещь*; **уступка, -и**, ж.1. **уступить** га қаранг; 2. Бирон кишининг фойдасига бирон нарсадан воз кечмоқ. *Пойти на уступку*. 3. Кўчма мураса, ён берувчи қарор; бирон нарсада кучсизланиш: *Никаких уступок против своих убеждений*. 4. Белгиланган нархлардан чегириш (сўзл.). *Продать с уступкой, уступчивый, -ая, -ое; -ив* ж. эгилувчанлик, букилувчанлик каби маънолари қайд этилган.

Юқоридаги ҳол ўзбек тилида тўсиқсизлик лексемаси мавжуд эмас ёки у муносем лексема деган фикрни англатмайди. Ўзбек тили материаллари таҳлилига таянган ҳолда тўсиқсизлик лексемаси куйидаги интеграл ва дифференциал семалар йиғиндисидан иборат деб ўйлаймиз: 1) ён бериш (кўниш, рози бўлиш) ҳатти-ҳаракати ёки ҳолати; 2) бирон иш ҳаракатни бажаришга ёки маълум ҳолатга тушишга руҳсат (изн) бериш; 3) бирон нарсадан воз кечиш, баҳридан ўтиш (хоҳлаб ёки талаб ва истакларга кўра); 4) тўсилмаганлик, очиклик (ҳовли, йўл ва бошқалар); 5) монесизлик, қаршилик қилмаслик, тўсқин бўлмаслик; 6) баҳсли масалаларда паст келиш, мураса; 7) кимдир бирон нарсага эгалик қилишига руҳсат бериш; 8) ўйин, сайлов ва бошқаларда ютқазганлигини тан олиш, енгилиш; 9) чегирма билан сотиш, белгиланган нархни ўтиб бериш.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, тўсиқсизлик концептининг айна пайтдаги лисоний манзараси, номинацияси ички ва ташқи оламдаги предмет ва ҳодисалар ўртасида кузатиладиган муносабатларни номлаш баробарида, бундай муносабатлар орасидаги дифференциал семаларни ҳам воқелантириб келади. Ушбу номаема семалари маълум мулоқот контекстлари ва нутқий вазиятларда реаллашади. Концептнинг юқорида санаб ўтилган семалари ўз ифодасини имплицит тарзда топганлиги уни тушунишда нафақат семантик, балки мантиқий когнитив таҳлилларга ҳам таяниб иш кўришни тақозо этади. Чоғиштирилаётган тилларда туб лексемаларнинг тўсиқсизлик концепти номинациясидаги улуши нисбатан паст даражадалигини кўрсатди. Булар асосан от, сифат, феъл, равиш сўз туркумларига мансуб лексемалардир: **yield** (от), **yield** (феъл), **concede** (феъл), **ever** (at any time), **any** (сифат), **any** (олмош), **any** (равиш), **allow** (феъл), **ҳамма** (олмош), **ҳар** (белгилаш олмоши), **ҳарна** (белгилиш олмоши) ва бошқалар. Феъл сўз туркумига мансуб *to concede* полисемант лексема бўлиб, у куйидаги семаларга эга: 1. Бирон нарса ҳақиқий эканлиги, мантиққа тўғри келишини тан олиш, қабул қилиш; *He reluctantly conceded me the point; He was forced to concede that there might be difficulties*; 2. Бирон нарсани хоҳламай бериб юбормоқ; кимдир бирон нарсага эга бўлишига руҳсат (изн) бермоқ; *President was obliged to concede power to the army*; 3. Ўйин, сайлов ва бошқаларда ютқазгани (мағлубияти)ни тан олмоқ: *After losing this decisive battle, the*

general was forced to concede [OALD, 2000: 252]. Мазкур лексеманинг биринчи маъноси феъл орқали намоён бўлиб у чап ва ўнг томондан равиш, от лексемалар ёки *that* боғловчили ёки усиз келган тўлдирувчи эргаш гап билан синтагматик муносабатга киришади. Ушбу муносабат куйидаги моделларда намоён бўлади: **V, Adv.+V; V+Adv.; V+that+S, V+N, V+N+N**. Феъл лексеманинг иккинчи семаси **V+N, V+N+N**, учинчи семаси **V** ва **VN** моделлари орқали объективлашганлигини кузатиш мумкин. **To concede concession, conceding от, conceded** сифат дериватларига эга. Ушбу туркумга мансуб яна бир феъл лексема *to admit* бўлиб у бешта семани ўз ичига олади: 1. Бирон нарса ҳақиқат эканлигига (одатда хоҳламасдан) рози бўлмоқ, кўнмоқ: *She admits to being strict with her children; Don't be afraid to admit to your mistakes*; 2. Айбига иқроор бўлмоқ, яъни қилган иши нотўғри ёки ғайриқонуний эканлигини айтмоқ: *She admitted theft*; 3. Кимгадир, нимагадир бирон жойга киришга ёки кўшилишга руҳсат бермоқ: *It will not be admitted to the theatre after the performance has started*; 4. Кимгадир клуб, мактаб ёки бирон ташкилотга аъзо бўлишига руҳсат бермоқ: *The society admits all US citizens over 21*; 5. Касалхона ёки инсонларга ғамхурлик кўрсатадиган муассасага қабул қилмоқ: *Two crash victims were admitted to the local hospital*.

Мазкур полисемант феъл лексема **to confess** феъли билан биринчи ва иккинчи маъноларига кўра синонимлик муносабатида бўлса, учинчи, тўртинчи маъноларига кўра **to allow, to permit** билан, бешинчи маъносига кўра эса **to take** феъли билан синонимлик муносабатида киришади. Унинг маънолари куйидаги таянч моделлар асосида лисоний манзара касб этади: **V-ing, VN, V+that +S, VN+to inf, V+to N, V+to V-ing+N**.

To admit феъли **admission, admissibility, admissability, admittance, admission day, admitted asset, admitted company, admittatur от, admitted, admissible (admissible), inadmissible, admitting** сифат, **admittedly** равиш лексема дериватларига эга бўлиб улар ушбу феъл мазмун мундарижасидан ўрин олган семаларга бевосита алоқадор бўлиш баробарида хусусий семаларга ҳам эга эканликлари аниқланди. Масалан, **admitted asset** кўшма ясама от суғурта компаниясининг молиявий аҳволини аниқлашда ҳисобга олиниши керак бўлган давлат томонидан суғуртачи эгалик қилиши руҳсат этилган ҳар қандай мол-мулк бўйича тартиб қоидалар маъносида, **admitted company** қонунларга амал қилувчи, маълум давлат ёки мамлакат ичида бизнес трансакция қилишга масъул бўлган компания маъносида, **admittatur** от лексемаси коллеж ёки университет томонидан ўқишга қабул қилинганлиги ҳақидаги расмий сертификат маъносида, **admission** эса бирон ташкилот ёки лавозимга қабул қилиш, **admissibility** эса кириш учун тўланадиган пул, **admission day** бирон бир штатни Кўшма Штатлар таркибига кирганлигини нишонланадиган кун каби хусусий маъноларга эга. Асимметрия, яъни синонимия, антонимия ҳодисалари дериватлар ўртасида ҳам кузатилди: **admission=admittance=admissibility** (бино ёки муассасага кириш ҳуқуқи маъносида), **admissible (admissible) = admissive = admitting** (киришга руҳсат берувчи маъносида), **inadmissible=inadmissible** сифат лексемалари билан синонимлик муносабатида киришуви аниқланди.

Энди тўсиқсизлик семантикаси имплицит тарзда ўз ифодасини топган *to confess* полисемант феъл лексемаси ва унинг дериватларини семик ва структур таҳлиliga юзланамиз. **To confess** феъли расман ёки полицияга ёмон, ғайриқонуний иш қилганлигига иқроор бўлиш, қилган ишидан уялиш ёки ҳижолат бўлиш, қилган ёмон ишларидан пушаймон эканлигини Аллоҳ ёки Поппа иқроор бўлиш ва кечиришларини сўраш (хусусан католик черковида); гуноҳларига иқроор бўлган кишини тинглаш (Поп) [Hornby, 2000: 256]. Вебстернинг учинчи янги халқаро луғатида ушбу феълнинг бош маъноси этиб шахсий, сирли, ўзига зиён етказувчи бирон нарсани айтмоқ ёки ошкор этмоқ, эътиқод қилиш, бирон сабабга кўра содир бўлган оқибатни очиб ташлаш, ошкор этиш каби маънолари ҳам мавжуд. Ушбу қаторга *to confess* феълнинг эътиқод (амал, риоя) қилмоқ маъносини ҳам кўшиб кўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: *Muslims confess Koran rules; He confessed his debt, many of the church goes and confessed christians are grossly ignorant of the chief doctrines of their faith; After hours of questioning the suspect confessed*. Санаб ўтилган маънолар **V, V+to+N, V+to+V-ing+N, V+that+S, V+N+Adj., VN** моделларда лисоний тус олади. **Confession, confessor, confessant, confess,**

confessio, confessional, confessionalism, confession and avoidance, confessionalary, confessarius от, **confessional, confessionalary** сифат, **confessedly, confessingly** равиш дериватларига эга бўлиб улар битта ўзак таркибли сўз, битта қўшма сўз ва қолганлари содда ясама таркибли лексемалардир. Улар қуйидаги моделларга эга: **N, N+suf=N, N+suf=Adj., V+suf+suf+suf=N, N+conj.+N=N, N+suf+suf=Adv.**

Ушбу лексик-семантик гуруҳда **confess** тан олмоқ, бўйнига олмоқ маъносида **acknowledge** феъли билан, **coffessant** ва **confessor, confession** ва **acknowledgment, confessedly** ва **confessingly, admittedly, avowedly** ўзаро маънодош лексемалар, **confessional** (от) ва **confessional** (сифат), **confessionalary** (сифат) ва **confessionalary** (от), **confess** (феъл), **confess** (от) эса омоним лексемалардир.

Юқорида санаб ўтилган **confession, confessant, confessor, confessional, confessionalism, confession of faith** каби дериватларнинг семик таҳлили улар дин нутқий услубига хос эканлигини кўрсатди. Масалан, **confess** феъл лексемаси гуноҳларини кечириш учун Худо ёки Попага тан олиб айтмоқ; гуноҳ юкини тан олиш орқали енгиллатмоқ, тавбасини қабул қилмоқ (Поп), эътиқодини тан олмоқ, айбларига иқрор бўлишни тингламоқ; **confessant** от лексемаси тавба қилувчи сиғинувчи киши, **confessarius** гуноҳларига тавба қилишни эшитувчи киши, **confessional** истиффор келтириладиган (тавба қилиб сиғинадиган) жой (католиклар черковида), **confessor** тавбани қабул қилувчи руҳоний, **confession** гуноҳларини, айбларини кечиришни сўраб руҳонийга ошкор қилиш каби маъноларда диний матнлар ва дин пешволари нутқида кўп учрайди. Бундай матнларда **to confess** ва унинг дериватлари ижобий коннотацияга эга бўлади. Шуниси қизиқарлики, **confess** от лексемаси ноодатий равишда иқрорлик эмас, балки Англия қишлоқларида олти киши учун мўлжалланган рақс турини ифода этади.

Феъл лексик семантик гуруҳига мансуб яна бир полисемант феъл **to allow** бўлиб, у ўзининг 3 ва 4 а.б. семалари, яъни тўғри деб ҳисобламоқ, **to permit** (ён бериш билан руҳсат бериш, йўл қўймоқ); б. эътиборсизлик туфайли қаровсиз ҳолатга туширмоқ маъноларига эга. **To allow** бу ҳолларда **to permit, to let, to admit, to concede, to acknowledge** феъллари билан синонимлик мақомида бўлади: *He allowed an hour for lunch* [WTNID, 1993: 58]; *Pulled to the side to allow us to pass* [WTNID, 1993: 58]; *No smoking allowed* [WTNID, 1993: 58]; *Allow a garden to become overgrown with weeds* [WTNID, 1993: 58]. Феълнинг бош маъноси мақтамоқ, маъқулламоқ, қабул қилмоқ бўлиб бу маънолар эскирган ҳисобланади: *Truly ye bear witness that ye allow the deeds of your fathers* [WTNID, 1993: 58]. Ушбу феъл диалектал маънога ҳам эга бўлиб у фикрда бўлмоқ, ўйламоқ, режа қилмоқ маъноларини англатади. Бундай маънолар таркибида тўсиқсизлик семаси кузатилмайди: *We allowed it was too late to start; I allowed to go fishing tomorrow* [WTNID, 1993: 58]. Шуниси қизиқарлики, ўтимсиз феъл сифатида **to allow** имкон бермоқ, имконият ёки асос билан таъминламоқ маъноларида ён бериш (тўсиқсизлик) маъносини касб этади: *Evidence that allows of only one conclusion.*

To allow, to permit ва **to let** феъллари коннотацияси ва қўлланиш қўламларига кўра турлича мақом касб этадилар. Масалан, **to allow, to let** га нисбатан расмийроқ мақомга эга бўлиб у ёзувда кўп қўлланади, **to let** эса сўзлашув нутқида хос бўлиб унга синоним феъллар орасида доминантлик хусусиятига эга. **To permit** расмий ва техникага оид ёзма матнларда кўп қўлланилиши кузатилди: *Let James sit there; Some parents allow their children to do whatever they like; Photography is not permitted in the gallery* [OALD, 2000: 31]. Ушбу феъл лексема қатор от, сифат, равиш сўз туркумларига мансуб дериватларга эга: **allowability, allowableness** (от. руҳсат, ён берса бўладиган сифат ёки ҳолат), **allowable** (от. нефт кудуғидан хоҳлаган кунда нефт кудуғи операторига қонун билан руҳсат этилган миқдор), **allowance** (от. маъқуллаш, қувватлаш, руҳсат этилган нарса, улуш, грант мусобақадошларга тенглашиб олиш имкони берилган ён бериш, имтиёз; руҳсат бериш (permission) акти); **allowable** (сифат. мақтовга лойиқ, руҳсат берса бўладиган (қонунга зид эмас); **allowably** (равиш. руҳсат этилган тарзда), **allowedly** (равиш. қабул қилинган ҳолда), **allowance** (феъл. озиқ овқат, ичимлик устидан қатъий меъёрни белгилаб қўймоқ: *The captain allowed his crew*), чегараланган миқдорда таъминламоқ; **Allowed** (сифат. физикада танлов тамойилларига мувофиқ (permitted)), **allowance account** (от. захира, ҳисоб).

Тахлиллар **allowance** (от), **allowance** (фeъл), **allowable** (от), **allowable** (сифат), **allowableness** омоним лексемалар эканлигини кўрсатди. Икки ўзакдан ташкил топган **allowed time** от лексемаси (Adj+N=N) икки маъноли бўлиб унинг биринчи маъноси саноатда ишлайдиган моторларнинг стандарт вақти, иккинчи маъноси иш вақтида ишчига шахсий эҳтиёжлари учун руҳсат этилган вақтдир. Айнан шу маънода **allowed time time allowance** билан синонимдир.

To allow феълнинг унга қўшнги сўзлар билан қовушиб келиш моделлари куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз: **V+N+to inf**; **V+V-ing**; **V+N+N**; **V+N+Adv.**; **V+N+prep.+ N**; **V+that+S**; **V+prep.+N**.

Тўсиқсизликни имплицит тарзда ифода этувчи яна бир феъл лексема **to let** бўлиб, Вебстер луғатида унинг 8 та, А.С.Хорнби луғатида эса 11 та маъноси фарқланган. Семик тахлиллар асосида ушбу феъл маъноларида тўсиқсизлик яширин тарзда мавжудлиги аниқланди. Булар: бирон кишига бирон нарса қилишга руҳсат бермоқ, бирон нарса содир бўлишига, уни тўхтатишга ҳаракат қилмай йўл қўйиб бермоқ: *Let your body relax* [OALD, 2000: 737]; кимгадир бирон иш қилишга изн бермоқ: *They won't let him leave the country*; 3. Бирон киши / нарсани бирон жойга боришига руҳсат бермоқ: *I'll give you a key so that you can let yourself in* [OALD, 2000: 737]. Семик тахлиллар тўсиқсизлик семаси баробарида ёрдам таклиф қилиш (*Here, let me do it*), илтимос қилиш (*Let me have your report by Friday*), даъват қилиш (бирор кишини бирор нарса қилишидан кўркмаслик ёки ташвишга тушмаслик) (*If he thinks he can cheat me, just let him try!*) [OALD, 2000: 737], бирон нарса содир бўлишига кучли истак билдириш (*Let her come home safely!*), техника соҳасидаги ҳисоб-китобларда бирор нарсани тўғри деб топиш (*Let line AB be equal to line CD*), уй, хонадонни фойдаланиш учун ижарага бермоқ (*I let the spare room*) [OALD, 2000: 737]. Семик тахлил **to let to allow** феъли билан 1, 2, 3, 5, 6, 9, 11 маъноларида ўзаро синоним, 4, 7, 8 ва 10 маъноларида синоним бўла олмаслигини кўрсатди. Масадан қиёсланг:

I let him (руҳсат бериш) ↔ **I allowed him** (руҳсат бериш)

Let her come home safely! (тилак) ↔ *Allow her come home safely* (руҳсат сўраш)

Уйига эсон-омон келиб олсин! Уйига эсон-омон келиб олишига ижозат беринг.

If he wants to cheat me, just let him try! (даъват) ↔ *If he wants to cheat me, just* Мабодо у мени алдамоқчи бўлаётган бўлса, *allow him* (руҳсат сўраш).

бир уриниб кўрсинчи!

Мабодо у мени алдамоқчи

бўлаётган бўлса, уриниб кўришга руҳсат беринг.

To let феълнинг маънолари куйидаги моделларда объективлашади: **V+N+inf.**, **V+N+prep.+to +N**, **V+N**. Мазкур феъл **let-down** (ўт. кўнгил совиши), **let out** (от. бирон нарса қилишдан тўхтатувчи, йўл қўймайдиган воқеа ёки ҳабар), **let down** (феъл. секин аста пастлашга имкон бермоқ), **let down** (от. депрессия манбаи ёки кайфият), **letdown** (сифат. тушкунликка тушган) каби омоним дериватларга эга.

Ever равиш лексемаси уч маъноли бўлиб, у ҳар вақт, доим, абадий, мунтазам равишда, ҳар қачон маъноларига эга ва у **always, constantly, continuously, at any time, on any occasion, at any period or point of time, in any way, by any chance** кабилар билан маънодошдир: *He is ever making the same mistake*. Ушбу равиш сўз турли ўзак сўзлар билан қўшилиб турли маъноларни ифода этади. Масалан, **evergreen** (ҳамиша яшил, доим кўм-кўк, доим яшил ўсимлик), **evergrowing** (сифат) доимо (ҳамма вақт, ҳар доим, ҳамиша) ўсадиган, **everlasting** (от) абадийлик, боқийлик, мангулик, **evermore** (равиш) умрбод, мангу, **ever present** (сифат) ҳар ерда ҳозир-нозир, **everbloomer** (от) доим гуллаб турадиган ўсимлик, **everduring** (сифат. эски) абадий, боқий, **everbloming cherry** (от) авлиёлар гилоси, **evergreen grass** (от) баланд бўйли сули ўти, **everlastingly** (равиш) абадий, умрбод (*His name will be everlastingly remembered*), **everlastingness** (от) мангулик, боқийлик, **everly** (равиш) мунтазам равишда.

Ясама таркибли сўз номинатлар ҳақида гап кетганда **immeasurable, immeasured, undying, immortal, unending, boundless, illimitable, illimited, invincible, bottomless, indivisible, unlimited, unbreakable, invisible, imperishable, unconquerable, undyingness, immortalizer, unendingness, measurelessness, illimitedness, invisibility, invincibility,**

indivisbleness, unbreakableness, inaccessibility, unlimitedness, imperishableness, immortally, eternally, everlastingly, invincibly, bottomlessly, undyingly, endlessly, unendingly каби ясама таркибли ва **noiseproof, soundproof, waterproof** (сифат), **waterproof** (от), **waterproof** (фёъл), **bulletproof, evergreen** (сифат), **evergreen** (от), **everbloomer, evermor** каби кўшма ва кўшма ясама лексемалар тўсиқсизлик семантикаси ифодасида муҳим ўрин тутишлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда уларнинг таҳлилига юзланамиз.

Ясама таркибли **immortalise** (амер. immortalize) фёъл лексемаси кимнидир, ниманидир келажакда унутиб юборилмаслиги учун адабиётларда гапириб ўтиш, улар ҳақида фильмлар яратиш, портретлар чизиш маъносида қўлланади: *The poet fell in love with her and immortalized her in his verse.* **Immortal** (сифат. ўлмас, абадий, мангу) **mortal** сўзининг зидди бўлиб, у абадий яшайдиган ва доим ёдда тутиладиган машҳур маъноларига эга: *The soul is immortal; The immortal Goethe.* Ушбу сифат лексема **immortal** от лексемаси билан омонимлик муносабатида бўлади. **Immortal** от лексемаси мангуликка даҳлдор машҳур киши ва мангу яшайдиган Худо ёки бошқа нарса маъноларига эга: *She is one of the Holliwood immortals.* Ушбу дериватлар сўз ясовчи префикс **im-** ва фёъл ясовчи суффикс **-ize**, от ва сифат ясовчи **im-** ва **-al**, от ясовчи **im-** ва **-ity** ёрдамида ясалган бўлиб, бундай таркибли сўз лексемалар маъносига зид маъно англатган префикс тўсиқсизликни ифода этган. Буни куйидаги моделларда тасвирлаш мумкин: **Pref.+N+suf.**, аниқроғи **im-+N+ize, im+adj.+al, im+adj.+suf.**

Immortal сифат лексемаси **undying, eternal, perpetual, immortality** эса **undyingness** синонимларига эгалар. **Unending, unended** ва **endless** сифат лексемалар ўзаро маънодош бўлиб, улар **un-** префиксини фёълнинг сифатдош I ва II шакллари бошига, **end** (от) га **-less** сифат ясовчи суффиксни кўшиш орқали ясаиб уларнинг чеки йўқ, туганмас, чексиз, бепоён, беадад маъноларида тўсиқсизлик семаси имплицит тарзда ўз ифодасини топганини кузатиш мумкин. Шуниси кизиқки, **unending** боқий, ўлмас, мангу маъноларида келганда **undying** ва **eternal** сифат лексемалари билан синонимлик муносабатида бўлади. Қиёсланг: *unending love = undying love = eternal love.*

Инглиз тилидаги яна бир равиш лексема **unendingly everlastingly** равиши билан чексиз тарзда, туганмас равишда маноларига кўра синонимдир. Бу равишлар фёъл билан бирикадиган детерминантлардир. Боқийлик, мангулик, чексизлик маънолари **unendingness** от лексемасида ўз ифодасини топган. Улар куйидаги таянч моделлар асосида юзага келадилар: **pref.neg+V-ing, pref.neg+V-ed, pref.neg+Ving+suf., pref.neg+Ving+suf.** Сўнгги икки моделлар омомоделлар бўлиб, улар аниқ нутқий ва лисоний вазиятларда қайси туркумга мансублиги ойдинлашади.

Boundless сифат лексемаси чексиз, чегарасиз, бепоён, беҳад, беқиёс, улкан, жуда катта маъноларига эга бўлиб, унинг синонимлари **immeasurable, measureless, immensurable, illimitable, unlimited, illimitate** (сифат. эски) дир. Бу маънолар макон, само (фалак) ёки инсон ички кечинмаларининг ёки ҳажм миқдор, сон, даража, куч-қувват, аҳамиятнинг ўта катта, юқори эканлиги, чек-чегараси йўқлигини англатиб келади. Қиёсланг: **Boundless ocean, boundless joy, boundless optimism.** **Boundless boundlessly** равиш ва **boundlessness** дериватларига эга. Ушбу ясама сўз ва унинг дериватлари **N+suf=adj., N+suf+suf=adv., N+suf+suf=N** моделларига эга. Шунингдек, **boundlessly** ва **illimitedly** (равиш. эски), **immitably, boundlessness, illimitedness, (от. эски), unlimitedness, illimitedness** ўзаро маънодошдир.

Imperishable сифат-лексемасининг маъноси **perishable** сўзига маъносига зид бўлиб, у **im-/in+** perishable (маъноси йўқ бўлиб кетадиган, ўткинчи, бебақо) қовушуви асосида ясалган. Бундай қовушув тўсиқсизлик семасини юзага келтирган ва куйидаги маъноларни касб этган: бузилмас, бузилмайдиган, мустаҳкам, абадий, азалий ва мангу. У **imperishable** (от), **imperishableness, imperishability** (мустаҳкам, маҳкамлик, абадийлик, азалийлик, мангулик, доимийлик), **imperishable** (равиш. мустаҳкам тарзда, азалий ҳолда) каби дериватларига эга. Сифат лексема маъносида ясама таркибли **imperishable** сўзи расмий ва бадий нутқ услубларига хосланган бўлиб, у **undestructible, enduring, enduring** (чидамли, пишиқ, пухта, бардошли, сабр-тоқатли; узоқ давом этадиган маъноларига эга) сўзларига маънодошлиги аниқланди: Масалан, **imperishable monument, undestructible monument.** У бардошли, сабр-

тоқатли маънолари умумийлигига кўра *bearable, tolerable* билан синонимлик муносабатида бўлади. Унинг бардошлилик, чидамлилиқ маъноси **imperishability** ва **endurableness** орқали объективлашади. Шу билан боғлиқ равишда *to endure* полисемант феъли бир хил ҳолда **давом этмок, рухсат бермок** (*allow, permit*), маъноларига эга: *Laws that have endured for centuries a poem that will not endure a facile interpretation* [WTNID 1993:750]. Яна бир дериват **endure** (от) бўлиб, у чидамли, сабрли, бардошли киши маъносини англатади, **enduringly** равиши мунтазам равишда, доимий тарзда маънолари асосида **lastingly, permanently** равишлари билан маънодошлиқ касб этади.

Imperishable, endurable ва бошқа дериватлар қуйидагича марфологик, таркибга эга бўлишини кузатдик, яъни **Pref. im+V+suf, pref. im +Adj+suf., pref. im+Adj.+suf., V-ing, Adj+suf., V+suf.**

Инглиз тилидаги *invincible* сифат сўзи *unconquerable, undefeated, unbeatable* синонимларига эга бўлиб, улар **енгилмас, мағлуб бўлмайдиган, забт этиб бўлмас** (енгиб бўлмас) маъноларида умумийлик касб этадилар. Шуниси қизиқки, тўсиқсизлик семаси ўзак сўзлар ифода этган маънолар зиддини ҳосил қилувчи инкор **in-** ва **un-** пркфиксларини қўшиш орқали ҳосил бўлмоқда. Тўсиқсизлик семантикасига эга яна бир сифат-лексема **invincible** ғалаба қозониб бўлмайдиган, бўйсунмайдиган, енгил бўлмайдиган, қучли, зўр; назорат қилишга ожиз инсон каби маъноларга эга. Ушбу ясама таркибли сўз **unbeatable, unconquerable** лар билан маънодошдир. У от мақомидаги 2 та (*invicibility, invincibleness*) ва битта равиш (*invincibly*) дериватларига эга. Сифат лексема **invincible** от лексема **invincible** (енгилмас одам) билан омонимлик муносабатида эга.

Invincible (сифат)нинг зидди **vincible** (енгса бўладиган, забт этса бўладиган) дир. Қиёсланг **invincible army – vincible army** енгилмас қўшин, енгса бўладиган қўшин. Юқоридаги дериватларнинг таянч модаллари **Pref. in+Adj.=Adj.; Pref. in+Adj.+suf=N; Pref. in+Adj.+suf=Adv.** лардир. Синоним сифатлар *unbeatable* ва *unconquerable* қуйидаги моделларга эга: **Pref. un+V+suf=Adj; Pref. un+V+suf=Adj; Invincible** (сифат) ва **invincible** (от) омонимликлар қуйидагича умумий омонимларга эгалар: **Pref. in+Adj=Adj; Pref. in+N=N.** Таҳлиллар тўсиқсизлик семасига эга қўшма сўз (от, сифат, феъл) лексемалар нисбатан кам эканлигини кўрсатди. Шунини таъкидлаш лозимки, **noiseproof, sound proof, waterproof, bulletproof** сифатлар, **waterproof** от ва **water proof, bulletproof** феъл сўзларда тўсиқсизлик ҳеч қандай индикаторсиз, имплицит тарзда ифодаланиб, унинг ёрқинлик ва равшанлик даражаси пастдир. Ушбу қўшма сўз лексемалардан **noiseproof** ва **soundproof** синоним, **waterproof** феъл, от, сифат лексемалари турли сўз туркумларига мансуб омоним лексемалардир. Қизиғи шундаки, ушбу синоним ва омоним лексемалар **N+N=Adj.; N+N=V; N+N=N** моделларига эга. Масалан: **waterproof fabric, a soundproof studio, a bulletproof car** ва бошқалар. Бундай қўшма сўзли семалар сўз ясовчи **-er, -ing, -ness** каби суффикслар билан биргаликда қўшма ясама сўзларни юзага келтирадilar: **waterproofing, soundproofer, soundproofing, waterproofer, waterproofness** ва бошқалар. Булар орасида кам бўлсада, уч ўзак сўздан юзага келган қўшма сўзлар ҳам кузатилди: **waterproof watch** (от), **shock absorbent watch** (от). **Shock absorber** ва **shock damper** синоним отлар бўлиб, улар ҳам тўсиқсизликни имплицит тарзда ифодаловчи лексик бирликлар сирасига кирадilar.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига таянган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, тўсиқсизлик концепти ҳар қандай тилда ўзининг содда ва мураккаб таркибли номинатив белгиларига эга. Инглиз тилида ушбу концепт ўзига хос номинатив бирликлар системасига эга бўлиб, тилнинг лексик сатҳига мансуб бирликлар ушбу системадан ўрин олган. Тўсиқсизлик концептига хос қатор белги-хусусиятлар инглиз тилида от, сифат, равиш, феъл каби сўз-репрезентантлар орқали лисоний манзара олади. Бундай лексик бирликларнинг номинатив зичлик ва равшанлик даражаси, коммуникатив жиҳатдан релевантлиги турлича эканлиги мавзуни алоҳида олинган тиллар ҳамда чоғиштирма планда тадқиқ этиш долзарб эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Webster's third New International Dictionary Konemann 1993. – 2806 p.
2. Бабушкин А.П., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика и семасиология монография. Воронеж: ООО «Ритм», 2018. – 229 с.
3. Выготский Л.С. Мышление и речь // Выготский Л.С. Собр. соч. В 6 – ти томах. – М.: Педагогика, 1992 – Т.2. – 502 с.
4. Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. – М.: Наука, 1980. – 238 с.
5. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982.
6. Жинкин Н.И. О кодовых переходах во внутренней речи // Н.И.Жинкин Язык, речь. Творчество. – М.: Лабиринт, 1998. – с. 146 – 162.
7. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., и др. Краткий словарь когнитивных Терминов М., 1996
8. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие для студ. высш учеб. Заведений. – М.: Изд. центр «Академия», 2001. – 208 с.
9. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик Жиззах: «Сангзор» нашриёти, 2006.
10. Юсупов Ў.Қ. Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Қиёсий – чоғиштира, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари Республика илмий – амалий анжумани материаллари Андижон; 2010, 9 – 15.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Панжиева Насиба Нармахматовна

Кандидат филологических наук,
доцент кафедры английского языка и литературы
Термезского государственного университета

ФРЕЙМОВЫЙ АНАЛИЗ СТИЛИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ (НА МАТЕРИАЛЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА)

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена фреймовому анализу стилистических средств в художественном тексте. На современном этапе развития когнитивной лингвистики проблема фрейма и фреймового анализа является одной из её ключевых проблем. В статье структура фрейма, включающаяся два уровня: верхний и нижний уровни, подробно анализируется на примере рассказа С. Моэма «Мистер Всезнайка».

Ключевые слова: когнитивная лингвистика, фрейм, стилистика, слот, субслот, стилистический приём, информация, метафора, антономасия.

Панжиева Насиба Нармахматовна,

филология фанлари номзоди,
Термиз давлат университети инглиз тили
ва адабиёти кафедраси доценти

БАДИИЙ МАТНДАГИ СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ФРЕЙМ ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАТЕРИАЛ БЎЙИЧА)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бадий матндаги стилистик воситаларнинг фрейм (рамка) таҳлилига бағишланган. Когнитив тилшунослик тараққиётининг ҳозирги босқичида кадр ва рамка таҳлили муаммоси унинг асосий муаммоларидан биридир. Мақолада иккита даража: юқори ва қуйи даражаларни ўз ичига олган рамка тузилиши С.Моэмнинг «Ҳаммасини биладиган жаноб» ҳикояси мисолида батафсил таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: когнитив лингвистика, кадр, стилистика, слот, пастки ўрин, стилистик қурилма, ахборот, метафора, антономасия.

Panjieva Nasiba Narmakhmatovna,

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor of the
Department of English Language and Literature of Termiz State University

FRAME ANALYSIS OF STYLISTIC DEVICES IN THE LITERARY TEXT (ON THE MATERIALS OF THE ENGLISH LANGUAGE)

ANNOTATION

The given article deals with frame analysis of stylistic devices in the literary text. At the present stage of development of cognitive linguistics, the problem of frame and frame analysis is one of its key problems. In the article, the structure of the frame, which includes two levels: upper and lower levels, on the example of S. Maugham's story "Mr. Know-All" is analyzed in detail.

Keywords: cognitive linguistics, frame, stylistics, slot, subplot, stylistic device, information, metaphor, antonomasia.

Проблема фрейма и фреймового анализа является одной из ключевых проблем когнитивной лингвистики, о чем свидетельствуют многие исследования [7, 4, 6, 3]. Впервые сам термин фрейма был введен М. Минским, который утверждал, что « фрейм – структура, предназначенная для представления стереотипных ситуаций. Каждый фрейм ассоциируется с различной информацией» [7].

Существует много определений понятия фрейма, который трактуется как:

фрейм как структура знания, часть когнитивной системы человека и фрейм как структура представления знания, инструмент представления когнитивной структуры.

Языковые значения передают лишь часть наших знаний о мире. Основная же доля этих знаний хранится в памяти человека в виде разного рода структур – когнитивных моделей, сценариев, схем, пропозиций и т.д. Так, например, Ф. Джонсон – Лэрд выделяет такие ментальные репрезентации, как “образы (images), пропозиции (Propositions), ментальные модели (mental models), фреймы (frames), пространственные модели (spatial models)” [2.с. 224]. Также Ч.Филлмор под фреймом понимает структуру знаний «составляющую необходимое предварительное условие нашей способности к пониманию связанных между собой слов»[12. с. 224]. Е.Г.Беляевская считает, что путем фреймового анализа можно также описать семантическое значение частей речи» [2.с. 224] .

И.А.Стернин за фрейм принимает гештальт, который участвует в создании целостного представления об объекте.

Одной из основных проблем фреймовой семантики является соотношение фрейма с такими понятиями как когнитивная структура, скрипт, сценарий, пропозиции, схемы, гештальт. В этом плане мы вслед, за Н.Н. Болдыревым рассматриваем фрейм как обобщенный термин, включающий все перечисленные выше когнитивные структуры и определяем эти понятия следующим образом: пропозиция – «наиболее распространенный способ концептуальной организации нашего знания, представляющая собой модель определенной области нашего опыта, в которой вычлняются элементы – аргументы и базовый предикат, связывающий эти аргументы, - даются их характеристики, указываются связи между ними» [3.с. 224]

Гештальт – это структура, элементы которой не могут “существовать вне целого или общее значение которой не может быть выведено из значений ее элементов и того, как они объединяются друг с другом”[13 с. 224] Сценарий или скрипт репрезентируемый языковыми единицами, в значении которых заложена определенная динамика развития событий, схема каких-либо действий.

Итак, фрейм представляет собой концептуальную структуру, содержащую информацию об окружающем нас мире. Передача этой информации происходит посредством языка с помощью отдельных слов, предложений, целых текстов – процесс, который называют активизацией фрейма. Другими словами, за каждой единицей стоит определенная структура знаний, репрезентируемые вышеуказанными когнитивными структурами знаний.

В нашем исследовании предпринята попытка фреймовой интерпретации стилистических явлений, в частности стилистических приемов. Ключевым моментом данной теории является проблема представления знаний во фрейме. Многие ученые близко к понятию фрейм рассматривают понятие концепта, т.к. развитие действий по сценарию фрейма происходит посредством концепта, содержащего определенный смысл.

Как известно, структура фрейма включает два уровня: верхний и нижний уровни, верхний – это само название фрейма, а нижний – это слоты, узлы, терминалы или ячейки, которые содержат данные о конкретной ситуации.

Обратимся к фреймовому анализу рассказа заглавия романа С. Моэма «Mr. Know All», который включает стилистический приём антономасию. Стилистический приём антономасии подразделяется на два типа: имя собственное, используемое в денотативно-понятийном значении и денотативно-понятийное значение, используемое в качестве имени собственного.

В заглавии этого рассказа использована антономасия второго типа, которую можно рассматривать как вершину фрейма. Исходя из содержания всего рассказа, можно выделить узловые компоненты фрейма - слоты:

Основные персонажи рассказа;

впечатление, производимое мистером Всезнайкой («Mr. Know All») на окружающих;

спор по поводу жемчужного ожерелья;

поступок мистера Всезнайки («Mr. Know All»).

Прежде чем перейти к фреймовой интерпретации заглавия данного рассказа, необходимо отметить, что данный фрейм представляет художественный концепт. Проблема художественного концепта и его когнитивного моделирования в последнее время привлекает внимание многих исследователей [С.А. Аскольдов- Алексеев, 1997; И.А. Тарасова, 2004; Карасик, 2004; Е. А. Огнева, 2008].

Следует отметить, что художественный концепт характеризуется наряду с общими присущими этому понятию свойствами, также и определенными отличительными особенностями. Функционируя в художественном тексте, художественный концепт приобретает присущие художественному тексту характеристики: эмотивность, образность, оценочность, концептуальная значимость.

Особенностью художественного концепта является также и то, что в художественном тексте одним из типов художественного концепта является персонажный концепт. В данном рассказе в качестве персонажного концепта выступает «Mr. Know All». Следует отметить, что в названии концепта, являющегося вершиной фрейма с самого начала заложена ироническая коннотация, которая настраивает читателя на определение восприятия данного персонажа.

Мы в соответствии с заданной в заглавии антономасией рассмотрим персонажный концепт «Mr. Know All», которое складывается из эксплицитных и имплицитных субслотов, описывающих его внешность, поступки и действия. Внешность, представлена следующими языковыми репрезентациями: “*Mr. Kelada was short and of a sturdy build, clean-shaven and dark skinned, with a fleshy, hooked nose and very large lustrous and liquid eyes. His long black hair was sleek and curly*”[14].

Приведенные высказывания эксплицитно указывают на восточную внешность персонажа и имплицитно свидетельствуют о негативной характеристике персонажа, утверждающего, что он является британцем до мозга костей (“*British to the backbone, that’s what I am*”[14]).

Следующий субслот характеризует «поведение» «Mr. Know All» на борту корабля, где происходило действие. Целый ряд высказываний характеризует его, как человека чересчур разговорчивого, фамильярного, заядлого спорщика, тщеславного, навязчивого и самоуверенного всезнайки

(“*He spoke with a fluency in which there was **nothing English** and his gestures were **exuberant**”. Mr. Kelada was **chatty**. He talked of New York and San Francisco. He discussed plays, pictures, and politics. Mr. Kelada was **familiar**. I do not wish to put on airs, but I cannot help feeling that it is seemly in a total stranger to put mister before my name when he addresses me. It was impossible to snub him. It never occurred to him that **he was not wanted**. He was certain that you were as glad to see him as he was to see you. He knew everything better than anybody else, and it was an affront to his **overweening vanity** that you should disagree with him. He would not drop a subject, however unimportant, till he had brought you round to **his way of thinking**. The possibility that **he could be mistaken** never occurred to him. He was the chap who knew*”[14]).

В приведенных примерах эксплицитно выражена авторская модальность негативно-оценочного характера с помощью эмоционально-оценочных слов (*nothing English, exuberant, chatty, familiar, he was not wanted, overweening vanity, his way of thinking, he could be mistaken*).

В следующем слоте «Впечатление, производимое мистером Всезнайкой («Mr. Know All») на окружающих», поскольку в данном рассказе повествование ведется от первого лица, можно заключить, что все перечисленные характеристики данного человека производили весьма негативное впечатление на рассказчика, что он сам неоднократно утверждает (“I did not like Mr. Kelada”, “I did not at all like Mr. Kelada” Данная фраза повторяется 3 раза, “In your own house you might have kicked him downstairs and slammed the door in his face without the suspicion dawning on him that he was not a welcome visitor. Более того, это впечатление поддерживалось также и другими персонажами, присутствующими на корабле. (“I felt pretty sure that a closer inspection of that British passport would have betrayed the fact that Mr. Kelada was born under a bluer sky than is generally seen in England”, “He was a good mixer, and in three days knew everyone on board. He ran everything. He managed the sweeps, conducted the auctions, collected money for prizes at the sports, got up quoit and golf matches, organized the concert and arranged the fancy-dress ball. He was everywhere and always. He was certainly the best hated man in the ship. We called him Mr. Know-All, even to his face. He took it as a compliment. But it was at mealtimes that he was most intolerable. For the better part of an hour then he had us at his mercy. He was hearty, jovial, loquacious and argumentative [14]).

Слот «Спор по поводу жемчужного ожерелья» является одним из концептуально-значимых в данном рассказе. Разговор шел о настоящем и искусственном жемчуге, в котором как обычно «Mr. Know All» имел собственное, неоспоримое на его взгляд, мнение. Ожерелье принадлежало, присутствующей на корабле даме, муж которой считал это украшение подделкой. Mr.Know All был убежден в обратном и не сомневался в подлинности дорогостоящего ожерелья.

Следующий слот «Поступок мистера Всезнайки («Mr. Know All»)». Раскрывает персонажный образ с новой, неожиданной стороны. Увидев в глазах женщины испуг, отчаяние за свой обман Mr. Know All, поступившись своей репутацией всезнающего человека, насмешками окружающих отказывается от своего первоначального мнения, тем самым спасая доброе имя женщины. Данный слот имплицитно выражает очень важную для восприятия концептуального содержания текста, авторскую оценку этого персонажа: доброта и благородство души человека. Не случайно рассказ завершается фразой “At that moment I did not entirely dislike Mr. Kelada”, которая, коррелируя с противоположным по смыслу утверждением “I didn’t like Mr.Know All” образует рамочную антитезную конструкцию всего текста.

Таким образом, фреймовая интерпретация художественного концепта, выраженного стилистическим приёмом антономасии является, на наш взгляд, эффективным методом интерпретации художественного текста и свидетельствует о целесообразности использования фреймового анализа в художественном тексте.

Литература:

1. Аскольдов- Алексеев С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. Под ред. В.Н. Нерознака. М.: Academia, 1997. – С. 267 -279
2. Беляевская Е.Г.О характере когнитивных оснований языковых категорий Е.Г. Беляевская // Когнитивные основы языковой категоризации. – Рязань, 2000. – С. 9-14
3. Болдырев Н.Н. Концептуальное пространство когнитивной лингвистики / Н.Н. Болдырев // Вопросы когнитивной лингвистики. – 2004.- № 1. – С. 18-36
4. Дейк Т.А. ван Язык. Познание. Коммуникация / Т.А. ван Дейк; пер. с англ. – М.: Прогресс, 1989.- 312 с.

5. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дикурс: монография / В.И. Карасик. – Волгоград: Перемена, 2002.- 477 с.
6. Кубрякова Е.С. Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи / Е.С. Кубрякова. – М.: Наука, 2011. – 238 с.
7. Минский М. Фреймы для представления знаний / М. Минский. – М.: Энергия, 1979. – 152 с.
8. Огнева Е. А. Концепты-доминанты как информативные конструкты тестовых миров – М.: Эдитус, 2019. – 190 с.
9. Стернин И.А. Методика исследования структуры концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. Воронеж, 2001. С.58-65
10. Тарасова И.А. Фреймовый анализ в исследовании идиостилей / И.А. Тарасова // Филологические науки. – 2004. - №4. – С. 42-49
11. Johnson-Laird: Language and perception. – Cambridge, U.K.: Cambridge University Press, 1976
12. Fillmore Ch. J. Frames and the semantics of understanding / Ch.J. Fillmore // Quaderni di semantics. – 1985. – Vol.6, no.2. – P. 222-254
13. Lakoff G. Women, Fire, and Dangerous Things. What Categories Reveal about the Mind / G.Lakoff. – The University of Chicago Press, 1990. – 186 p.
14. Уильям Сомерсет Моэм. Мистер Всезнайка (lib.ru)




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Юлдашев Фаррух Хакбердиевич,
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Навоий давлат педагогика институти
E-mail: farruxyuldashev621@gmail.com

“САБР” УМУМИЙ МАЪНОЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Тил бирликларини тавсифлаш ва ўрганишда қўлланадиган лексик-семантик категория тилни тизим сифатида идрок этишга, тилдаги лексик элементлар ўртасидаги турли хил алоқа ва муносабатларни тушунишга ёрдам беради. Мазкур мақолада тилшунослигимиздаги “маънавият” умумий маъноли атов бирликлардан бири “сабр” маъновий гуруҳининг семантик таркиби ҳақида фикрлар билдирилган. “Маънавият” лексик категорияси лексик тизим сифатида бир-бири билан боғлиқ. Ушбу лексик категориянинг таркибий қисмлари, ядро ва чегараси, унинг майдон ҳосил қилиши ва парадигматик муносабатлари унинг лексик имкониятларини очишга ҳисса қўшади.

Калит сўз: лексик категория, парадигматик қатор, умумий ва хусусий маъно, маъновий гуруҳ, мавзуй гуруҳ, полесемантик маъно, синтактик алоқа

Юлдашев Фаррух Хакбердиевич,
Доктор философии по филологии (PhD).
Навоийский государственный педагогический институт
Электронная почта: farrukhyuldashev621@gmail.com

СЕМАНТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ ЕДИНИЦ С ОБЩИМ ЗНАЧЕНИЕМ “САБР”

АННОТАЦИЯ

Лексико-семантическая категория, которая используется при описании и изучении языковых единиц, помогает воспринимать язык как систему, понимать различные связи и отношения между лексическими элементами в языке. В данной статье рассматривается семантическая структура смысловой группы «сабр», одного из нарицательных имен «маънавият» в нашем языкознании. Лексическая категория «маънавият» соотносится друг с другом как лексическая система. Компоненты данной лексической категории ядро и граница, ее полеобразование и парадигматические отношения способствуют раскрытию ее лексических возможностей.

Ключевые слова: лексическая категория, парадигматический ряд, общее и частное значение, семантическая группа, тематическая группа, многозначное значение, синтаксическая связь.

Yuldashev Farrukh Hakberdievich,
Doctor of Philosophy in Philology (PhD).
Navoi State Pedagogical Institute
E-mail: farrukhyuldashev621@gmail.com

SEMANTIC CHARACTERISTICS OF NOUN UNITS WITH GENERAL MEANING “САБР”

ABSTRACT

The lexical-semantic category, which is used in the description and study of language units, helps to perceive the language as a system, to understand the various connections and relationships between the lexical elements in the language. This article discusses the semantic structure of the semantic group "sabr", one of the common nouns "ma'naviyat" in our linguistics. The lexical category "ma'naviyat" is related to each other as a lexical system. The components of this lexical category, core and boundary, its field formation and paradigmatic relations contribute to the opening of its lexical possibilities.

Key word: lexical category, paradigmatic series, general and specific meaning, semantic group, thematic group, polysemantic meaning, syntactic connection

“Маънавият” лексик категорияси миллий менталитетимизни акс эттирувчи ва она тилимизда сўзлашувчиларнинг ўзбек тили лисоний манзарасини ташкил этувчи бирлик ҳисобланади ва бундай тушунчаларга маънавиятга оид семантик бирликлар бевосита ва билвосита киради. Жамият вакилларининг тафаккури, дунёқараши маънавиятга оид бирликларнинг турли мавзуй гуруҳларини шакллантиради ва бу ижтимоий мавқега, касбга, ёшга, жинсга, диний қарашларга ва ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади.

“Маънавият” лексик категориясининг концептуал моҳиятини лингвомаънавий ва лингвокогнитив қирралари, мавзуй гуруҳлари ва мазкур гуруҳдаги номинатив бирликларнинг коммуникатив хоссаларини ўрганишнинг заруратини белгилайди. Чунки ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида маънавият (spirituality, духовность) муаммосига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд, луғат ва қўлланмалар чоп этилган[1], бироқ лингвистик йўналишда унинг таркибий қисмлари алоҳида монографик планда ўрганилмаган эди. Шу боисдан “маънавият” лексик категориясини тил тизимида система сифатида ёритиш унинг семантик имкониятларини кенгайтиради. Қуйида маънавият лексик категориясининг ички системасидан бири “сабр” маъновий гуруҳи ҳақида сўз боради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “сабр” лексемасига берилган таърифда “сабр бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш, ўзини тийиш” ҳамда “ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш”[2] маъносини англатади. “Маънавият” лексик категориясининг “сабр” маъновий гуруҳи сабру қарор, сабру тоқат, қаноат, қоне, сабр-бардош, матонат, сабрли, сабрлилик, тўзим, сабр-тоқатли, чидамли, чидам, бардош, ирода, қатъият, тоқат, сабру қарорли, таҳаммул, тўзимли, тоб-тоқат, чидаш, қунт, қунтли, тобу тоқат каби лексик ва контекстуал синонимик қаторини ташкил қилади. “Сабр” лексемасининг юқоридаги лексик ва контекстуал синонимини англатувчи лексемалардаги умумий сема “бардош билан кутиш”, “қаноат қилиш”, “азобларга чидаш” семаси синонимик қаторни бирлаштиради. Бироқ синонимик қатордаги ҳар бир лексеманинг дифференциал семалари кучайганда улар таркибидаги фарқлар сезилади. Хусусан, “сабр ва тоқат”, “сабр-тўзим”, “сабр-қаноат” лексемалари мисолида буни кўриб ўтамыз.

“Маънавият” лексик категориясининг “сабр” маъновий гуруҳига мансуб бўладиган “чидам”, “бардош”, “ирода”, “қатъият” лексемаларинининг дифференциал ва интеграл хусусиятларини қиёсий кўриб ўтамыз. *Сабр* сўзи “чидам”, “бардош”, “ирода”, “қатъият” лексемалари умумий компонентда синонимик муносабатга киришади. Аммо барчаси турли сатҳда хусусий маъно англатиш хусусиятига эга. “Қаноат”, “чидам”,

“бардош”, “тоқат” лексемалари “сабр” маъновий гуруҳининг маъновий қимматини оширишга ва кенгайтиришга асос бўлади. Қуйида “сабр” ва “чидам” синонимик қаторидаги дифференциал ва интеграл семаларини лексик ва синтактик сатҳда намоён бўлишини қиёслаймиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “сабр” лексемаси “чидам”, “бардош”, “ирода”, “қатъият”, “таҳаммул” семалари билан изоҳланган. Унинг маънолари қуйидагича изоҳланган.

1 *Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш.*

2 *Ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш* [3] маъноларини англатган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “чидам” лексемасига “қийинчилик”, “дард”, “алам”, “азоб” ва шу кабиларга “тоқат қила олиш қобилияти” семалари мавжуд. Ушбу лексема қуйидаги таърифлар билан изоҳланган:

1 Тўзим, тоқат, сабр-бардош.

2 Узоқ хизмат қилиш, чидаш хусусияти, пишиқлик, пухталиқ, мустаҳкамлик [3]. Ҳар иккала лексеманинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг қуйида семантик фарқлари юзага келади.

1) “Сабр” ва “чидам” лексемаларининг интеграл семалари “тоқат”, “сабр”, “чидам” бўлса, дифференциал семалари “чидам” лексемасидаги “пишиқлик”, “пухталиқ”, “мустаҳкамлик”, “узоқ хизмат қилиш” семаларининг “сабр” лексемасида мавжуд эмаслигидир.

“Сабр” ва “чидам” лексемаларининг синтагматик муносабатидаги маънолари қуйидаги бирикмаларда кўринади. *Чидамли дарахт, чидамли навлар, чидамли темир.* Бу мисолларни “сабр” лексемаси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки “чидам” лексемасининг “узоқ хизмат қилиш”, “чидаш хусусияти”, “пишиқлик”, “пухталиқ”, “мустаҳкамлик” семалари уни жонли ва жонсиз тушунчалар билан боғлиқ ҳолда бирикмалар ҳосил қилишини таъминлайди.

2) “сабр” лексемаси нарсаларга нисбатан қўлланмайди. Чунки “сабр” лексемасининг “бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш”, “қаноат қилиш”; “ўзини тийиш”, “ғам-кулфат”, “азоб-мусибатларга чидаш”, “тоқат қилиш”, “бардош бериш” семалари шахс маънавий сифатлари билан боғлиқ ҳолда қўлланади.

3) ҳар иккала лексема сўз ясовчи лексемаларни қабул қилганда маъновий муносабатида ўзгариш юз беради. “Чидамсиз” ва “сабрсиз” ясалмалари сўз маъноларининг дифференциал хусусиятларини янада ойдинлаштиради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “чидамсиз” лексемаси қуйидаги полесемантик хусусиятга эга ҳолда таърифланган.

1 Оғрик, дард, қийинчилик ва ш.к. га бардош беролмайдиган, тоқат қилолмайдиган; тўзимсиз. *Чидамсиз бола.*

2 Турли оғир табиий шароитларга чидам бера олмайдиган; нозик. *Совуққа чидамсиз гул*

3 Узоқ хизмат қилмайдиган, чидамайдиган; бўш, жонсиз. *Чидамсиз ип.*

4 Турли шароитда, турли таъсир остида ўз хусусиятларини сақлай олмайдиган. *Кислотага чидамсиз материал*[4].

Биринчи маъносидаги “бардош бераолмаслик” маъноси контекста икки хил маънода қўлланади:

1. Руҳий бардош. 2. Жисмоний бардош;

Иккинчи маъносидаги “чидамсизлик” маъноси “жисмоний чидам” маънога хосланган;

Учинчи маънодаги “чидамсизлик” кўпинча моддий маънога эга тушунчаларга нисбатан қўлланади;

Тўртинчи маъносидаги “чидамсизлик” матнга қараб икки руҳий ва жисмоний маъноларда қўлланади.

4) “Сабр” ва “чидам” лексемаларининг бирлаштирувчи ва фарқли жихатлари барқарор бирикмаларда ҳам яққол акс этади. Хусусан, фразеологик бирикларда ушбу лексемаларнинг хусусиятларини яққол акс этириш мумкин.

ЎТИЛда “сабр косаси тўлмоқ” фразеологик бирлиги “ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмаслик”, “тоқати тоқ бўлмоқ” маъноларини англатади. *Халқнинг сабр косаси тўлди. С. Сиёев, Аваз*[5]. Ушбу луғатнинг бирор ўрнида “чидам косаси” бирикмаси йўқ ва мазмунун бирикиши услубий хато. “Сабр косаси тўлмоқ” ибораси руҳий ҳолат билан боғлиқ жараёни билдиради.

Структур жихатидан қўшма феъл, ибора шаклидаги “сабр қилмоқ” бирикмаси “тоқат”, “чидам билан кутмоқ” семалари билан ҳам руҳий ҳам моддий маънога эга. Буни халқ мақолларидаги изоҳидан ҳам англаш мумкин. *Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар, Сабрсизлар ўз оғзидан йитар. Мақол. Замонага қараб, яна тўрт-беш йил сабр қилиш зарур бўлиб қолди. А. Қахҳор, Асарлар.*

“Сабри чидамаслик” ва “юзи чидамаслик” бирикмалари “сабр қилолмаслик” семалари билан бирикади, бироқ икки хил мазмун моҳиятга эга. *Бир оз орқамни ўгириб, индамай ётдим, у ҳам чурқ этмади. Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим. Ойдин, Ҳикоялар. Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришига сабри чидамай, идорадан чиқди. О.Ёқубов, Эр бошига иштушса*[6].

Бу мисоллардан кўринидаки “сабри чидамаслик” инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳаракатларига, кўпинча, жисмоний ҳаракатларига тегишли бўлади. “Юзи чидамаслик” шахс маънавий сифатлари билан боғлиқ, “ор-номус”, “виждон”, “номус” семалари билан “маънавият” умумий семали атов бирикларнинг “виждон” маъновий гуруҳига тегишли бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “маънавият” лексик категориясининг маъновий гуруҳларига тегишли бўлган синонимик қатор бирикмаларининг дифференциал ва интеграл семалари қуйидаги жихатларга боғлиқ[7].

биринчидан, ҳар бир лексеманинг қўлланиш ўрни ва маъно муносабатлари мавжуд бўлади. Уларнинг қўлланиши матнда конкретлашади.

иккинчидан, сўз маъноларининг интеграл хусусиятларида “маънавият” категориясининг лексик чегараси муҳим асосий аҳамият касб этади. Лексемалар чегарани аниқлаб олиш “маънавият” категориясининг маъновий гуруҳлар таркиби ва маъновий гуруҳнинг семалари йиғиндисига мос ёки мос эмаслигига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизхўжаев А. А. Давлатчилик ва маънавият. –Тошкент: “Шарқ” НМАК, 1997.– 240 б.
2. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. –Тошкент: Ислон университети, 2000. –360 б.
3. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 192 б.
4. Қаршибоев М. Бунёдкор халқ ғояси. –Тошкент: Маънавият, 2001. –270 б.
5. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 140.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 411
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. 3. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. –Б.411
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 528.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 480
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 528.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 479.
12. Юлдашев Ф. Ўзбек тилининг “маънавият” лексик-семантик категорияси “эътиқод” маъновий гуруҳи атов бирликлари тизими”: Филол. фан. бўйича фалс. .докт.(PhD)... дисс. автореф. – Термиз, 2021. – 17 б.




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Салимжон Ганиев,
Козоғистон Республикаси
Ж.Ташенев номли университет ўқитувчиси
Хулкар Хамроева,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
доценти, филология фанлари доктори (DSc)

ИЖОДКОРНИНГ ИФОДА УСЛУБИ
(Минхожиддин Мирзо асарлари мисолида)

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Замонавий тилшуносликнинг лингвостилистика ва лингвопоэтика йўналишларида муайян иждоқорнинг бадий асар яратишда қўллайдиган ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган лисоний усул ва воситаларининг мураккаб тизими сифатида тавсифланаётган идиостил атамаси фаол қўлланила бошлади. У лингвистик атама сифатида индивидуал услуб (стиль) бирикмасининг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Шунингдек, муаллифнинг сўз танлаш, сўз қўллаш маҳорати, тилдан фойдаланиш хусусиятларини ўз ичига олган услубнинг асл маъносини ифода этади. Мазкур мақолада иждоқор услубининг ўзига хос жиҳатлари, ифода тарзининг шахсият белгилари билан боғлиқлиги, шакл ва мазмун муштараклигининг индивидуал омиллари таниқли шоир ва таржимон Минхожиддин Мирзо шеърини мисолида тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: ифода йўсини, идиостил, услубий маҳорат, бадий нутқ, интертекстуал шакл, ўхшатиш, сема, поэтик кўчим.

Салимжан Ганиев,
Республика Казахстан
Преподаватель вуза им.Ж.Ташенева
Хулкар Хамроева,
Государственная академия хореографии Узбекистана
доцент, доктор филологических наук (д.ф.н.)

СОЗДАТЕЛЬСКИЙ СТИЛЬ ВЫРАЖЕНИЯ
(На примере произведений Минходедина Мирзо)

АННОТАЦИЯ

В направлениях лингвистики и лингвопоэтики современного языкознания стал активно использоваться термин идиостиль, который характеризуют как сложную систему уникальных, неповторимых языковых приемов и средств, используемых определенным художником при создании художественного произведения. Как лингвистический термин представляет собой укороченную форму сочетания индивидуального стиля (стиля). Он также выражает истинное

значение стиля, включающее в себя авторский выбор слов, мастерство употребления слов, особенности употребления языка. В данной статье на примере поэзии известного поэта и переводчика Минходжиддина Мирзы изучены особенности стиля художника, связь стиля выражения с чертами личности, отдельные факторы общности формы и содержания.

Ключевые слова: способ выражения, идиостиль, стилистическое мастерство, художественная речь, интертекстуальная форма, сравнение, сема, поэтический перенос.

Salimjon Ganiev,

Republic of Kazakhstan

A university teacher named after J.Tashenev

Hulkar Hamroeva,

State Academy of Choreography of Uzbekistan

Associate Professor, Doctor of Philological Sciences (DSc)

CREATOR'S STYLE OF EXPRESSION

(In the example of the works of Minhojeddin Mirzo)

ABSTRACT

In the areas of linguistics and linguopoetics of modern linguistics, the term idiostyle has been actively used, which is characterized as a complex system of unique, inimitable language techniques and means used by a certain artist when creating a work of art. As a linguistic term, it is a shortened form of a combination of an individual style (style). It also expresses the true meaning of style, which includes the author's choice of words, the mastery of the use of words, the peculiarities of the use of language. In this article, on the example of the poetry of the famous poet and translator Minkhojiddin Mirza, the features of the artist's style, the relationship of the style of expression with personality traits, and individual factors of the commonality of form and content are studied.

Key words: way of expression, idiostyle, stylistic skill, artistic speech, intertextual form, comparison, seme, poetic transfer.

Бирор тилнинг умуммиллий адабий тил даражасига кўтарилиши ва ривожланиши, халқнинг миллий онги, тафаккури, дунёқараши ва маданиятининг шаклланиши ҳамда тараққий этишида бадий адабиётнинг ўрни бекиёсдир. Чунки адабий тилнинг ривожини учун бадий адабиёт тили энг бой манба бўлиб хизмат қилади. Адабий тилнинг серкирра имкониятларини янада кенгроқ очиш, сўзнинг янгидан-янги маъно қирраларини кашф этиш, сўз бойлигидан унумли ва самарали фойдаланишда сўз санъаткорларининг алоҳида хизматларини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан маҳоратли адиб ва шоирларнинг асарлари тилини ва ижодий услубининг ўзига хос жиҳатларини лингвистик аспектда ўрганиш ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган.

А.Пешковский стилистик тадқиқотлар хусусида фикр юритар экан, ижодкор услубининг шаклланиши ва уни тадқиқ қилиш масаласида стилистиканинг назарий курси ҳақида эмас, фақат услубий маҳоратни ривожлантириш борасида фикр юритиш кераклигига урғу беради: “Оддий адабий саводхонлик – бу ҳали пишиб етилган услубий ҳашамат эмас. Бадий нутқ маҳорати ҳақида гапирганда, муайян ижодкорга хос синтактик ифода усули ва сўз бойлигининг стилистик томонини умумадабий тил имкониятларидан фарқлаб ажратиш жуда қийин. Услубий маҳорат, асосан, бошқалар ижодини услубий жиҳатдан кузатиш ва эксперимент орқали ривожланади. Бола катталар нутқини тушуниши, уқиши орқали гапиришни ўрганганидек, ижодкор ҳам ўз хусусий услубига фақат ўзгалар услубини тушуниш, уқиш орқали эга бўлади. Шунинг учун мен услубни ўрганишда “матннинг чуқурлаштирилган услубий таҳлили”ни асосий ўринга қўяман.”

Кейинги йилларда лингвостилистика ва лингвопоэтика йўналишларида муайян ижодкорнинг бадий асар яратишда қўллайдиган ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган лисоний усул ва воситаларининг мураккаб тизими сифатида тавсифланаётган “идиостил”

атамаси фаол қўлланила бошлади. "...идиостил лингвистик атама сифатида индивидуал услуб (стиль) бирикмасининг қискартирилган шакли бўлиб, бирор - бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш хусусиятларини ўз ичига олган услубнинг ўзига хос комплекси маъносини ифода этади. Мазкур атама бадий асар таҳлиliga бағишланган илмий ишларда қўлланиб, нутқ муаллифининг бетакрор ва ноёб услуби маъносида ишлатилиб, бошқа муаллифлар услубидан кескин фарқ қилувчи сўз танлаш маҳорати ва фикрни етказиш услуби маъносини ўз ичига олади."

Таниқли шоир Минҳожиддин Мирзонинг "Соҳибқирон ёғдуси" маърифий достони ўсиб келаётган ёш авлодга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи асар сифатида замонавий темуршуносликда ўзига хос ҳодиса бўлди. Маълумки, жаҳоннинг энг машҳур шарқшунос-мозийшунос олимлари ва адиблари Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларига, илм-фан, санъат ва маданиятга эътибори ва ҳомийлигига, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қардошлик алоқаларини ўрнатишдек буюк хизматларига юксак баҳо берганлар. Зеро, "Ҳар бир миллий адабиёт Темур образини ўз мафкуравий ва маданий мақсадларига мос тарзда яратади.". Достонда биринчи марта халқимиз даҳосининг тимсоли, буюк саркарда, ватанпарвар аллома, миллатимиз фахри Амир Темур ҳазратлари қаламига мансуб "Темур тузуклари" асаридаги ҳикматларнинг шеърий талқин қилинган. Асар тилининг равонлиги, ўзига хос композицион қурилиши, тарих воқеаларининг реал ва жонли тасвирлари билан ўқувчи эътиборини тортади. Муаллиф адолатпеша ҳукмдорнинг ўта мураккаб, зиддиятларга тўла қиёфасини чизишда, ўша даврга хос тарихий-ҳаётий манзараларни жонлантиришда ташбеҳлар, тасвирий воситалар ва бадий санъатлардан унумли фойдаланади. Олимларнинг фикрича, "Бадий адабиёт стилистикасининг ядроси бадий адабиётнинг тил услубини тадқиқ қилувчи лингвистик стилистикадир". Шоир бадий тил воситасида асардаги асосий фикр, тушунчани ифодалабгина қолмай, балки достоннинг образлигини ҳам таъминлайди. Миллий ўзлик туйғуси ва қадриятлар билан уйғунлашган сержило бадий нутқ ўқувчи руҳиятига кучли таъсир этади, унда у ёки бу воқеа, ҳолатга нисбатан ўзига хос ҳиссиёт уйғотади. Хусусан, ўқувчилар нутқини ўстиришда Ватанимиз ўтмиши, Соҳибқирон Амир Темур каби буюк аждодларимиз ҳақида маълумот берувчи бадий матнлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Бадий асарда муаллиф нутқи ва персонаж нутқи масаласи, одатда, насрий асарларга тегишли хусусият деб қаралади. Бироқ, лиро-эпик жанр ҳисобланган достон ва шеърий драмаларда баён услубининг ҳам лисоний жиҳатларини ўрганиш талаб этилади. Минҳожиддин Мирзонинг "Соғинч салтанати" бадиасида баён қилувчи қисман шоирнинг ўзи бўлса, кечинмаларнинг кульминацион ифодалари Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилидан баён қилинар экан, икки хил усулнинг қоришиқ услуби шакллантирилган.

"Қайғу гули" достонининг баён услуби эса тамоман ўзгача. Достонда ўй-кечинмалар ровийдан ташқари персонажлар нутқи орқали ҳам баён қилинади. Унда воқелик ва чуқур фалсафий кечинмалар *фаршталар*, *иблис* каби мифологик қаҳрамонлар ва *шоир* нутқи орқали сиздирилади. Шунингдек, *Бобораҳим Машираб*дек Оллоҳ ошиғининг ўтли мисралари интертекстуал шаклда асар руҳига сингдирилган. Асар баён услубининг яна бир оригинал жиҳати шундаки, *реал воқелик* ва *туш* ҳодисаси ҳамда *лирик қаҳрамон* ва *шоир* образи ўзаро қоришиб кетган эмоционал психологик жараён тасвири ўқувчини ўзига тортади ва кучли эстетик завқ беради, адресат кечинмаларига таъсир кўрсатади. Бундай жозибадор услуб шоирнинг ўзига хос маҳоратидан дарак беради.

Бадий ғоянинг намоён бўлиш тамойиллари шоирнинг шаклий-услубий изланиши, поэтик ифода йўсинида персонажлар нутқига сингдириб юборилган. Бадий асарга хос тил бирликларида оддий ахборот узатишдан ташқари стилистик қатлам, яъни эмоционал-экспрессив бўёқдорлик, перцептив мақсад, ўзига хос ранг-баранглик кўзда тутилади. Таниқли тилшунос олим И.Қўчқортоев тўғри таъкидлаганидек, "Ўзбек адабиёти тилини ўрганиш ёзувчиларнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини очишдагина эмас, шу билан бир қаторда ўзбек адабий тили таракқиётининг йўлларини аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эга". Зеро, бадий асарда қўлланган ибора ва жумлалар бирор нарса, ҳодисаларни баён этибгина қолмай, айна

пайтда улардан сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳоси, муносабати ҳам англашилади. Воқеликка нисбатан сўзловчи томонидан ижобий ёки салбий муносабат қайтарзда билдирилиши ижодкорнинг ўзига хос услубий ёндашувига боғлиқ, албатта.

Шоирнинг “Қайғу гули” достонида инсон ҳаётининг макон ва замонда кечаётган бадий талқини шоирнинг тафаккур кўлами призмасидан ўтказилиб, давр руҳияти ва унга нисбатан ижодкор муносабатининг қоришиқ ифодаси тарзида тақдим қилинган. Ҳаётининг заминга қурилган асар алоҳида таъсир кучи ва қудратига эга бўлади. Рауф Парфининг фикрича, “Умидли шоир Минҳожиддин Мирзонинг “Қайғу гули асари руҳоний тарихимизга бир назар, уни сўз билан ифодалашга интилишнинг бир мевасидир”. Муаллиф Бобораҳим Машрабдек ноёб шоир, мураккаб шахс руҳий оламидаги эврилишларни ғоят теран тасвирлаб беради. Бу тасвирлар Минҳожиддин Мирзонинг инсон қалби қаърига чуқур кириб бора олиши ва ундаги зиддиятлар, ранг-баранг психологик ҳолатларни ҳаққоний бадий таҳлил эта олажагини намён қилади. Инсоният табиатидаги замонавий оғишлар, қадриятлардан узоқлашиш фожеаси иблис тилидан баён қилиниши ижодкорнинг оригинал топилмасидир. Шу тариқа, инсоният жамиятида рўй бераётган қора қилмишлар борасидаги фалсафий фикр-мушоҳадалар *иблис, фаришта ва шоир* образлари ўртасидаги мувоҳаса орқали баён қилинади:

Иблис

Эҳтимол,
 Эҳтимол, сўзларинг ҳақдур,
 Ха, балким камина буткул ноҳақдур.
 Кўрсатар барчасин келажак - тақдир.
 Лек тушун, бир замон инсонни авраш
 Ва йўлдан оздириш мушкул иш эди.
 Кўрдинг-ку энди-чи улар эзгулик
 Улашган соҳиблар бошларин еди.
 Заминга боқкил сен, айт ўзинг чин сўз,
 Наҳот алар ичра комиллари бор?
 Бу кун бир орифни кашф этар бўлса,
 Албатта эрта кун тикажаклар дор...

Шоир

Маъюс ўйга тўлар яшил фаришта.

Фаришта

Иблиснинг қўли бор ҳамма, ҳар ишда,
 Лек унинг сўзларин кўпи чин, афсус.. (“Қайғу гули” достонидан)

Т.Бутунбоева тўғри таърифлаганидек, “Минҳожиддин Мирзо ўз шеърларида баён қилинаётган воқеликка нисбатан адресантнинг субъектив муносабатини ифодалашда бадий мазмуннинг оригинал бўлишига эришиш учун янгича ифода усуллари топишга интилади”. Шоир ижодида табиатнинг инжа товланишлари тасвири етакчи хусусиятларлардан бири ҳисобланади. Руҳий кечинмалар, кўнгил эврилишлари, лирик қаҳрамоннинг воқеликка муносабати ҳам пейзаж фонида очиқ берилди.

Ватан ранги

Укамдай силадим яшил майсани,
 Синглимдай суйдим мен қизғалдоқларни.
 Отамдай чинорга қараб бўйладим,
 Меҳри боғ онамдай кездим боғларни.
 Тоғларинг кўнглимда тиклади ғурур,
 Сувларинг қалбимнинг ювди зангини.
 Ҳатто чумолилар тилида шукур,
 Мен шундай англадим Ватан рангини...

Булар оддийгина табиат тасвири эмас, ҳар бир деталнинг ўз “юки”, ўз маъносига қўшимча тарзда ифодаловчи прагматик мазмуни бор. Табиат элементлари билан қаҳрамонлар

ҳис – туйғулари ва кечинмаларининг уйғунлашиб кетиши ўқувчи кайфиятига эмотив таъсир кўрсатади.

Укамдай силадим яшил майсани- ватаннинг майсаси ҳам беозор, укадай дилга яқин, кадрдон;

Синглимдай суйдим мен қизгалдоқларни – қизгалдоқлар сингилдай нафис, эҳтиётлаб муомала қилиш керак;

Отамдай чинорга қараб бўйладим – чинорларинг отамдай қадди баланд, кадри баланд;

Меҳри боғ онамдай кездим боғларни – боғларинг онамдай саховатли, серфайз;

Тоғларинг кўнглимда тиклади гурур – сенда яшаётганимдан тоғларингдай гурур туяман;

Сувларинг қалбимнинг ювди зангини – сувларинг шундай тиниқ, зилолки, қалб губорларини ҳам ювиб юборади;

Ҳатто чумолилар тилида шукур – ризқини териб юрган “ўзимизнинг” жонсарак чумолилар ҳам ватандан мамнун.

Бундай ифодаларни топа олган шоирнинг ютуғи шундаки, у ҳар бир ўхшатиш эталонидаги ўхшатиш асоси бўлган марказий семани тилга олмайди-да, унга ишора қилади. Масалан, *кадрдон ука* – *кадрдон майса*, *нафис сингил* – *нафис қизгалдоқ*.

Бошқа бир мавзу – инсониятнинг ўзидай кўҳна муҳаббат армони ҳам табиат образи фонида хазин оҳанг яратади:

Кўнглимга ёғилди ишқ **хазон**лари,

Кунларим тун қилди ёрнинг **хол**лари.

Яна ўша ўхшатиш ва метафора оралиғидаги ишора усули қўлланган.

Хазон лексемасида *куз*, *саргайган барглар*, *тўкилган барглар*, *барглар ҳаётининг интиҳоси*, *яқуни* семалари мавжуд бўлиб, *хазон бўлмоқ* ибораси кўчма маънода *йўқ бўлмоқ*, *маҳв бўлмоқ* маъноларида поэтик кўчим сифатида кенг қўлланилади. Шоир *ишқим хазон бўлди* тарзидаги оддий ифода ўрнига

Кўнглимга ёғилди ишқ хазонлари жумласи орқали ҳолатни янада бўрттириб, экспессивлигини кучайтириб тасвирлайди. Бунда *ёғилди* феъли ҳам жуда ўринли қўлланиб, туйғулар шиддатини янада оширишга эришган.

Тун ҳам қора, ёрнинг холи ҳам қора. Шоир *ёрнинг холи тундай қора* маъносини *Кунларим тун қилди ёрнинг холлари* жумласида ишора орқали шакллантиради.

Мажнунтол – ўзининг чиройли шакл-у шамойили, кўзни қувонтирадиган манзараси, оромбахш соя-салқини билан ўзбек менталитетида миллий табиатимизга мос юмшоқликни ифодаловчи манзарали дарахт сифатида кадрланади. Поэтик образ сифатида ҳам шоирлар томонидан кўп қўлланган.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим. (Миртемир)

Эгик новдаларин попуқ-ла бежаб,

Беланчакка маҳтал яна мажнунтол. (Саида Зуннунова)

Энди юрагимда маъюс силкинар,

Бу ўксик кўнглимнинг **мажнунтол**лари. (Минҳожиддин Мирзо)

Уч ижодкорнинг мисраларида *мажнунтол* образи шоирлар шахсияти ва руҳиятига мос равишда уч хил талқин қилинади.

1) Сокин табиатли, ҳаёт аччиқ-чучукларини тотган хокисор Миртемир нигоҳида мажнунтол кўнглига таскин, хотиржамлик берувчи восита.

2) Қалби оналик меҳри билан лиммо-лим аёл ижодкор Саида Зуннунова учун мажнунтол беланчак илиш мумкин бўлган соя берувчи дарахт.

3) Минҳожиддин Мирзонинг ошиқ лирик қаҳрамони кечинмаларида муҳаббат ва ҳижрон изтироблари қалбига чуқур ўрнашган сокин мажнунтол тимсолида “маъюс силкинади”.

Ижодкор маҳоратини белгилашда унинг тил унсурларидан фойдаланиш борасидаги салоҳияти муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд бадиий тасвир воситаларини ўрганиш шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини кўрсатиш

имконини беради. Минхожиддин Мирзонинг ўзига хос услуби асарларида ўтмиш воқелигини ҳаққоний тасвирлашида, халқ руҳиятини чуқур ҳис этиши ва барча бадиий воситаларни, жанр ва шакл имкониятларини, она тилининг ички маънодорлигини, сўз ўйинларини, инжа ташбеҳларини ўз ғоявий ниятини мукамал, жозибали ва таъсирли ифодалаб беришида тўлиқ намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдупаттоев М. Идиостил – муаллифнинг окказионал ўзига хослиги // “Истиқлол даври ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари” Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: 2021.
2. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Тошкент, 1966.
3. Бутунбаева Т. Замонавий назмий дискурда индивидуалликни таъминловчи лисоний воситалар (Аъзам Ўктам ва Минхожиддин Мирзо шеърини мисолида). Фил.фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. Самарқанд.:2021.
4. Кароматов Х.С. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло “Тамерлан Великий”. Дисс. канд. филол. н. Т., 1990. -С.84.
5. Миртемир. Танланган асарлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
6. Зуннунова С. Танланган асарлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
7. Парфи Р. “Қайғу гули” достони ҳақида. Гуллаш пайти келди, боғларим. Т.: ”Тафаккур” нашриёти, 2015.
8. Мирзо М. Соҳибқирон ёғдуси. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи., 2016.
9. Озеров Л. Работа поэта. М.: “Прогресс”, 1968.
10. Пешковский А. Вопросы методики родного языка лингвистики и стилистики. - М.; Л.: Госиздат, 1930.
11. Степанов А.В. Основные понятия стилистики. М.: МГУ, 1966.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART
SPECIAL ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000